

P2
n-25



К. ПАУСТОВСКИЙ
**ОЛТИН
ГУЛ**



Б Е Б А Ҳ О Ч А Н Г

Парижлик фаррош Жан Шамет қиссасини қандай билиб олганимни ҳеч эслаёлмайман. Шамет ўз маҳалласидаги ҳунармандларнинг устахоналарини супуриб-сириб, тирикчилик ўтказарди.

Шамет шаҳар чеккасидаги кулбада истиқомат киларди. Бу жойни батафсил таъриф қиласиган бўлсақ, китобхонни ҳикоянинг асосий йўналишидан узоклаштириб юбориш мумкин, албатта. Бироқ Парижнинг чекка жойларида қадимий қалъаларнинг кўтармалари сақланаб қолганини эслатишнинг ўзи кифоя. Чунки ҳикоядаги воқеа содир бўлган кезларда кўтармаларни учқат ва дўлана дараҳтлари коплаган, уларга қушлар ин кўйганди.

Фаррошнинг кулбаси шимол томондаги қалъа кўтармасининг этагида бўлиб, тунукасозлар, этикдўзлар, памирос қолдиқларини тўпловчилар ва гадоларнинг бошпаналари категорида эди.

Мабодо, Мопассан ана шу вайроналарда турувчилар ҳаётига қизикқанида эди, яна бир қанча ажойиб ҳикоялар яратган бўлур эди. Турган гапки, бу ҳикоялар унинг барқарор шуҳрати тожига янги безаклар бўлиб қўшиларди.

Мұсылмандардың, бу томонларға изқуварлардан бўлак ҳеч ким оёқ босмасди. Улар ҳам ўғирланган буюмларни қидирған пайтларидагина бу тарафларга келишарди.

Қўни-қўшиларнинг Шаметга «Қизилиштон» деб лақаб қўйғанларига Караганда, у озғин, қирра бурун ва күшларнинг пўпагига ўхшаган сочи шляпаси остидан доимо пахмайиб чиқиб турган бўлса керак.

Жан Шаметнинг кўкрагига шамол теккан кунлар ҳам бўлганди. У Мексика уруши кезларида «Қичик Наполеон»нинг армиясида солдат бўйларини хизмат қилганди.

Ушанда Шаметнинг иши ўнгидан келди. Вера-Круслада у қора безгакка чалинди. Шундан кейин ҳали бир марта ҳам росмана отишма овозини эшитмаган бетоб солдатни ватанига қайтариб юборишиди. Полк командири бундан фойдаланиб, Шаметга саккиз яшар қизчаси Сюзанини Францияга ола кетишни топширди.

Командир сўққабош бўлганидан қизчасини ўзи билан олиб юришга мажбур эди. Аммо бу гал у қизчасини ўзидан айириб, уни Руандаги синглисинганини жўнатишга аҳд қилди. Мексиканинг иклими европалик болаларга хатарли эди. Бунинг устига, алғов-далғов партизанлар уруши ҳам бошга кўп кутимаган таҳликалар солиб турар эди.

Шамет Францияга Атлантик океан орқали қайтар экан, ҳавода олов сели жимирилаб туради. Қизча эртадан кечгача чурқ этмасди. Ҳатто океанинг мойли сувидан чарх уриб чиққан баликларга ҳам ўйчан тикилар, чеҳраси очилмасди.

Шамет қўлидан келганча Сюзанининг кўнглини овламоқчи бўларди. У қизчага фақат меҳрибонлик қилиш эмас, балки уни эркалатиб туриш кераклигини ҳам тушунарди, албатта: Бирок мустамлака полки солдатининг қўлидан нима ҳам келарди, дейсиз? Қизчани қан-

дай қилиб овутсии? У билан соққа ташлаш ўйнасинми? Ё казармада айтиладиган беўхшов ашулалари билан кўнглини очсиими?

Ҳар қалай узоқ вақт жим кетиб бўлмасди. Шамет ҳар гал қизча томонга ўгирилганида, унинг ажабланиб тикилиб турганини пайқарди. Шундан кейин у ниҳоят дадилланиб, қизчага ўз ҳаётидан бесёнакай қилиб бўлса ҳам гапириб беришга аҳд қилди. Ўшандада Ламанш кирғоғидаги балиқчилар шаҳарчасининг ипидан-игнаси-гача гапириб чиқди. Ҳар кумлар, тошқиндан кейин қоладиган кўлмаклар, қўнғирори дарз кетган қишлоқ бут-хонаси, қўни-қўшиларини жигилдон қайнашдан қут-қарадиган онасини ҳам қўшиб кетди.

Шамет ана шу хотираларини сўзларкан, Сюзаннага хуш келадиган бирорта кулгили гап тополмади. Қизча бўлса аксинча бу ҳикояларни жон кулоги билан тинглар ва ҳатто ёнига қўшиб-чатиб қайтадан айтиб беришни талаб қиласди.

Шамет бошидан кечирган воқеалардан зўр бериб янги тафсилотлар изларди. У ниҳоят бошидан айтарли ҳизиқарли воқеалар кечирмаганига ишонч ҳосил қилди. Чунки унинг гаплари чинакам хотиралар эмас, балки хотираларининг кўланкаси эди. Булар бамисоли туман арралариdek хаёлидан кўтарилиб борарди. Тўғрироғи, бир кунмас-бир кун ҳаётидаги бу ўткинчи даврни фикран конлантиражаги Шаметнинг тушига ҳам кирмаганди.

Бир куни олтин гул ҳақидаги ҳикоя хаёлида эс-эс конланди. Корамтири тилладан ясалган ва кекса балиқим аёл уйидаги бутга илинган бу ўхшовсиз гулни ё Ша-шет ўз кўзи билан кўрган, ё бўлмаса бу гул ҳақидаги ҳикояларни одамлардан эшиганди.

Йўқ, бир куни у бу гулни кўрган эди чамаси. Ўшандада во булут, бўғоз устида қора довул авж қилаётган бўл-ҳам, олтин гул ярақлаб тургани хаёлига келди. Ша-

мет буни ўйлаган сари гул қандай ярақлаганини тобора аник тасаввур қилас, ўшанда уйининг пастак шифти тагида бамисоли чўф яллигидай кўринганди.

Шаҳарчадагиларнинг ҳаммаси кампирнинг бу қиммат баҳо буюмини сотмаётганидан ҳайрон бўларди. Сотса бир нарсали бўлиб қоларди, албатта. Ёлғиз Шаметнинг онасигина, бу гулни сотиш гуноҳ, дер, нега деганда уни кампирга севгилиси «бахтли бўлгин» деб инъом қилган экан. Кампир у пайтларда хушчақчак қиз бўлиб, Одъернедаги сардин фабрикасида ишларкан.

— Бунақа олтин гуллар камдан-кам топилади,— дерди Шаметнинг онаси.— Аммо уйида бундай гули бор одамлар, албатта баҳтли бўлишади. Фақат гул эгаларигина эмас, унга қўли текканлар ҳам баҳтга етишади.

Шамет кичкиналигига, кампир қачон баҳтли бўларкин, деб пойлагани пойлаганди. Аммо баҳтдан мутлақо дарак йўқ эди. Кампирнинг уйи шамолда қисирлагани қисирлаган, окшомлари унда чироқ ёнмасди.

Шамет кампир тақдиридаги ўзгаришни кўролмай, ахийри шаҳарчадан кетиб қолди. Фақат орадан бир йил ўтгач, почта пароходида гўлах бўлиб ишлайдиган таниши, Гаврда, кампирнинг олдига Париждан рассом ўғли — серсоқол, хушчақчак ва тентакнамо киши тўсатдан кириб келганлигини айтиб берди. Шундан кейин одамлар кампирнинг кулбасини таниёлмай колишибди. Шодхуррамлик ва фаровонлик унга қиё бокибди. Одамларнинг гапига қараганда, рассомлар чизган суратларига кўп пул олишаркан.

Бир куни Шамет темир тароғи билан палубада Сюзаннанинг шамолда тўзиган соchlарини тараб ўтираскан, қизча:

— Жан, менга олтин гул ҳадя қиладиган одам бормикин?— деб сўраб қолди.

— Нега ҳадя қилмасин,— жавоб берди Шамет.—

Сенга ҳам, Сузи, бирорта тентак топилиб қолар. Ротамизда битта килтириқ солдат бўларди. Ўшанинг жуда омади келарди-да. Бир куни жанг майдонидан синган бўлсаям тилла тиш топиб олса-я. Ўшани сотиб, пулига бутун рота ичдик. Бу Аннам уруши пайтида бўлган эди. Тўпчиларимиз кайфда шўхлик қилиб, мортира ота бошлишувди, снаряд ўчган вулқонга тушган экан, портлаб, вулқон қайтадан тутаб, отила бошлиди. Бу вулқоннинг оти нималигини ким билади дейсан! Менимча, оти Крако-Така бўлса керак. Ўзиям роса отилди-е! Ўша ерли кора халқдан қиркласи ўлди. Буни қара, битта эски жағтиши деб шунча одам нобуд бўлди-я! Қейин билсак, тишини полковнигимиз ўйқотиб кўйган экан. Албатта, ишни бости-бости қилиб юборишиди. Негаки, армиянинг обруси ҳамма нарсадан баланд турари-да. Ўзиям ўшанда роса тортгандик-да.

— Қаерда? — сўради Сузи гумонсираб.

— Аннамда дедим-ку. Ҳинди-Хитойда. У ерда океан жаҳаннам сингари ёниб турари, медузалар бўлса раккосаларнинг тўр юбкасининг ўзи деявер. Шунақангги намгарчилик бўладики, бир кечада этигимизни замбуруғ бойлаб қоларди! Агар ёлғон гапираётган бўлсам, осилиб ўлай!

Бу воқеагача Шамет солдатларнинг ёлғон-яшиқ гапларини кўп эшигтан бўлса ҳам, бирорга ҳеч ёлғон гапирмаганди. У ёлғонни уқувсизлигидан эмас, балки унга ҳожат йўқлигидан ишлатмасди. Ҳозир эса Сюзаннанинг кўнглини очишни ўзининг муқаддас бурчи санарди.

Шамет қизчани Руанга келтириб, уни заҳил юзли, индамас ва новча хотин — Сюзаннанинг аммасига топширди. Кампир устига шиша мунчоқли кўйлак кийганидан чипор илонга ўхшаб кетарди.

Кизча унга кўзи тушиши билан Шаметнинг офтобда униккан шинелига ёпишиб олди.

— Майли! — Шамет шивирлаб шундай деди-да, Сюзаннанинг елкасидан сал итарди. — Такдиримизда нима бўлса шуни кўрамиз. Бардош қил, Сузи, солдат қизи!

Шамет кетди. У ҳатто пардаларига ҳам шамол тегмайдиган кўримсизгина уйнинг деразаларига қарай-қарай борарди. Жин кўчалардаги дўконлардан соатларнинг тақ-тук овози эшитилиб турарди. Шаметнинг қопчиғида Сузидан ёдгорлик бўлган буюм — сочга тақадиган қўқ лентаси ғижимланиб ётарди. Бу лента гўё бинафша солинган саватчада узоқ ётгандай шундай хушбўй ҳидтаратардики, асти қўяверасиз.

Мексика безгаги Шаметнинг силласини қуритди. Уни армиядан сержант унвони бермай бўшатиб юборишиди. Шамет оддий аскарлигича гражданлик ҳаётига қайтди.

Ииллар муҳтожликда бирдай ўтаверди. Шамет жуда кўп бўлмагур қасбларни қилиб кўрди, ниҳоят Парижда фаррошлик қила бошлади. Шу-шу каерда бўлмасин димоғига чанг ва ювинди ҳиди урадиган бўлиб қолди. У бу ҳидни ҳатто Сена томондан эсаётган енгил шабадада ҳам, чиннидай кампирлар хиёбонларда сотиб ўтирадиган шабнам инган гулдасталардан ҳам сезиб оларди.

Шаметнинг кўзига дунё коронги эди. Гоҳо назарида Сюзаннанинг эски бинафша кўйлагини ажиб бир йўсина-да кўргандай бўлар, бу кўйлакчадаи ҳам гўё бинафша солинган саватчада узоқ вақт тургандай баҳорнинг хушбўй иси анқирди.

Сюзанна ҳозир қаердайкин? Унинг ҳоли нима кечдийкин? Шамет унинг бўйга етганлигини, отасининг эса оғир яраланиб, оламдан ўтганлигини биларди.

Шамет Сюзаннани кўргани Руанга бормоқчи бўларди. Бироқ ҳар гал буни пайсалга соларди. Шамет вақт ўтганини ва ўзи, Сюзанна мени унутиб юборгандир, деган фикрга келганини сезгунча, бу ҳол давом этаверди.

Ҳар гал у Сюзанна билан хайрлашганини эслаганида, ўзини ўлгудай сўкарди. Қизчанинг пешонасидан ўпиш ўрнига уни жодугар кампир томон итариб: «Бардош қил, Сузи, солдат қизи!» деб ўтирибди-я!

Фаррошларнинг тунда ишлашини ҳамма билади. Бунга уларни иккита нарса мажбур қиласди: биринчидан, кишиларнинг жўшкин ва гоҳида бенаф меҳнатидан ҳосил бўладиган чанг кечга яқин йиғилиб қолади. Бундан ташқари, ҳамма ёқни чангитиб, парижликларнинг кўзини ачитиш ва димоғларини ёриш ҳам яхши эмас. Тунда эса фаррошнинг ишлаётганини каламушлардан бошка деярли, ҳеч бир мавжудот сезмайди.

Шамет тунлари ишлашга ўрганиб кетди, ҳатто тунни ёқтириб ҳам қолди. У айникса Париж устида тонг эринибгина отаётган пайтларни ёқтиарди. Бундай пайтларда Сена дарёсидан туман кўтарилилар, бироқ у кўприкларнинг панжарасидан ўтмай эриб кетарди.

Шамет ана шундай туманли тонгларнинг бирида Инвалидлар кўпригидан ўтаётиб, кўкракбурма оч бинафша ранг кўйлакли ёшгина бир жувонни кўриб қолди. Жувон кўприк панжарасига суюнганича Сенага тикиларди.

Шамет тўхтаб, бошидан чангли шляпасини олди-да:

— Хоним, ҳозир Сенанинг суви жуда совук. Келинг, яхшиси, уйингизга кузатиб қўя қолай,— деди жувонга.

— Менинг энди уйим ўйк,— тезгина жавоб берди жувон. Кейин Шаметга ўгирилди.

Шаметнинг кўлидан шляпаси тушиб кетди.

— Сузи!— Шаметнинг севинчдан юраги ёрилаёзди.— Сузи, солдат қизи! Қизгинам! Сени кўрар кун бор эканку. Мени унутиб юборгандирсан. Мен — Жан Эрнест Шаметман. Ўша йигирма еттинчи мустамлака полкининг оддий аскариман, Сени Руандаги аммангникига олиб көлганман. Ўҳӯ, чиройли қиз бўлиб кетибсан-ку! Сочинг-

ни яхшилаб таралганини қара! Мен лапашанг бўлсам соч тараши ҳам эплаёлмасдим!

— Жан!— жувон шундай дея ўзини Шаметга отиб, бўйнидан кучоқлаганича йиглаб юборди.— Жан, ҳозир ҳам худди аввалгидай меҳрибонсиз. Ҳаммаси эсимда!

— Э-э, кўйсанг-чи!— ғўлдиради Шамет,— Нима яхшилик килибман сенга шунчалик? Ўзингга нима бўлди, бўталогим?

Шамет Сюзаннани бағрига босди. Руанда юраги дов бермаган ишни қилди: силаб-сийпалаб, ялтираган сочларидан ўпди. Шу онда у камзулидан келаётган сичқон ҳидини Сюзанна сезиб қолишидан чўчиб, ўзини четга олди. Сюзанна бўлса баттар пинжига кираарди.

— Сенга нима бўлди, қизалогим?— ҳайрон колиб қайта сўради Шамет.

Сюзанна жавоб бермади. У ўзини тутолмай ҳўнграб юборди. Шамет ҳозирча ундан ҳеч нарса сўраш керак-маслигини тушунди.

— Менинг,— деди у,— қалъя кўтармаси ёнида кулбам бор. Бу ердан сал нарирокда. Уйим шипшийдам, албатта, унда ҳеч вақо йўқ. Бироқ сув иситиб ювинса ва ётиб ухласа бўлади. Сен у ерда ювиниб, дам олсанг бўлади. Хоҳлаганингча тураверишингга ҳам розиман.

Сузанна Шаметникида беш кун турди. Күёш ҳам Шаметнинг кўзига беш кун Париж осмонига бошқача чикди ҳисоби. Барча бинолар, қурум босган иморатлар, ҳатто Шаметнинг вайронаси ҳам ана шу қуёш нурида ёкутдай ялтираб кетгандай бўлди.

Ухлаётган ёш жувоннинг енгилгина нафас олишидан ҳаяжонга тушмаган одам нағислик нималигини билмайди. Унинг лаблари гул баргларидан қизилроқ, киприклирида эса тунги йигининг қатралари титрарди.

Ха, Сюзаннанинг бошига Шамет гумон қилган ташвиш тушганди, севгилиси бўлган ёш актёр унга бевафо-

лик қилганди. Аммо Шамет уйида кечган беш күн улар-нинг ярашиб олишларига бемалол кифоя қилди.

Шамет уларни ярашириб кўйди. У Сюзаннанинг мактубини актёрга әлтди. Ўшанда бу барно йигит бир неча су чой пули узатмоқчи бўлганида, Шамет одобдан пича сабоқ бериб кўйди.

Актёр кўп ўтмай соябон аравада Сюзаннани олиб кетгани келди. Шунда ошиқ-маъшуқлар таомилидаги нарсаларнинг бари рўй берди! Икковлари бир-бирларига гулдасталар тутишди, бўсалар олишди, чеҳраларида кўз ёши аралаш табассумлар кўринди, пушаймонлар айтилди. Бирок шунда ўринисиз бепарволик ҳам бўлди.

Сюзанна жўнаш олдидан азбаройи шошиб қолганидан Шамет билан хайр-маъзур қилишни ҳам унутиб, соябон аравага чиқиб олди. Шундан кейингина хайрлашиш бирдан эсига тушиб қолди шекилли, айбдорлардай қип-қизарганича Шаметга кўл чўзди.

— Шунака турмушни ўзингга муносиб кўрган экансан,— деди ғўлдираб Шамет кузата туриб,— майли, баҳтли бўл.

— Ҳали нима бўлишини билмайман,— деди Сюзанна унга жавобан. Шунда кўзларида ёш ялтиради.

— Бекорга хавотирланяпсан, жонгинам,— деди актёр норози бўлгандай овозини чиқариб. Кейин яна: — Гўзалим, жонгинам,— деб кўйди.

— Менга битта-яримта олтин гул ҳадя этса, қани энди,— деди Сюзанна хўрсиниб,— ўшанда, албатта, баҳтли бўлардим. Пароходдаги ҳикоянг эсимда турибди, Жан.

— Ҳайронман!— деди Шамет унга жавобан.— Ҳар ҳолда бу бойвачча сенга олтин гул инъом қилмайди. Қе-чир. Мен солдатман. Лўттибозларга тобим йўқ.

Ёшлилар бир-бирларига қараб олишди. Актёр елка қисди. Соябон арава кўзгалди.

Шамет одатича кун бўйи ҳунармандчилик устахона-ларидан чиққан ахлатни ташлаб юборарди. Бироқ Сюзанна воқеасидан кейин заргарлик устахоналариининг чангини йиға бошлади. У чангни қопга солиб, яширинча кулбасига олиб кела бошлади. Қўни-қўшнилари уни «айниб қопти»га чиқаришди. Қондаги чангда маълум микдордаги олтин зарралари борлигини жуда кам одам биларди-да. Чунки заргарлар ишлагандга доимо озгина олтинни эговлаб ташлашади.

Шамет заргарлик дўйонлари чангидан олтин зарраларини элаб олиб, кичикроқ қўлом қилишга ва ана шу қўломдан Сюзанна баҳтиёр бўлсин деб олтии гул ясатишга аҳд қилди. Эҳтимол, бу гул өнаси айтганидай бошқа кўплаб оддий одамларни ҳам баҳт-иқболга етказар. Ким билади, дейсиз! У гул тайёр бўлгунча Сюзанна билан учрашмасликка аҳд қилди.

Шамет бу хусусда бирорга оғиз очмади. У маъмурлар ва полициячилардан кўрқарди. Бемаъни судьяларнинг хаёлига нималар келмайди дейсиз. Улар Шаметни ўғри деб, турмага тиқиб, олтинини тортиб олишлари мумкин. Негаки, олтин ҳар қалай ўзгалар буюмининг зарраларидан йиғилган-да.

Шамет армияга олингунча қишлоқ кюресининг фермасида батраклик қилганидан дон тозалашни биларди. Бу ҳунари шунда кўл келди. У ғаллани ғалвирда эланганда тўқ донлар пастга тушиб, енгил ғуборни шамол учирив кетишини эслади.

Шамет ихчамгина ғалвир ясад, тунлари ҳовлида заргарлик устахонасининг чангини эларди. У ғалвирда аранг кўз илғайдиган олтин зарраларини кўргандан кейингина кўнгли сал жойига тушгандай бўлди.

Олтин заррачалари қўлом бўладиган микдорга етгунча орадан кўп вакт ўтди. Шамет бўлса уни заргарга бериб, олтин гул ясатишга шошилмасди.

Шаметни пулсизлик ҳам йўлини тўсолмасди — ҳар қандай заргар кўломнинг учдан бири эвазига бу ишни ўз зиммасига хурсандлик билаш оларди.

Аммо гап бунда эмасди. Шаметнинг Сюзанна билан учрашув онлари тобора яқинлашарди. Шаметнинг эса анча вақтдан бери ана шу учрашувга юраги бетламай келарди.

Шамет юраги қаърида сақланиб келаётган бор меҳрибонлигини факат Сузигагина тортиқ қилишни истарди. Бироқ ҳароб ва бадбашара кимсанинг мәҳр-муҳаббатига ким ҳам зор дейсиз! Шамет, кўчада тўқнашиб колган одамларнинг ўзидан нарирок юришларини ва унинг салқиган заҳил юзи, ич-ичига ботган кўзларини узокдан кўриш ҳаракатига тушиб қолишларини анчадан бўён сезиб юради.

Шаметнинг кулбасида бир парча ойна синифи бор эди. У онда-сонда ана шу кўзгуга караб қўйса ҳам, ҳар гал қаттиқ сўкиниб улоқтиради. Бод касалига мубтало бўлиб, аранг судралиб юрган кишининг, яъни ўзининг бадбин қиёфасини ойнада кўришга ҳеч тоби йўқ эди.

Шамет гул тайёр бўлганидан кейингина Сюзаннанинг бундан бир йил муқаддам Париждан Америкага кетганлигини билди. Айтишларича, бадар кетган экан. Ҳеч ким унга Сюзаннанинг адресини айтиб беролмади.

Олдинига Шамет бундан енгил тортгандай бўлди. Бироқ кейинчалик ундаги меҳрибонона ва самимий учрашувга бўлган истак бамисоли занглаған темир парчасидай кўкрагида, юрагининг ёнида туриб қолди. Шу важдан Шамет худодан ана шу кирралари ўткир парча мўрт юрагига санчилиб, тезроқ жонини олишни илтижо қиласарди.

Шамет устахоналарни супуриб-сидиришни йиғиштириб қўйди. Бир неча кунгача у вайронасида деворга караб ётди. У миқ этмасди, факат бир марта эски камзу-

лининг енгини кўзинга тегизгандагина жилмайди. Бироқ буни ҳеч ким кўрмади. Ҳатто қўни-кўшнилари ҳам кирди-чиқди қилишмас, ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди.

Шаметни факат бир кишигина кўздан қочирмасди. У кўломдан мўъжазгина олтин гул, у билан бир шохда турган кичкинагина ва ўткир учли ғунча ясаган қари заргар эди.

Заргар Шаметнинг ҳолидан хабар олиб турар, лекин дори-дармон келтирмасди. Чунки буни беҳуда ҳисобларди.

Дарҳақиқат, Шамет заргар яна бир кўргани келганида вафот этди. Заргар ўшанда фаррошнинг бошини кўтариб сарғиши болиш тагидан ғижимланган кўк лентага ўралган олтин гулни олди-да, ғижир-ғижир қиласиган эшикни ёпиб, оҳиста чиқиб кетди. Лентага сичқон ҳиди ўтириб қолганди.

Кеч кузак эди. Қиём пайтида енгил шабада эсиб, чироқлар жимирилаб турарди. Заргар Шаметнинг башараси ўлимдан кейин ўзгариб кетганини эслади. Шаметнинг юзи жиддий ва хотиржам эди. Ана шу чеҳрадаги изтироб заргарга гўзал кўринди.

«Ҳаёт беролмаган нарсани, ўлим баҳш этади». Енгилтак заргар шу сўзларни кўнглидан кечиравкан, чукур ўҳ тортиб кўйди.

Орадан кўп ўтмай заргар гулни кекса адига сотди. Заргарнинг фикрича, хароб кўринган қаламкашнинг бундай қиммат баҳо буюмни сотиб оладиган қурдати йўқдай эди.

Заргарнинг қаламкашга айтиб берган ҳикояси савдени тезлаштирган бўлса керак.

27-мустамлака полкининг собиқ солдати Жан Эрнест Шаметнинг ҳаётидаги аламли воқеани баъзи одамларга еткизгани учун, кекса адигнинг хотираномаларига куллук қиласиз.

Адиб хотираларида қуйидагиларни ҳам ёзади:

«Ҳар бир дақиқа, бехосдан айтилган ҳар бир сўз ва ташланган нигоҳ, ҳар бир теран ва юзаки фикр, инсон юрагининг ҳар бир сезилмас ҳаракати, теракнинг учеб юрган момиги ёки кечаси кўлмакда жимирилаган юлдуз шуъласи — ҳаммаси-ҳаммаси олтин чангининг заррала-ридир.

Биз, каламкашлар, ўн йилларча мана шу кичик зар-раларни йифамиз, йифаётганимизни ўзимиз ҳам пайқа-маймиз, қўломга айлантирамиз ва кейин ундан ўзимиз-нинг «олтин гул»имизни — повесть, роман ёки поэма-мизни ясаймиз.

Шаметнинг олтин гули! Уни қисман ижодий фаолия-тимизнинг ҳаётдаги прототипи сифатида тасаввур қила-ман. Таажжубки, ана шу қиммат баҳо зарралардан ада-биётнинг жонли оқими юзага келишини кузатишдек риё-зат чекишини ҳеч ким зиммасига олмаган.


Бироқ кекса фаррошнинг олтин гули Сюзаннани баҳтиёр этишга мўлжаллангани каби ижодимиз ҳам тупроғимиз гўзаллиги, иқбол, шодлик ва озодлик учун курашга чорлаш, инсон юрагининг сахийлиги ва ақл ку-чи зулматдан ғолиб келиб, сўнмас қуешдек чараклаши йўлида хизмат қиласа.

ХАРСАНГДАГИ ЁЗУВ

Уз виждони яқин кишиларининг виждони билан ҳамоҳанг бўлма-гунча ёзувчи ўзини баҳтиёр деб билмайди.

Салтиков-Шчедрин

Мен қум тепалар устига қурилган мўъжазгина уйда истиқомат қиласдим. Рига денгизи соҳилини кор босган.



Қор дам-бадам баланд қарағайлардан узун шода янглиғ тушиб, чангдек түзғирди.

Қорни шамол ҳам учирар, қарағайлар устида илдам юрган олмахонлар ҳам уни тушириб турарди. Ҳамма ёқ осуда бўлган пайтда олмахонларнинг қарағай бужурини титкилаётгани эшитилиб қоларди.

Үйим денгиз соҳилида эди. Ташқари эшикдан чикиб, қордаги сўқмоқдан пича юриб, ҳамма ёғи берк чорбоғни босиб ўтилса денгиз лабига чиқиларди.

Чорбоғнинг деразаларида ёзда тутилган пардалар қолганди. Улар сал шамол турса ҳам ҳилпиарди. Чамаси, шамол билнар-билинмас ёриқлардан ҳувиллаган чорбоқка кирар, аммо узокдан қараганда кимдир пардаларни кўтариб, нима қилаётганингни зиндан кузатиб турганга ўхшарди.

Денгиз яхламаганди. Соҳилдаги қор денгиз сувига тегай-тегай дер, унда күёнларнинг изи кўзга ташланарди.

Денгизда тўлқин кўтарилганда сувнинг қирғоққа шапиллаб урилиши эмас, унда сузиб юрган палахса-палахса музларнинг қисирлаши ва эриётган қорнинг майин гижири эшитиларди.

Болтиқ денгизи киш кунлари бўм-бўш ва тунд кўринарди.

Латишлар уни «каҳрабо денгиз» («Дзинтара юра») дейдилар. Бу ном Болтиқ қирғоққа каҳрабони мўл улоктириб турганидангина эмас, балки суви каҳрабодай бўлганидан келиб чиккан бўлса керак.

Кун бўйи уфқни куюқ туман босиб ётади. Туманда пастак соҳилларнинг лаблари кўринмайди. Факат бу зулматнинг қаериладир денгизга оқ нарса тушаётганлиги кўзга ташланади. Демак, ўша ерга қор ёғаётган бўлади.

Гоҳо бу йил барвақтроқ учиб келган ёввойи гозлар

сувга тушиб, ғағиллашади. Уларнинг ташвишли «FA-FU»-лари қирғоқнинг олис жойларидан ҳам эшитилади, бироқ ҳеч ким унга жўр бўлмайди — қирғоқ ўрмонларида қишиш кунлари парранда зоти деярли қолмайди.

Кундузлари мен турган уйда ҳаёт бир маромда кечади. Ранг-баранг кафелли печларда ўтин чирсиллайди, ёзув машинка бўғиқ чиқиллайди, камгап фаррош Лиля шинамгина залда ўтириб, нимадир тўкийди. Ҳамма нарса одатдагидай ва жўн кўринади.

Оқшомлари эса зимзиё тун уйни ўз оғушига олади, қарагайлар ҳам яқинроқда турганга ўхшайди. Шу важдан чарогон залдан ташқарига чиққанингда, қиши, Денгиз ва тун билан юзма-юз келиб, таинҳо қолганингни аёи сезасац кини.

Денгиз кўрғошин тусли кенгликлар томон юзларча миль узоқлашиб кетганга ўхшайди. Унда бирорта ҳам чироқ кўринмайди. Сувнинг шалоплагани ҳам эшитилмайди.

Мўъжазгина уй поёнсиз туман чеккасида сўнгги маёқдай қад кериб туради. Ер шу ерда тугайди. Шу важдан уйда чироқнинг осуда ёниши, радио сайраши, юмшоқ гиламларда оёқ товушининг сингиб кетиши, столларда очиқ китоблар ва кўл ёзмалар ётиши ажабланарли туолади.

Уйнинг ғарб ёғида, Вентспилс томонда, қуюқ туманинг ортида кичкина балиқчилар посёлкаси бор. Бу — тўрлари шамолда қуритишга ёйиб кўйилган, пастак уйларининг мўриларидан тутун пастлаб чиқиб турадиган, моторли қайиқлари қумликка чиқариб кўйилган ва пахмоқ жунли ювощи итлари ҳам бор оддийгина балиқчилар посёлкасидир.

Бу посёлкада кўп асрлардан буён латиш балиқчилари яшаб келадилар. Авлодлар ўрнини авлодлар эгаллаб туради. Олтин сочли, кўзлари туйғун, хушовоз қизлар

бир кун бориб, юзлари шамолда дағал тортган, қалин рүмөлларга ўраниб олган, бесүшакай кампирларга айланадилар. Кепкаларини қийшик бостириб юрадиган анор юэли йигитлар пайти келиб, соч-соқоли ўсган ва меҳрибон нигоҳли қариялар бўлиб қоладилар.

Ҳозир ҳам бундан бир неча аср аввалгидек балиқчилар салака овлагани дengизга кетадилар. Худди бир неча юз йил илгаригидек ҳамма ҳам омон қайтавермайди. Бу айниқса куз кунларида, Болтиқ пўртанадан жунбушга келиб, худди дўзах қозонидай совуқ кўпик сачратиб қайнаб турган пайтларда юз беради.

Бироқ ниманки содир бўлмасин, кишилар шериклари гарқ бўлганини эшишиб, неча марталаб бошларидан шапкаларини олмасинлар, боболари ва оталари васият қилган хавфли ва оғир ишни — ўз тирикчиликларини давом эттираверадилар. Денгизга бўш келса бўлмайди.

Посёлка ёнидаги дengиз сувида катта гранит тош бор. Унга бир вактлар балиқчилар «Денгизда ҳалок бўлгандар ва ҳалок бўладиганлар хотирасига» деган ёзувни ўйиб ёзганлар. Бу ёзув узокдан ҳам кўриниб турарди.

Ана шундай ёзув борлигидан воқиф бўлганимдан кейин, у менга ҳамма қабр тошларидағи ёзувлардай мунгли туюлди. Бироқ менга буни сўзлаб берган латиш ёзувчиси гапимга қўшилмай бош чайқади-да, шундай деди:

— Аксинча, бу жуда мардана гап. У инсонлар ҳеч қачон таслим бўлмасликлари ва ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз ишларини бажаришларидан далолат беради. Мен ана шу ёзувни инсоннинг меҳнати ва тиришқоқлигидан ҳикоя қилувчи ҳар қандай китобга эпиграф қилган бўлардим. Менга у ёзув бамисоли: «Бу дengизни жиловлаган ва жиловладиганлар хотирасига» дегандай жаранглайди.

Мен унинг фикрига қўшилдим ва бу эпиграф ёзувчи

мехнати хусусидаги китобга ҳам мос келар деган хаёлга бордим.

Адиблар бир дақиқа ҳам қийинчиликлардан чўчий олмайдилар ва тўсиқларни кўрганда чекинолмайдилар. Улар нимаики рўй бермасин, ўтмишдошлари васият килган ва замондошлари ишониб топширган ишни тинимсиз амалга оширишлари керак. Салтиков-Шчедрин, адабиёт бир дақиқа жим қолса борми, бу халқнинг ўлими билан баробардир, деб бежиз айтмаган эди.

Ёзувчилик — ҳунар ва машгулот эмас: ёзувчилик — истеъдоддир. Биз баъзи сўзларнинг замирига, оҳангига эътибор қилсак, уларнинг дастлабки маъносини билиб оламиз. «Призвание» (истеъдод) сўзи «зов» («нидо») сўзидан пайдо бўлган.

Инсон ҳеч маҳал даққи бўлишга даъват қилинмайди. У факат бурч ва машаққатли вазифани адо этишга чорланади.

Ёзувчининг кўпинча мashaққатли, бироқ гўзал меҳнат қилишга нима мажбур этади?

Даставвал буларга қаламкаш юрагининг нидоси даъват этади. Виждон садоси ва истиқболга ишонч чинакам ёзувчининг ер юзида беиз яшаб, қалбини лиммолим тўлдирган хилма-хил туйғулардан бошқаларни саҳийларча баҳраманд қилмай кетишига йўл қўймайди.

Инсон нигоҳини ақалли озгина ўткирлаштира олмаган одамни ёзувчи деб бўлмайди.

Инсон факат юрак даъвати билангина ёзувчи бўлиб колмайди. Биз юрак садосини кўпинча ёшлик чоғларимизда — янги ҳиссиётларимиз оламини ҳали ҳеч қандай рутубат бўғиб, топтамаган йилларда эшитамиз.

Бироқ балоғат йиллари ҳам ўтиб кетади. Шундан кейин биз ўз юрагимизнинг чорловчи садоси билан бирга янги бир курдатли садони — ўз давримиз ва халқимиз садосини, башарият садосини ҳам эшитамиз.

Инсон истеъдодининг амри ва дил орзуси туфайли мўъжизалар яратиши ва энг оғир мاشаққатларга бардош бера олиши мумкин.

Голланд ёзувчisi Эдуард Деккернинг кисмати буни тасдикловчи миссоллардан биридир. У асарларига «Мултатули» деб тахаллус қўярди. Бу сўз лотин тилида «Жабрдийда» деган маънони билдиради.

Бадковоқ Болтик қирғогида Деккерни хотирлаганинг унинг ватани Нидерландия ҳам ана шу бўзарган шимол денгизи соҳилида жойлашганлиги сабабчи бўлса бордир. Бу ҳакда у алам ва номус билан: «Мен Фрисландия билан Шельда орасидаги қароқчилар мамлакати бўлмиш Нидерландиянинг фарзандиман» деб ёзган эди.

Голландия маданийлашган қароқчилар мамлакати эмас, албатта. Бундай қароқчилар у ерда кўп эмас, бинобарин, улар халкнинг киёфасини белгилай олмайдилар. Бу исёнкор «гёз»лар ва Тиль Уленшпигель авлоди бўлган меҳнатсевар кишилар мамлакатидир. Ҳозирга қадар кўп голландияликларнинг юрагида «Клаас хокининг чўғи бор». У Мултатулининг юрагини ҳам алангалатган эди.

Денгизчилар оиласидан чиқкан Мултатули Ява оролига ҳукуматнинг мартабали қишиси этиб тайинланди. Орадан бир оз ўтгач, оролдаги округларнинг бирига резидент бўлди. Уни иззат-икром, эҳсон, бойлик, эҳтимол вице-кироллик мансаби кутарди. Бироқ «Клаас хоки юрагини алангалатгани»дан, Мултатули бу имтиёзлардан юз ўгирди.

У яваликларни асоратга солиш йўлида голландиялик маъмурлар ва негоциантлар асрлардан бери қўллаб келган тажрибани ичдан туриб портлатишга матонат ва файрат билан киришди.

У доимо яваликларни ҳимоя қилишга жон куйдирав, уларга озор етказишга йўл қўймасди. Порахўрларни

эса қаттың жазоларди. У хүшфеъл христианлар — вице-қирол ва унинг якинлари устидан кулар, бу борадаги хатти-ҳаракатларини изоҳлашда Исонинг, ўз якинларингга меҳр-муҳаббат қўй, деган таълимотига суюнарди. Унга эътироуз билдириб бўлмасди. Уни нобуд қилишгина мумкин эди.

Яваликлар кўзғолон кўтарганда, Мултатули кўзғолончилар тарафига ўтди, чунки «Класс хоки унинг юрагини алангалишида давом этди». У болалардай соддадил яваликлар ҳақида меҳру муҳаббат билан, ўз ватандошлари тўғрисида эса газаб билан қалам тебратганди.

У голландиялик генераллар ўйлаб топган ҳарбий мурдорликни фош қилди.

Яваликлар ғоят покиза бўлиб, исқиртликни ёктирилдилар. Голландияликлар режа тузганларида уларнинг ана шу фазилатларини ҳисобга олган эдилар.

Улар солдатларига атака вақтида яваликлар устига најас сочишини буюрдилар. Шундан сўнг милтиқ ўқларининг ёмгиридан чўчимаган яваликлар урушнинг бундай турига дош беролмай чекинишга мажбур бўлдилар.

Мултатули мансабидан олиниб, Европага жўнатилди.

У бир неча йил голланд парламентидан яваликларга адолат қилишни ўтинди. Бироқ илтимослари беҳуда кетди. Қаерда бўлмасин, шу ҳақда гапиради. Министрлар ва қиролга петициялар ёзди.

Бироқ уринишлари бекор кетди. Киборлар унинг сўзини эътиборсиз ва ғижиниб тингладилар. Орадан кўп ўтмай, Мултатули хатарли тентак, ҳатто жинни, деб эълон қилинди. У ҳеч қаердан иш тополмади. Оиласи эса оч-наҳօр қолди.

Мултатули шуидан кейин юрак садосига қулоқ солиб, бошқача айтганда, қалбида яшаган, бироқ шу чоққача ноаниқ бўйсан иштедодга бўйсуниб, қалам сура

бошлади. У Явадаги голландияликларни фош этувчи «Макс Хавелаар ёки қаҳвафурушлар» романини ёзди. Бирок бу биринчи адабий тажрибаси эди, холос. Китобда у адабий маҳоратининг ҳали бўш заминини бамисо-ли пайпаслаб кўрган эди.

Бирок кейинги асари бўлган «Севги мактублари» зўр куч билан ёзилган эди. Бу кучни Мултатулига ўзининг ҳакли эканига бўлган комил ишончи берган эди.

Бу китобнинг айрим боблари гоҳ ўтакетган адолат-сизликни кўрганда, бошини чанглаб фарёд қилган инсон қичкиригини ифодаласа, гоҳ аччик ва ўткир масал — памфлетни эслатади, гоҳо севимли кишиларга берилган ҳазин ва майнин тасаллидай, гоҳо болаликдаги илк туй-ғуларни жонлантиришга сўнгги интилишдай кўри-нади.

«Худо йўқ, бўлса ҳам хушфеъл бўлмоғи лозим»,— деб ёзганди Мултатули.— Гадоларни тунашни қачон бас қилишаркин ўзи!»

У хориждан бир бурда нон топиш мақсадида Голландиядан чиқиб кетди. Хотини болалари билан Амстердамда колди. Бола-чақасини ўзи билан бирга олиб ке-тишга ёнида ортиқча чақаси йўқ эди.

Баодоб жамиятга ёқмаган, ҳазилкаш ва жабрдийда бу одам Европа шаҳарларида хор-зор кезишдан, бети-ним ёзишдан тўхтамади. Хотинидан деярли хат олмас, чунки марка олишга ҳам пули етмасди.

Мултатули хотини ва болаларини ҳеч хаёлидан чи-кармас, айниқса, кўзлари кўм-кўк кенжатой үғлини ўйлагани-ўйлаганди. У, ўғлим инсонларни кўрганда маъ-сумлик билан жилмайишни унутмасин, деб кўрқар, шу важдан катталардан, ўғлимнинг барвакт кўз ёши тўки-шига йўл кўйманглар, деб илтижо қиласди...

Мултатулининг китобларини нашр этишни ҳеч ким истамасди.

Мана, ниҳоят унинг орзуси рўёбга чиқди. Голландиядаги йирик нашриёт қўл ёзмаларини сотиб олишга рози бўлди. Бироқ у ёзувчига асарларини бошқа ҳеч ерда бостирмасликни шарт қилиб қўйди.

Азобдан силласи қуриган Мултатули бунга рози бўлди. У Ватанига қайтди. Унга озгина пул ҳам бердилар. Қўл ёзмаларини бу одамни қуролсизлантириш учун сотиб олган эдилар. Қўл ёзмалар китоб ҳолида ниҳоятда оз нусхада нашр қилингани ва нархи ғоятда баланд бўлганидан, китобхонга етиб боролмади. Голландиялик савдогарлар ва маъмурлар бу порох бочкаси чангалларига тушмагунча хотиржам бўлолмасдилар, албатта.

Мултатули адолат кўролмай оламдан кўз юмди. У яна кўп ажойиб китоблар яратиши мумкин эди. Бундай китоблар сиёҳ билан эмас, юрак қони билан ёзилган, дейилади.

У кучи етганча курашди ва ҳалок бўлди. Бироқ у «денгизни жиловлади». Эҳтимол, кўп ўтмай мустакил Явада, Жакартада бу бегараз жабрдийдага ҳайкал ўрнатилар.

Икки буюк истеъоддни уйғунлаштирган инсон ҳаёти шундай ўтган эди.

Ўз ишига садоқат бобида Мултатулининг сафдоши бор эди. Бу унинг замондоши бўлган голландиялик расом Винсент Ван-Гог эди.

Санъат деб ўз ҳаётини барбод қилганларга Ван-Гогдан бўлак мисол топиб бўлмайди. У Францияда тасвирий санъатга хизмат килишдан бўлак ташвиши бўлмаган ўзига хос коммуна — «Рассомлар биродарлиги»ни тузишини орзу қиласди.

Ван-Гог кўп мусибат чекди. У ўзининг «Картошкахўрлар» ва «Маҳбуслар сайри» асарларида инсон ғоят оғир уқубатларга дучор қилинганилигини зўр маҳорат билан ифодалади. У санъаткорнинг иши — мусибатга

карши барча куч, бутун истеъдод билан курашишдан иборат деб ҳисобларди.

Санъаткор юракка шодлик олиб киради. Шунинг учун ҳам Ван-Гог бўёқлар сир-синоатини эгаллаб, у билан шодлик яратди.

У ўз расмларида ер жилосига жило қўшди. Гўё у ер чеҳрасини шундай оби замзам билан ювдики, оқибатда у мислсиз жилва қилиб, ҳар бир кекса дараҳт ҳайкалтарошлиқ асарига, ҳар бир бедазор беҳисоб мўъжаз гултожларга жо бўлган қуёш нурига айланди.

Мана шуларнинг гўзаллигидан бизни баҳраманд бўлсин деб Ван-Гог ирода кучи билан бўёқларга абадийлик бахш этди.

Шундай экан, Ван-Гог кишиларга бепарво муносабатда эди, деб бўладими? У инсонга бисотидаги энг яхши нарсасини — барча гуллари анвойи товланиб турадиган замин узра яшашдек қобилиятни ҳадя этди.

У гадо, мағрур ва тажрибасиз эди. У бошпанасиз одамлар билан бурда нонини баҳам кўрар, ижтимоий тенгсизлик нималигини яхши тушунарди. Енгил-елпи мувваффакиятлардан эса жирканарди.

Ван-Гог курашчи эмасди, албатта. Унинг қаҳрамонлиги меҳнат кишилари — қўшчилар ва ишчилар, шоирлар ва олимларнинг гўзал истиқболига қатъий ишончиди мужассам эди. У курашчи бўлолмади, бироқ келажак хазинасида она тупроқни мадҳ этувчи расмлари билан ўз улушини қўшди.

Ван-Гог бу гўзалликнинг барча турларидан фақат бир нарсани — рангни танлаб олди. Уни доимо табиатнинг бўёқлар мутаносиблигига ҳар маҳал мос келадиган хусусиятлари, хилма-хил товланиши, ернинг доимо ўзгариб турадиган, бироқ ҳамма фаслларда ва барча жойларда бирдай гўзал кўринган жилоси ҳайратлантиради.

Ван-Гог, Врубель, Борисов-Мусатов, Гоген на бошқа кўп рассомларга адолатли мунасабатда бўлни вакти етган.

Бизга социалистик жамият кишинининг ички дунёсини бойитадиган, унинг эмоционал ҳаётини чўққига кўтарадиган нарсаларнинг барчаси керак. Наҳотки, ана шу оддий ҳақиқатни исботлаб ўтириш зарур бўлса?!

Очиғини айтганда, биз барча даврлар ва мамлакатлар санъатидан баҳраманд бўлишимиз керак. Биз гўззалик ўзларининг хоҳишларига бўйсунмаётганидан, уларнинг ихтиёрида эмаслигидан аламзада бўлган мунофиқларни мамлакатимиздан қувишимиз керак.

Адабиёт соҳасидан тасвирий санъатга бундай чекиниш қилганимга узр сўрайман. Мен, санъатнинг барча турлари ёзувчига маҳоратда камолот касб этишда кўмаклашади, деб ҳисоблайман. Бирок бу ҳакда кейинчалик алоҳида тўхтатаман.

Истеъдод ҳиссини маҳв этмаслик керак. Аниқ режа ҳам, адабий тажриба ҳам унинг ўрнини босолмайди.

Нурли-нурсиз кишилар томонидая ёзувчилик истеъдоди ҳақида тўқилган гапларнинг бари ёлғон, унга сохта кўтаринкилик ҳам, ёзувчининг ўз ишидан керилиб, осмонда юриши ҳам бутунлай ётдир.

Пришвин шак-шубҳасиз ёзувчилик истеъдодига эга бўлган инсон эди. Ўзистеъдодига ҳаётни бўйсундирган эди. Бирок унинг ўзи «ёзувчининг энг буюк баҳти — ўзини айрича, танҳо ҳисобламаслик, балки барча одамлар қатори ҳисоблашдир» деган ажойиб сўзларни ҳам айтган эди.

ПАЙРАХА ГУЛЛАР

Қаламкашлигимни ўйлаганимда ўзимдан ўзим тез-тез, бу ишни қандай бошлаган эдим, деб сўрайман. Бу қачон бошланган эди ўзи? Умр бўйи тебратмоққа қаламкашга илк марта ким қалам тутқизади?

Қаламкашлигимни қачон бошлаганимни эслаш ҳаммасидан ҳам мушкул. Қалам тебратиш истаги инсонда бамисоли руҳий ҳолат сингари қанча-қанча қофозларни қора қила бошлашидан анча илгари пайдо бўлса керак. Бу истак қалбда ёшлик йилларида туғилади. У кишининг болалик йилларида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Болалик ва ёшлигимизда олам кўзимизга вояга етган йилларимиздагига қараганда бутунлай бошқача кўринади. Болалигимизда куёш ҳароратлироқ, майсалар қалинроқ, ёмғирлар тез-тез ёғадигандай, осмон яна да корамтири туюлади, ҳар бир инсон эса кўзга жуда кинкарли кўринади.

Ҳар бир катта киши болаларга, хоҳ у пайраҳалар хиди анқиб турган ранда-рундаларини кўтариб олган дурадгор ёки майсаларнинг ранги нима сабабдан яшил бўлишини биладиган олим бўлмасин — бир оз сирли мавжудот янглиф туюлади.

Ҳаётни, теварак-атрофимиздаги барча нарсани шоирона ҳис килиш болалигимиздан қолган буюк тұхфадир.

Агар инсон ана шу тұхфани узоқ йиллар авайлаб аспаса, у албатта, шоир ёки ёзувчи бўлади. Қисқасини айтганда, шоир билан ёзувчи ўртасида унчалик тафовут йўқ.

Ҳаётни бетиним униб-ўсиб турган ҳолда, янгилик ҳолида ҳис эта билиш — санъат гул очиб, яшнайдиган ҳосилдор заминидир.

Гимназист эканлигимда шеърлар ёзардим, албатта.

Уларни шунақанғи күп ёзардимки, бир ойда битта қалин дафтарни тұлдираптады.

Булар мазаси йўқ, дабдабали, усти ялтироқ, ўша вактларда ҳам пайқаганимдай жуда чучмал шеърлар эди.

Ҳозир мен уларни унугиб юборғанман. Фақат айрим байтларгина ёдимда қолган. Масалан, қуйидаги мисраларни олайлик:

О, эгилган туплардан гулларни узииг,
Емғир секин ёғар дала бағрига.
Заъфарон япроқлар тинимсиз учар
Шафақлари алвон узок ўлкага.

Бироқ булар ҳали ҳолва. Мен борған сари шеърларимни түғри келган, ҳатто маънисиз чучмал сўзлар билан тұлдириб тошираптады:

Имилдоқ кунларнинг саҳифаларида
Ёкутдек ялтирап Саъдийнинг мунги.

Мунг нега «ёқутдай ялтирап» экан — буни ўша вактдагидай ҳозир ҳам тушунтириб беришдан ожизман. Мени сўзларнинг жарангি мафтун этарди, холос. Маъносини ўйладаб ўтирумасдим.

Мен ҳаммадан ҳам денгиз ҳақида күп шеър ёзғанман. У пайтларда мен денгиз нималигини мутлақо билмасдым.

Тасаввуримдаги денгиз Қора, Болтиқ ёки Үртаер денгизи сингари аник бир денгиз эмас, балки дабдабали «умуман бир денгиз» эди. У чинакам кишилар, давр ва географик макондан маҳрум бўлган барча хилма-хил ранглар, муболағалар ва жиловсиз романтикани ўзига мужассам қилганди. Ўша йиллари бу романтика бами-соли зич атмосфера сингари кўз ўнгимда ер куррасини ўраб олгандаї эди.

Бу тез юрар кемалар ва жасур денгизчилар ватани бўлган асов, кўпиксоchar денгиз эди. Унинг қирғоқлари-даги маёклар зумраддай ёниб турарди. Портларида эса беташвиш ҳаёт қайнарди. Қораҷадан келган ғоят гўзал аёллар менинг муаллифлик иродам туфайли эҳтиросли жононларга айлангандилар.

Тўғри, йиллар ўтиши билан шеърларим гўзаллаша борди. Бироқ экзотика уларни аста-секин тарк эта бошлиди.

Бироқ, тўғрисини айтганда, болалик ва ёшлик йиллари — тропик мамлакатлар экзотикаси ёки гражданлар урушининг экзотикасими — барни бир, экзотикасиз бўлмайди.

Ким болалигида асар қаҳрамонлари билан қадимий қасрларни ишғол қилмаган, Магеллан кўрфази ёки Новая Зеландия қирғоқлари ёнида елканлари дабдала бўлган кемалар билан ҳалок бўлмаган, тачанкада Чапаев билан бирга Урал даштларида жавлон урмаган, Стивенсон томонидан сирли оролга моҳирона яширилган хазинани изламаган, Бородино жангидаги яловлар ҳилпирашини эшитмаган ёки Ҳиндистоннинг қалин чангальзорларида Мауглига мадад қилмаган дейсиз.

Экзотика ҳаётда ҳар бир ёш ва таъсирчан қалб соҳибига зарурий ажиблик бахш этади.

Дидро, санъат оддий нарсадан ажойиблик, ажойиб ҳодисадан оддийлик топа билишдан иборат, деганида ҳақ эди.

Мен ҳар қалай ёшлигимда экзотикага қизиққанлигимга мутлако ачинмайман.

Экзотика хаёлимдан бирданига кўтарилимади, албатта. У боғларда сирень иси анча вақт тургандай қалбимда узоқ сақланди. У менга таниш, ҳатто сал-пал жонимга тегиб қолган Киевни кўзимга тамоман бошқача кўрсатарди. Киев боғлари устида шафақ ёлқини сузар,

ортидаги зулматда чақмоқ чақарди. Менни үрда серомақалдироқ ва серёмгир, барглари ти-
к из ғувиллаб учадиган нотаниш мамлакат бордай арди.

аҳор келгач, япроқлари қизил холли каштанлар

рга сарғиши гулларини тўқди. Улар шунчалик кўп
иши, тўкилган гуллар ёмғир сувини тўсиб, баъзи кў-
рда кичик-кичик кўллар пайдо бўлганди.

Эмғирдан кейинги Киев осмони ялтироқ тошдан
тігандан гумбаздаи ярқиради. Шунда хотирага қуий-
ши мисралар кучли оқиб келади:

Табиатнинг юлдузлар ингани
Сирли кучи бугун ҳукмрон.
Серғалва тупроқда латофат ила
Бахтни ваъда этдинг севимли жонон...

Бу вақтларда юрагимда дастлабки севги ҳислари
йгона бошлиган эди. Бу шундай ажиб ҳолатки, унда
замма қизлар кўзингга гўзал кўринаверади. Кўчадами,
бюғдами, трамвайдами лип этиб кўринган ҳар бир қиз-
нинг ҳар қандай ғамзаси — уятчан, бироқ эътиборли
нигоҳими, мушкининг исими, фунча лаблар орасидан члт
этган дурдона тишларми, шамол турганда бехос кўринган
болдирми, совуқ бармоқларнинг сал тегиб кетиши-
ми — бари эртами-кечми ҳаётда ишқка муюссар бўли-
шимни эслатарди. Бунга ишончим комил эди. Мен шунни
хаёл қилишни истар, шуни ўйлаганим-ўйлаганди.

Ана шундай ҳар бир учрашув менга нотаниш ғам-
андуҳнинг дебочаси эди.

Кашшоқ, тўғрироғи, гоят аламли ёшлигимнинг кўп
йилларини шеърлар ёзишга багишлидим. Негадир ўзим-
дан ўзим ҳаяжонланардим.

Орадан кўп ўтмай шеър ёзишни тарқ этдим. Мен бу-
ларининг ҳаммаси усти ялтироқ, ичи қалтироқ, яхши бў-

ялган пайраҳалардан ясалган гуллар, олтин суви югуртирилган жез эканлигини тушундим.

Шеърларнинг ўрнига ўзимнинг илк ҳикоямни ёздим. Унинг ўзига яраша тарихи бор. Бу хусусда кейинги бобда ҳикоя қиласман.

И Л К Ҳ И К О Я

Мен Чернобил деган жойдан Киевга пароходда Припять дарёси орқали қайтардим. Ёзни Чернобил яқинидаги генерал Левковичнинг қаровсиз қолган мулкида ўтказдим. Синф раҳбаримиз мени Левковичнинг оиласига муаллимликка жойлаб қўйганди. Вазифам — генералнинг такасалтанг ўғлини иккита кузги имтиҳонни қайта топшира олиши учун тайёрлаш эди.

Генералнинг помешчикларникига ўхшатиб солингган эски уйи пастликда эди. Кечқурунлари уйни совуқ туман чулғаб оларди. Теварак-атрофдаги ботқоқликларда курбақалар роса вақир-вукур қилишар, бўзтикан исидан эса бош лўқиллаб кетарди.

Левковичнинг ўйинқароқ ўғиллари кечқурунги чой вақтида тўппа-тўғри айвондан милтиқ отиб ёввойи ўрдакларни қийратишарди.

Бақалоқдан келган, малла мўйловли, сержаҳл, қопкора кўзлари чақчайган генерал эса кун бўйи айвондаги юмшоқ креслода ўтирас ва зиқнафас касалига мубтало бўлганидан харс-харс қилиб нафас оларди. У аҳён-аҳёнда хириллаб:

— Бу оила эмас, бекорчилар тўдаси! Уй эмас, ковоқхона бу! Ҳамманни қуваман! Меросдан маҳрум қиласман!— деб бақиргани бақирган эди.

Бироқ унинг хириллаб бақиришларига ҳеч ким парво қилмасди. Мулк ва уйни ҳали унча сўлимаган, ўйноқи, бироқ ҳаддан ташқари зикна «Левкович хоним» бошқаарди. У бутун ёз бўйи ғижирлайдиган корсетда¹ юради.

Левковичнинг саёқ ўғилларидан ташқари йигирмаларга кирган қизи ҳам бор эди. Уни «Жанна д'Арк» деб чақиришарди. У эрталабдан қора кечгача асов қора тўриқ жийронни миниб олиб, чоптиргани чоптирган эди, ўзини тенги йўқ фариштадай кўрсатишга ҳаракат қиласарди.

У «жирканаман» деган сўзни, ҳожати борми, йўқми — тез-тез айтиб туришни ёқтиарди.

Мени у билан таништирганларида, у отда туриб қўл чўзди-да, қўзимга тикилиб:

— Жирканаман! — деди.

Мен бу мудҳиш оиласдан қандай қочишни билмасдим. Ниҳоят муаллимлик муддатим тугаб, пичан ташланган аравага чиқиб олганимдан кейин, яйраб нафас олдим. Аравакаш «Игнатий Лойола» (Левковичлар оиласида ҳаммага тарихий лақаб қўйишаарди), тўғрироғи, Игнат аркон тизгинни силтади. Арава Чернобил томон оҳиста жўнади.

Генерал қўраси дарвозасидан чиқишимиз биланок майда дараҳтли ўрмон сукунати бизни ўз оғушига олди.

Чернобилга кун ботганда етиб келиб, карвонсаройда тунадик: пароход кечикаётган эди.

Карвонсаройнинг хўжайини Кушер деган кекса яҳудий эди.

У мени ота-боболари, авлод-аждодлари бўлмиш оппок соқолли, бошларига ҳожи дўппи қўндириган қариялар, қора тўр рўмол ёпиниб, парик кийган кампирлар-

¹ Белни хипча тутиш учун ичдан кийиладиган маҳсус кийим.

нинг суратлари осилган мўъжазгина залга жойлаштириди. Расмлардаги кампирларининг кўзлари ёшланиб турганга ўхшарди.

Кора чирокдан керосин ҳиди келарди. Баланд пар тўшакка ётишим биланоқ барча коваклардаги қандалалар мени чақишига тушди.

Иргиб туриб, апил-тапил кийиндим-да, ташкарига чиқдим. Уй соҳилдаги қумликнинг тумшуғида турарди. Припять хира ярқираб оқар, қирғоқда тахталар қатор ётарди.

Уй олдидаги ўриндикқа ўтириб, гимназистча шинелимнинг ёқасини кўтардим. Тунги аёздан қалтирадим.

Ўйнинг зиналоясида иккита нотаниш одам ўтиради. Коронфида уларни яхшилаб кўролмадим. Биттаси тамаки чекар, иккинчиси букчайиб ўтирас ва ухлаётганга ўхшарди. Ҳовлидан эса Игнатий Лойоланинг қаттиқ хурраги эшитиларди. У аравадаги пичан устида ётар, энди унга ҳавасим келарди.

— Қандала чакдими? — Баланд овоз билан сўради мендан тамаки тутатаётган киши.

Уни овозидан танидим. Бу калишни сарпойчан кийиб олган паст бўйли бадқовоқ жуҳуд эди. Игнатий Лойола билан келганимизда у карvonсаройнинг дарвозасини очган ва бунинг эвазига ўн тийин талаб қилган эди. Мен унга ярим танга берувдим, Кушер билиб қолиб, ойнадан:

— «Йўқол, ҳовлимдан, итялок! Минг марта айтамани сенга!» — деб бақириб берганди.

Бироқ калиш кийган киши Кушерга қиё ҳам боқмади. У менга кўз қисиб:

— «Эшидингизми? Биров берган ярим танга ҳам унинг ичини куйдиради. Бунақаларнинг жонини хасислик олади. Мени айтди дерсиз», — деганди.

Кушердан, бу одам ким, деб сўраганимда у ёқинкирамай::

— «Э, буми — Иоська! Савдои. Мен ҳам тушуман, албатта. Ейшига нони бўлмаганидан кейин ҳеч бўлмаса одамларин ҳурмат қилсин-да. Довудшоҳдек тахтида ғўдай масин-да», — деб жавоб берди.

— Сизни чаққан қандалаларга ҳам Кушерга пулдан яна чўзасиз,— деди Иоська тамакини қаттикроқ тортиб. Шунда унинг соқоли ўсиб кетганини кўрдим.— Одам бойликка бир хирс қўйдими бўлди — ҳеч нарсадан ҳазар килмайди.

— Иоя! — деди тўсатдан букчайиб ўтирган одам бўғиқ ва дарғазаб овозда.— Нега сен Христванинг бошига етдинг? Мана икки йилдирки, оромимни йўқотганиман...

— Бунақа бемаъни сўзлар тариқча ақли йўқ одамдан чиқади, Никифор! — деди Иоська аччиғланиб.— Уни мен жувонмарг қилдими? Михаил ҳазратнинг ҳузурига бориб, ким жувонмарг қилганини ўшандан сўранглар. Ё бўлмаса исправник Сухаренкодан суриштиринглар.

— Овунчогим! — деди Никифор сўниқ овозда.— Менинг куёшим ботқоқлар ортига бир умрга ботди.

— Бас! — Иоська унга бақириб берди.

— Аза очайлик десам шунга ҳам йўл қўйишмади! — Никифор Иоськанинг сўзига қулоқ солмай гапираверди.— Киевда нақ митрополитнинг ўзига учрайман. Рухсат бермагунларича бир қадам ҳам жилмайман.

— Бас! — деди Иоська.— Уининг бир тола сочиға бу хароб ҳаётимни тиккан бўлардим. Сиз бўлсангиз қаёқдаги нарсаларни гапириб ўтирибсиз!

Бирдан у бўғиқ ҳикиллаб йиғлаб юборди. Ўзини бошишга ҳаракат қилганидан томоғидан ҳикиллаган овоз аранг чиқарди.

— Йиғлайвер, аҳмоқ,— деди Никифор ҳатто унинг йиғлаётганини маъқуллагандай пинагини ҳам бузмай.— Агар Христя сен бемаънини яхши кўриб қолмаганида

борми, ўзим сендей бадбаҳтни гумдон қилиб, гуноҳга битта ортиқроқ ботардим.

— Ўлдира қолинг!— бақирди Иоська.— Марҳамат! Балки, ўзим ҳам шуни ҳоҳлаётгандирман. Бундан кўра гўрда чириганим маъқул!

— Ҳалиям аҳмоқлигингча қолибсан,— маъюс жавоб берди Никифор,— Киевдан қайтиб келай, ўшанда юрагимни заҳарлаб юрганин, деб жонингни олиб қўя қоламан. Бошим мусибатдан чиқмай қолди.

— Уйни кимга қолдирдингиз?— деди Иоська йифидан тўхтаб.

— Ҳеч кимга. Эшикни миҳладим — вассалом! Ўликка бир чеким тамакидек, уй ҳам менга жуда керак-да, ҳозир!

Мен бу ғалати суҳбатни эшишиб турадим. Припять устига қалин туман тушганди. Ҳўл тахталардан ёқимили ва ўткир ҳид анқирди. У ер-бу ердан итларнинг эриниб вовиллаши эшитилиб қоларди.

— Ҳеч бўлмаганда пароход деган шайтон арава қачон келишини билсак эди!— деди Никифор алам билан.— Икковимиз мусаллас ичардик. Қўнгил яйраб, одам енгил тортармиди. Ҳа, айтгандай, мусалласни қайдан топса бўлади?

Шинелда этимга иссиқ тегиб, деворга суюнганимча мизғибман.

Эрталаб пароход келмади. Кушер, пароход туман тушганидан бирор жойда тўхтаб, тонг отишини кутаётганини айтди. Қейин, кўп ташвишланаверманг, пароход бари бир Чернобилда бир неча соат туради, деб қўйди.

Мен мириқиб чой ичдим. Игнатий Лойола қайтиб кетди.

Зерикканимдан нима қиласримни билмай, Чернобилни айлангани чиқдим. Марказий кўчадаги расталар очилган эди. Улардан тузланган балиқ ва кир совун ҳиди келарди.

Сартарошхонанинг тепасидаги вивескаси қозик мих билан қоқиб кўйилганди: унинг эшиги олдида эса устига халат кийган, юзига сепкил тошган сартарош писта чакиб туарди.

Бекорчиликдан соқол олдиргани кирдим. Сартарош уҳ тортиб қўйиб юзимга совуқ кўпик суртаркан, гапни вилоят сартарошхоналарида қалтис ҳисобланган саволдан — кимлигим ва қандай қилиб бу гўшага келиб қолганимни суриштиришдан бошлади.

Шу чок тўсатдан дераза тагидаги тахта йўлкадан болалар ҳуштак чолиб, қий-чувлашиб чопиб ўтишди. Иоськанинг менга таниш овози эшитилди:

Жасур кўшиғимда гўзал малакнинг
Ноз уйқусин бузмам, бузмайман асло.

— Лазарь,— тахта тўсиқ ортидан аёл кишининг овози эшитилди.— Эшикка тамба сол! Иоська яна ичибди! Қандай кунга қолдик, эҳ худойим!

Сартарош эшикни тамбалаб, пардани тортиб қўйди.

— Сартарошхонада битта одамни кўрса бўлди,— деди сартарош яна уҳ тортаркан изоҳ бериб,— дарров ичкарига киради-ю, ашула айтиб, ўйинга тушиб, йифи-сифи қиласеради.

— Унга нима бўлган?— сўрадим мен.

Сартарош жавоб беришга улгурмади. Тўсиқ ортидан соchlари пахмайган, ҳаяжондан кўзлари ҳайратомуз йилтираб турган ёшгина жувон чиқиб келди.

— Менга қаранг, мижоз!— деди у.— Биринчидан, салом! Иккинчидан, буни айтиб бериш Лазарнинг қўлидан келмайди, чунки эркаклар хотин кишининг қалбини тушунолмайдилар. Нима? Қаллангни қимирлатмай кўя кол, Лазарь! Хўп, бўлмаса, кулоқ солиб, айтганларим ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Киз йигитни севиб қол-

гандар қанақанги дўзахга ўзини ура олишини билиб
кўйинг, деяпман.

— Мания,— деди сартарош,— ўзингни бос.

Йосъканинг овози энди олисдан эшитиларди:

Улганимни эшитган замон,
Инғилишиб қабримга келинг,
Менга атаб колбаса билан
Бир шинада шароб келтиринг.

— Нақадар даҳшат!— деди Мания.— Эсиз, эсиз Йосъка!
Бу Чернобилдаги энг хушфеъл хотин Песя холанинг
Киевда фельдшерликка ўқиши керак бўлган ўғли Йосъканинг
ўзгинаси. Худога шукурки, хола бундай шармандали
кунларга қолмай ўлиб кетди. Сиз, мижоз, хотин
киши ана шундай азобга дучор бўлишига кўзи етса ҳам
эрракни севишга журъат қилолганини тушуняпсизми?

— Нималарни гапиряпсан ўзи, Мания!— сартарош
бакириб берди.— Бунақа гапиришингда мижоз барибир
ҳеч нарсани тушунмайди.

— Бизда ярмарка бўлган эди,— деди Мания.— Уша
ярмаркага Карпиловка яқинида турувчи бева ўрмон қо-
ровули Никифор ҳам биттаю-битта қизи Христя билан
келди. Оҳ, агар сиз уни бир кўрганингизда борми! Эс-
ҳушингиздан айрилардингиз! Мен сизга айтсан, кўзла-
ри осмон янглиғ кўм-кўк, соchlари худди тилла сувида
ювилгандай. Латофатини айтмайсизми! Қомати шундай
кетворган, нозик ниҳолки, бундан ортиқча таърифини
келтиролмайман! Кўйинг-чи, Йосъка уни кўрди-ю, тил-
дан айрилди. Севиб қолди. Бунда, мен сизга айтсан,
ҳайрон коладиган жойи йўқ. Агар қизни подшоҳнинг
ўзи кўриб қолганда ҳам, ишқида ёниб адо бўларди. Ҳай-
рон коладиган жойи шундаки, киз йигитни яхши кўриб
қолди. Йосъканни кўргандирсиз? Анови боладай пастак-
кина, овози чийилдоқ, бирорта ишни ҳам оҳанжамасиз
қилмайдиган, малла йигит. Хуллас, Христя отасини таш-

лаб, Иоськанинг уйига келди. Сиз ўша уйни бир бориб кўринг! Қандайлигини ўшанда кўрасиз! Уч киши сифиши ў ёқда турсин, эчки кирса бурилиб чиқолмайди. Лекин озодаликка озода. Буни қарангки, Песя хола Христяни худди маликадай бағрига олди. Христя Иоська билан эр-хотиндай туришаверди. Йигит бечоранинг оғзи кулоғида, азбаройи хурсандлигидан терисига сифасди. Сиз яҳудий йигитнинг православ қиз билан туриши нималигини биласизми? Уларни никоҳлаб бўлмайди. Бирор у, бирор бу, деб вақиллаб, гап-сўз кўпайиб кетди. Шундан кейин Иоська чўқинишга жазм қилиб, черковдаги Михаил ҳазратнинг олдигача борди. У бўлса Иоськага: «Олдин чўқиниб олиб, кейин христиан кизга кўл теккизиш керак эди. Сен бўлсанг тескарисини қилибсан, энди митрополитнинг рухсатисиз сен Қуддуси шариф хўжасини чўқинтиrolмайман», дебди. Иоська уни боллаб сўкиб, кетиб қопти. Шундан кейин бизнинг раввин билан ребе ишга аралашди. Иоська чўқингани борганини билиб қолиб, синагогда уни лаънатлаб, кофирдан олиб, кофирга солишди. Бунинг устига, Никифор келиб, уйга қайт, деб Христянинг оёғига йиқилди. Христя бўлса кўз ёши қилган бўлди-ю, уйига қайтмади. Кимdir болаларни ҳам қайраб кўйибди. Улар Христяни кўрди дегунча: «Хой, жуҳуд Христя! Чиллик гўшти ейсанми?» деб бақираверишди. Унга ёғоч милтиқ, тўппонча ўқталиб, масхара қилишарди. Қўчада ҳамма қараб, орқасидан куларди. Бошқа маҳал кимdir девор ортидан туриб, куррагига гўнг билан тушириб қоларди. Билсангиз, Песя холанинг уйини қора бўёққа чаплаб кетишли.

— Бечора, Песя хола! — хўрсинди сартарош.— Хотинмисан хотин эди-да!

— Жим бўлсанг-чи, гапиргани қўясанми, йўқми! — Маня унга бақириб берди.— Раввин Песя холани чақириб олиб, унга: «Сиз уйингизни нопок қилдингиз, ҳур-

матли Песя Израиловна. Конунга хилоф иш килдингиз. Бунинг учун хонадонингизни лаънатлайман, олло ҳам сиздек хиёнаткор аёлнинг жазосини берар. Сочингиз окини ҳурмат қилсангиз бўларди» дебди. Хола раввинга нима жавоб қилибди, дeng! «Сиз раввин эмассиз,— дебди у.— Сиз миршабсиз! Икки ёш бир-бирини севса-ю, уларнинг ишига ифлос тумшуғингизни суқишига нима ҳаққингиз бор?» дея раввинга тупуриб, жўнаб қолибди. Раввин шундан кейин синагогда уни ҳам лаънатлаб, ко-фирдан олиб кофирга солди. Бизда одамларни ана шунақа расво қилишади. Тағин сиз буни одамларга айтиб юрманг. Бу жанжал шу ерликларни ғимирлатиб қўйди. Ниҳоят исправник Сухаренко Йосъка билан Христяни чақиритириб: «Йосъка, грек-россия черковининг иерейи Михаил ҳазратни қаттиқ ҳақорат қилганинг учун, сени судга бераман. Ҳали каторганинг «мазаси»ни ҳам тотиб кўрасан. Христяни зўрлаб бўлса ҳам отаси ёнига қайтраман. Уйлаб кўришингга уч кун муҳлат бераман. Иккoving бутун уездни алғов-далғов қилдинглар. Сени деб ҳали жаноб губернатордан дакки эшитаман», дебди.

Сухаренко ўша заҳотиёқ Йосъкани музхонага қаматиб қўйибди. Кейин одамлар, ўшандা исправник Йосъкани қўрқитмоқчи бўлган экан, деб гапириб юришди. Бу ишнинг оқибати нима бўлди дeng? Гапимга ишонмайсизу, лекин Христя мусибатдан адойи тамом бўлди. Уни кўрган одамнинг раҳми келарди. Одамнинг юраги увушиб кетарди. Бечора бир неча кун кўз ёши тўкди, кейин кўзида ёш ҳам қолмади, қуриди, томоғидан овқат ўтмади. Фақат Йосъкани кўрсатинглар, дея ялинарди, холос.

¹ Яҳудийлар бир кеча-кундуз рўза тутиб, ибодат қиласидилар. Бир йилда қилган гуноҳларини кечириш учун худодан илтижо қиласидилар. Гўё худо шу куни уларнинг гуноҳларини кечириб, одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилас экан.

Нақ Йом-Кипурдай¹ улуг айём куни кечқурун ётганича эрталаб турмаса бўладими. Бечоранинг мурдаси оқ момикдай, ўзи ўлиб баҳтиёр бўлгандай кўринарди. Шўрлик, бунақанги бемаъни кунлардан кутқарганингга шукур, деб худога шукрона келтираётганга ўхшарди. Ўша Иоськани севгани учун бечора щунча азоб чекиши керакмиди? Хўш, айтинг-чи, нимага энди азоб тортаркан? Нима, дунёда ундан бошқа одам қуриб қолувдими? Сухаренко Христянинг ўлганини эшишибоқ Иоськани чикариб юборди. Аммо Иоська бутунлай савдои бўлиб қолди. Ўшандан бери ичкиликка берилиб, одамлардан нон тилаб ейди.

— Унинг ўрнида бўлсам ўлимни маъқул кўрадим,— деди сартарош.— Ўзимни-ўзим пешонамдан отардим.

— Ол-а, жуда ботирсизлар-э!— деди Мания шангиллаб.— Иш мана шунақа чаппасидан кетиб, ўлишга тўғри келиб қолса, юз чақирим наридан қочасизлар. Мұхаббат деган нарса хотин кишининг юрагини куйдириб, кул қилишга қодирлиги етти ухлаб тушларингга ҳам кирмайди.

— Хотинларнинг юраги нима-ю, эркакларнинг юраги нима,— сартарош шундай дея елка қисди,— ҳеч қанақа фарқи йўқ!

Сартарошхонадан чиқиб қўналғага бордим. У ерда Иоська ҳам, Никифор ҳам кўринмади. Устига эски жилем кийган Кушер дераза ёнида ўтириб чой иcharди. Хонада пўрдок пашшалар фингилларди.

Мўъжазгина пароход кечга яқин келди. У Чернобилда кечасигача турди. Менга пароходдаги ҳамма ёғи кўчиб кетган клеёнкали дивандан жой тегди.

Кечаси яна туман тушди. Пароход учи билан соҳилга қадалиб қолди. У саҳаргача, то туман тарқалгунча шу алфозда турди. Пароходда Никифорни учратмадим. У Иоська билан ичиб қолган бўлса керак.

* * *

Буни батафсил ҳикоя қилишимнинг сабаби: Киевга қайтиб келишм биланоқ илк шеърларим битилган дафтаримни куйдириб юбордим. Бу дафтарга битган гўзал сатрларим кулга айланиб, «серкўпик биллурлар», «зангори осмонлар», қовоқхона ва гитанларнинг ракслари тавсифлари бир умрга маҳв бўлаётганига мутлақо ачинмай қараб турадим.

Кўзим тез очилди. Билсам, муҳаббатга «сўлаётган нилуфар азоби» эмас, балки гўнг парчалари ёр бўлган экан. Бу гўнг парчаларини ёрини жонидан ортиқ севувчи гўзалга отишибди.

Шуларни ўйларканман, илк ҳикоямни, Християнинг кисмати ҳақидаги «чинакам ҳикоям»ни ёзишга жазм қилдим.

Шу ҳикоя деб анча азоб чекдим. Мен унинг фожиали мазмунига қарамасдан, зерикарли ва нурсиз чиққанлиги сабабига тушунолмасдим. Буни кейин фаҳмига етдим. Сабаби: биринчидан, ҳикояни бировлардан эшитиб ёзган бўлсан, иккинчидан, Християнинг севгиси тасвирига берилиб, воқеа содир бўлган жойдаги ваҳшиёна ҳаётни назардан четда қолдирган эдим.

Ҳикояни қайтадан ёзиб чиқдим. Нозик ва чиройли сўзлар ҳикояга ҳеч «ёпишмаётганлигидан» ҳайратда қолардим. Ҳикоя ҳақиқат ва соддаликни талаб киласарди.

Мана шу илк ҳикоямни шеърларим босилиб турадиган журнал редакциясига олиб келганимда, муҳаррир менга шундай деди:

— Порохни бекор ишлатибсиз, йигитча. Ҳикояни босиб бўлмайди. Биргина исправник образи учун онамизни уч кўрғондан кўрсатиб кўйишади. Бироқ ҳикоя умуман пишиқ ёзилган. Бизга бошқа бирор нарса олиб келинг. Унга, албатта, тахаллусингизни кўйинг. Сиз

гимназистсиз-ку. Шундай қылмасаңғыз, гимназиядан ҳайдаб юборишади.

Мен ҳикояни қайтиб олдым-да, яшириб қўйдим. Факат келаси йил баҳордагина қўлга олиб, ўқирканман, яна бир ҳолни сездим. Ҳикояда автор кўринмаеди — унинг ғазаби ҳам, Христя сезигиси олдидағи таъзими ҳам сезилмасди.

Шунда ҳикояни қайтадан ишладим-да, бостириш учун эмас, фикр олиш мақсадида муҳаррирга олиб бориб кўрсатдим.

Муҳаррир уни олдимда ўқигач, ўрнидан туриб, елкамга кокди-да, факт бир оғиз сўз айтди:

— Оқ йўл тилайман!

Мен шундагина қаламкаш учун асосий нарса ҳар бир асарида, ҳаттоқи кичик ҳикояда ҳам ўзни накадар тўла ва бемалол кўрсатиш, бу орқали эса ўз даври ва халқини ифодалаш эканини тушундим. Ёзувчи асарда ўзини ифодалар экан, бунда унга ҳеч нарса — китобхон олдидағи ясама хижолат ҳам, бошқа ёзувчилар томонидан илгарилари (бошқачароқ килиб айтилган) айтилган нарсаларни такрорлаб қўйишдан чўчиш ҳам, танқидчи ва муҳаррирдан ҳадиксираш ҳам раҳна солмаслиги керак.

Иш вактида ҳамма нарсани бутунлай унутмоқ керак ва бамисоли ўзинг ёхуд оламдаги энг яқин кишинг учун ёзаётгандек қалам тебратишинг керак. Бунақа вактда маънавий оламингга эрк бермок, бунинг учун барча булоқлар кўзини очмоқ керак. Ана шундагина онгингда мўлжалингдагидан ҳам кўп фикр, ҳиссият ва поэтик куч жо эканлигини бирдан сезиб ҳайратда қоласан. Ижодий жараён ўз оқими давомида янгича сифатлар касб этади, мураккаблашади ва бойийди.

Бу табиатдаги баҳорга ўхшайди. Куёш ҳарорати ўзгармайди. У корни эритади, ҳаво, тупроқ ва дарахтлар-

ни қиздиради. Ер ғовур-ғувурга тўлади — томчилар ва эриган сувлар ўйини бошланади — баҳорнинг минг хил нишоналари ўзини кўрсатади. Ана шунда ҳам такрор айтаман, қуёш ҳарорати ўзгармай тураверади.

Ижодда ҳам худди шундай. Онг ўз моҳиятига кўра ўзгармасdir, бироқ иш вактида янги фикр ва образлар, ҳиссиётлар ва сўзларнинг гирдоблари, оқимлари, шалолаларини яратади. Шу важдан инсон гоҳо ёзиб кўйган нарсасидан ўзи ҳайратланиб юради.

Бисотида одамларга айтадиган янги, аҳамиятли ва қизиқарли нарсалари бўлган, оламда бошқалар сезмайтган нарсаларни қўп кўра оладиган инсонгина ёзувчи бўла олади.

Ўзимга келсак, одамларга айта оладиган гапим алам қиласи даражада кам эканлигини тез орада тушундим. Ижод орзузи озукасиз қолдирилса борми, қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез сўниши ҳам мумкин экан. Менинг ҳаётий кузатишларим ниҳоятда оз ва фарбона эди.

У вактларда менинг китобим ҳаётдан пастда эмас, аксинча ундан юкорида турарди. Мен қалбимни ҳаётий кузатишлар билан лиммо-лим тўлдиришим керак эди.

Шуни тушуниб олганимдан кейин ўн йилгача ёзмай кўйдим ва Горький айтганидек, «одамлар орасига» кетдим. Россия бўйлаб санқиб, хилма-хил касбларни килишга, турли одамлар билан муомала-муносабатда бўлишимга тўғри келди.

Бироқ бу сунъий равишда яратилган ясама ҳаёт эмасди. Мен профессионал кузатувчи ёки факт йиғувчи эмасдим.

Йўқ! Мен келгусидаги китобларимга материал учун бирорта ҳам нарсани ёзиб олишга ёки эслаб қолишга ҳаракат килмай, шунчаки яшадим, холос.

Мен факат бир нарсани — эртами ё кечми, ўрта

яшарлигимда, ёинки, эҳтимол, қариганимдами ёза бошлишимни билган ҳолда кун кечирдим, ишладим, севдим, азоб чекдим, ишондим, орзу қилдим. Бироқ бунда ўз олдимга шундай вазифа қўйганимни эмас, балки ёзиши вужудим талаб этаётганини билардим. Зоро, адабиёт мен учун оламдаги энг ажойиб ҳодиса эди-да!

ЧАҚМОҚ

Ният қандай туғилади?

Бир хилда пайдо бўлиб, ривожланадиган иккита ният деярли бўлмайди. Чамаси: «ният қандай туғилади?» деган саволни, умумий ҳолда эмас, балки айрим ҳикоя, роман ёки повесть муносабати билан бериб, кейин бунга жавоб олиш керак бўлади.

«Ният туғилиши учун нима зарур ёки жўнгина қилиб айтганда, ният туғилишини нима тақозо қиласди?» деган саволга жавоб бериш осонроқдир. Ёзувчининг руҳий ҳолати доимо ният намоён бўлиши учун уни тайёрлаб боради.

Ният пайдо бўлишини, менимча, ўхшатиш йўли билан тушунтириш осонроқ. Ўхшатиш гоҳо энг мураккаб нарсаларни тушунтиришда ажойиб равшанлик баҳш этади.

Бир куни астроном Джинсдан, Еримизнинг ёши нечада, деб сўраб қолишибди.

— Сиз кўз олдингизга энг баҳайбат тоғни, мисол учун Кавказдаги Эльбурсни келтиринг,— деб жавоб бедибди Джинс. Айни вақтда, bemalol учиб-кўниб, ана шу тоғни чўқилаётган митти чумчуқни ҳам тасаввур қилинг. Демак, ана шу чумчуқ Эльбурсни чўқилаб-чўқилаб тагига етишига қанча йил кетса, Ернинг ёши ҳам шунча бўлади.

Ният туғилишини тушунишга ёрдамлашадиган ўхшатиш бунга қараганда анча оддий.

Ният — бу чақмоқдир. Электр зарядлари бир неча кунда ер устида түпланиб қолади. Атмосфера бу зарядларга лик түлгандан кейин оқ паға булутлар даҳшатли кора булутларга айланади ва улардаги куюқ электр қиёмидан илк учқун — чақмоқ туғилади.

Чақмоқ чаққан-лаҳзанинг ўзидаёқ, кетма-кет жала куяди.

Ният ҳам мисли чақмоқ янглиғ фикр, ҳиссиётлар ва хотира лавҳаларга тўлган инсон онгида туғилади. Буларнинг ҳаммаси то муқаррар разряд талаб этадиган кескин даражага етгунча сезиларсиз ҳолда аста-секин түпланаверади. Шундан кейин фикр, ҳиссиётларнинг ана шу сиқилган ва ранг-баранг олами чақмоқни — ниятни туғдиради.

Ният пайдо бўлиши учун худди чақмоқ ҳосил қилганда керак бўлганидагидек сал туртки зарур.

Бу туртки тасодифий учрашув, юракка ўрнашиб қолган сўз, туш, олисдан эшитилган товуш, томчидаги куёш нури ёки пароход гудоги шаклида намоён бўладими — ким билади дейсиз.

Оламда мавжуд нарсаларнинг бари, атрофимиздаги ва вужудимиздан жой олган нарсаларнинг ҳаммаси туртки бўлиши мумкин.

Лев Толстой далада синиб ётган қариқиз ўтини кўриб қолгандан кейин қалбида чақмоқ чақди — унда Ҳожимурод ҳакида ажойиб повесть ёзиш нияти туғилди.

Агар Толстой Кавказда бўлмаганида, Ҳожимурод ҳакида ҳеч нарса билмаган ва эшиитмаганида, албатта, қариқиз ўти қалбида бундай фикр пайдо қилмасди. Толстой бу мавзуга руҳан тайёрланган эди, шу важдан қариқиз унга керакли турткини бера билди.

Агар чақмоқ — ният бўлса, жала — ниятларнинг му-

жассамидир. Бу образлар ва сўзларнинг силлиқ оқими-
дир. Бу — китоб демакдир.

Бироқ дастлабки ният чақмоқдан фарқли ўларок
кўпинча ноаниқ бўлади.

«Эркин роман уфқларини ҳам сехрли кристал оша
ноаниқ тасаввур этардим» деб ёзган эди улкан санъ-
аткор.

Ният аста-секин етила боргани сари ёзувчининг акл
ва қалбини забт этади, ҳар тарафлама пишитилади ва
мураккаблашади. Бироқ ниятнинг «етилиши» баъзи сод-
да кишилар ўйлаганича бўлмайди. У ёзувчининг бошини
чангаллаб бир жойда ўтирганида ёки ўзига-ўзи нима-
ларнидир гапириб юрганида ифодаланмайди.

Йўқ, мутлақо бундай эмас! Ният етилиши ҳар соат,
ҳар кун, ҳар ерда ва доимо, барча тасодифий ҳолларда,
мехнатда, «илдам ҳаётимиз»нинг шодлик ва мусибатла-
рида ҳам тўхтовсиз давом этаверади.

Ёзувчи ниятнинг пишиб етилишига йўл очмоқ учун
ҳеч қачон ҳаётдан ажралмаслиги ва бутунлай «ўзи би-
лан ўзи» овора бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, ёзув-
чи воқелик билан муттасил алокада бўлгандагина ният
гул очиб, ер шарбатларига тўла боради.

Умуман айтганда, ёзувчилик иши хусусида анчагина
янглиш фикр ва бўлмагур гаплар мавжуд. Уларнинг
баъзилари ўзининг бемаънилиги билан кишининг жигига
тегади.

Ҳаммасидан ҳам илҳом ҳақидаги баъзи фикрлар
жуда бачканадир.

Илҳом деганда нодонларнинг кўз олдидан деярли
ҳар вакт шоирнинг нимадандир тўлқинланиб, осмонга
боқаётгани ёки ғоз патли ручкасини тишлаб ўтирган
пайти келади.

«Шоир ва подшоҳ» деган кинокартина кўп одамлар-
нинг эсида бўлса керак. Ўша кинокартинада қўрсатили-

шича, Пушкин орзуманд ҳолда кўкка боқиб ўтиради, кейин жаҳл билан ғоз патли ручкасини олиб ёза бошлайди, тўхтайди, яна осмонга тикилади, ручкасини тишлайди ва яна шошилиб ёза бошлайди.

Биз Пушкин ҳайратда қолган савдоига ўхшатиб тасвиirlанган суратларнинг кўпини кўрганмиз!

Мен бадиий кўргазмалардан бирида Пушкиннинг «илҳомли боқиши» акс эттирилган ихчам ҳайкали олдида кизик суҳбат тингладим. Кичкинагина қизча Пушкиннинг ана шу ҳайкалига афтини бужмайтириб анча тикилиб турди-да, кейин онасидан сўради:

— Ойи, у орзуни хаёл қилаяптими? Ё бошқа нарсани ўйлаяптими?

— Ҳа, қизим, Пушкин амакинг орзуни хаёл қилаяпти,— деди онаси ўта мулойимлик билан.

Пушкин амаки «орзуни хаёл қилаётганиш?» Пушкин эса куйидаги сатрларни ёзган эди:

Узок вақт халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Чунки рубобим билан эзгу ҳислар туғдирдим —
Шу ёвуз замонамда куйладим эркни мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.

Агар «муқаддас» илҳом композиторга «келиб қолса» (албатта у «муқаддас» ва «келиб қолади»), композитор кўзларини катта-катта очиб, ўша лаҳзада қалбида туғилган ажойиб оҳанглар барада янграсин учун ўзига-ўзи дирижёрлик қила бошлармиш. Чайковскийнинг Москвадаги бачкана ҳайкали уни ана шундай ҳолатда ифодалаган.

Йўқ! Илҳом — инсоннинг жиддий иш ҳолатидир. Қалб тўлқини артистча ҳолат ва кўтаринкилика ифодаланмайди. Бу сўзлар яхши таниш бўлган «ижод азоблари»га ҳам тааллуқлидир.

Пушкин илҳомни аниқ ва содда таърифлаган. «Илҳом — қалбнинг жонли таассуротлар қабул қилишга.

тушунчаларни тез тушунишга тайёр ҳолатидир. Бу эса уларни тушунтиришга ҳам ёрдам беради». «Танқидчилар,— деган эди у давом этиб,— илҳом билан ҳаяжонни қориштириб юборадилар». Бу эса китобхонлар баъзан ҳақиқатни ҳақиқатнамо нарсаларга қориштириб юборганларига ўхшайди.

Бироқ бу ҳали ҳолва. Гоҳо айрим рассом ва ҳайкалтарошлар илҳомни ийиб кетган кишининг жазавасига қориштириб юборишганини кўрганингда, уларнинг ёзувчининг машаққатли меҳнатидан бутунлай бехабар ва беътибор кишилар эканликларига ишонч ҳосил қиласан киши.

Чайковскийнинг уқтиришича, илҳом — бу инсоннинг олифтанамо қўйл силкитган вакти эмас, балки жон-жаҳди билан куйиниб меҳнат қилган пайтидир.

Чекиниш қилганимга узр сўрайман, бироқ юкорида тўхталган нарсаларим арзимас гаплар эмас. Булар илҳом хусусидаги бачканга ва обивателларча фикр юритиш йўқолмаганидан далолат беради.

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти мобайнида, гарчи бир неча марта бўлса ҳам, қалби илҳомга — қалб тўлқинига дуч келган пайтни бошидан кечиради. Бунда, биз юкорида айтгандай, киши қалби тўлқинланади, атрофидаги воқеликдан жонли ва ёрқин таъсирланади, вужуди фикрларга тўлиб-тошиб, ўз ижодий кучини аниқ ҳис этади.

Ҳа, илҳом инсоннинг жиддий иш ҳолатидир, бироқ унинг ўзига хос поэтик бўёғи бор. Мен буни ўзимга қолса поэтик маъноси бор дердим.

Илҳом қалбимизга ёз фаслининг ҳозиргина сокин тун пардасидан кутулган, ўт-ўланларнинг япроқларида марварид томчилар титраб турган мусаффо тонги янглиғ кириб келади. У чөхрамизга ўзининг шифобахш ва салқин нафасини уфуради.

Илҳом — бамисоли биринчи муҳаббатдир. Бунда юрак бўлажак учрашувлар, ёрнинг бекиёс гўзал кўзлари, табассуми ва имолари иштиёқида гуп-гуп тепади.

Шунақа пайтларда бизнинг маънавий дунёмиз бамисоли бир сеҳрли чолгу асбобидай нозик ва ниҳоятда тўғри созланган бўлади. У ҳаётнинг энг пинҳон, энг ингичка товушларига ҳам акс садо беради.

Ёзувчи ва шонрлар илҳом ҳақида жуда кўп ажойиб сатрлар битганлар. «Энг нозик қаломлар етар вужудга» (Пушкин), «Бунда босилажак қалба ҳаяжон» (Лермонтов), «Оҳанг чалқиниб келади, қалб ҳам унинг амрига бўйсуниб, яшариб кетади» (Блок). Фет илҳомни жуда аниқ тасвир этган:

Тўлқин силлиқлаган қумлик устидан
Учар қайигимни денгизга бурсам,
Мавжлар менин элтса ётлар юртига,
Яшнаган қирғоклар томон мен юрсам.
Янгрок бир товушки тушни парчалаб,
Янгича кунларнинг завқини сурсам.
Юракка дам бериб, уни эркалаб,
Ўзгача ҳаётни бир лаҳза кўрсам.

Тургенев илҳомни «худонинг яқинлашиши», инсон қалбининг фикр ва туйғулар билан нурланиши, деб атаган. У ана шу нурланишни сунъий ҳосил қилиш ёзувчига бениҳоя азоб эканлигини ҳам қаттиқ уқтирганди.

Илҳомга ҳаммадан ҳам Толстой содда таъриф берган: «Илҳом шундан иборатки, қилиниши лозим бўлган иш бирдан ўзидан-ўзи ўнг келиб қолади. Илҳом қанча кайнаса, бажарилиши зарур бўлган иш ҳам шунча самарали бўлаверади».

Илҳомга қанчалик таъриф бермайлик, унинг самарали эканлигини ва ўзини одамларга ҳадя этмай бенаф ғойиб бўла олмаслигини ҳам биламиз.

ҚАҲРАМОНЛАР ИСЕНИ

Революциядан олдинги йилларда кишилар бир жойдан бошқа жойга кўчгудай бўлсалар, ашқол-дашқол ташишга гоҳо маҳаллий турмадан маҳбуслар ёллашарди.

Биз болалар эса ҳар маҳал маҳбуслар келишини зўр кизиқиши ва ачиниш ила кутганимиз кутган эди.

Маҳбусларни камарларига каттакон тўппонча — «бульдог» осиб олган шоп мўйлов назоратчилар олиб келишарди. Устларига маҳбусларнинг сур кийими, бошлирига думалоқ шапка кийган кишиларга ҳайратланиб тикилардик. Бироқ нима учундир оёқларидағи ингичка кишанлари шилдировчи занжир билан камарларига боғлаб кўйилган маҳбусларга ҳурмат билан қарадик.

Буларнинг ҳаммаси жуда сирли эди. Бироқ ҳаммасидан ҳам ҳайратланарлиси, деярли барча маҳбусларнинг оддий ва хокисор одамларга ўхашлиги эди. Булар шунчалик хушфеъл эдиларки, уларнинг ёвуз ва жиноятчиликларига ҳеч ишониб бўлмасди. Улар фақат хушфеългина эмас, балки мулойим ҳам эдилар. Шу важдан бесёнақай мебелларни ташиётганда, битта-яримтани туртиб юбормайлик ёки у-буни синдириб қўймайлик, деб жуда чўчишарди.

Биз болалар маҳбусларга ёрдам бериш учун ҳар игал катталар билан келишиб, ажойиб режа тузарадик. Ойим назоратчиларни, чой ичинглар, деб ошхонага тақлиф киласди. Биз бўлсак бу вақтда қўлимиздаги ишон, колбаса, қанд, тамаки, гоҳо пулни маҳбусларнинг ўчунтакларига тикиштирадик. Буларни ота-оналаримиз беришарди.

Биз буни ўзимизча хатарли иш деб ўйлар, шунинг учун ҳам маҳбуслар ошхона томонга имо қилиб, шивирлаб миннатдорчилик билдирганларида теримиизга сифмай

кетардик. Улар биз берган нарсаларни эса күйинларидағи хуфия чүнтакларига беркитишарди.

Баъзан маҳбуслар назоратчиларга сездирмай бизга хат тутқизишарди. Биз кейин буларга марка ёпишириардик-да, тұдалашиб почта қутисига ташлагани жүндардик. Хатни қутига ташлашдан олдин гүё қандай хат жүната-ётганимизни билиб қолишадигандай, яқинрокда пристав ёки миршаб йўқми, деб тоза олазарак бўлардик.

Маҳбуслар орасида оппок соқолли бир киши бўлганлиги эсимда. Уни маҳбуслар «оқсоқол» дейишарди.

Оқсоқол буюмларни ташишда бошчилик қиласди. Буюмлардан, айниқса шкаф билан пианино эшикка тиқилиб қолар, уларни суриш кийин бўлар, гоҳо маҳбуслар қанчалик уринишмасин, буларни мўлжалланган янги жойларга ҳеч ўрнаштириб бўлмасди. Улар очик каршилик кўрсатаётгандай туюларди. Бирорта шкаф ёки бошка нарса ана шунаقا пайтда тихирлик қилиб қолса оқсоқол шундай дерди:

— Уни хоҳлаган ерига күйинглар. Нега уни кийнайп-сизлар? Мен бунақа нарсаларни беш йилдан бери ташиб келяпман, уларнинг феълинин яхши биламан. Агар буюм шу жойда туришни истамадими — ҳар қанча уринма, барি бир бўш келмайди. Синса синадики, барি бир бўш келмайди.

Мен кекса маҳбуснинг бу ҳикматли гапини ёзувчиларнинг режалари ва адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари муносабати билан эсга олдим. Буюмлар ва адабий қаҳрамонларнинг хулқида қандайдир муштараклик бор. Адабий қаҳрамонлар кўпинча авторга қарши кураш бошлаб, деярли ҳар вақт ғолиб чиқадилар.

Деярли барча қаламкашлар келгусидаги асарларининг режаларини тузадилар, албатта. Айрим ёзувчилар уларни муфассал ва аниқ ишлаб чиқадилар. Бошқалар эса тахминан тузадилар. Бироқ шундай ёзувчилар ҳам

борки, уларнинг режаси гўё бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир неча сўздангина иборат бўлади.

Фақат бадиҳа қобилиятига эга бўлган ёзувчиларгина тахминий режаларсиз асар ёза оладилар. Рус адиларидан Пушкин юксак даражадаги ана шундай қобилият эгаси эди. Ҳозирги замон прозаикларидан эса Алексей Николаевич Толстой ҳам шундай қобилият соҳиблари қаторида туради.

Мен гениал ёзувчи ҳам бережа асар ёза олади, деган фикрдаман. Гений ёзувчи маънавий жиҳатдан шу қадар бой бўладики, исталган мавзу, исталган фикр, ҳодиса ёки предмет унда ассоциацияларнинг туганмас оқимини ҳосил кила олади.

Ёш Чехов Короленкога бир куни:

— Мана, сизнинг столингизда сиёҳдон турибди. Истасангиз, ҳозироқ у ҳакда ҳикоя ёзиб бераман,— деган экан.

У хўп деганда буни ёзган бўларди, албатта.

Бир одам кўчадан ғижимланган бир сўм топиб олиб, ўз романини ана шу пулни топиб олиш воқеасини енгил ва содда тасвирлашдан бошлай олишини тасаввур қилса бўлади. Бироқ кўп ўтмай бу романдаги воқеалар ҳар тарафлама чуқурлаша боради, асар одамлар, воқеалар, нурланишлар, бўёқлар билан тўла боради ва тасвир тўқима турткисида ёзувчиidan образлар ва сўзларнинг бебаҳо запасларини талаб қилгани ҳолда эркин ва кучли кетаверади.

Шундай қилиб, тасодифий тасвирдан бошланган асарда фикрлар, кишиларнинг мураккаб тақдири на-моён бўлади. Энди ёзувчи ўз ҳаяжонини жиловлашга ожизлик қиласди. У Диккенс сингари қўл ёзмаларининг саҳифалари устида кўз ёши тўқади, Флобер сингари азобдан инграйди ёки Гоголь сингари қаҳ-қаҳ уради.

Тоғларда арзимаган овоздан, ов милтигининг ўқидан тик қия бағрига оппок кор түкила бошлайди. Тезда у пастта қараб учәётган катта кор дарёсига айланади ва орадан бир неча дақиқа ўтгач, водийга бутун дарани касир-қусурдан ларзага солиб ва ҳавони учқунли тўзонга тўлдириб кўчки тушади.

Кўп ёзувчилар гениал ва бадиҳа қобилиятга эга бўлган инсонларда ижодий ҳолат осон ҳосил бўлишини эслатганлар.

Пушкиннинг қандай ишлашини яхши билган Баратинский шундай деган эди:

Пушкин ёш бўлса-да, қайноқ қалб эди,
Қалами тебранса ҳаёт куларди...

Мен юкорида, баъзи ёзувчиларнинг режаси сўзлар йигиндинсига ўхшайди, деб эслатган эдим.

Мана кичкинагина мисол. Менинг «Кор» деган ҳикоям бор. Уни ёзишдан аввал бир саҳифа қофозни қора қилдим ва ўша ёзувлардан ҳикоя туғилди. Ўша ёзувлар қандай қўринарди?

«Шимол ҳакидаги унutilган китоб. Шимолнинг асосий ранги — қофоз ранг. Дарё устида ҳовур. Аёллар музнинг тешик жойларида кир ювмолдалар. Тутун Александра Ивановнанинг кўнғироқчасида ёзув бор: «Мен эшикда осикман — чалавергин сен шўхрок». «Валдай тухфаси — кўнғироқча ҳам ҳазин овоз чиқаратинмай». Кўнғироқчаларни «Валдай тухфаси» деб аташади. Уруш. Таня. Каерда у, қайси чекка шаҳарчадайкин, у сўқабош? Булутлар остидаги хира ой, кўркинчили кенгликлар. Ҳаёт нурнинг тор доирасида сикилган. Бу нур чироқдан тушиб турибди. Тун бўйи деворлар нимагадир зириллайди. Бутоклар дераза ойнасини тимдалайди. Биз киш кечаси оғиб колган пайтларда

ташқарига жуда кам чиқамиз. Буни текшириш керак... Танҳолик ва интизорлик. Қари, хафақон мушук. Үнга ҳеч нарса ёқмайди. Ҳамма нарса, ҳатто роялдаги бурама (зайтун) шамлар ҳам кўриниб тургандек. Бирок ҳозирча бошка ҳеч нарса йўқ. Роялли квартира излади (ашулачи хотин). Эвакуация. Интизорлик ҳакида ҳикоя. Бегона хонадон. Эскича, ўзича шинам, фикуслар, Стамболи ёки Месаксудидан келтирилган эски тамакининг ҳиди. Чол яшади ва ўлди. Устига сарик доғли мовут ёпилган, ёнғоқ дараҳтидан ясалган ёзув столи. Қизча, Золушка. Энага. Ҳозирча энагадан бошка ҳеч ким йўқ. Муҳаббат, олисдан ҳам ўзига тортади, дейдилар. Фақат интизорлик ҳакидағина ёзиш мумкин. Нимани? Кимни? Буни ўзи ҳам билмайди. Бу юракни тилка-пора қиласди. Юзлаб йўллар кесишган жойда кишилар ўтмиш кунлари ана шу учрашувга дебоча эканини билмай тасодифан тўкнашадилар. Эҳтимоллик назарияси. Буни инсон қалбига нисбатан қўлласа бўлади. Аҳмокларга ҳамма нарса оддий кўринади. Мамлакат қорга кўмилмокда. Инсон пайдо бўлишининг муқаррарлиги. Кимданdir ўлган одамга хатлар келиб туради. Бу хатларни столга бирмабир тахлаб кўйишади. Қалит — мана шунда. Қанака хатлар? Уларда нималар ёзилган? Денгизчи. Үғил. У келиб қолади деб олдиндан талвасага тушиш. Мунтазирлик. У бениҳоя сахий қалб эгаси. Хатлар вокеликка айланди. Яна бурама шамлар. Сифати бўлакча. Ноталар. Дуб япроги гул қилиб тикилган сочик. Рояль. Қайин тутуни. Асбоб созловчи чехларнинг ҳаммаси яхши созандা бўлишади. Ҳаммаси аён!»

Ҳикоянинг зўрма-зўраки равишдаги плани деб атаса бўладиган нарсаси шу. Ҳикоядан ғофил ҳолда бу ёзувларни ўқиб қолган киши, гарчи бу секин ва ноацик бўлса-да, ёзувчининг мавзу ва сюжетни тиришқоклик билан пайпаслаб кўрсатаётганини тушуна олади.

Ёзувчиларнинг аниқ, ўйланган ва текширилган режалари ҳоли нима кечади? Очифини айтганда, кўпчилик режалар киска умр кўради.

Ёзила бошланган асарда кишилар пайдо бўлиб, автор иродаси билан жонланди дегунча, улар режага карши кураш бошлайдилар. Асар ўзининг ички мантикига мувофиқ ривожлана боради, бунга турткени ёзувчи беради, албатта. Қаҳрамонлар, бу характерларнинг ижодкори ёзувчи эканлигини инобатга олмай, ўз характерларига мос тушадиган ҳаракатлар қила бошлайдилар.

Мабодо, ёзувчи қаҳрамонларни ички мантиққа зид равишда ҳаракат қилишга мажбур этса, уларни зўрмазўраки равишда режа доирасига қайтарса, қаҳрамонлар юрувчи схемаларга, темир одамларга айланиб, ҳаётийликдан маҳрум бўла бошлайдилар.

Лев Толстой бу фикрни ниҳоятда содда баён қилган эди.

Ясная Полянага келган кишилардан бири, Лев Толстойни, Анна Каренинани ўзини поезд тагига ташлашга мажбур этдингиз, деб бераҳмликда айлаган эди.

Шунда Толстой кулимсираб бундай деган эди:

— Бу менга Пушкин билан рўй берган бир тасодифни эслатади. Бир куни Пушкин ўртокларидан бирига: «Татьяна менга қандай ҳазил қилганини қаранг-а! У турмушга чикди. Буни ундан ҳеч кутмагандим» дебди. Мен ҳам Анна Каренина ҳақида ана шу гапни айта оламан. Ўмуман, эркак ва аёл қаҳрамонлар гоҳида шунаканги қилғиликлар қилишадики, менга колса ўшаларни ҳеч хоҳламасдим! Улар менинг кўнглимга ёқадиган ишларни эмас, балки чинакам турмушда бўлганидек, ҳақиқий ҳаётда қилишлари керак бўлган ишларни қилишади.

Ёзувчиларнинг ҳаммаси қаҳрамонларнинг ана шу

қайсаликларини яхши билинади. «Иш энг ичиниң жа-
таётган пайтда,— деган эди Алексей Николаевич Толе-
той,— қаҳрамоним беш минутдан кейин имя дейими-
ни билмайман. Мен уларни таажжубда күзатынан».

Иккинчи даражали қаҳрамон бошқаларни чынса су-
риб, асосий қаҳрамон бўлиб олган ва вожсанинг бутун
оқимини буриб, ўзиға эргаштириб кетадиган пайтнама
ҳам бўлади.

Ёзувчи ишлаётган пайтдагина асари онгла чинакка-
мига, бутун куч-куввати билан яшай бошлиди. Шу жа-
дан ҳам режаларнинг бузилиши ёки барбод бўлишига
хеч қандай хатарли ва фожиали нарса йўқ.

Аксинча, режаларнинг бузилиши ва ўзгариб кетишг
табиийидир. Чунки бу чинакам ҳаёт ёзувчи схемасини
ёриб кириб, уни тўлдирганлигидан, қайнок тошкени
билан қаламкашнинг дастлабки режаси доираларини
кенгайтириб, синдириганлигидан далолат беради.

Бу, режа бўлмагур нарса, деган хулосага олиб ҳал-
майди. Ёзувчининг роли ҳаётда кўрган-билганини ёзаб
олишдангина иборат, деган фикрларни ҳам келтираб
чиқармайди. Асаддаги образларнинг ҳаётини ёзувчининг
онги, хотираси, тасаввури, тажрибаси, маънавий олами
тақозо этади-ку, ахир.

БИР ПОВЕСТЬ ТАРИХИ

«Марц сайёраси»

«Қўра Бўғоз» повестини ёзиш ишити қандай түғанд-
ганини эслашга уриниб кўраман. Бу қандай рўй бер-
ган эди?

Киевда ўтган болалик йилларимда Дніспр лабидаги Владимир тепалигига ҳар окшом бошига гирди қайрилган, чанг босган шляпа кийган чол пайдо бўларди. У эскирганидан сирлари кўчган телескопини анча вақт уриниб, қийшайган темир уч оёққа ўрнатарди.

Бу чолни одамлар «мунажжим» дейишар, русча сўзларни атайлаб бузиб айтганидан, миллатини итальян ҳисоблашарди.

Чол телескопни ўрнатиб бўлгандан кейин ҳар кунгидек бир хил овозда гап бошларди:

— Мұхтарам синъор ва синъориналар! Буона джиорно! Беш тийин эвазига Ердан Ой ва турли юлдузлар томон парвоз киласиз. Айникса, ранги одам қонига ўхшаш даҳшатли Марц сайёрасини тамоша қилишини маслаҳат бераман. Кимки Марц сайёраси тагида туғилган бўлса, урушда фузильерларнинг ўқидан халок бўлади.

Бир куни дадам билан Владимир тепалигига бўлганимизда телескопдан Марс сайёрасини кўрдим.

Телескопдан каарканман, кўзимга қоп-қора бўшлиқ ва ана шу бўшлиқда ҳеч кандай суюнчиқсиз турган қизгиш курра кўринди. Унга караб турарканман, курра телескопнинг нариги томони сари сурила бошлаб, унинг мис ҳошияси орасига кириб йўқолди. «Мунажжим» телескопни сал буриб, Марсни аввалги жойига кайтарди. Бирок Марс яна телескопнинг мис ҳошияси томон сирғала бошлади.

— Хўш, қалай? — деди дадам. — Бирор нарса кўряпсанми?

— Ҳа, — дедим мен. — Ҳатто каналларни ҳам кўряпман.

Мен Марсда одамлар — марсликлар яшашини ва улар нима учундир сайёralарида улкан каналлар қизганикларини билардим.

— Хайр, майли, күрсанг күрибсан! — деди дадам.— Ёлғонни йигишти! Ҳеч қанака каналларни күрмагансан. Уларни факат битта астроном — итальян Скиапарелли күрган, ўшанда ҳам катта телескоп ёрдамида күрган.

Ватандоши Скиапареллининг исми тилга олиниши «Мунажжим»га ҳеч қанака таъсир кўрсатмади.

— Марснинг чап томонида яна қандайдир бир сайдорани кўраяпман,— дедим мен бўшашиб.— Бироқ у негадир осмонда ҳар томонга учиб юрибди.

— Бу қанака сайдёра экан! — деди «Мунажжим» мулоиймлик билан овозини баландлатиб.— Ё кўзингга хаспас тушиб қолдими.

«Мунажжим» даҳанимдан маҳкам ушлади-да, кўзимга тушган чўпни дарров олиб ташлади.

Марсни тамоша қиласверганимдан ҳамма ёғим музлаб, юрагим увушиб кетди. Телескопдан кўзимни оларканман, анча енгил тортиб, Киевнинг чироқлари хира, икки ғилдиракли извошлар тақири-тукур қилиб ўтиб турган, гул тўкаётган каштанлари чангли ҳид таратган кўчаларига қарагандим, улар менга шинам ва ишончли туюлди. Ўша пайтларда менда Ердан Ойга ёки Марсга учишга мутлақо иштиёқ йўқ эди!

— Нега Марс ғиштга ўхшаб қизил? — сўрадим отамдан. Шундан кейин отам менга Марс маҳв бўлайтган сайдёра эканлигини, у ҳам бир вақтлар еrimиз сингари гўзал сайдёра бўлганлигини, унда ҳам биздаги каби денгизлар, тизма тоғлар ва чаманзорлар бўлганлигини, бироқ бора-бора денгиз ва дарёлари куриб, кўкатлари ковжираб, шамоллар тоғларни ялаб юборганини, шундан кейин Марс улкан қум саҳросига айланиб қолганлигини айтиб берди. Марсдаги тоғларнинг тоши қизил бўлса керак, шунинг учун ундаги кумлар қизғиш кўринади, деб ҳам кўйди.

— Демак, Марс қумлик шар экан-да,— сўрадим мен.

— Ҳа, шундай,— гапимга кўшилди отам.— Марс бошига тушган кулфатга Еримиз ҳам дучор бўлиши мумкин. Ер ҳам саҳрого айланади. Бироқ бу миллион йиллардан кейин бўлади. Ҳозирча қўркмасанг ҳам бўлаверади. Уша вақтгача одамлар ҳам бирор нарса ўйлаб, бу бемаънилика чек кўйишар.

Мен отамга мутлако чўчимаётганлигимни айтдим. Бироқ, очиғини айтганда, Еримизнинг Марс янглиғ чўлу саҳрого айланаб кетажаги мени даҳшат ва аламга соларди. Бунинг устига, уйда акамдан, ҳозирнинг ўзида саҳролар ер куррасининг сал кам ярмини ишғол килади, деган гапни ҳам эшигандим.

Шандан бошлаб саҳродан (гарчи уни ҳали кўрмаган бўлсан ҳам) кўркув ҳисси вужудимга ўрнашиб колди. Гарчи мен Саҳроий Кабир, чўл тўфонлари бўлган самумлар ва «саҳро кемаси»— туялар ҳакида «Вокруг света» журналида босилган ҳикояларни ўқиб борсам-да, улар мени ўзига ром этмасди.

Орадан кўп ўтмай, дашт билан илк бор танишувга мушарраф бўлдим. Бу эса хавотиримга хавотир кўшди.

Ёзда уй ичимиш билан кишлокда турувчи бобом Максим Григорьевичниги кетдик.

Ёз иссиқ ва серёмғир эди. Ўт-ўланлар қуюқ ўсганди. Четанлар ёнидаги қичиткон одам бўйи келарди. Далалардаги ғалла бошоклаганди. Томорқалардан хушбўй шивит ҳиди анқирди. Буларнинг бари ҳосил мўл бўлишидан дарак берарди.

Бироқ кунлардан бирида бобом икковимиз дарё бўйида елим балик тутиб ўтиарканмиз, бобом тўсатдан ўрнидан иргиб турди-да, кўлинин пешонасига кўйиб, дарёнинг нарёғидати далалар томонга тикилиб қолди. Кейин аламидан туфурди-да:

— Ларьнати яқынлашиб келяпти! Илойим жувонмарғ бўлсин!— деди.

Мен бобом тикилган ёкка қаарканман узун ва хира устунга ўхшаган нарсадан бўлак ҳеч нимани кўрмадим! У тобора яқинлаб келарди. Буни мен момақалдироқ деб ўйладим. Бобом эса:

— Бу гармсел! Ҳамма ёқни қовжиратиб кетади, ларьнати! Бу шамол Бухородан, даштдан келади. Ҳамма нарсани жувонмарг қиласди! Бизга шу мусибат яқин келяпти, Костик! Ҳатто бу нафас ҳам олдирмай қўяди,— деди.

Даҳшатли тўфон ер бағирлаб яқинлашиб келарди. Бобом шоша-пиша ёнғоқ ёғочига қармоғининг ипини ўради-да, менга:

— Уйга чоп, бўлмаса кўзинг тупрокқа тўлади. Мен орқандан бораман. Югур!— деди.

Мен уйга қараб чопдим, бироқ гармсел йўлдаёқ қувиб етди. Гирдоб қумларни ғижирлатиб, пайрача ва парранда патларини учирив илгариларди. Ҳамма ёқни зулмат босди. Қуёш бамисоли Марсдек кўрқинчли ва қизғиши бўлиб қолди. Оқ толлар чайқалиб, шувилларди. Орқа тарафдан шундай бир иссиқ келдики, гўё кўйлагимнинг елкаси тутаб кетаёзди. Чанг тишларимга кириб, кўзларимни ҳам ачитарди.

Уйнинг бўсағасида холам Феодосия Максимовна турар, у гулли даструмолга ўралган бутни ушлаб олганди.

— Ё худо, ўзинг сақла, раҳм қил!—дерди у кўрқиб кетганидан фўлдираб.— Биби Марям, ўзинг басаломат сақла!

Чирпирак бўлиб келаётган қуюн уйга ўзини урди. Енгил-елни суваб қўйилган ойналар зириллаб кетди. Бўғотдаги похол тўзиди. Унинг тагидаги чумчуқлар кора ўқлардай баб-баравар учеб чиқишиди.

Отам биз билан қишлоққа келмай Киевда қолған әди. Ойим роса хавотир олди.

Ҳаммасидан ҳам күтарилаётган ҳарорат оғир тушганилиги эсимда. Мен, бир-икки соатлардан кейин томдаги похол ёниб кетади, кейин соч ва кийимларимиз ҳам кул бўлади, деб ўйлардим. Шу важдан йиғлаб юбордим.

Кечкуунга бориб, оқ толнинг қалин шохларидаги япроқлар сўлиб, сариқ латталардай осилиб қолди. Шамол ҳамма четанлар олдига ундеқ майдада кора тупроқларни уйиб кетганди.

Эрталабга бориб япроқлар ковжираб қолди. Қуриб ерга тўқилган япроқларни мижгилаб, кукун қилса бўларди. Шамол зўрайди. У ана шу жонсиз ва исқирт япроқларни чирт-чирт учирганидан кўп дараҳтлар кеч қузакдагидек ялангоч ва қоп-қора бўлиб қолди.

Бобом даласига бориб, жуда паришонхотир ва аянчли ҳолда қайтди. У азбаройи довдираб қолганидан, бўз кўйлагининг қизил боғичини ҳеч ечолмас, кўллари қалтиради.

— Агар кечасиям тинмаса,— деди у,— бор экинимиз расво бўлади. Бое ҳам, томорқа ҳам қолмайди.

Аммо шамол босилмади. У икки ҳафта эсади, кейин сал пасайди-ю, яна кучайди. Ер кўз ўнгимизда сарғимтири кулхонага айланди.

Хонадонлардан хотин-халажнинг йифи-сифиси эшитиларди. Эркаклар шамолдан яшириниб, панароқдаги супачаларда ўлтиришарди. Улар таёклари билан ерни титкилаб, ора-чўра:

— Ер эмас бу — тош-метин! Ажал ўзи келиб суйкаландан кейин қаёққа ҳам кочарди одам,— деб қўйишарди.

Отам Киевдан келиб, бизларни шаҳарга олиб кетди. Ундан гармселни сурнштира бошлагандим, истар-истамас:

— Ҳосил расво бўлди. Саҳро Украинани босиб келяпти,— деди.

— Бирор иложини қилиб бўлмайдими?— сўрадим мен.

— Йўқ. Узунлиги икки минг чақирим келадиган баланд тош девор қуриб бўлмайди-ку.

— Нега?— дедим мен.— Хитойлар ўзларининг буюк деворларини қуришган-ку.

— Уларни хитой деб қўйибди,— деди отам.— Улар зўр уста бўлғанлар. Бу ҳам бир вактларда.

Болалигимда олган ана шу таассуротларим йиллар ўта бориши билан унтилгандай бўлди. Бироқ буткул унутмадим. Бу таассуротлар хотирам қаърида сақланар, онда-соида уни бир эслаб қўярдим. Кўпинча ҳар гал оғир ташвишда қолдирадиган қурғоқчилик пайтларидан эслардим.

Вояга етган йилларимда Ўрта Россияни севиб қолдим. Эҳтимол, севишимга унинг табиати, тиник ва зилол сувларининг сероблиги, намхуш ўрмонлари, шивалаб турладиган тинимсиз ёмғирлари туртки бўлгандир.

Шунинг учун ҳам қурғоқчилик чангали Ўрта Россияга етиб, унинг бағрига жазира маҳалларидан сукилганида, қалбимдаги безовталик саҳрора нисбатан ожиз ғазабга айланганди.

Ливни гулдураклари

Орадан кўп вактлар ўтгач, саҳрони яна эслашга имажбур бўлдим. 1931 йилда ёзни ўтказгани Орлов областиning Ливни шаҳрига бордим. У пайтларда илк романнимни ёзаётганимдан мени таниш-билишларим бўлмаган, хаёлни бир жойга тўплаб ишласа бўладиган, ҳеч

ким ва ҳеч нарса халақит бермайдиган бирорта кичик-роқ шаҳарча ўзига тортарди.

Мен илгари Ливнида ҳеч бўлмагандим. Бу шаҳарча озодалиги, гуллаган кунгабоқарларга сероблиги, яхлит тош плиталар ётқизилган кўчалари ва сарик девон оҳагини тешиб, дара ҳосил қилган Бистрая Сосна дарёси билан менга хуш келарди.

Шаҳар чеккасидаги эски уйни ижарага олдим. Уй дарё лабида эди. Унинг орқа томонида ярими қуриб қолган боғ бўлиб, қирғоқдаги чангальзорга тулашиб кетганди.

Станция киоскасида газета сотадиган уй эгасининг бадқовок ва килтириқ хотини, иккита қизи бор бўлиб, каттасининг оти Анфиса, кичигининг исми Полина эди.

Полина нозик-ниҳол, оппокқина қиз бўлиб, мен билан гаплашганида уялганидан олтин сочини ўриб ечгани ечганди. У ўн еттига кирганди.

Анфиса ҳам келишган, ёши ўн тўққизларда, рангпар, тик боқувчи кўзлари сарфиш, гапни оҳиста гапиради. У роҳибаликка тайёрлананаётган қизлардек кора кийиниб юрад, уйда ҳеч нима иш қилмас, боғдаги куپ-куруқ ўтда соатларча ағанаб ётиб, китоб ўқигани ўқиганди.

Чордоқда хўжайнинг сичқонлар кемирган жуда кўп китоби бор эди. Булар асосан чет эл классикларининг Сойкин нашрида чиққан асаллари эди. Чордоқдан мен ҳам китоб олиб турардим.

Боғнинг юқорироғида бўлганимда Анфисани уч-тўрт марта Бистрая Сосна лабида кўриб қолдим. У жарликдаги дўлана дарахти тагида ўн олтиларга кирган, сарик сочли, ювош ва заиф, катта кўзлари тик боқувчи йигитча билан ўтиради. Анфиса уйидагиларга билдирамай дарё лабига у-бу олиб келарди. Йигитча қиз олиб келган нарсаларни тамадди килаётганда, унга меҳр билан тикилар, тоҳо эса сочини силарди.

Бир куни Анфисанинг иккала қўли билан юзини беркитиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаётганини кўриб қолдим. Йигитча овқат ейишдан тўхтаб, унга кўркиб қаради. Мен сездирмай нари кетдим-да, анчагача Анфиса ва йигитча ҳақида ўйламасликка жазм килдим.

Сокин Ливни шаҳрида ҳеч ким мени ёзаётган романнидаги кишилар ва воқеалар доирасидан чалғитолмайди, деб жуда соддалик қилган эдим! Ҳаёт менинг содда умидларимни чилпарчин килди. Анфиса бошига қандай мусибат тушганлигини билиб олмагунимча хаёлни бир ерга тўплаб ишлаш, осойишталик хусусида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмасди.

Анфисани йигитча билан кўрмасимдан олдин ҳам кизнинг ғамнок кўзларидан, ҳаётида қандайдир аччиқ сир бор, деб ўйлардим.

Шундай бўлди ҳам.

Орадан бир неча кун ўтгач, ярим кечада момакалдироқ гумбурлашидан уйғониб кетдим. Ливнида момақалдироқ тез-тез бўлиб турарди. Одамлар бунга Ливни шаҳри темир маъданни кони устида турганини сабаб қилиб кўрсатишар, гўё ана шу маъдан момақалдироқни ўзига тортар эмиш.

Тун ташқарида дам ҳамма ёқни ёритгувчи яшин, дам куюқ зимиштон тимсолида чаппор уради. Асвор ортидан ҳаяжонли овозлар эшитиларди. Кейин мен Анфисанинг дарғазаб фарёдини эшиздим.

— Бу кимдан чиккан ақл? Мени севишга ҳақки йўқ, лекан гап қайси қонунда ёзилган? Менга ўша қонунни икўрсатинг! Мени дунёга келтирдингларми, энди ўзимга икўйиб беринглар. Золимлар! У бечоранинг умри кун саёин шамдай ёниб тугаяпти. Шамдай тугаяпти! — Анфиса бўғилиб қолди.

— Онаси, бас қил! — деди хўжайин хотинига бўшашиб. — Бу аҳмоқ қизинг билганини қилсин. Бари бир

сўзингга кирмайди. Шуни бил, Анфиса, сенга барни бир пул бермайман.

— Сизнинг исқоти пулингизга зор эмасман! — бақирди Анфиса. — Ўзим ишлаб пул топаман, уни Қримга олиб кетаман. Эҳтимол, у ерда бир йил ортиқ умр кўрса. Ўйдан кетаман. Шармандалиқдан қочиб кутулоғмайсизлар. Шуни билиб кўйинглар!

Нима бўлаётганини фаҳмлай бошладим. Даҳлизда кимдир йиғлаб бурнини тортарди.

Эшикни очарканман, ногаҳон чақнағаш яшин нурида Полинани кўриб қолдим. У узун рўмолга ўралганича пешонасини деворга тираб туради.

Уни секингина чақирдим. Шу пайт момақалдирок қаттиқ гумбурлаб, мўъжазгина уйнинг томигача ер қаърига киритиб юборгундай бўлди. Полина қўрққанидан кўлимдан ушлаб олди.

— Ё, худойим! — шивирлади у. — Нима бўлади энди? Бу етмагандай момақалдирокни қаранг!

У менга Анфиса Карповна деган тул хотиннинг Коля деган ўғлини жон-дилидан яхши кўриб қолганлигини шивирлаб айтиб берди. Карповна уйма-уй юриб, одамларнинг кир-чирини ювар, ўзи мўмин-қобил, камгап хотин экан. Коля эса хаста — сил экан. Анфиса ўжар, қизқон, бирорнинг айтганига юрмайди. У ё айтганини киладиган, ё ўзини ўлдирадиганлардан.

Девор ортидаги овозлар бирдан тинди. Полина хонасига чопганича кетди. Мен жойимда анчагача қулок солиб ётдим, ҳеч уйқум келмади. Уй эгалари турган хонадан мик этган овоз эшитилмасди. Кейин сал мизғандай бўлдим. Уйку аралаш момақалдирокнинг олисдан гулдурагани ва қучукининг вовуллагани қулоғимга чалинди. Кейин қаттиқ ухлаб қолдим.

Бироқ жуда оз ухлаган бўлсан керак, эшик қаттиқ

тақиллаганидан уйғониб кетдим. Уни хўжайин тақиллатарди.

— Бошимизга кулфат тушди,— даҳлиздан унинг йигламсираган овози эшитилди.— Безовта қилганимга кечириасиз.

— Нима бўлди ўзи?

— Анфиса қочиб кетди. Устидаги юпқа кийимида кетибди. Мен Слободкага, Карповнанинг олдига бораман, ўша ёққа кетгандир. Сиз уйдагилар олдида бўлинг. Хотиним беҳуш ётибди.

Мен апил-тапил кийиндим-да, кампирга валеръянка олнб бордим. Полина чакириди, у билан бирга кўча эшикка чикдим. Мен ҳозир бахтсизлик юз беражагини билардим, бирок бунинг сабабнни ҳанузгача ҳеч тушунириб беролмайман.

— Соҳилга борамнз,— деди оҳиста Полина.

— Фонусларинг борми?

— Бор.

— Тезроқ олиб келинг.

Полина хира фонус кўтариб келди. Кейин икковимиз сирланчиқ жарликдан дарё лабига туша бошладик.

Анфисанинг шу яқин орада эканлигига ишончим комил эди.

— Анфиса-а-а!— Полина бирдан аянчли бақириб юборди. Унинг бу бақириши негадир мени қўрқитиб юборди. «Бекорга у қичкирди!— деб кўнглимдан ўтказдим мен.— Бекор қилди».

Дарёнинг нариги бетида хира чақмоқ чақди. Момакалдироқ овози энди секин эшитиларди. Жарликдаги буталарни ёмғир томчилари шитирлата бошлади.

Биз дарёни куйилаб кетдик. Нақ бошимда бирдан чақмоқ чақувди, унинг ёруғида соҳилда оқариб турган нарсани кўриб қолдим.

Мен унга яқин бориб, энгашиб қарадим. У Анфиса-

нинг устки ва ички кўйлаги эди. Ёнида жиққа ҳўл туғлиси ҳам ётарди.

Полина доддлаб юборганича уйга қараб чопди. Мен сол турадиган жойгача югуриб бордим-да, солчини ўғотдим. Кейин икковимиз ясси қайикда сувдан кўзузмай, дарёнинг у лабидан бу лабига ўта бошладик.

— Бунақанги зимистонда, бунинг устига ёмғирда топиб бўларканми! — деди солчи ҳомуза тортиб. Унинг уйкусин ҳали қочмаганга ўхшарди. — Ўзи сув юзига қалқиб чиқмагунча топиб бўлмайди. Ўлим гўзалларни ҳам аямайди. Ҳа, шундай, азизим. Осоигина ўла қолай деб кийимларини қолдирибди-да. Оббо қиз тушмагур-э!

Анфисани эрталаб тўғон ёнидан топдик.

У тобутда ниҳоятда гўзал кўринар, соф олтиндай соchlари ҳали куримаган, оппоқ лабларида гуноҳкорона табассум қотганди.

— Унга ҳадеб қарайверма, йигит,— деб қолди бир кампир.— Қараса бўлмайди. Бечора шундай гўзалки, юрагинг беихтиёр тилка-пора бўлиб кетади.

Бироқ Анфисага қаролмай туролмасдим. Умримда биринчи марта ўлимдан ҳам кучлилик қилган аёл муҳабатининг шоҳиди бўлгандим. Унгача бунақа муҳаббатни китоблардан ўкиб ишониб юардим. Шунда, негадир, бундай муҳаббат бошқалардан ҳам кўпроқ рус аёлларининг чекига тушган, деган фикр кўнглимга келди.

Дафн маросимида одам кўп бўлди. Коля Анфисанинг ота-онасидан кўрқанидан ҳаммадан кейинда одимларди. Мен унга яқинлашмоқчи бўлгандим, у мендан ҳуркиб, тор кўчага ўзини уриб гойиб бўлди.

Юрагим алғов-далғов бўлиб кетгандан энди бир сатр ҳам ёзолмасдим. Бу ердан шаҳар чеккасига, тўғрироғи станцияга, темир йўл врачи Мария Дмитриевна Шацкаянинг пастак ва қоронги уйига кўчиб ўтишга тўғри келди.

Анфисанинг ўлимидан бир оз олдин шаҳар боғининг ёнидан ўтгандим. Ўшанда ёзги кино олдидағи сайхонликда кирктача бола ўтирганди. Улар чамаси ниманидир. кутишар, шу важдан чумчуклардай ғағир-чуғур қилишарди.

Кинодан соч-соқоли оппок бир киши чикиб келди-да, болаларга билет улашди. Кейин болалар қий-чув қилиб, бир-бирларини итаришганча, залга югуришди.

Ҳалиги кишининг соч-соқоли оқарған бўлса ҳам афтидан кирқдан ошмаганга ўхшарди. У менга мулоим кўз қисиб қаради-да, кўл силкиб, нари кетди.

Мен болалардан бу тентакнинг кимлигини билиб олмоқчи бўлдим. Кинога кирдим-да, бир ярим соат ўтириб, «Қизил шайтончалар» деган эски картинани кўрдим. Залда болаларнинг ҳуштак чалишлари, тапир-тупурлари, гоҳ ҳайрат билан, гоҳ қўрқиб қийқиришлари, бурун тортишлари тинмасди.

Сеанс тугагандан кейин болалар билан чиқдим-да, улардан, ҳалиги соч-соқоли оқ киши ким, у нега сизларга билет олиб берди, деб суриштиридим.

Атрофимни бир зумда болалар ўраб олиб, ғағир-чуғур қилиб митинг бошлаб юборишди. Уларнинг гапидан ҳайтовур саволимга озми-кўпми жавоб олдим.

Маълум бўлишича, оқ сочли киши темир йўл врачи Мария Дмитриевна Шацкаянинг акаси бўлиб, касал, эси «кирди-чиқди» экан. У ҳар ойда Совет ҳукуматидан катта пенсия олиб туаркан. Нимага олиши маълум эмас. Ойда бир марта, пенсия оладиган куни, станциядаги ҳамма болаларни тўплаб, кинога олиб бораркан...

Болалар пенсия келадиган кунни аник билишарди. Шу куни улар эрталабданоқ Шацкийнинг уйи олдида ўймалашибар, вокзал боғчасида ўтиришар ва ўзларини. Бу ерга гўё тасодиған келиб колгандай кўрсатишарди.

Болалардан сўраб, билиб олган нарсаларим ана шулар бўлди. Ишга алоқадор бўлмаган нарсалар ҳам бор эди, албатта. Масалан, Ямский слободкасининг болалари ҳам Шацкийга мазахўрак бўлишмоқчи экан, станциялик болалар уларни кувиб юборишибди.

Уй бекаси Анфисанинг ўлимидан кейин ҳам тузалмади, у юрагим касал, деб нолигани-нолиган эди. Бир куни врач Мария Дмитриевна Шацкая уни кўргани келганида танишиб қолдим. У новча, пенсне таққан, шаддод аёл эди. Еши бир ерга бориб қолган бўлса ҳам, кўринишдан курсисткаларга ўхшарди.

Мен ундан акаси геолог эканлигини, асабий касаллигини, мамлакатимизда ва Европада ҳам донг таратган илмий асарлари учун дарҳақиқат шахсий пенсия олаётганинги билдим.

— Бу ерда туриб нима қиласиз? — деди Мария Дмитриевна эътироэ эшишига ўрганмаган врачлардек чертиб-чертуб.— Куз келиб қолди, ёғингарчилик бошланса бу ерда қаттиқ лойгарчилик бўлади. Бу ернинг шаронти ҳам кўнгилдагидек эмас. Бунақада ишлаб бўладими! Бизникига кўчуб ўтинг. Уйда кампир онам, акам ва мен турамиз. Станциядаги квартирамиз беш хонали. Акам хушмуомала одам, сизга халақит бермайди.

Мен рози бўлдим ва Мария Дмитриевнапинг уйига кўчиб ўтдим. «Қора Бўгоз» повестининг бўлғуси қаҳрамонларидан бири бўлган геолог Василий Дмитриевич Шацкий билан шу тариқа танишдик.

Уй дарҳақиқат тинч, ҳатто кимсасиздай туюларди. Мария Дмитриевна кун бўйи амбулаторияда беморлар билан банд бўлар, унинг кампир онаси эса пасъянс (карта сузуб териш) дан бўшамас, геолог акаси эса хонасидан аҳён-аҳёнда чиқарди. Эрталабданоқ газеталарнинг бошидан охиригача ўқир, кейин деярли кечасигача

нималарни дир тез-тез ёзар, кун бўйи битта қалин дафтарни тўлдиради.

Аҳён-аҳёнда ҳувиллаган станция томондан битта юнга битта маневрчи паровознинг гудоги эшитилиб қоларди.

Шацкий аввалига мендан ҳуркиб юрди, кейин сал кўнишиб, суҳбатлашадиган бўлиб қолди. Ана шу суҳбатларда қанака касал эканлиги аён бўлди. Шацкий эрталаблари, толиқиб қолмагунча соппа-соғ кўринар, ширин муомала қиласарди. У жуда кўп нарса биларди. Бироқ сал толикди дегунча алжий бошларди. Унинг алжирашларида власваса ният сезилса ҳам тагида ўткир мантики бўларди.

Шацкийнинг касалга чалиниш тарихи «Қора Бўғоз»-да баён қилинган. У Ўрта Осиёга геология экспедицияси билан борганида босмачилар қўлига тушиб қолганди. Уни ҳар куни бошқа асирлар билан отишга олиб чиқишарди. Бироқ Шацкийнинг омади келарди. Ҳисобда бешинчи бўлиб турган кишини отишганда у биринчи ўринда бўлиб қоларди. У омон қблишга қолдию, бироқ аклдан озди. Синглиси уни Красноводскдан аранг топиб олибди. Шацкий мажафи чиккан товар вагонда ётиб юрган экан.

Шацкий ҳар куни кечга яқин Ливни почтахонасига бориб, Халқ Комиссарлари Советига шошилинч хат юборарди. Почтахона бошлиғи Мария Дмитриевнанинг илтимосига кўра хатларни Москвага жўнатмай, унга қайтаарди. Мария Дмитриевна эса уларни куйдириб ташларди.

Мени Шацкийнинг шу хатларда нималарни ёзиши қизиктиради. Кўп ўтмай буни билдим.

Бир куни кечкурун у хонамга кириб келди. Мен китоб ўқиб ётардим. Каравотим ёнида эса туфлигим тумшуғи хонанинг ўртасига қаратилган ҳолда турарди.

— Туфлинни ҳеч маҳал бундай кўйманг,— деди Шацкий жаҳли чикиб.— Бундай қилиш хатарли.

— Нега энди?

— Ҳозир биласиз.

У хонадаи чикди-да, бир дақиқа ўтгач, биг ^{закчфа} _{худои} когоғ кўтариб кирди.

— Ўкинг!— деди у.— Ўкиб бўлганингиз ^{худои} _{хунар} шунтириб кетаман.

У чикиб кетди. Мен ўқишига тушдим.

«Халқ Комиссарлари Советига. Мен Халқ Комиссарлари Советини мамлакатимизни ҳалокатга дучор килувчи даҳшатли хавф-хатар якинлашиб келаётганлигидан бир неча марта огоҳлантирудим.

Геологик қатламларда кучли моддий энергия (масалан, тошкўмир, нефть, сланец сингари қатламларда) яширинлиги ҳаммага маълум. Инсон бу энергияни очиш ва фойдаланиш йўлини ўрганиб олган.

Бирок ана шу қатламларда улар ҳосил бўлган даврларнинг психик энергияси ҳам жо килингандигини кам одам билади.

Ливни шаҳри Европадаги энг кучли девон оҳаги қатламларининг устида туради. Девон даврида ер юзида инсонийликдан йироқ, колок, шафқатсиз онг эндигина пайдо бўлаётган эди. У пайтларда чаноқ балиқларнинг ҳам хира онги ҳукмрон эди.

Ана шу бошлангич психик энергия моллюска-аммонитларга жам бўлган. Девон оҳагининг қатламлари тошга айланган аммонитларга тўлиkdir.

Ҳар бир аммонит — ўша даврнинг мўъжаз мияси бўлиб, ўзида улкан ва ёвуз психик энергияни жам килган.

Хайриятки, одамлар кўп асрлар мобайнинда геологик қатламлардаги психик энергияни очиш йўлини тополмадилар. Мен «хайриятки» деб шунинг учун ҳам айтаяп-

манжи, агар бу энергиянинг тиичи бузилса борми, бутун цивилизацияни маҳв қилган бўларди. Ундан заҳарланган одамлар бераҳм махлуқларга айланиб, улар онгини бузук, сжиз инстинктлар идора қилган бўлур эди. Бу эса йинят ҳалокати, деган сўз бўлур эди. Бироқ фадаевоннинг психик энергиясини очиш ва аммо-кўниги ўзкойлаштириш йўлини топганлар, бу хусусда лардаги Комиссарлари Советига неча бор хабар килдаблар.

Девонинг энг бой қатламлари бизнинг Ливни шаҳри остида бўлганидан, фашистлар энергияга худди шу ерда йўл очмокчи бўлятилар. Агар бу иш амалга ошгудек бўлса, одамзоднинг ахлоқий, кейин эса жисмоний ҳалокатининг олдини олиш мумкин бўлмай қолади.

Ливни районидаги девоннинг психик энергиясини бўшатиш плани фашистлар томонидан батафсил ишлаб чиқилгац. Барча мураккаб планлар сингари у ҳам калтис. Унинг арзимаган бир жойи ҳисобга олинмаса бас, план барбод бўлади.

Шу важдан ҳам Ливнини йирик ҳарбий қўшилмалар билан ўраб олиш заруратидан ташкари, шаҳар аҳолисига одатдагиҳа хатти-ҳаракатлар қилишни тарқ этиб (чунки фашистларнинг плани Ливнидаги ҳаётнинг одатий оқимиға асосланган), фашистлар кутган хатти-ҳаракатларнинг бутунлай аксини қилишлари учун фармойиш бермоқ керак. Буни мисол билан тушунтираман. Ливнининг барча гражданлари ётиш олдида оёқ кийимларининг тумшуғини деворга қаратиб қўйишлари керак. Мана шу ҳол планда кўзда тутилмаган бўлиши эҳтимол. Арзимас кўринган шу майда нарса туфайли план барбод бўлади. Девон қатламларидан табиий равишда сизиб чиқаётган психик касалликлар натижасида бу ерда яшовчиларнинг феъл-атвори Ливни даражасидаги бошқа шаҳарларнинг аҳолисиникига қараганда қўполлашиб

кетади. Девон оҳаги қатламларининг устида учта шаҳар — Кроми, Ливни ва Елец шаҳарлари туради. Булар ҳақида кадимий мақол мавжуд бўлиб, у бежиз айтилмаган: «Кроми — ўғриларнинг макони, Ливни — ўғриларнинг ини, Елец эса ўғриларнинг отаси».

Ливнидаги аптекачи фашистларнинг бу ердаги ҳукумат бошлиғи бўлади».

Шацкий туфлигимнинг учни деворга буриб қўйғанилиги энди маълум бўлди. Айни вактда қайфиятим бузилди. Шацкийлар оиласидаги осойишталик мувакқат эканлигини энди тушундим. Бирорта машмашани ҳар дақиқада кутиш мумкин эди.

Орадан кўп ўтмай, бунақа машмашалар тез-тез бўлиб туришини сезиб қолдим. Бирок Шацкийнинг онаси ҳам, Мария Дмитриевна ҳам бу машмашаларни усталик килиб бошқаларга билдирамай келишарди.

Эртасига кечқурун ҳаммамиз чой ичиб, гомеопатия¹ ҳақида тинчгина сухбатлашиб ўтиарканмиз, Шацкий сут солииган хурмачани олди-да, ундаги сутни bemalol самовар ўтхонасига ағдарди. Кампирвой-войлаб юборди. Мария Дмитриевна Шацкийга қаттиқ каради-да:

— Нега тентаклик қиляпсан? — деди. Шацкий айбдорларча кулимсираб, сутни самоварга қуишишдек ёввойи қилик фашистларнинг планида ҳисобга олинмаган бўлса керак, шунинг учун бу планни, албатта барбод қилиб, инсониятни куткараман, деб тушунира кетди.

— Хонангга жўна! — Мария Дмитриевна жиддий қилиб ҷундай деди-да, куйган сут ҳидини чиқариб юбориш учун ўрнидан туриб деразаларни жаҳл билан очди.

Шацкий бошини қуий согланича итоат қилиб хонасига кетди.

¹ Соғ одамга қўпроқ миндорда берганда шу касални пайдо қилидиган дорини оз-оздан бериб, беморларни даволаш усули (*таржимон*).

Шацкий «эси жойида» шайтларда одам билан жоли деб узок ганилашарди. Мен ўшандай сұхбатларға у күн рок Ўрта Осиёда ишлагалыгииң ва Қора Бўғоз кўлтигининг биринчи тадқикотчиларидан бўлганини билди олдим.

У Қора Бўғозининг шарқий соҳилюнни кезиб чиқканли. Уша вақтларда бу иш деярли ўлим билан баравар эди. У Қора Бўғозни тавсиф этган, уни харитага туширган ва кўлтиқ яқинидаги қуруқ тогларда тошкўмир мавжудлигини кашф қилган эди.

Каспий денизидаги кўркинчли ва ғалати кўлтиқ,— Қора Бўғоз ва унинг сувларидаги беҳисоб мирабилит запаси ҳақида ва саҳрона барҳам берин имкони мавжудлиги тўғрисида илк дафъя Шацкийдан эшитдим.

Шацкий саҳрони худди у тирик жонзоддай ҳалдан ташқари ёмон кўрарди. У саҳрони, ерии кемираётган қуруқ яра, чаңдикнинг ўрни, рак, табиатининг ғалати қабиҳлиги, деб атарди.

— Саҳронинг кўлидан факат жувонмарг килиш келади,— дерди у.— Бу ўлимнинг ўзи. Башарият, мабодо ақлидан озмаган бўлса, буни тушунмоғи керак, албатта...

Жинни одамдан бундай сўзларни эшлиш эриш туюларди.

— Саҳронинг шохини қайириб, роса бакиртириш, ҳеч тиним бермай, ўладиган қилиб савалаш керак. Шундан кейин унинг жасадида салқин тропик жаннат вужудга келади.

Шацкий болалик йилларимда қалбимда пайдо бўлган ва шу чоққача мудраб ётган саҳрона бўлган нафратни уйғотди.

— Агар инсонлар,— дерди Шацкий,— ўзаро қирғинларга совураётган маблағларининг ақалли ярмини саҳрона қарши курашга сарфласалар, ундан аллақачон-

лар ному нишон қолмасди. Халқнинг барча бойликлари, миллионларча одамларнинг умри урушга сарф бўлмоқда. Фан ва маданият ҳам уруш йўлида хизмат килемоқда. Кўйинг-чи, шеъриятни ҳам ялпи қирғиннинг шеригига айлантиришибди.

— Вася!— хонадан Мария Дмитриевнанинг баланд овози эшитилди:— Ўзингни бос! Энди уруш бўлмайди. Ҳеч қачон!— Ҳеч қачон дейиш — бемаъни гап! — қўқисдан жавоб қайтарди унга Шацкий.— Узоги билан бугун кечаси аммонийларга жон киради. Улар каерда денг? Адамов тегирмонининг ёнида. Юринг, айланиб, уларни кўздан кечириб келамиз.

Шацкий алжий бошлади. Мария Дмитриевна уни олиб чиқиб кетди-да, «бехтеревка» ичириб, жойига ётқизиб кўйди.

Мен саҳрони йўқ қилиш ҳақида янги китобни бошлаш учун романимни тезрок тугатишни истардим. «Кора Бўғоз» повестининг ноаниқ нияти шу тариқа туғилди.

Ливнидан кеч кузакда жўнаб кетдим. Кетиш олдидан аввалги хўжайниларим билан хайр-маъзур килгани бордим.

Кампир ҳали бетоб эди. Чол уйда йўқ экан. Полина мени шаҳаргacha кузатиб қўядиган бўлди.

Қош қорайган, фидирак изларидаги музлар қисирилаб синарди. Боғлардаги дарахтларда япроқ қолмаган, онда-сонда битта-яримта олмада сарфайган барг кўзга чалиниб қоларди. Сокин осмонда эса совук шафак ёритиб турган сўнгги булут ҳам сўниб борарди.

Полина ёнимда қадам ташлар, мени бемалол қўлтиклиб олганди. Шунда у менга кичкина қизчадек туюлар, қалбим бу ёлғиз ва уятчан вужудга меҳру муҳаббат билан тўлиқ эди.

Шаҳар киноси томондан бўғиқ музика товуши келар-

ди. Ўйларда чироклар ёқиілганди. Бөглар устила эса са-
моварлардан чиқкан тутун сузарди. Даражтларининг
яланғоч бутоқлари орасидан юлдузлар чақнаб күрина
бошлаганди.

Юрагимни ўша топда ажнб бир ҳаяжон зabit этгани-
дан мен мана шу гүзal тупрок, ҳатто ману шу Полинадек
ёлғиз қиз ҳаққи, одамларни баҳтли ва маънили турмуш
учун курашга чорламоқ зарур, деб ўйлардим. Инсонни
эзиб, уни мусибатга соладиган, ақалли бир томчи кўз
ёшини оқизадиган ҳар бир нарса илдиз-пилдизи билан
суғуриб ташланиши керак. Саҳролар ҳам, уруш ҳам,
ҳақсизлик ҳам, ёлғон ҳам барҳам топиши лозим, деб
кўнглимдан кечирардим.

Полина мен билан шаҳар чеккасидаги ўйларгача
борди. Мен у билан ўша ерда хайрлашдим.

У ер сузиб, олтин сочининг ўримини ўйнаб, ечиб тур-
ди-да, тўсатдан:

— Энди жуда кўп китоб ўқийман, Константин Геор-
гиевич,— деб колди.

Полина ийманиб турган кўзларини юқори кўтарди,
кўл чўзиб хайрлашди, сўнг уйига қараб тез-тез юриб
кетди.

Москвага одам билан лиқ тўлган қаттиқ вагонда
кетдим.

Кечаси тамбуруга папирос чеккани чиқиб, ойнани
туширдим-да, ташқарига карадим.

Поезд икки чеккаси ўрмон бўлган издан ўқдай учиб
борарди. Ўрмон деярли кўзга кўринмасди. Чеккада ўр-
мон борлигини кўпроқ филдираклардан чиқкан тақа-туқ
овозга, даражтлар берәётган акс садодан билиб олса
бўларди. Ҳаво гўё учкунловчи қор оғушида совугандай
юзга муздай урилар, ундан яхлаган япроқ ҳиди анқирди.

Ўрмонлар устидаги фира-шира куз осмони чақнок
юлдузлардан тутагандай ва поезд билан бирга елаётганди.

дай туюларди. Поезд кўприклардан «шув» этиб бирпасда ўтиб кетарди. Бирок у қанчалик тез учайдиган бўлмасин, пастга қараб, ботқоқ сувидами, ёинки дарё сувидами — ишқилиб, зим-зиё сувда юлдузларнинг лаҳзалик жилвасини кўрса бўларди.

Поезд буг ва тутун таратганича пишқириб ва ҳайкириб борарди. Вагонларнинг титрайтган фонуслари даги шамлар ҳам ёниб тугамокда эди. Ташқарила эса паровоздан чиқкан олов учкунлари ўз траекторияси бўйича учарди. Паровоз ўқдай учиб борар, худди сархушдай бетўхтов ҳайкиради.

Поезд мени баҳтга элтаётганига ишончим комил эди. Бошимда янги китоб ёзиш нияти айланниб юрарди. Мен ўша китобни ёзажагимга ишонардим.

Деразадан бошимни чиқариб, тун ҳакидаги қандайдир тумтароқ сўзларни ашула қилиб айтар, оламда Россиядан бўлак гўзал диёр йўқ, деб куйлардим. Шамол гўё кизнинг очилган хушбўй сочидаюзимни қитикларди. Ана шу қиз сочида, шамолдан, булоқ сувини эслатувчи муздек тупроқдан бўса олгим келарди. Бирок бунга иложим йўқ, шу важдан савдойи одамдай тумтароқ кўшиқ айтар ва шарқ томонда жуда нозик ва-латофатли мовийлик ёйилган осмоннинг гўзаллигидан ҳайратланарадим.

Мен то янги тонг отаётганини фахмламагунимча, машриқнинг латофати, мусаффо ва шаффоф ёғдусининг мафтуни бўлиб қолавердим.

Вагон деразасидан кўрганларимнинг барчаси қалбимни лиммо-лим тўлдириган шодлик туйгулари билан уйғуналашиб, ўзим ҳам сезмаган ҳолда бир аҳдга айланди-да, мени «еэ, ёз, ёз!» деб қистай бошлади.

Хўш, нимани ёзаман? Уша лаҳзада ер гўзаллиги ҳакидаги фикрларим нима атрофига йигилади, қайси мавзу уни оҳанрабо янглиф ўзига тортади, буларни сўл-

ғинлил, рангпарлик ва маҳоватдан қандай саклайман, деган нарасалар билан мутлақо шимм йўқ эди.

Бу фикрларни орадан бир оз вакт ўтгандан кейин «Қора Бўғоз»нинг ниятига уйгулашди. Улар бошқа бирорта китоб ёзиш ниятига бориб қўшилиши ҳам мумкин эди, бирок ўшанда ҳам фикрларим ўз вактида калбимни забт этган ўша туйгулар, ўша мазмун билан тўлиқ бўлур эди. Ният доимо юракдан чиқади чоғи.

Ўша пайтдан бошлаб, ҳаётимда янги давр — ниятни «пишитиш», тўғрироги, уни реал мазмунга тўлдириш даври бошланди.

Жуғрофий хариталарни ўрганиш

Москвада Қаспий денгизининг муфассал харитасини топиб, унинг шарқий томонидаги сувсиз қирғоқлари бўйлаб (хаёлан, албатта) роса саёҳат қилдим.

Болалигимдаёқ менда жуғрофий хариталарга ҳавас уйғонган эди. Мен бамисоли қизиқ китоб ўқиётгандай хариталарга соатларча тикилиб, қимири этмай ўтира олардим.

Мен ўзимга нотаниш бўлган дарёларнинг оқимларини, сўлим деңгиз қирғоқларини ўрганар, номсиз факториялари доирачалар билан белгилаб қўйилган тайгаларнинг ичкарисига кирап, Югорский Шар ва Гебриди, Гвадаррама ва Инвернесс, Онега ва Кордильера сингари оҳангдош номларни худди шеър янглиғ такрорлаганим-такрорлаган эди.

Бу жойларнинг бари аста-секин тасаввуримда шуна-канги аниқ жонлана бордики, мен турли қитъалар ва

мамлакатлар бўйича уйдирма кундаликлар ёза олади^к
ганга ўхшардим.

Жуғрофий хариталарга бунчалик шўнгигб кетганили-
гимни, ҳатто романтик каїфиятдаги отам ҳам хуш
кўрмас эди.

У менга, бу ишинг ҳали кўп оворагарчиликларга олиб
боради, деб қўярди.

— Агар турмушинг тузук кечиб,— дерди отам,—
саёҳат қилишингга имконият туғилганда ҳам бош оғри-
ғидан бошқа нарса орттирмаисан. Сен саёҳатда тасав-
вурингдагидан бутунлай бошқа нарсаларни кўрасан.
Мисол учун, Мексика чанг-тўзонли ва қашшоқ мамла-
кат, экватор осмони эса сарик ва зерикарли бўлиши
мумкин.

Мен отамга ишонмасдим. Экватор осмони киттай ҳам
сарғиш бўлишини хаёлимга келтирмасдим. Ўзимча
экватор осмони шунчалик кўм-кўкки, ҳатто Қилиманжа-
родаги тоғлар ҳам рангни ундан олган, деб ўйлардим.

Бироқ нима қилмайин, қалбимдаги бу иштиёқка дош
беролмадим. Кейинчалик, вояга етганимда отамнинг
гаплари уччалик тўғри эмаслиги менга аён бўлди.

Саёҳатга чиқиб, илк марта ўзга жойга, масалан,
Кримга борганимда (аввал уни харитадан илма-тешик
қилиб ўрганган эдим) албатта у кўзимга мен ўйлаганим-
дагидан бошқачароқ бўлиб кўринди.

Бироқ Крим хусусидаги дастлабки тасаввурим мени
аввалидай зийраклик билан тамоша қилишга мажбур
этди. Крим ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмага-
нимда бундай қила олмасдим, албатта.

Кримда эканимда ҳар қадамда тасаввуримда бўлма-
ган нарсаларни топдим. Шунинг учун ҳам Кримнинг бу
янги хусусиятлари хотирамдан чуқур жой олди.

Менимча, баъзи инсонлар билан сиртдан «танишувчи-
миз» роли ҳам шунчалик буюkdir.

Айтайлик, Гоголь ҳақида ҳар кимнинг ўзича тасаввури бор. Бирок биз унинг ҳаётлиги вактида кўрганимизда борми, ёзувчининг тасаввуримизда бўлмаган фазилатларини пайқаб олган бўлардик. Ёзувчининг худди ўша янги фазилатлари ҳам хотирамизга маҳкамроқ ўрнашиб колган бўларди.

Агар ана шу дастлабки тасаввур бўлмагандан, Гоголь билан учрашганимизда ундаги жуда кўп хислатларни пайқамас, назаримизда, эл қатори оддий одам бўлиб қолаверарди.

Биз Гоголни бирмунча ғамгин, бадгумон ва совуккон деб тасаввур қилишга кўникиб колганмиз. Бирок у ҳақда дастлабки тасаввурга эга бўлганимизда, ёзувчининг мазкур фазилатларидан йирок бўлган хислатларини — кўзларининг чакноқлиги, вужудининг жўшкинлиги, ҳатто сал шўхлигини, қизиқчилигини, башанг кийинишини ва лафзида украинча талаффуз кучли эканлигини пайқаб олган бўлардик.

Бу фикрларни эътиrozга ўрин қолдирмайдиган қилиб ифодалашим мушкул, бироқ мен шундай деб ўйлайман.

Хариталар бўйича саёҳат қилиш ва тасаввурда турили жойларни кўра билиш одати уларни вокеликда тўғри кўра олишга кўмаклашади.

Ўша жойларда доимо тасаввуримизнинг бамисоли ёнгил изи, кўшимча ранг, кўшимча жило, сизни зерикмай боқишингизни таъминловчи қандайдир бир тутун қомлади.

Хуллас, мен Москвада туриб Қаспий денгизининг тунд соҳилларини кезиб чиқдим ва айни вақтда саҳро ҳақида жуда кўп китобларни, илмий докладлар ва ҳатто шеърларни — Ленин кутубхонасидан нимаики топған бўлсам, ҳаммасини ўқиб туширдим.

Мен Пржевальский ва Анучин, Свен, Гедин ва Вамиери, Ман-Гахам ва Грум-Гржимайло асарларини, Шев-

ченконинг Манғишлөкдаги кундаликларини, Ҳива ۋ
Бухоро тарихини, лейтенант Бутаковнинг доклад мак-
тубларини, саёҳатчи Карелин асарларини, геологик қы-
дирувлар материаллари ва араб шоирларининг шеърла-
рини мутолаа килдим.

Кўз ўнгимда инсон интилишлари ва билимларининг
ажиб дунёси намоён бўлди.

Каспийга, Қора Бўғозга жўнаш фурсати ҳам етди,
бироқ пулим йўқ эди.

Пулни ҳар қалай жуда машаққат билан бўлса ҳам
топдим-да, Саратовга йўл олдим. У ердан Волга орқали
Астрахангача бордим-да, ўша жойда тўхтаб қолдим.
Ёнимдаги озгина маблагим тугади. Шу важдан йўлни
давом эттириш учун «Тридцать дней» («Ўттиз кун»)
журнали ва Астрахандаги газетага бир неча очерклар
ёзишимга тўғри келди.

Ана шу очеркларни ёзиш учун Астрахань чўлига ва
Эмбага бордим. Бу сафарларим Қора Бўғоз ҳақидаги
китобимни ёзишимга кўмаклашди.

Мен Эмбага Каспий денгизи орқали пароходда кет-
дим. Пароход денгизнинг қамиш босган соҳили ёқалаб
борарди. Эскирган, чархпалакли бу пароходнинг номи
ҳам ғалати — «Гелиотроп» бўлиб, бошқа ҳамма эски
пароходлардаги сингари унда ҳам қизил мисдан ясалган
қисмлар мўл эди. Тутқичлар, компаслар, дурбинлар,
турли хил асбоблар ва ҳатто каюталарнинг баланд осто-
налари — ҳаммаси мисдан қилинганди. «Гелиотроп»
бамисоли саёз денгизнинг енгил мавжида чайқалётган
ва ғишт билан роса ишқалаб ювилган, биқинлари чик-
кан ва тутунини буруксатиб турган самоварга ўхшарди.

Тюленлар чўмилаётган кишилар сингари қоринлари-
ни осмонга қаратиб, сувда ётишарди. Улар аҳён-аҳёнда
семиз оёкларини қимирлатиб кўйишарди.

Сузувчи балиқчилик пристанларидаги матросча кўк

кўйлак кийган, тишлари дурдона қизлар «Гелиотроп»ни кўрганда кетидан ҳуштак чалиб, кийкиришарди. Уларнинг чеҳраларига балиқ танглари ёпишиб қолганди.

Денгизнинг зилол сувида кўқдаги оппок булатлар ва оқ қумли ороллар акс этар, гоҳо буларни сувда бир-бираидан ажратиб бўлмасди.

Гурьев шаҳарчасининг устидан тезак тутуни буралиб кўтарилаарди. Мен Эмбага сувсиз чўл орқали эндигина юра бошлаган моторли поездда кетдим.

Эмбанинг Доссор деган жойидаги пушти ранг кўллар орасида нефть насослари пишиллаб ишлар, ҳамма ёқдан намакоб ҳиди келарди. Ўйларнинг деразаларида ойнадан асар йўқ эди. Улар ўрнига металдан ясалган майдада тўр қоқиб кўйилганди. Уларни мўр-малаҳ босганидан уйларнинг ичи қоронги эди.

Кўз олдимда бир инженерни қоракурт чақиб олди. Инженер бир кундан кейин ўлди.

Ўрта Осиё жазира пуркарди. Юлдузлар тунда чангтўзон орасидан милтираарди. Қозоқ қариялари қора саллагул ва яшил баргли пушти ранг читдан тикилган калта ва кенг чолворларда юришарди.

Мен ҳар бир сафаримдан сўнг Астраханга, у ердаги газета ходимларидан бирининг ёғоч уйига қайтиб келардим. У қўярда-қўймай уйига олиб кетганидан, ўшаникнида туриб қолгандим.

Бу уй Варвацьеев каналининг бўйида, ҳамма ёқда лотин чечаги гуллаб ётган мўъжазгина боғда эди.

Мен очеркларимни шийпонда ёзардим. Шийпон жуда кичкина бўлганидан унга фақат бир кишигина сифарди. Ётиб юрадиган жойим ҳам ўша эди.

Журналистнинг касалманд ва хушрўйгина бўлган ёшгина хотиии кун бўйи ошхонада чақалоқнинг кўйлакларини олиб тахлар экан, билдиримай йиғлагани-йиғла-

ган эди. Чунки икки ой бурун чақалоқлари ўлган экан.

Астраханда Махачқалага, ундан Боку ва Красноводскка жўнадим. Сафаримнинг бу ёғи «Қора Бўғоз» асаримда тасвирланган.

Мен Москвага қайтиб келдим. Бироқ орадан бир неча кун ўтгач, яна мухбир бўлиб Шимолий Уралга — Березники ва Соликамскка жўнашга тўғри келди.

Осиёнинг мислсиз жазирамасидан қиши эрта тушадиган қорамтири арчалар, ботқоқлар, йўсингилар билан қоплан тоглар макони бўлган ўлкага келдим.

«Қора Бўғоз»ни ўша ерда, Соликамск меҳмонхонасида ёза бошладим. Меҳмонхона эски монастиръ зинасига жойлашганди.

Меҳмонхонадан XVII асрнинг ҳиди келар, ҳамма ёқда бухӯр, нон ва кўн иси анқирди. Қечалари устларига пўстин кийган коровуллар ҳар соатда чўян тахтани уриб қўйишарди. «Строгановлар замони»дан қолган соборлар корларнинг хира нурида оқариб қўринарди.

Бу ерда ҳеч нарса Осиёни эслатмас, шундан негадир енгил тортар, ёзишим ҳам осон кўчарди.

«Қора Бўғоз»нинг муҳтасар ва чала-чулпа айтилган тарихи шундай. Йўлдаги учрашувлар, сафарлар, сухбат ва тасодифларни ҳикоя қилиб бериш у ёқда турсин, шунчаки санаб ўтишнинг ҳам имкони йўқ.

Сиз тўпланган материалнинг бир қисми, унинг ҳам озгинаси повестдан жой олганлигини пайқагандирсиз, албатта. Материалларнинг аксарий қисми китобга сиф мади.

Бироқ бунга ачиниб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу материаллар хоҳлаган пайтимда янги китобим саҳифаларида жонланмоғи мумкин.

«Қора Бўғоз» ни ёзарканман, материалларни тўғри жойлаштириш хусусида бош қотирмасдим. Улар Қаспий

денгизи соҳили бўйлаб саёҳатим давомида калбимга
кандай жо бўлган бўлса, шу тартибда эди.

«Қора Бўғоз» босилиб чиққандан кейин танқидчилар
повестда «бурама композиция» кўрдилар ва бундан жуда
мамнун бўлдилар. Бироқ бундай бўлишига ақлим
ҳам, юрагим ҳам, сабабчи эмас.

«Қора Бўғоз» устида ишларканман, асосан ҳаёти-
миздаги кўп нарсанни лирик ва қаҳрамона либосда
бермоқ ҳамда уларни гўзал ва аниқ тасвирламоқ мум-
кинлиги хусусида ўйлардим. Глаубер тузи ёки шимол
ўрмонларидағи қофоз фабрикаси қурилиши ҳақидаги по-
весьт ёзганда ҳам барибир шуни ўйлаган бўлардим.

Буларнинг бари юракка зўр куч билан таъсир этмоғи
мумкин. Бироқ бу ҳол повестларни ёзётган киши ҳақи-
катга интилиб, ақл кучига, юракнинг халос этувчи ҳук-
мига ишонган ва она тупроқни севган тақдирдагина рўй
беради.

ЮРАКДАГИ ИЗ

О, кўнгил ёди, сен хазин хотиралар аламидан кучлироқ-
сан.

Батюшков

Китобхонлар ёзувчилардан, китобларингизга кандай
материал тўплайсиз, бунга кўп вақт кетадими, деб тез-
тез сўраб турадилар. Ўз навбатида ёзувчилар уларга,
атайлаб йигиладиган ҳеч қандай материал йўқ, бўлмайди
ҳам, деб жавоб берсалар, одатан жуда ажабланадилар.

Юкоридагиларнинг ёзувчининг у ёки бу китобини
ёзишида керак бўладиган илмий ва маърифий характер-

даги материални ўрганишга ҳеч тааллукли жойи йук. Бу ерда гап жонли ҳаёт кузатишлари ҳакида кетяпти, холос.

Достоевский «кундалик ҳаёт тафсилотлари» деб атаган барча нарса, яъни ҳаётий материал ўрганилмайди. Ёзувчилар, таъбир жоиз бўлса, ана шу материаллар оламида яшайдилар, катта ва кичик воқеаларда иштирок этадилар, кувонадилар, кийналадилар, ўйладидилар. Утган ҳар бир кун уларнинг хотира ва юрагида ўз белги ва изларини қолдиради.

Китобхонлардан (айтмоқчи, айрим ёш қаламкашлардан ҳам) ёзувчи ҳар қаерда кўлидан ён дафтарини кўймайдиган, ҳаётни профессионал «ёзиб олувчи»си ва айгоқчиси деган тасаввур йўқолиши зарур.

Ким ўзини ҳаётни кўпроқ кузатишга мажбур этса ва ёзиш-чизиш билан овора («тагин бирон нарса эсдан чикмасин» деб) бўлаверса, таваккалига бир дунё таасуротлар тўплайди, албатта. Бироқ улар жонсиз бўлади. Бошқача айтганда, ўша кўйин дафтардаги ёзувлар жонли проза ҳужайрасидан жой олса, доимо жилосини йўқотади ва тоғдаги бегона жинс парчаларига ўхшаб қолади. Ҳеч қачон бир туп рябина ёки оркестрдаги соч-соколи оқарган кекса барабанчи вакти келиб ҳикоямда керак бўлиб қолади, шу важдан уларни зўр синчковлик билан, ҳатто бирмунча ясама бўлса ҳам, кузатишим керак, деб ўйлаш керак эмас. «Хизмат юзасидан», факат иш максадида кузатиш ярамайди.

Ҳаётдан кузатиш оқибатида олган таассуротингиз зўр бўлса ҳам, уни прозага зўрма-зўраки равишда киритиш керак эмас. Керак бўлганда таассуротларнинг ўзи асарга кириб, ўрнини эгаллайди. Аллақачонлар содир бўлган ва хаёлдан батамом кўтарилиган воқеа ёки қандайдир тафсилот иш учун зарур бўлган пайтда хотирада бирдан жонланиб кетажагига кўпинча ёзувчининг ўзи ҳайратда қолади.

Яхши хотира — қаламкашликнинг негизларидан бирдир.

«Телеграмма» сарлавҳали ҳикоям қандай ёзилганлигини баён қилсам, бу фикрлар балки янада равшанроқ кўринар.

Кеч кузакда Рязань якинидаги қишлоқда, ўз вактида номи кетган гравер Пожалостиннинг кўргонида истикомат қила бошладим. У ерда Пожалостиннинг қизи — кекса ва меҳрибон кампир Катерина Ивановна сўкка бош турарди. Унинг биттаю-битта қизи Настя Ленинградда яшар, у онасини деярли унутаёзганди. Настя икки ойда бир мартағина Катерина Ивановнага пул юбориб турарди, холос.

Мен ёғоч деворлари қорайиб кетган, катта уйнинг биттағина хонасини эгалладим. Кампир уйнинг иккинчи қисмида турарди. Унинг хонасиға бўм-бўш даҳлиз ва тахта полини чанг босиб қисирлайдиган бўлиб қолган хоналардан ўтиб кириларди.

Унда кампир ва мендан бошқа ҳеч ким турмасди. Уй эса ёдгорлик саналарди.

Омбор ва оғилхонали ҳовлиниң орқа томонида уй сингари катта ва каровсиз боғ бўлиб, у ҳам ёмғир ва изгириналар исканжасида қолганди.

Бу ерга ишлагани келганим учун, дастлабки пайтларда хонамда эрталабдан кечгача ёзардим. Кеч эрта киради. Соат беш бўлганда абажури лолага ўхшаган, шишаси хира эски керосин чирокни ёкардим.

Кейинчалик мен кечкурунлари ишлайдиган бўлдим. Кундузги озгина вақтни хонадан чиқмай ўтказиш ачинарли эди. Нега деганда, бу вақтда қиш тушишига шай ўрмон ва ўтлоқларни айлансан бўларди.

Мен жуда кўп кезарканман, куз фаслининг талай нишоналарини кўрдим. Субҳидамда яхлаб қолган кўлмаклар тагида ҳаво пуфакчалари кўринарди. Гоҳо ана шу

пуфакчалар ичида тоғтерак ёки қайиннинг алвон ва сарғиш япроклари худди биллур ликопчада тургандай кўринарди. Мен музни синдириб, ана шу япрокларни уйга олиб келишни яхши кўрадим. Орадан кўп ўтмай деразам токчасидаги япроклар бир уюм бўлди. Иссик ўтганидан улардан спирт ҳиди анқирди.

Ҳаммасидан ҳам ўрмонда юришга етмасди. Ўтлоқларда шамол кезар, ўрмонлар эса аҳён-аҳёнда муз чирсилаши эшитилиб қолувчи ҳазин сукунатг. .канди. Ўрмон сукунатига балки қора булутлар сабабчидир. Улар жуда паст бўлганидан гоҳо карагайларнинг учини ҳам туман чулғагандай туюларди.

Гоҳо Ока шоҳобчасига балиқ овлагани ҳам бориб турардим. У ердаги толлар баргидан нордон ис анқиганидан афтингиз буришиб кетарди. Жилға суви қора кўринса ҳам куюқ кўкимтири рангда эди. Кузак бўлганидан балиқ аҳён-аҳёнда, ўшандада ҳам алаҳисиб қармоққа илиниб турарди.

Кейинроқ ёғингарчилик бошланиб, боғни яланғочлаб кўйди, корайган ўт-ўланларни ерга ёпишириди. Ҳаводан эриган кор ҳиди келарди.

Куз нишоналари кўп бўлса-да, уларни эслаб қолишга тиришмасдим. Бироқ яйраган қалбим ва оддий фикрларимга ажойиб равишда уйғунлашган ғамгин куз мунгини умрбод унугтаяжагимни яхши билардим.

Ерда ҳўл ва увада этагини судраб юрган булутларнинг қовоғи баттар осилиб, ёмғирлар совукроқ ёға бошлагани сари баҳри дилим очилар, хаёлимдаги сўзлар ҳам худди ўзидан-ўзи қоғоз бетига тушаётганга ўхшарди.

Менга куз кўзғатган туйғу, ҳиссиётлар ва ўйлар муҳим эди. Материал деб аталмиш бошқа ҳамма нарсалар — кишилар, воқеалар, айрим лавҳалар ва тафсилотлар — бир вакти келгунча ана шу куз тўйғусининг замираша ўзини жуда пинҳон тутади. Бошимдан ўтганидан

буни яхши биламан. Агар бирорта ҳикоямда ана шу түйгүга қайтадиган бўлсам, барча нарса ўша заҳоти хаёлимда жонланиб, қофозга тушади.

Ўзим турган кўхна уйни ҳикояга материал сифатида ўрганмадим. Фақатгина уйнинг сокинлиги ва тундлиги, соатининг беҳуда «тиқ-тиқи», печкасидан доимо бурук-саб турадиган қайнин ўтиларни тутуни, деворлардаги эски гравюралари (область музейи деярли барчасани олиб қўйган), улар Катерина Ивановнада кам қолганди), Брюлловнинг «Аполлон» сурати, Перовнинг «Хоч кўтариб юриши», «Куштутар» ва Полина Виардо портрети учун севиб колдим.

Деразаларнинг ойналари эски ва қинғир-қийшиқ эди. Улар ҳафт рангда товланар, шам тили ҳам негадир унда иккита бўлиб акс этарди.

Үйдаги барча жиҳозлар — диванлар, стол ва стуллар ялтироқ ёғочдан қилинганидан дам-бадам ярқирар, худди иконалардай улардан сарв иси келарди.

Үйда ғалати нарсалар мўл эди: мисдан ясалган ва машъалга ўхшаган тунги чироқлар, тилсимли қулфлар, ичидаги креми котган ва «Париж» деган ёзувли чинни шишачалар, мумдан ясалган ва чанг босган камелия гулдастаси (у занглаган катта михда осилиб туради), карта ўйини вактида ютукни ломбер столига бўр билан ёзгандан кейин уни ўчиришда ишлатиладиган думалок чўткани ҳам ўша йидан топардингиз.

Үйда учта калин календарь — 1848, 1850 ва 1852 йилларнинг календарлари бор эди. Улардаги сарой хонимларининг рўйхатидан Наталья Николаевна Ланская — Пушкиннинг хотини ва Елизавета Ксаверьевна Воронцовани — Пушкиннинг жазманини топдим. Шунда негадир дилгир бўлиб кетдим. Нима сабабдан бундай бўлганини ҳанузгача билолмайман. Балки уйга оғир сукунат чўкканлигидандир. Узокдаги Ока дарёсида, Кузьма тўғони

ёнида пароход ҳайқирад, шеърий сатрлар эса тинимсиз
хаёлга келгани-келган эди.

Серёмғир күн битди. Шундан кейин тун
Кўрпасини ёпди осмон бағрига.
Туманли ой мисли ажина янглиғ
Жамолин кўрсатди кўкниң қаърида.

Кечкуунлари Катерина Ивановна билан чойхўрлик
килиб туардим.

Катерина Ивановнанинг кўзи хиралашиб қолганидан
кўшнимизнинг табиатан бадковоқ ва доим ҳар нарсадан
сиқилиб юрадиган Нюрка деган қизчаси юмуш қилгани
кунига икки-уч марта кириб туарди.

Нюрка самоварни олиб келарди-да, ёнимизда чойни
хўриллатиб ичиб ўтиради. У Катерина Ивановнанинг
мулойимлик билан айтган ҳамма гапларига доимо:

— Ана холос! Гапингизни қаранг-ку!— деб жавоб
бергани берган эди.

Унга дашном берсам, менга ҳам:

— Ана холос! Мен гўё ҳеч нимани тушунмайдиган
кичкина боламан-да!— дерди.

Бироқ очигини айтганда, Катерина Ивановнани бир-
гина Нюрка яхши кўради. Нюрка, Катерина Ивановна
унга дам колибр қушли эски баҳмал шляпасини, дам
шиша наколка ёки анча турганидан сарғайиб кетган тўр
ҳадя қилганлиги учун яхши кўради, деб бўлмасди.

Катерина Ивановна бир вактлар отаси билан Париж-
да турган, Тургеневни билар, Виктор Гюгонинг дафн
маросимида катнашган эди. У менга шуларни айтиб бер-
ган пайтларида, Нюрка:

— Ана холос! Топган нарсангизни қарангу!— деб
ўтиради.

Бироқ Нюрка бизлар билан кўп ўтирмас, «кичкин-
тойлари»ни ухлатгани уйига жўнаб қоларди.

Катерина Ивановна эскирган атлас сумкачасини ҳеч күлидан күймасди. Бу сумкачада унинг бор бойлиги: Настяниң хатлари, озгина пули, қайрилма кош ва хира нигоҳли гўзал, Настяниң сурати, Катерина Ивановна-ниң қизлик пайтида,— латофат ва мусаффолик тимсоли бўлган кезлари тушган, ҳозирда эса сарғайиб кетган расми сақланарди.

Катерина Ивановна фақат кексалигидан иолирди. Бироқ қўни-қўшнилар ва ўт ўчирувчилар саройининг коровули соддадил мўйсафид Иван Дмитриевичдан Катерина Ивановнанинг тирикчилиги бошдан-оёқ ғам-ғусса эканлигини билиб олдим. Настя мана тўрт йилдирки, онасини йўқламас экан, унугиб юборибди ҳисоби, Катерина Ивановнанинг бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда. У, бечора қизимни кўролмай, уни бағримга босолмай, «бемисли гўзал» (Катерина Ивановна доимо шундай дарди) олтин соchlарини силаёлмай ўлиб кетаманми, дарди.

Настя Катерина Ивановнага пул юбориб туар, бироқ пул келиши ҳам гоҳо жуда узоқиб кетарди. Бундай шайтларда Катерина Ивановнанинг тирикчилиги қандай бўлганини ҳеч ким билмайди.

Бир куни Катерина Ивановна, боққа олиб чиқинг, деб шиттимос қилди. У қарилик важдидан бокқа эрта баҳоршан бери қадам кўймаган эди.

— Азизим,— деди Катерина Ивановна,— сиз, мен қами кампирдан хафа бўлманг. Бофни яна бир кўргим келяпти. Қизлик пайтимда ана шу боғда Тургенев асарларини сув қилиб ичиб юборгандим. Баъзи дараҳтларни ўзим ўтқизганман.

У узок кийинди. Иссиқ салоп¹ кийиб, бошига қалин

¹ Салоп — хотин-қизларнинг XIX аср охирларида, XX аср ошларида расм бўлган кенг пальтоси.

рўмол ўради-да, кўлимдан маҳкам ушлаб, зинадан бир-бир тушди.

Кош корая бошлаганди. Боф ҳам ҳувиллаб қолганди. Дараҳтларнинг тўкилган япроқлари қадам босишга ха-лақит бериб, қаттиқ шитирлар ва ғижир-ғижир қиласарди. Кўкимтири осмонда юлдуз чақнади. Ўрмон устида эса ой ўроғи осилиб туарди.

Катерина Ивановна яланғоч аргувон олдида тўхтади-да, кўлини кўйиб йиглаб юборди.

Мен йиқилмасин деб уни маҳкам ушлаб туардим. Катерина Ивановна жуда кекса кишилар сингари кўз ёшини кўрсатишдан уялмай йигларди.

— Худо мендай сўққабош қаришни ҳеч бошингизга солмасин, бўталогим,— деди у менга.— Ҳеч бошингизга солмасин!

Мен уни авайлаб уйга олиб кетарканман, қани энди мени шундай онам бўлса, жудаям баҳтиёр бўлардим-да, деб ўйлардим!

Катерина Ивановна кечкурун менга отасидан қолган ва кўп йилдан бери сакланганидан сарғайиб кетган бир бойлам хатни ўкишга берди.

Бу хатлар орасида рассом Крамской ва римлик гравер Йорданнинг мактублари бор эди. Йордан ўз хатида даниялик машҳур ҳайкалтарош Торвальсен билан дўстлиги ва Латераннинг ажойиб мармар ҳайкаллари ҳақида ёзганди.

Бу хатларни доимо кечалари ўқир эдим. Бу вақтда ташқарида шамол эсар, у яланғоч буталарни шитирлатар, лампа ҳам зерикканидан худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай чирс-чирс қиласарди. Римдан келган хатларни нотинч кечада колхоз коровулининг шакилдоғини эшитиб ўқиши негадир ҳам ғалати, ҳам соз туюларди.

Ушанда мен Торвальсенга қизиқиб қолдим-да, кейин Москвадан у ҳакда нимаики бўлса, топиб ўқиб, эртакчи

Христиан Андерсен билан дўст бўлганини билиб олдим. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин Андерсен ҳакида ҳикоя ёздим. Бу ҳикоям учун ҳам эски ёғоч уйдан миннатдорман.

Орадан бир неча кун ўтгач, Катерина Ивановна ётиб қолиб, қайтиб турмади. Унинг ҳеч қаери оғримасди. Кампир факат толикдим деб нолирди, холос.

Мен Ленинградга, Настяга телеграмма юбордим. Нюрка ҳар эҳтимолга қарши яқинроқ бўлай деб Катерина Ивановнанинг хонасида ётиб юрди.

Нюрка бир куни кечаси эшигимни қаттиқ тақиллатди-да, кўркувли овозда:

— Юринг! Бувим ўляпти! — деди.

Ичкарига кирганимда Катерина Ивановна беҳуш ётар, билинар-билинмас нафас оларди. Томирини ушлаб кўрдим. Томир урмас, балки ўргимчак уянинг ингичка или сингари титрарди.

Мен кийиниб, фонус ёкиб олдим-да, доктор чақиргани қишлоқ касалхонасига кетдим. Касалхона олис ўрмонда эди. Қора совуқ дараҳт кесилган жойдан қипик ҳидини олиб келарди. Тун оғиб колганидан итлар улуши ҳам эшитилмасди.

Врач Катерина Ивановнага камфора укол қилди. Кейин, кампир ҳозир ўлим талвасасида, лекин жон берини анчага чўзилади, чунки юраги бақувват деди-да, кетиб қолди.

Катерина Ивановнанинг жони субҳидамда узилди. Унинг кўзини юмид қўйдим. Қампирнинг ярим очиқ қовгини авайлаб босганимда ундан сариқ томчи юмалағанини мутлақо унутмасам керак.

Нюрка йигидан ҳик-ҳиқ қилиб, эзгиланган конверт узатаркан:

— Бунда Катерина Ивановна ўзини қандай кўмиш кераклигини айтган,— деди.

Мен конвертни очиб, кампир қалтиллаб-қалтиллаб ёзган бир неча сўзни — ўлимидан кейин унга қандай кийим кийгизилиши ҳақидаги буйруқни ўқидим-да, хатни эрталаб Катерина Ивановнани охирги йўлга узатишга келган аёлларга тутқаздим.

Кейин мен гўрга жой танлагани қабристонга йўл олдим. Қайтиб келганимда Катерина Ивановна кийинтирилган ҳолда столда ётарди. Мен азбаройи ҳайратланганимдан донг қотиб қолдим.

Кампирнинг эгнида балда кийиладиган шлейфли қадимий кўйлак бўлиб, у нозик-ниҳол киз сингари ётарди. Шлейф унинг оёкларини bemalol ўраганди. Шлейф тагидан буғу терисидан тикилган мўъжазгина қора туфли кўриниб туради. Шам тутган қўлларида эса майнин теридан қилинган қўлкоп бўлиб, тирсагигача тортиб кийгизилганди. Кўкрагига эса ипакдан ясалган алвон гулдаста қадалганди.

Кампирнинг юзига шаффоф оқ рўмол ёниб қўйилганди. Агар кампирнинг енги билан қўлкопи орасидаги қуруқшаган ва бурушган тирсаги кўринмаганда, столда ёш ва келишган жувон ётибди, деб ўйлаш мумкин эди.

Настя уч кун кечикиб, дафн маросими ўтгандан кейин келди.

Юкорида айтилганларнинг бари ёзувчи учун ҳаётий материалнинг — наср материалининг ўзгинасидир.

Шуниси қизиқки, бутун шароит, барча тафсилотлар ва ёғоч уй билан куз фасли — ҳамма-ҳаммаси Катерина Ивановнанинг аҳволи-руҳияси, ҳаётининг сўнгги кунларида тортаётган оғир руҳий драмасига монанд эди.

Бироқ «Телеграмма» ҳикоясига ўшанда кўрганларим ва ўйлаган нарсаларимнинг ҳаммаси ҳам кирмади, албатта. Қўп нарсалар ҳар қачон бўлганидек сингари ҳикояга сиғмай қолди.

Ҳикояга энг кимматли воқеаларни танлаб олмоқ

учун ёзувчилар тили билан айтганда, сўзсиз жуда катта материал «кўтариш» керак.

Мен иккинчи даражали ролларни ижро этган яхши актерлар ўз устларида қандай ишлаганларини кўрганман. Актёр образини яратадиган қаҳрамонининг бутун пьеса давомида бор-йўги иккита-учта гапи бўлса ҳам, автордан фақат характеристи, унинг қанака қиёфали одамлигинигина эмас, балки таржимаи ҳоли ва қандай мұҳитдан чиққанлигини ҳам синчиклаб суриштиради.

Бу муфассал маълумот актёрга иккита-учта гапни айтиш учун зарур эди.

Ёзувчилар билан ҳам шундай ҳол содир бўлиб туради. Тўпланган материал ҳикояга зарур бўлган қисмга нисбатан анча мўл бўлиши керак.

* * *

Мен «Телеграмма» ҳақида ҳикоя қилдим. Бироқ ҳар бир ҳикоянинг ўзига яраша тарихи ва материали бўлади.

Бир йили қишини Ялтада ўтказдим. Турган уйимнинг деразасини очганимда ичкарига қуриган дуб япроқлари учиб кирав, шамол полдаги бу япроқларни учириб шитирлатарди. Булар кекса эманининг эмас, балки Қрим тогларининг ён бағирларида ўсадиган пастак эман бутасининг япроқлари эди.

Кечалари қор тушган тоғдан совук шамол эсарди. Жимирловчи юлдузлар ёғдусидаги қор сеҳрли ярқи-рарди.

Ёнимдаги хонада турган шоир Асеев қаҳрамон Испания (у вактда Испанияда уруш борарди), «Берселонанинг кўҳна осмони» ҳақида шеърлар ёзарди.

Шоир Владимир Луговский бўлса кучли дўрилдок овозида инглиз матросларининг қадимий қўшиқларини айтгани айтган эди:

Яхши қол ері Қемамиз жұнар.
Чорлоқлар из қолдири сенда...

Кечқуруулари биз радио ёнига түпланиб, Испаниядаги жангларнинг ахборотини эшитардик.

Биз Симеиз расадхонасига ҳам бордик. У ерда сочсоколи оқарған астроном бизга юлдузли осмонни — чексиз күк құчоғидаги сийрак ва нақадар йироқ бўлган юлдузларни кўрсатди.

Кора денгиз флоти кемаларининг машқ пайтидаги отишмалари аҳён-аҳёнда Ялтада ҳам эшитилиб қоларди. Бундай пайтларда графиндандағи сув титрар, мажолисиз гулдурос тоғ ён бағирларидан ўтиб, қарағайзорга сингиб кетарди.

Кечаси эса осмондан қўзга кўринмас самолётларнинг овози келарди.

Мен немис адаби Бруно Франкнинг Сервантес ҳақидаги китобини ўқирдим. Бу ерда китоб камчил бўлганидан уни бир неча марта ўқиб туширдим.

У пайтларда фашизм Европа бўйлаб тез ўрмалай бошлиған эди: Германиянинг Генрих Манн, Эйнштейн, Ремарк, Стефан Цвейг сингари олижаноб кишилари «қўнғир вабо» бўлмиш фашизм ва савдои муттаҳам Гитлернинг шериклари бўлишни истамай, ўз ватанларини тарк этгандилар. Кувгинга учраганлар юракларида гуманизмнинг ғалабасига бўлган комил ишонч билан кетдилар.

Гайдар биз турган уйга сарнқ кўзлари ўйноқлаб турган катта ва пахмоқ овчарка ит олиб келди. У итни, тоғ чўпонларининг кучуги, деб тушунтириди.

Гайдар ўзини адабиётдан бехабар одамдай кўрсатишига ҳаракат қиласарди. У умуман ўзини содда тутишини хуш кўрарди.

Кечасилари Кора денгиз мунгли шовулларди. У кундузлари ҳам шовқин соларди-ю, бироқ унчалик эшитил-

масди. Денгиз шовқини эшитилиб турғанда ёзим енгил кетарди.

Уша вактлардаги «кундалик ҳаётими»нинг бир катор тафсилотлари мана шулар. Булардан менинг «Този итлар анжумани» сарлавҳали ҳикоям туғилди. Сиз бу ҳикояда юкорида эслатилган нарсаларининг деярли ҳаммасини: қуруқ әман япроқларини ҳам, отишмалар овозини ҳам, Сервантесни ҳам, гуманизм тантанасига каттиқ ишонган кишиларни ҳам, тоғ овчаркасини ҳам, самолётларнинг тунги учишини ҳам ва бошқа күп нарсаларни учратса оласиз.

Буларнинг барчаси бошқачароқ қилиб бир-бирига уйғуналаштирилди ва маълум сюжетдан жой олди.

Бу ҳикояни ёзганда доимо қалбимда тунлари тоғдан эсадиган совук шамол сезгисини саклашга иштилдим. Бу ҳикоянинг гүё лейтмотиви бўлди ҳисоби.

ОЛМОС ТИЛ

Тилимизининг бойлигига ҳайратда коласан киши. Ҳар бир товуш мисли бир аргувондай, барни марварид янглиғ сердон, йирик. Бошқача ном нарсанинг ўзидан кимматроқдир, деган гап ҳам тұғридирип.

Н. В. Гоголь

Чакалакзордаги булоқ

Киммат баҳо тошлар ўзидан сирли жило таратгани сингары жуда кўп рус сўзларининг ҳам ўзига яраша поэзияси бор.

Мен қиммат баҳо тошлар жилосида сирли ҳеч нарса

йўқлигини, бу ҳодисани ҳар бир физик оптика қонунлари билан оппа-осон тушунтириб беришни биламан, албатта.

Шундай бўлса ҳам тошлар жилоси кишида сирли туйғу уйғотади. Одам тошларни кўрганда, улардан нур таралишига сабабчи бўлган манба йўқ, деган фикрға ишонгиси келмайди.

Бу гап кўп тошларга, ҳаттоқи аквамарин сингари оддий тошга ҳам тааллуқлидир. Аквамариннинг рангини тўғри аниқлаш қийин. Ҳанузгача бу тошга мос сўз то-пилмаган.

Аквамарин ўз номига кўра (аквамарин — денгиз суви, демакдир) денгиз тўлқинининг рангини ифодаловчи тош ҳисобланади. Бу унчалик тўғри эмас. Тошнинг тиниқ замирига тикилсангиз, сал кўкимтири ва оқиш рангни пайқайсиз. Бироқ аквамариннинг ўзига хос бўлган хусусияти ичдан нақ кумуш рангда (оқ эмас, кумуш рангда) нурланишидир.

Аквамаринга тикилса, юлдуз ранг денгиз сувини кўраётгандай бўлади, киши.

Аквамарин ва бошқа қиммат баҳо тошларнинг ранг ва жилога оид хусусиятлари бизда сирли туйғу қўзғатса керак. Уларнинг гўзаллиги бизга барибир ғалати кўринаверади.

Кўп сўзларимизнинг «поэтик нурланишлари» келиб чиқишини тушунтироқ анча енгилдир. Менимча, ҳар бир сўз тушунчани, яъни поэтик мазмунни ифодалай олган такдирдагина поэтик туюлади.

Бироқ сўзнинг тафаккуримизга таъсирини (у ифода-лаётган тушунчани эмас) тушунтироқ анча мушкулдир. Мисол учун энг оддий сўзлардан бўлган «зарница» («шуъла»)ни олайлик. Бу сўзнинг оҳангиёқ олисдаги чақмоқнинг тунги осмондаги заиф нурини ифодалаётгандай бўлади.

Сўзни бундай идрок этиш жуда субъективдир, албатта. Унга эътиборни жалб қилиб, умумий коидага айлантириш ярамайди. Мен «зарница»ни шундай идрок эта-ман ва эшитаман. Бироқ буни бошқаларга ёпишириш фикридан йироқман.

Бироқ бундай поэтик сўзларнинг аксарияти табиат билан боғлиқлиги шубҳасиздир.

Рус тили халкни жону дилидан севиб, унинг ҳаётини «ипидан-игнасиғача» биладиган ва тупроғимизнинг ажиг гўзаллигини пайқай оладиган кишигагина ўзининг чинакам сеҳрли хусусиятлари ва бойликларини тўла-тўқис намоён қиласди.

Табиатда мавжуд бўлган барча нарсалар — сув, ҳаво, осмон, булут, қуёш, ёмғир, ўрмон, ботқоқ, дарё ва кўллар, ўтлоқ ва далалар, гуллар ва майсалар учун рус тилида жуда кўплаб яхши сўз ва атамалар бор.

Бунга ишонч ҳосил қилмоқ, ихчам ва ўткир луғатимизни ўрганмоқ учун бизда табиат ва халқ тилининг билимдонлари бўлган Кайгородов, Пришвин, Горький, Алексей Толстой, Аксаков, Лесков, Бунин ва бошқа ёзувчиларнинг китобларидан ташқари, тилнинг бош ва туганмас манбаи — халқ тилининг ўзи, колхозчилар, солчиilar, чўпонлар, асаларичилар, овчилар, балиқчилар, кекса ишчилар, ўрмон қоровуллари, ҳунармандлар, кишилоқ рассомлари, косиблар ва ҳар бир сўзи олtinga арзидиган, кўпни кўрган кишиларнинг тили бор.

Бу фикрлар бир ўрмон қоровули билан суҳбатлашганимдан кейин янада равшанлашди.

Бу хусусда илгари ҳам қайси бир асаримда тўхтаган бўлсам керак. Агар бу рост бўлса, эски ҳикоямни такрорлашимга тўғри келаётгани учун узр сўрайман. У рус нутки ҳақидаги мусоҳаба учун аҳамиятлидир.

Ўрмон қоровули иккевимиз чакалакзор оралаб борардик. Бир вақтларда бу ерлар катта ботқоқлик бўлиб,

кейин у куриб, ўт босганди. Буни кўп йиллардан бери ўсиб ётган қуюқ йўсинлар ва улар орасидаги мўъжаз «кўз»лар бўлган кудуклар ҳамда ҳамма ёқни босгани бўзтиканлар кўрсатиб турарди.

Мен, чакалакзор яхши эмас, деган кенг тарқалган фикрга кўшилмайман. Чакалакзорнинг жозибаси кўп. Унда барча навдаги дараҳтларнинг ниҳоллари — арча ва карагай, тоғтерак ва қайнилар қалин ва иноқ ўсишади. Чакалакзор байрамга ясатиб кўйилган деҳқон меҳмонхонасидай доимо нурафшон ва покиза бўлади.

Ҳар гал чакалакзорга борганимда, рассом Нестеров ўз пейзажларинга худди шу жойдан бўёклар топгандай туюлади. Чакалакзордаги ҳар бир дараҳтнинг тана ва новдалари ўзича гўзал ҳаёт кечиради, шу важдан кўзга айниқса якин ва азиздир.

Юкорида айтганимдай, йўсинлар орасида у ер-бу ерда «кўзлар»— кудуклар кўзга ташланиб қоларди. Уларнинг суви тинч турганга ўхшарди. Бироқ зингил солсангиз, қудук тагидан сув оҳиста чиқиб турганини ва унда бруслника¹ япроқлари ёки карагай игналари чириллаб айланадиган бўларди.

Биз шундай «кўз»лардан бири олдида тўхтаб, сув ичдик. Ундан скипидар² иси келарди.

— Булок!— деди ўрмон коровули «кўз»дан қалқиб чиқиб, яна тубга шўнгиб кетган кўнғизга тикиларкан.— Чамамда Волга ҳам ана шундай «кўз»лардан бошланса керак?

— Ҳа, эҳтимол,— маъқулладим мен.

— Мен сўзларнинг магзини чакишга жуда ишқибозман.— Ўрмон коровули ногаҳон шундай дея кулди.—

¹ Мевали майдада бута.

² Мойлоп экин.

Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг. Қишига сўз ёпишиб олиб, ҳеч тинчлик бермаган пайтлар ҳам бўлади.

Ўрмон коровули жим қолиб, елкасидаги ов милтиғини тўғрилаб қўйди-да, сўради.

— Сизни китоб ёзади, дейишади, тўғрими?

— Ҳа, ёзиб тураман.

— Демак, сиз сўзларнинг маъносини пухта ўйлаб оласиз. Мен бўлсам, канчалик уринсан ҳам, гоҳ-гоҳида баъзи сўзларнинг маъносини чақиб ололмайман. Одам ўрмонда кетаётганида хаёлидан сўзларни бирма-бир ўтказади-да, булар каёқдан пайдо бўлиб қолди, деб ўйлайди. Бирок ҳеч иш чиқариб бўлмайди. Менда илм йўқ. Ўқимаганман. Гоҳ одам сўзнинг мағизини чақса, тери-сига сифмай кетаркан. Кувонишининг боиси нима? Мен болаларни ўқитмайман-ку. Щурони кишисиман, оддий коровулман, холос.

— Ҳозир қайси сўз сизга тинчлик бермаяпти? — сўрадим мен.

— Мана шу булоқнинг ўзгинаси. Бу сўзни анчадан бери кўз тагига олиб қўйганман. Уни ҳозир текшириб ётибман. Менимча, булоқ (родник) бу ерда сувнинг туғила ётганидан пайдо бўлган, деб ўйлаш керак. Булоқ дарёни туғади, дарё эса она тупроғимиздан окиб ўтиб, халқимизни бокади. Сиз бу сўзларнинг силлик чиқаётганини қаранг-аа — родник, родина, народ. Бу сўзлар бир-бири билан қариндош (родня). Қариндошнинг ўзи! — Щурони коровули гапини яна такрорлаб, кулиб юборди.

Бу оддий сўзлар менга тилимизнинг теран илдизларини очди.

Бу сўзларга халқимизнинг кўп асрли бой тажрибаси, характеристикининг бутун поэтик томони мужассам бўлган.

Тил ва табиат

Мен шунга амнииманки, рус тилини тўла эгалламок, бу тил ҳиссини ўқотмаслик учун фақатгина оддий кишилар билангина эмас, балки экинзорлар ва ўрмонлар, сувлар, кекса толлар, кушлар чагир-чугури ва ёввойи ёнғоқ тагида бош силкиб турган ҳар бир гул билан мулокатда бўлиб турмок лозим.

Ҳар бир кишининг ўз баҳтли кашфиётлар пайти бўлиши керак. Мен ҳам Ўрта Россиянинг серўтлоқ ва серўрмон тарафида кашфиётларга тўлиқ бир ёзни ўтказганиман. У серомомақалдироқ ва серкамалак ёз бўлган эди.

Бу ёз қарағайзор ўрмон шовуллаши, турналар қичкириғи, паға-паға оппок булатлар, тун осмонининг жилваси, калин ва хушбўй табулғазор, қаттиқ-қаттиқ қичкираётган хўроздлар, қош қораяётган ўтлоқдаги кечки шафақ кўзларида жилва қилган қизларнинг туман ўпқонлар устида буралиб кўтарилаётган пайдаги кўшиклари тимсолида кириб келди.

Мен бу ёзни янгидан кўрдим ҳисоби. Кўп сўзлар гарчи аввалдан маълум бўлиб, уларни амалда яхшилаб синовдан ўтказмасам-да, энди уларни пайпаслаб, таъминни билиб, ҳидини сездим. Авваллари уларни эшитганимда одатдаги зерикарли образларни тасаввур қилардим. Энди эса ҳар бир сўзга беҳисоб жонли образлар жо қилинганлиги аён бўлди.

Булар қандай сўзлар экан ўзи? Улар шунаканги мўлки, кайси биридан ҳам бошлишни билмайман. Менимча, «ёмғир» сўзидан бошлаш осонроқ кўринади.

Мен шивалайдиган, кўр, у ср-бу ерга ёғадиган, кўзикорин чиқарадиган, тез ёғадиган, ён бағирлаб келадиган ва шиддат билан киялаб қуядиган ёмғирлар ва ниҳоят сел борлигини билардим, албатта.

Буларни шунчаки билиш бошқа-ю, амалда кўриш ва ҳар бирда ўзига яраша поэзия яширинлигини, бир ёмғирнинг иккинчисидан ажратиб турувчи белгисини англаш бошқа.

Ушанда ёмғирни англатувчи сўзларнинг барчаси жонланниб, бақувват тортиб, ифода кучига тўлиб-тошади. Шунда ҳар бир сўз ортида уни шунчаки бехосдан талаф-фуз этганда кўрмаган ва сезмаган нарсаларни пайқайсиз.

Айтгандай, ёзувчининг сўзи китобхонга таъсир этишининг ҳам ўзига яраша қонуни мавжуд.

Мабодо, ёзувчи ишлаётган пайтида сўзлари ортида ёзаётган нарсаларни кўрмаса, китобхон ҳам асарини ўкигандা ҳеч нарса кўролмайди.

Мабодо, ёзувчи ёзаётган нарсаларни яхшилаб кўриб турса, ўша оддий ва ҳатто сийқаси чиққан сўзлар ҳам яигилик касб этиб, китобхонга зўр куч билан таъсир қиласди ва қалбига ёзувчи унга етказмоқчи бўлган фикр, ҳис ва аҳволи-руҳияни ҳосил қиласди.

Чамамда «подтекст» деб аталган нарсаларнинг сири ҳам шунда бўлса керак.

Ёмғирга қайтайлик.

Ёмғирларнинг жуда кўп аломатлари бор. Қуёш булат орқасига яширинади, тутун ер бағирлаб колади, қалдирғочлар ҳам пастилаб уча бошлайди, ҳовлилардаги хўроздар бевақт қичқираверади, осмонии эса туманли патдор булатлар коплайверади — буларнинг бари ёмғир нишоналаридир. Ёмғирдан сал олдин, гарчи осмонни булат босмаган бўлса ҳам, нозик нам анқиб туради. У ёмғир ёғиб ўтган томонлардан келса керак.

Ёмғирнинг илк томчилари ерга туша бошлайди. Халқ орасидаги «крапать» («томчилай бошлади») деган сўз илк томчилар чангли йўллар ва томларда қора излар

колдираётган пайтда ёмғирнинг пайдо бўлишини яхши тушунтира олади.

Кейин ёмғир тарқайди (расходится). Ана шундан кейин ёмғир илк бор ювган ернинг ажойиб намхуш иси таралади. Бу ис кўп турмайди. Уни ҳўл майсалар, айникинса кичитқон ҳиди сикиб чикаради.

Қизиги шундаки, ёмғир қанака бўлишидан қатъий назар, у ёға бошлаган пайтда эркалатиб «дождик» дейиншиди. «Дождик собрался», «дождик припустил», «дождик траву обмывает» кабилар.

Сўз бевосита таассуротлар билан боғлиқ бўлган пайтда қандай жонланмоғини ва у ёзувчига амалда қандай ёрдамлашмоғини тушуниш учун ёмғирнинг бир неча турларини кўриб ўтамиш.

Мисол учун, тез ёғар («спорый») ёмғир қўзиқорин ўстирадиган («грибковый») ёмғирдан нимаси билан фарқ қиласди?

«Спорый» сўзи — тез, шиддатли деган маънони билдиради. Тез ёғар ёмғир шиддатли, кучли ёғади. У доим узокдан ҳам эшитиладиган гумбур-гумбур билан келади.

Бу ёмғир дарёга ёққанида жуда чиройли кўринади. Унинг ҳар бир томчиси сувда чукурча ҳосил қиласди, кейин сакраб кетади, яна тушади ва гойиб бўлишдан олдин, бир неча лаҳза бояги чукурчанинг тубида кўриниб туради. Бу томчи ялтирашидан марваридга ўхшайди.

У ёғаётганда дарё сатҳида шиша жаранглагандай бўлади. Бу жарангдан ёмғир пасаяётгани ёки кучаяётганини билиб олса бўлади.

Қўзиқорин чикарувчи ёмғир пастак булутлардан бирин-кетин томчилай бошлайди. Бу ёмғир ҳосил қиласган кўлмак доимо тафтли бўлади. Бу ёмғир жарагламайди, балки аллаловчин нималарнидир шивирлайди, юмшок кўли билан дам бу, дам у япроқни ушлаб кўраётгандай буталарни енгил тебратиб туради.

Үрмөндаги чиринди ва йўсинглар бу ёмғирни томчи қолдирмай шимиб олади. Шу важдан бу ёмғир ўтгандан кейин ўрмонда қўзиқоринлар — ёпишкоқ мойли, сарик тулкича, оқ қўзиқорин, қизил малла, опенка¹ ва беҳисоб курбақа саллалар потиллаб чиқади.

Қўзиқорин ёмғир пайтида ҳаводан тутун ҳиди келади ва муғамбир ҳамда эҳтиёткор чавақ балиқ яхши илинади.

Куёш чиқиб турган пайтдаги кўр ёмғир ҳақида халқ орасида «подшоҳнинг қизи йиғлаляпти» деган гап юради. Бу ёмғирнинг куёш нурида ялтировчи томчилари қўз ёшига ўхшайди. Эртаклардаги гўзал маликалар ғам ёки кувончдан бунақа ялтировчи кўз ёши тўкмай ким тўксин!

Ёмғир пайтида нурлар ўйини ва хилма-хил товушларни — тахта томдан эшитилаётган бир маромдаги тақиллашдан тортиб, ёмғир суви тушувчи трубадан тушаётган чакиллашгача, ёмғир киялаб ураётгандаги тасиртусур, кучли шовқингача — ҳаммасини анчагача кузатиш мумкин.

Буларнинг бари — ёмғир ҳақида айтиш мумкин бўлган нарсаларнинг жуда оз қисмидир, холос. Бирок шуларнинг ўзи ҳам бир ёзувчининг афтини бужмайтириб айтган куйидаги сўзларидан ғазабланиш учун кифоя киласди:

— Мен зерикарли ва жонсиз табиатингиздан жонли кўчалар ва уйларни афзал кўраман,— деган эди у.— Ёмғир кўнгилсизлик ва нокулайликдан бўлак ҳеч нарса насиб этмайди, албатта. Сиз хаёлпарастсиз, холос!

Рус тили осмоний ҳодисалар деб аталмиш нарсаларни ифодалайдиган ажойиб сўзларга нақадар бой!

Ез гулдураги ер устидан сузиб ўтиб, уфқ ортига ён-

¹ Қўзиқорин тури.

бошлайди. Шу важдан одамлар, булут ўтиб кетгани йўқ, ёнбошлади, дейишни яхши кўришади.

Яшин дам ерга тик санчилгудек, дам қора булутлар орасида илдиз-пилдизи билан сугуриб олинган сершоҳ олтин дараҳт янглиғ чакнайди. Қамалак ҳовур кўтарилаётган намли кенгликлар узра товланиб туради. Момақалдироқ эса гулдур-гулдур қилиб шовқин солади, вағиллайди, ерни ларзага келтиради.

Қишлоқда турганимда шу ерлик бир бола хонамга кириб келди-да, ҳайратдан катта очилган кўзларини менга тикиб:

— Юринг, момақалдироқларни тамоша қиласиз! — деди.

Бола момақалдироқ сўзини кўпликда айтганда ҳак эди. Чунки момақалдироқ булутли бўлиб, бир пайтда ҳар тарафдан гулдуради.

Бола «момақалдироқларни томоша қиласиз» деганида дарҳол Дантенинг «Илоҳий комедия»сидаги «куёш нурлари жим колди» деган сўзларни эсладим. Унда ҳам, бунда ҳам тушунчалар қоришиқ эди. Бирок бу сўзга чукур ифодалилик бахш этганди.

Юкорида «зарница» («шуъла») ни эслатиб ўтгандим.

У кўпинча июль ойида, фалла етилган пайтда бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалқ орасида «шуълалар фаллани шуълалантиради» («зарницы засып хлеб») — унга кечаси шуъла сочади, бундан эса фалла тез етилади, деган афсона бор. Калуга областида «зарница»ни «хлебозарь» дейишади.

«Зарница» («шуъла») сўзи билан рус тилининг энг ажойиб сўзларидан бири бўлган «заря» («тонг») сўзи бир поэтик қаторда туради.

Бу сўз ҳеч качон каттикроқ айтилмайди. Уни бакириб айтиш мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу сўз қишлоқ боғидаги

дарахтлар устини шаффоф ва сал кўкимтири нарса конлаган пайтдаги тун сукунатига гоятда монандир. Сутканинг бу пайтнини халқ орасида «сўлим тортган пайт» («развидняет») ҳам дейишади.

Субҳидамда чўлпон юлдузи ер кифтида турганлай туюлади. Ҳаво эса бамисоли булоқ сувидай мусаффо бўлади.

Субҳидамининг ўзига яраша қандайдир латофати, иффати бор. Бу пайтда ўт-ўлаиларни шабнам ювган бўлиб, қишлоқлардан янги соғилган сут ҳиди анкыйди. Қишлоқнинг туман босгани чеккаларида чўпонлар иайнинг садоси янграйди.

Тонг тез отади. Иссик уйни сукунат босган, у сал фира-шира. Мана, ниҳоят уйнинг ёғоч деворига саргиш квадратлар туша бошлайди. Шундан сўнг ёғоч девор қаҳрабо янглиғ товлана бошлайди. Бу куёш чикишидир.

Куз субҳидами бошқача. Унда тонг бадковок бўлиб, оҳиста отади. Бари бир совқотган ерни қиздиролмайман, товсилаётган нурларимни қайтаролмайман, деб куёш ҳам уйғонгиси келавермайди.

Ҳамма нарса тоб ташлайди, факат инсонгина таслим бўлмайди. Эрталабдан бошлабоқ хонадонлардаги печларда ўт ловиллаб, қишлоқлар устида тутун сузади, кейин эса ер узра таралади. Кейин, бир карасанг, субҳидам ёмғири деразанинг терлаган ойналарига урилаётган бўлади.

«Заря» («тонг») фақат эрталабга эмас, балки кечкурунги пайтга ҳам хосдир. Биз кўпинча икки тушунча — кун ботиши билан кечкурунги шафакни бир-бирига кошиштириб юрамиз.

Кечки шафак куёш ер чеккаси ортига ўтгандан кейин юз кўрсата бошлайди. Шунда у сўнник осмонни ишғол этиб, унга хилма-хил тус бафишлайди. Унга соғ олтин-

дан тортиб, феруза рангини ҳам бахш этади, кейин эса секин-аста қош корайиб, кеч киради.

Бундай дамларда буталарда қизил оёқ күшлар чуфурлайди, беданалар сайдайди, мушгарлар фарёд килади, илк юлдузлар милтирай бошлайди. Шафақ эса анча пайтгача уфқ ва туманлар устида пирпираб туради.

Шимолдаги оқ тунлар, Ленинград ёзининг тунлари — булар тўхтовсиз кечки шафақ ёхуд кечки ва эрталабки тонг билан шафақнинг омухтасидир.

Буни ҳеч ким Пушкинчалик равshan таърифлаган эмас:

Люблю тебя, Петра творенье,
Люблю твой строгий, стройный вид,
Невы державное теченье,
Береговой ее гранит.
Твоих оград узор чугунный,
Твоих задумчивых ночей,
Прозрачный сумрак, блеск безлунный,
Когда я в комнате моей
Пишу, читаю без лампады,
И ясны спящие громады
Пустынных улиц, и светла
Адмиралтейская игла,
И, не пуская тьму ночную
На золотые небеса,
Одна заря сменить другую
Спешит, дав ночи полчаса.

Бу сатрлар фақатгина шеъриятнинг чўққисигина эмас. Уларда равшаниккина эмас, руҳий тиниклик ва сокинлик ҳам мавжуддир. Бундан ташқари уларда рус лафзининг бор сеҳрини ҳам кўрамиз.

Мабодо рус поэзияси йўқолибди, рус тилининг ўзи ҳам гойиб бўлганмиш, улардан фактана шу бир неча сатргина колганмиш, деб тасаввур қилиш мумкин бўлганида ҳам тилимизнинг бойлиги ва мусиқий кучи ҳар бир одамга аниқ кўринган бўлур эди. Чунки Пушкин-

нинг бу мисраларига тилимизнинг гаройиб сифатлари ажойиб кристалдаги сингари жо бўлгандир.

Бундай тилни яратган халқ чинакамига буюк ва баҳтиёр халқдир.

Чечак ва майса уюмлари

Сўзлар маъносини ўрмон қоровулидан бошқа одамлар ҳам чақишига уринадилар. Улар кўпчиликдир. Сўз маъносини чақмагунча уларнинг кўнгли жойига тушмайди.

Мени Сергей Есенин шеърларидағи «свей» сўзи бир куни ҳайратда қолдиргани ҳануз эсимда:

И меня по ветряному свею,
По тому ль песку
Поведут с веревкою на шее
Полюбить тоску.

Мен «свей» сўзининг маъносини билмасам-да, унда поэтик мазмун мавжудлигини фаҳмлардим. Бу сўз ўзидан поэтик руҳ таратаётгандек туюларди.

Анча вактгача бу сўзниң магзини чақолмадим, бор тахминларимдан эса бир иш чиқаролмадим. Есенин ниша сабабдан «ветряный свей» деган? Бу сўз чамаси шамол билан боғлик бўлса керак. Бироқ боғлиқлиги қандай?

Бу сўзниң маъносини ўлкашунос адаб Юриндан билib олдим.

Юрин Ўрта Россия табиати, ҳаёти ва тарихига қиттай алоқаси бўлган ҳар бир сўзга жуда синчков эди.

У ана шу одати билан жонажон ўлкасининг билагони

ва ишқибози бўлган кишиларга, Россиянинг кичик шаҳарларида сакланиб қолган, ўлкаларининг, ҳатто районларининг барча қизиқарли хусусиятларини — географияси, ҳайвонот, наботовт тарихига алоқадор барча нарсаларни мисқоллаб йиғувчи толмас тадқиқотчилар ва тўпловчиларга ўхшаб кетарди.

Юрин мен турган қишлоққа келди, кейин икковимиз дарёнинг нариги бетидаги ўтлокқа кетдик. Биз дарё куми устига қурилган кўпприкчалар томон борардик. Бундан бир оз олдин шамол бўлганидан ҳар маҳалгидай сингари қум сатҳи тарам-тарам ва чўтири эди.

— Бунинг нима деб аталишини биласизми? — Юрин шундай дея тарам-тарам кумга ишора килди.

— Йўқ, билмайман.

— Свей,— деди Юрин,— шамол қумни тўзитиб шундай ҳолга келтиради. Бу сўз шундан чиққан.

Мен излаган сўзининг маъносини топган ўрмон коровулидай суюниб кетдим.

Есенин «ветряный свей» сўзини ишлатиб, қумни эслатганида («по тому ль песку...») сабаби бор экан. Мен ҳаммасидан ҳам бу сўзнинг худди ўзим тахмин килгандек табиатнинг поэтик ҳодисасини ифодалаганидан мамнун эдим.

Есенин ватани бўлган Константиново (ҳозирги Есенин) қишлоғи бу ердан унча олис бўлмаган Ока дарёсининг нариги томонида эди.

Куёш доимо ўша томонга ботарди. Ўша пайтдан бошлаб Есенин поэзияси менга Оканинг нарёғидаги серкўлам шафақ ва ўтлокларга тушган туман ёки ўрмон куюндисининг кўкиш тутуни чўккан пайтдаги ним корон-ғиликнинг энг яхши ифодаси янглиғ туолади.

Мен гўё кимсасиз туолган ана шу ўтлокларда хилма-хил тасодифлар ва ногаҳон учрашувлар шоҳиди бўлдим.

Бир куни баланд ва тик қирғоклари бағрини тиканли маймунжон босиб кетган мүйжазгина күлдә балиқ тутиб ўтирадим. Күлни чор атрофдан кекса толлар ва қора тераклар ўраганди. Шу важдан ҳатто қүёш чиққан кунларда ҳам күлдә шамол юрмас — у тинч бўларди.

Мен нақ сув бўйида, қалин новдалар куршовида ўтирганимда юқоридан ҳам мутлако кўринмасдим. Соҳил чеккаларидағи сариқ гулсапсарлар очилган, нарироқдаги серлойқа, бироқ чукур жойларда биқирлаб пуфак ёрилиб турарди. Товоңбалиқлар тубдан емиш излаб лойқани титкилашаётга бўлса керак.

Тепамдаги гуллар белдан келадиган жойда қишлоқ болалари қўзиқулоқ теришарди. Овозларига қараганда у ерда учта қизча ва битта кичикрок ўғил бола бор эди.

Икки қизча гаплашганларида ўзларини кўп болали қишлоқ аёлларидаи кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Чамаси, уларнинг ҳар бири ўз онасиға таклид қиласарди. Уларнинг ўйини шундай эди. Учинчи қизча бўлса ҳеч гапга аралашмай чийиллаб ашула айтгани айтган эди.

Ҳаво трявогаси пайтида
Соҳибжамол қизим туғилди...

У ашуланинг у ёғини билмаганидан жим қоларди-да, кейин яна «ҳаво трявогаси» ҳақидаги ашуласини бошларди.

— Тревога, тревога! — деди жаҳл билан овози бўғикроқ қизча. — Кун бўйи уйдаги бутун бир оломонни мактабга жўнатаман, деб ўлиб бўласан. Мактабда уларга нимани ўқитишади, ўзи? Битта сўзни ҳам одамлардай айтишолмайди. «Тревога» эмас, «тревога» дейиш керак! Отангга айтай, бир адабингни бериб қўйсин!

— Менинг шумтака Петъкам бўлса, — деди бошқа қизча, — «икки» олиб келибди. Тагин арифметикадан

олибди. Үзиниям ўлгудай саваладим. Қўлларим зирки-
раб кетди.

— Ёлғон гапиряпсан, Нюрка!— деди ўғил бола дў-
риллаб.— Петькани ойим савалади. Ўшандаям секингина
урди.

— Энди сен бормидинг, мишики!— Нюрка бақириб
берди.— Тилингни чиқариб қўяман.

— Менга каранг, кизлар!— деди овози бўғикрок
қизча хурсанд бўлгандай.— Ҳозир сизларга бир нарса
айтаман! Қаердадир шу ерда, Қушкечув ёнида бута
ўсармиш. Қеч кирди дегунча нақ учигача кўк оловдай
ёнармиш! Шундай ёнармишки, эрталабгача соб бўлмас-
минш. Унга яқин бориш хатарли эмиш.

— У нега ёнаркан, Клава?— қўрқиб сўради Нюрка.

— Хазинани кўрсатармиш-да,— деди Клава жавоб
бериб.— Тагига хазина кўмилганмиш. У олтин қаламча
эмиси. Қимки шу қаламни олиб, хоҳлаган нарсасини
еъса, ўша заҳоти тайёр бўлармиш.

— Менга бер!— деди бола буйруқнамо қилиб.

— Нимани берай?

— Қаламчани.

— Тур, нари йўқол!

— Бер!— бола шундай деб бақирди-ю, дўриллаган
ёқимсиз овозда йиғлаб юборди.— Қаламчани бер, аҳ-
мок!

— Аҳа, ҳали шунаками?— Нюрка шундай деди-ю,
ўша заҳоти қаттиқ шапалоқ овози эшишилди.— Бошга
битган бало бўлдинг-ку! Сени туғмай ўлай!

Бола нима сабабдандир бирдан овунди қолди.

— Сен, жонгинам,— деди Клава ясама чучмал овоз-
да,— болаларингга кўл кўтарма. Бунакада ўлдириб
қўясан. Худди мендака иш тут — уларга таълим бер.
Бўлмаса, боланг шўртумшуқ чиқиб, ўзинг тугул бошқа-
ларга ҳам фойдаси тегмайди.

— Нимани таълим берардинг?— деди Нюрка уҳ тортиб.— Таълим бериб кўр-чи! Сени ўқитиб кўяди!

— Нега таълимга ўргатиб бўлмас экан!— Клава эътиroz билдириди.— Уларга ҳамма нарсадан таълим бериш керак. Мана, бизга эргашиб келиб, бекорга акиллаяпти. Атрофдаги гулларга қара, ҳаммаси бир-бирига ўхшамайди. Бу гуллар юзларча келади. Бу нимани билади? Балониям билмайди. Ҳатто мана шу гулиинг отиниям билмайди.

— Айктовон!— деди бола.

— Бу айктовон эмас, медуница¹. Үзинг айкто-вонсан.

— Мядуница!— деди бола ҳатто сал ғурур билан тақрорлаб.

— «Мядуница» эмас, «медуница». Тўгри айт.

— Мядуница,— бола сўзини яна тақрорлади-да, ўша заҳоти шошилиб сўради:— У қанақа, пушти рангми?

— Бу ялпиз. Қани мендан кейин айт: ялпиз!

— Хўп, ялпиз,— маъқуллади бола.

— «Хўп-хўп» ингни қўй, мендан кейин яхшилаб айтиавер. Мана бу табулға. Шунақаям ҳиди яхшики, ёқимли, хушбўй! Үзib берайми?

Афтидан бу ўйин болага хуш келарди. У бурнини торта-торта Клавадан кейин гулларнинг номини тўғри айтди. Клава бўлса гуллар отини кетма-кет айтишдан тўхтамасди..

— Қара, манови қўға. Манови оқ қўнгироқчалари бор гул эса сариқ нилуфар. Буни эса каккунинг ёши дейишади.

Мен уларга қулоқ соларканман, ҳайратда эдим. Қизча жуда кўп чечакларни билар эди. У ёввойи наша, тун гўзали, чиннигул, чўпон халтаси, туёқ ўт, совунилди,

¹ Қашқа беда.

илюн гул, валерьянка, чўл ялпизи, гулбадранг, софтана ва жуда кўп чечак ҳамда ўтларининг отини айтди.

Бироқ ботаникадан бериллаётган бу сабоқ тўсатдан узилиб қолди.

— Тикан кирди-и!— бола бирдан қаттиқ йиглаб юборди.— Мени қаёққа олиб келдинглар, аҳмоқлар! Тиканни босиб олдим! Энди уйимга кетолмайман!

— Ҳой қизчалар!— узоқдан мўйсафид кишининг овози эшитилди.— Нега болани хафа қиляпсизлар?

— Тиканни ўзи босиб олди, Пахом амаки!— соф талаффуз тарафдори бўлган Клава чолга бақирди-да, овозини паслатди:— Ҳе, уятсиз! Ўзинг ҳар қанака одами хуноб қиласан!

Чолнинг болаларга яқинлашиб келаётгани эшитилиб турарди. У пастга, кўлга қараб, қармоқларимга кўзи тушгач, болаларга бақирди:

— Бу ерда бир одам балиқ тутяпти-ку, сен қақилдоклар оламни бошларинингга кўтаряпсанлар. Нима, сенларга ўтлоқлар торлик қилдими?!

— Қаерда тутяпти?— бола шошилиб сўради.— Менга ҳам қармоғини берсин, балиқ тутаман.

— Гапини қаранг-а!— бақирди Нюра.— Сувга тушиб кетарсан қулоқсиз, баттол!

Болалар кўп ўтмай кетиб қолишли. Уларни бари бир кўролмадим. Чол эса соҳилда пича ўй суриб турди-да, сўнг одоб билан томоқ кириб, ишонқирамаган оҳангда сўради:

— Гражданин, сизда чекадиган нарса йўқми?

Мен, топилади, деб жавоб бердим. Шундан кейин чол папирос олгани маймунжон тупларига ёпишиб, тик соҳилдан сўкина-сўкина бир амаллаб ёнимга тушди.

Чол қотма ва жиккак, бироқ кўлида каттагина пичоғи бор эди. Пичоқ чарм қинда туради. Чол мени, пичоқ-

ни күриб ваҳм босяшти, деган хаблга борди шекилли, шоша-пиша:

— Новда кесгани келувдим. Эрмакка сиват ва қажава тўқиб тураман,— деди.

Мен чолга, тенада ҳамма чечак ни майсалярииниг отини биладиган ажойиб қизча бор эди, дедим.

— Клавкани айтсанисизми?— сўради чол.— У, қояхиз отбоқари Қарнауховиниг қизи. Областида ўт-ўланизвори билишда бувисидан ўтадигани йўгу, янаям билисанисиз! Сиз бувиси билан гапланинг, мака қиласиз. Шундай денг-а!— чол жим қолиб, уҳ тортди.— Ҳар гулиниг ўзноми бор... Паспортизация экан-да.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Чол яна панироғ сўраб олди-да, кетди. Кўп ўтмай мен ҳам қўзгалдим.

Чакалакзордан ўтлок йўлига чиқиб олганимдии иёлжанча олдинда кетаётган иккита қизчани кўриб қолдим. Улар кучок-кучоқ чечак кўтариб боришарди. Уларнек бири бошига катта картуз кийиб олган ўғил болани етказлаб олганди.

Қизлар тез кетишарди. Товоналари лип-лип кўтарилаб тушарди. Кейин ўша томондан чийилдоқ овозда айтталган қўшиқ эшитилди:

Ҳаво трявогаси пайтида
Соҳибжамол қизим тугилди...

Кўёш Оканинг нариги ёғига, Есенин қишлоғи ортиға бота бошлиди. Унинг қизғиши ёғдуси Шарқ томонда дэвор янглиғ чўзилиб кетган ўрмонни ёритиб турарди.

ЛУГАТЛАР

Баъзан хаёлингга ҳар хил ўйлар келади. Масалан, гоҳо рус тилининг бир неча янги лугатларини (мавжуд

бўлган умумий лугатлардан бошқа албатта) тузиш керак, деган фикр менга тинчлик бермайди.

Ана шундай лугатлардан биринга, айтайлик, табнатга алоқадор сўзларни, бошқасига маҳаллий тилдаги яхши ва қайроқи сўзларни, учинчисига рус тилини булғатаётган кераксиз ва ўлник, бор куруқ ва бемаза сўзларни тўплаш керак.

Кейинги лугат кишиларни бемаъни ва тутуруқсиз нутқдан бездиришга керакдир.

Табнатга онд сўзларни йиғиш фикри ўтлоқдаги кўл бўйида ўтириб овози сал бўғикрок қизчанинг хилма-хил ўт ва гулларнинг отини бирма-бир айтиб ташлаганини эшитганимда хаёлимга келганди.

Бу изоҳли лугат бўлади, албатта. Ҳар бир сўзга изоҳ берилади, шундан сўнг ёзувчилар, шоирлар ва олимлар асарларининг ана шу сўзга илмий ёки поэтик алоқаси бўлган жойидан бир неча парча келтирилади.

Масалан, «сумалак» (сосулька) сўзидан кейин Пришин асаридан манови парчани келтирса бўлади:

«Дарахтларнинг тик жарликдан осилиб турган қалин ва узун илдизлари қирғоқнинг совуқ паноҳида сумалакларга айланган ва чўзила-чўзила сувга етиб қолганди. Баҳорнинг оромбахш ва майин шамоли салгина эсиб, сувни мавжлантирганда, тўлқинлар сумалакларга тегиб, уларни безовта килар, шунда сумалаклар бир-бирига урилиб жаранглар, бу эса баҳорнинг илк овози, эол чилторсининг таронаси эди».

«Сентябрь» сўзидан кейин Баратинский шеъридан ушбу парча келтирилса соз бўлар эди:

Сентябрь ҳам келди! Қуёш имиллаб,
Ботаркан намхушроқ нурларин сочар.
Бу нур дарёларнинг тиник кўзгусида
Хира олтин янглиғ ялтираб қочар.

Мен, бундай лугатларни, айниқса «табиат» сўзлари лугатини тузишни хаёл қиласканман, сўзларни уч бўлимга ажратдим: «ўрмон», «дала», «ўтлоқ» сўзлари, йил фасллари, метеорологик ҳодисалар, сув, дарё ва кўллар, ўсимлик ва жониворлар ҳақидаги сўзлар.

Мен бундай лугатни одамлар ўқийдиган китоб сингари тузиш кераклигини тушунардим. Шунда у ўқувчига табиатимиз ҳақида ҳам, тилимизнинг бекиёс бойликлари ҳақида ҳам тушунча берган бўларди.

Битта одам бундай ишнинг уддасидан чиқолмайди, албатта. Бу ишга унинг бутун умри ҳам етмайди.

Мен ҳар гал ушбу лугатни ўйларканман, гарчи бу иш қўлимдан келмаса ҳам (чунки бунга билимим кор килмайди), ақалли бошқалар қаторида иштирок этиш учун йигирма ёш яшаргим келади.

Мен ҳаттоқи бу лугатга атаб у-буларни ёзиб юргандим, бироқ афсуски, йўқотиб қўйдим. Уларни хотира бўйича тиклашнинг эса, деярли иложи йўқ.

Бир марта ёз бўйи ўт ва чечаклар йигиш билан банд бўлдим. Шунда ўсимликларнинг эски кўлланмаси бўйича уларнинг ном ва хусусиятларини аниқладим, кейин буларни ўз ёзувларим қаторига тиркадим. Буларнинг бари кизикарли нарсалар эди.

Мен то ўша пайтгача табиатда рўй берадиган барча нарсалар мақсадга мувофиқлиги, ҳар бир япроқ, гул, илдиз ёки ургунинг мураккаблик ва мукаммаллик касб этганлигини мутлако тасаввур килмасдим.

Гоҳо ана шу мақсадга мувофиқлик ўзини шунчаки ва ҳатто дардчил ҳолда кўрсатиб қўярди.

Бир кузакда дўстим билан Ока дарёсининг қадимий ва хилват жилғасида бир неча кунни балиқ тутиб ўтказдик. Жилға бир неча аср муқаддам дарёдан узилиб қолганидан чукур ва чўзинчоқ кўлга айланганди. Уни чакалаклар қаттиқ қуршаб олганидан, лабига яқин бо-

риш мушкул, гоҳи жойларда эса бунинг сира иложи йўқ эди.

Устимга жундан тўкилган камзул кийганимдан, череда (у кўшиш арпанинг ясси донига ўхшайди), қарикиз ва бошқа ўсимликларнинг тиканли донлари унга ёпишиб қолганди.

Булутсиз, совук кунлар эди. Биз капада ечинмасдан ётиб қолардик. Учинчи куни озгина ёмғир ёғди, камзумим нам тортди. Ярим кечада эса кўкрагимнинг бир неча ерида худди бирор тўғнағич санчаётгандек кучли оғрик сездим.

Маълум бўлишича, қандайdir ўтнинг думалоқ, ясси уруғлари нам тортган, кейин бўртиб, буралиб курткамга санчила бошлапти. Уни тешгандан кейин кўйлагимдан ҳам ўтиб, ярим кечада баданимга санчилаётган экан.

Бу, менимча, мақсадга мувофиқликнинг энг ёрқин мисолларидан бири эди. Уруғ ерга тушиб, биринчи ёмғиргача ҳаракатсиз ётганди. Унинг курук тупроқ бағрини ёриб киришидан маъни йўқ эди. Бироқ ер ёмғирдан нам бўлди дегунча бурама шаклдаги бу уруғ шишиб, уна бошлади. Буров янглиғ ер бағрига кира бошлади ва тегишли муддатда ривожлана бошлади.

Мен яна «қиссанинг асосий йўналиши»дан четга чикиб, уруғлар ҳақидаги гапга тушиб кетдим. Бироқ мен уруғлар хусусида қалам сурарканман, яна бир ажойиб ҳодиса ёдимга тушди. Мен уни эслатмай ўтолмайман. Бунинг устига, унинг, гарчи олисрорк бўлса ҳам, менимча, адабиётга, хусусан қайси китоблар узоқ умр кўради, қайси бирлари давр синовларига дош беролмайди ва «булутли кунда очилиб сўлган» маҳзун чечак янглиғ жон беради, деган масалага киёсий муносабати бор.

Бу ерда гап истироҳат боғларимизнинг романтик дарахти бўлган оддий аргувоннинг хушбўй иси хусусида кетяпти.

Арғувон исини олисдан ҳам сезини мумкин. Даражат яқинида уни деярли билиб бўлмайди. Арғувон бамисоли ўзини анча олисдан ўраб олган муаттар доиранинг ўртасида туради.

Бунда ҳам мақсадга мувофиқлик бор, бироқ уни ҳалигача буткул кашф қилмаганимиз.

Чинакам адабиёт — арғувон гулининг ўзгинасиdir.

Адабиётнинг кучи ва камолот даражасини текшириб, баҳо бермоқ, унинг нафаси ва ўлмас гўзаллигини сезмок учун қўпинча вақт масофаси даркор.

Агар вакт инсон ҳақидаги хотира янглиғ муҳаббат ва бошқа инсоний туйғуларни сўндира олса, чинакам адабиёт учун абадият ҳадя этади. Салтиков-Шчедриннинг, адабиётнинг умри бокийдир, деган сўзларини эсламок керак. Пушкин эса бу хусусда «Йўқ, бутунлай ўлмайман, қалбим яшар лирамда, тупроғим-ла чиримай, яшайди у тоабад» деган. «Қовжираб узилган бу япроқ қўшикларда олтин янглиғ порлаяжак» деган сўзлар эса Фет қаламига мансубдир.

Барча давр ва халкларнинг ёзувчилари, шоирлари, рассомлари ва олимлари баён қилган бундай фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу фикр бизни «суюкли ўйларимизни такомиллаштириш»га, доимий изланишга, маҳоратнинг янги чўққи-ларини забт этишга илҳомлантирмоғи зарур. Шунингдек, инсон аклининг чинакам меваси — ижоди билан жонли инсон қалбига мутлако нозарур бўлган саёз, ланж ва нодон адабиёт ўлчовсиз масофа мавжудлигини ҳам англатиб турмоғи даркор.

Ҳа, арғувон гулининг хусусиятлари ҳақида ана шундай мусоҳаба куриш мумкин!

Чамаси, ҳамма нарса инсон фикрининг кўмакчиси бўла олади. Шунинг учун ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслик керак. Ахир кераксиз туюлган қуруқ нўхат дони ёки син-

ган шишанинг бўйни сингари нарсаларнинг тегишли ёрдамида эртаклар бунёдга келади-ку.

Ушбу чекинишилардан кейин ҳар қалай ўзим хаёл килган (деярли фантастик) луғатлар учун ёзиб юрган нарсаларимнинг баъзиларини хотирам кўмагида тикилашга уриниб кўраман.

Билишимча, ёзувчиларимизнинг баъзиларида ана шундай «шахсий» луғатлар бор. Бироқ улар луғатларини бирорга кўрсатишмайди ва кези келганда ёқинқира-май тилга олишади.

Юкорида мен айтиб ўтган булоқ, ёмғир, гулдурак, тонг, «свей» ва хилма-хил ўтлар ва гуллар номлари ҳақидаги нарсаларнинг ҳаммаси хотирам бўйича тикиланган «луғат учун ёзувлар» дир.

Менинг бунга оид илк ёзувларим ўрмонлар ҳақида эди. Ўрта Россиянинг табиатидан ўрмонларни севиб колганимга Жанубнинг ўрмонсиз жойида катта бўлганим сабабчи бўлса керак.

Менинг бутунлай мафтун этган «ўрмонга оид» биринчи сўз «хилватнишин» («глухомань») сўзи эди. Тўғри, бу сўз факат ўрмонгагина нисбатан айтилмаса-да (худди «глушняк» сўзи сингари), уни биринчи марта ўрмон коровулларидан эшитгандим. Ўшандан бери бу сўз тасаввуримда калин, қуюқ ўрмон, унинг йиқилган дараҳтлари, йод иси анқиб турган прель ва чирик тўнкалар қалашиб ётган, кўкимтири қоронғулик ва сукунат чўккан жойлари билан боғлиқ ҳолда яшаб келади. «Менга қарашлимисан, ўлкам, олисдаги менинг эй гўшам!»

Шундан кейин эса ўрмонга чинакам алоқадор сўзлар: кемабоп дараҳтзор, теракзор, чакалакзор, кумликдаги ўрмонзор, чапига, мшари (ўрмондаги курук ботқоқлар), гари, кора ўрмон, тақир ер, ўрмон чеккаси, ўрмон чегараси, қайнозор, кесилган ўрмон, дараҳт пўстлоги, қарағай елими, ўрмондаги тор йўл, заранг, қарағай,

булутзор ва гўзал маънога тўлиқ кўплаб оддий сўзлар бирма-бир тизилиб кела бошлади.

Хаттоки, «ўрмондаги чегара симёғочй», «пикет», техника терминлари ҳам илгаб бўлмайдиган гўзалликка молик сўзлардир. Агар сиз ўрмонларни яхши билсангиз, бу фикрга қўшиласиз.

Унча баланд бўлмаган чегара сим ёғочлари тор ўрмон йўллари кесишган жойда туради. Улар ёнида доимо ковжираган баланд ўт ва ёввойи қулупнай (земляника) ўсган кум тепача бўлади. Бу тепача сим ёғочга чукур ковланганда чикариб ташланган кумдан ҳосил бўлган. Сим ёғочнинг тарашланган ерига «ўрмон квартали»нинг рақамлари кўйдириб, ўйиб ёзилган.

Деярли ҳар маҳал ана шу сим ёғочларда канотини йиғиб олган капалаклар исиниб ўтиришади, чумолилар эса у ёқдан-бу ёкка илдам ўрмалаб туришади.

Бу сим ёғочларнинг олд томони ўрмондагига кара-ганда иссиқроқ (балки шундай эмасдир ҳам) бўлади. Шунинг учун ҳам ана шу сим ёғочга суюниб ўтириб дам оласан, кўкка тикилиб, дарахт учларининг секин шовиллашини тинглайсан, киши. Осмон тор йўллар оша якъол кўриниб туради. Унда чеккалари кумуш ранг булатлар силлиқ сузади. Бир ҳафта ва бир ой шу алфозда ўтириб, биронта ҳам одами кўра олмаслик эҳтимолдан холи эмас. Осмон ва булатлар, ўрмон ва серкул ердаги чучмўманинг кўкимтири пиёласида, шунингдек, юрагингизда ҳам пешин вақтидаги ором ҳукмронлик қиласиди.

Орадан бир-икки йил ўтгач, гоҳо эски таниш сим ёғочингни таниб қоласан, киши. Ўшанда, ҳар гал ўтган вақт ичидан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди, қаерларда бўлмадим, қанча мусибатлар ва қувончлар бошимдан кечмади, бу сим ёғоч эса бу ерда кундузи демай, кечаси демай садоқатли дўстинг янглиғ ёзда ҳам, қишида ҳам сени кутиб турибди, деб ўйлайсан, киши. Факат ун-

даги сарық қурбақа ўтлар кўпайибди, зарпечак нақ учиғача олибди. Зарпечак офтобда қизиганда бодом сингари ўзидан аччикроқ ҳид таратади.

Ҳаммасидан ҳам ўрмонни ўт ўчирувчилар вишкасидан тамоша қилган яхши. Ўшандада ўрмон уфқача чўзилгани, баландликларг? турга тушга-
ни, кум жарликларг? янглиф
турганлиги аниқ этиб
кўриниб қолади. ў лининг
ёхуд қизғиши «ўжар» сув. камари
бўлади.

Вишкада туриб инсони
сиз ва номаълум қалин ўт
натини кўрса бўлади.

Ўрмон чақириғига ку.
заҳотиёқ игна баргли яшил у, ерига сингиб кет-
моқ учун қопчиқ ва компасни олиб йўлга тушмоқ ке-
рак.

Бир куни Аркадий Гайдар икковимиз шундай қил-
дик. Тонготарга яқин илон изи ўрмон жилғасига чиқку-
нимизча кундузи ва кечаси йўлсиз ўрмонда қарагайлар-
нинг шохлари оша фақат бизга (чунки бошқа ҳамма
нарса қаттиқ уйқуда эди) мўралаётган юлдузларни ча-
малаб йўл босдик.

Дарёни эса туман чулғаган эди.

Биз дарё лабида гулхан ёкиб, яқинроқ ўтиридик-да,
анчагача чурқ этмай, қаердадир, тўнка тагидан оқиб
ётган сувнинг шилдирашини тингладик, кейин эса буғу-
нинг мунгли маъраши эшитилди. Биз шарқ томондан
латофатли мовий тонг отгунча индамай папирос тутатиб
ўтиридик.

— Юз йил шундай умр кўрсанг! — деди Гайдар.—
Сенга юз йил етадими?

— Етмас дейман.

— Менга ҳам камлик қилади. Котелокни узат. Чой күямиз.

У қоронғулук күйцидаги дарёга қараб иетди. Мен Гайдар котелокни құмлаб юваётгашини, унинг сим банди узилиб кетганидан сўкинаётганинги эшитиб турардим. Кейин у менга нотаниш бўлган қўшикни хиргойи ҳизз бошлади:

Қадимдан бу ўрмон бўлган
Қароқчилар макони.
Кўши-кўпжда пичоқ юрган,
Ўткир тиғлар замони.

Овозидан Гайдарнинг кўнгли тинч эди. Ўрмон сукут сақлаб, Гайдар қўшигини тинглар, факат дарёгина иж-кулай тўнкадан жаҳли чиқиб, мингиллагани-мингилла-ган эди.

Ўрмонга алоқадор бўлмаган жуда кўп сўзлар бориц, улар ҳам худди: «ўрмон» сўзлари сингари пинҳона сехри билан мафтун қиласди.

Рус тили йил фаслларига ва табиат ҳодисаларига мансуб ҳамда улар билан боғлиқ бўлган сўзларга иж-ҳоят даражада бойдир.

Мисол учун ақалли навбаҳорни олайлик. Сўнгги со-вуклардан жунжиқаётган бу қизалоқ баҳор бисотида жуда кўп яхши сўзлар бор.

Навбаҳорда иссиқ ҳаво, совуқ ҳаволар бўлади, бўғотлардан томчилар чакиллай бошлайди. Қор майдалашиб, ерга чўкиб, эриб кетаверади. Уни туман кемиради. Пўллар билқиллаб қолади, лойгарчилик бошланади.

Дарё музида қора сувли ёриклар пайдо бўлади. Қора эриган тепачалар қорайиб колади. Қор кетган жойларда оқ калдирмоқлар сарғайиб кўринади.

Кейин дарёларда муз силжиши (силжиши, ҳаракати эмас) бошланади. Бунда муз кийшиқ ёрилиб, бир-биғи-

га мингашади, унинг дарз кетган жойлари — ёриқ ва тешикларидан сув чиқади.

Муз кўчиши негадир кўпинча кечаси рўй беради. «Жарлар кўзғалганидан» кейин эриган сув музнинг сўнгги парчаларини қисирлатиб, ўтлоқ ва далалардан оқиб тушади.

Ҳаммасини бирма-бир айтиш мушкул. Шу важдан ёзни колдириб, кузга, унинг сентябрь кира бошлаган илк кунларига ўтаман.

Ер сўлийди, бироқ «сумбула туғди» сўнгги совук нурлари шаффоф тошни эслатувчи қуёш билан, саррин еллар ялаб ўтган кўм-кўк осмони билан, низомлари (жойлардаги ўжар кампирлар ҳанузгача уни худонинг чилвири дейишади) учиб юрган, пажмурда япроқлар камайиб қолган сувларга тўкилаётган кунлари билан келишига ҳали бор. Қайнзорлар олтин япроқдан тикилган рўмолли гўзал қизлар тўдасидай ғоз туради. «Фасли куз — кўзларни сеҳрлайди».

Кейинчалик эса ҳаво айнийди, булутли ёмғирлар бошланади, «сиверко» деган Шимолдан келадиган совук шамол туради. У кўроғшин ранг сувларни мавжлантиради, совук, ёғингарчилик, зим-зиё тунлар, аёзли шудринг тушишлар, хира субҳидамлар бошланади.

Биринчи аёз ерни музлатиб, илк кор тушиб, ундан сўқмоқ очилмагунча шундай бўлаверади. Бу эса бўрон, довул, кучли шамоллар, қора совуқлар туриб, далаларга нишон қозиклар қоқиладиган, юрганда чаналарнинг кўшқораги ғижирлайдиган, осмони бадковоқ, корли қишириб келди деган сўздир.

Биздаги жуда кўп сўзлар туман, шамол, булут ва сув билан алоқадордир.

Рус лафзи ороллар ўртасидаги узун жой (плёс), бочаг, сол ва саёз ерлар (бунака жойга келганда пароходлар аранг ўтади, кумликка тегиб қолмаслик учун «асо-

сий оқим»дан четга чиқмаслик керак) каби «дарё» сүзларига ниҳоятда бойдир.

Мен бир неча солчилар ва дарёда юк ташувчиларни билардим. Рус тилини ана шулардан ўрганиш кепрек!

Сол — сершовқин колхоз бозорининг ўзгинаси. У халқ йигинлари ва колхоз чайнаяларининг ўринини боса олади.

Хотин-халаж танбал эркакларни қарғай-қарғай, сол симини шошилмай тортиб боришаётган, ёллари тўзғиган ва ювош отлар кўшни аравалардаги пичандан торткилаётган ва қопларда жон аччиғида типирчилаб, чийиллаётган чўчқа болалари ортилган юк машинасига кўрқиб-кўркиб қараб кўяётган, заҳар-закқум кўк тамакили сигаркаларни кўллари куйгунча чекадиган эркаклар бўлган солда суҳбат курмай, бошқа қаерда ҳам гурунглашиш мумкин!

Қишлоқлардаги (бошқа жойлардаги ҳам) янгиликлардан хабардор бўлиш, хилма-хил серҳикмат, кутилмаган воқеалардан ва ғаройиб ҳикоялардан вокиф бўлмоқ учун пичан кукунларига тўлган эски солда папирос тутатиб ўтириб, у қирғоқдан бу қирғоқка ўтиб, гапга кулоқ соловериш керак.

Солчиларнинг деярли ҳаммаси шинаванда, гапга чечан ва кўпни кўрган кишилардир. Улар айниқса одамлар у қирғоқдан бу қирғоқка санғишини тўхтатган, куёш тик қирғоқнинг ортига аллақачон ўтиб, ҳавода чивинлар ғинғиллай бошлаган кечқурунги пайтларда гурунглашиб ўтиришни ёқтиришади.

Шундай пайтларда солчи чайла олдидаги узун чорпояда, ҳеч қаёққа шошилмаётган йўловчидан олган папиросини аркон тортавериб дағаллашган бармоқлари орасига кистиаркан, «бу тамаки паст, бизга бу шунчаки эрмак-да, тортганингда бари бир юракка урмайди» дей-

ди-ю, лекин тутунини мазза қилиб ичига тортади. Дарёга кўзини сузиб қарайди-да, кейин гапга тушади.

Умуман айтганда, дарё соҳилларидағи пристанлардаги (уларни дебаркадерлар ва «конторкалар» ҳам дейишади) дарёга алоқадор, ўзининг алоҳида ахлоқи ва анъаналарига эга бўлган жуда кўп одам уймалашиб турдиган сузуви кўприклардаги сершовқин ва ранг-баранг ҳаёт тилни ўрганиш учун бой озука беради.

Волга билан Ока дарёлари бўйида яшовчи кишиларнинг тили айниқса бойдир. Биз ҳаётимизни Москвасиз, Кремлсиз, Пушкинсиз, Толстойсиз ва Шаляпинсиз, Ленинграддаги Мис чавандозсиз ва Москвадаги Третьяков галереясисиз тасаввур қилолмаганимиздай, мамлакатимиз ҳаётини ҳам бу икки буюк дарёсиз тасаввур қилолмаймиз.

Пушкиннинг сўзлари билан айтганда, оташ забонли Язиков ўзининг поэмаларидан бирида Волга билан Окани қойил қилиб тасвирлаган. Айниқса, Ока тасвирини яхши берган.

Язиков бу поэмасида Рейнга буюк рус дарёлари, жумладан:

Қирғоқлари болутзор бўлган,
Муромнинг кенг кўмликларидан,
Мўътабар соҳиллар қўйинидан
Салобат-ла, жилва-ла ўтган.

Ока дарёси номидан ҳам таъзим қиласди.

Начора, «мўътабар соҳилларни» эслаб қоламиш-да, бунинг учун Язиковга офаринлар айтамиз.



Мамлакатимиз «табиат» сўзлари билан бир қаторда маҳаллий лаҳжалар ва шеваларга ҳам бойдир.

Маҳаллий сўзларни сунистеъмол қилиш одатда ёзувчининг хомлиги ва бадий саводсизлигини кўрсатади.

Шаъзи ёзувчилар сўзларни таваккалига ишлатаверадилар, гоҳо эса асарларига гўзал куч баҳш этиш истагида эмас, балки кўпроқ олифтагарчилик қилиб, кенг ўкувчилар оммасига мутлако тушунарсиз бўлган сўзларни китобларига киритаверадилар.

Тилимизнинг чўққиси бор, бу — соф ва изчил рус адабий тилидир. Унинг маҳаллий сўзлар ҳисобига бойинши жиддий танлаш ва улкан дидни талаб қиласди. Чунки мамлакатимизда анча жойлар борки, у ердагиларнинг тили ва талаффузида чинакам дурдона сўзлар билан бир қаторда қўпол ва эшитилиши ёқимсиз сўзлар ҳам учраб туради.

Талаффузга келсак, унда унли товушнинг тушириб қолдирилиши ҳаммадан ҳам қулоқقا ёмон киради: «бывает» ўрнига «быват», «понимает» ўрнига «понимат» кабилар шуни кўрсатади. Сийкаси чикқан «однако» сўзини олайлик. Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳақида қалам тебратувчи адиллар бу сўзни деярли барча қаҳрамонларининг муқаддас мулки деб ҳисоблашади.

Маҳаллий сўз агар у образли, таъсирили ва тушунарли бўлса, тилни бойита олиши мумкин.

Ўша сўз тушунарли бўлиши учун унга зерикарли изоҳнинг ҳам, эслатманинг ҳам мутлако ҳожати йўқ. Фақатгина шу сўз маъноси китобхонга автор ёки муҳаррирнинг лўкмасисиз тушунарли бўлмоғи учун ёнидаги кўшни сўзларга жо-бажо бўлиши керак.

Биргина ноаниқ сўз китобхон учун энг намунали бўлган прозага путур етказиши мумкин.

Адабиёт тушунарли бўлгунга қадар яшайди ва иш кўради, деб исботламоқ бемаънилик бўлур эди. Ноаниқ, ғализ ёки ясама аклли адабиёт мутлако халқка эмас, балки ўша адабиётнинг муаллифига керакдир.

Ҳаво қанча мусаффо бўлса, куёш нури шунча ялтирайди. Проза қанчалик соф бўлса, унинг гўзаллиги ҳам

шунча мукаммал, инсон қалбига таъсири ҳам шунча кучли бўлади. Лев Толстой бу фикрни қиска ва равшан ифодалаган. «Соддалик,— деган эди у,— гўзалликнинг зарур шартидир».

Владимир ва Рязань областларида мен эшитган маҳаллий сўзларнинг кўпчилиги, албатта, жуда ҳам тушунарли, қизиқарли эмас эди. Бироқ ифода кучи жиҳатидан ажойиб сўзлар ҳам учраб қоларди. Ушбу областлардаги ҳали ҳам ишлатиладиган «окоем» («уфқ») деган қадимий сўз бунга мисол бўла олади.

Ока дарёсининг кенг уфқ очиладиган баланд қирғоғида Окоемово деган қишлоқча бор. Қишлоқ одамларнинг айтишича, Окоемоводан «Россиянинг ярми кўринар» эмиш.

Уфқ — ернинг нигоҳимиз камраб оладиган қисмидир ёки қадимийча қилиб айтганда «кўз илғайдиган» («емлет око») жойдир. «Окоем» сўзининг келиб чиқиши ҳам шундан.

«Стожари» сўзи ҳам жуда ёқимлидир. Бу областларда (улардан бошқа областларда ҳам) халқ Орион анжуманини шундай деб атайди.

Бу сўз жаранглашиданоқ кишида осмоннинг совуқ ёнгини ҳақида тушунча ҳосил қиласди. (Плеядалар куз пайтларида айниқса ёрқин бўлади, зим-зиё кўкда яраклаганда чиндан ҳам кумуш ёнгинга ўхшаб кетади).

Бундай сўзлар ҳозирги замон адабий тилининг кўркидир. Рязанда «уходился» («фарқ бўлди») сўзи «утонулся» ўрнида ишлатилади. Бу сўз бетаъсир, кам тушунарлидир, шу важдан унинг умумхалқ тилида яшашига мутлақо ҳукуки йўқ. Шунингдек, «можно» («мумкин») ўрнида «ляза» сўзининг ишлатилиши ҳам архаизмнинг кучи жиҳатидан қизиқарлидир.

Рязань қишлоқларида ўпкаланиб айтилган тахминан шундай гапларни ҳозир ҳам эшлишингиз мумкин:

— Хой, бола, наҳот бүнәка түхлил қилини мумкин бўлса! Мутлақо мумкин эмас. (Э, малай, да нешто льзи так баловатьсья! Совершенно даже неизв).

Бу сўзларнинг бари — «окоем» ҳам, «стожари» ҳам, «льзя» ва «сентябрит» (кузининг илик сонгуллари ҳакида) феълини ҳам қалби болаларниңдай сөнда, тириникоқ, меҳнаткаш ва камбағал (у қашинек эмаеди, балки ҳётда энг кичик нарсага ҳам қаноат қиласарди) мўйсафиид — Рязань обlastining Солотчи қимлогидаги сўққабон дехқон Семён Васильевич Елесининг кундалик ганиларида учратдим. У 1954 йилнинг қишида оламдан ўтди.

Семён бобо мағур, олижаноб ва ҳоли таигроқ бўлишига қарамай, сахий одам — рус характерининг энг соғ намунаси эди.

У барча нарсаларни қандай эслаб қолган бўлса, ўшандай гапиради. У мужиклар тортишиб, чой ичишиб, тамаки чекишиб, «тонг отгунча қайнайдиган» трактирлар ҳақида гапиришни хуш кўрарди. У «квитанцияга қараб» (чек) овқат беради, деб анчагача колхоз чайнаясини эътироф қилмай юрди. Қвитанция бўйича овқат бериш унга ҳеч ботмасди. «Бу квитанциянинг менга нима кераги бор? — дерди у. — Пулинин тўлаганимдан кейин менга овқатми, бошқами беравер-да!»

Семён бобонинг рўёбга чиқмаган олтин орзуси бор эди. У дурадгор бўлишни, ўшанда ҳам у ясаган ажойиб нарсалардан жумла-жаҳон қойил қолувчи буюк артист — дурадгор бўлишни орзу қиласарди.

Бироқ бобонинг бу орзуси деразанинг часпагини қандай қилиб, «яхшилаб» тўғрилаш керак ёки синган зинани тузатиш хусусидаги узоқ ва қизгин баҳсдан нарига ўтмасди. Шунаقا пайтларда бобонинг лафзидан шундай иборалар чиқардики, уларни эслаб қолишдан маъни ҳам йўқ эди.

Инсон ўзи яшаган жойға нақадар файз кирилади! Семён бобо ўлди, ўшандан бери у яшаган жойлар шунча файзини йўқотди, ўша томонга боришга ўзимда куч тополмадим. Семён бобо дарё лабидаги қум тепада жойлашган қабристонга, мажнун толлар орасига кўмилган экан. Одамларнинг айтишича, унинг мозорида сарик тишли тегирмон тоши бормиши.

Сўз излаганда ҳеч нарсадан тап тортмаслик керак. Одам чинакам сўзни қаердан топишини ҳеч қачон билломайди.

Денгиз, денгиз иши ва денгизчилар тилини ўрганарканман, капитанлар справочники бўлган лоцияларни ўқий бошладим. Уларга у ёки бу денгиз ҳақидаги барча маълумотлар: чукурликлар, оқимлар, шамоллар, қирғоклар, портлар, маёқ чироклар, сувости қоялари, саёз жойлар баёни ва хайрли сафар учун билиш зарур бўлган нарсаларнинг бари киритилган эди. Кўлимга тушган биринчи лоция — бу Кора ва Азов денгизларининг лоцияси эди. Уни ўқирканман, аниқ ва ниҳоятда ўзига хос бўлган ажойиб тилидан ҳайратландим.

Орадан кўп ўтмай бу ўзига хослик сабабини билиб олдим: номсиз лоциялар XIX асрнинг бошларидан бери маълум йиллар орасида нашр этиб келинар экан. Бунда денгизчиларнинг ҳар бир авлоди унга ўз тузатишларини киритаркан. Шу важдан лоцияда юз йилдан ортикрок вакт ичida тилда рўй берган ўзгаришлар тўла аксини топганди. Унда замонавий тил билан ота-боболаримизнинг тили уйғун эди.

Баъзи бир тушунчалар қанчалик кескин ўзгариб кетганини лоциялардан билса бўлади. Масалан, энг аёвсиз ва даҳшатли бўлган Новороссийск норд-ости (бор) ҳақида лоцияда шундай дейилади:

«Норд-ост вактида соҳилларни қалин туман (мрачность) босади».

«Мрачность» сўзи ота-боболаримиз учун туманни билдирган, ҳозир эса у бизнинг руҳий ҳолатимизни ифодалайди.

Денгизчиларнинг сўзлашув тили сингари, бутун денгиз терминологияси ҳам ажойибdir. «Розы ветров» («шамоллар гули») сўзларидан тортиб, «гремящими сороковыми широтами» (бу поэтик эркинлик эмас, кенгликларнинг денгиз ҳужжатларидағи номидир) гача деярли ҳар бир сўз хусусида поэма ёзса бўлади.

Фрегат ва баркантиналар, шхуна ва клиперлар, вант ва рейлар, кабестан ва адмирал лангари, «оғир» вахта, шиша ва лаглар жаранги, машина турбиналарининг овози, сирена, кормадаги байроклар, росмана пўртналар, довуллар, туманлар, кўзни қамаштирувчи сукунат, сувучи маёклар, «мовий» кирғоқлар ва «бесўнақай» бурунлар, узеллар ва кабельтлар — Александр Грин «дengизда сузишнинг гўзал меҳнати» деб атаган бу нарсаларнинг барчасида ажойиб ва қанотли романтика бор.

Денгизчиларнинг тили бакувват, оҳори тўкилмаган, босиқ юморга тўладир. У бошқа кўп касбдаги кишиларнинг тили каби айрича тадқиқотга моликдир.

АЛЬШВАНГ МАГАЗИНИДАГИ ҲОДИСА

1921 йилнинг кишида Одессадаги «Альшванг ва компания» деган собиқ тайёр кийимлар магазинида ётиб юрадим. Мен иккинчи қаватдаги кийим кийиб кўриладиган жойни банд қилгандим.

Ихтиёrimda учта катта хона бўлиб, уларнинг ҳар бирида қалин кўзгу бор эди. Кўзгулар деворга шунақсанги маҳкам ўрнатилгандики, Эдуард Багрицкий ҳам, мен ҳам уларни оламиз деб роса овора бўлдик. Олсак, Янги бозорда егулик бирор нарсага алишардик. Бироқ уриниш-

ларимиздан наф чиқмади. Кўзгунинг биронтаси ҳам дарз кетмади.

Кийим кийиб кўриладиган хонада чириган пайраҳага тўла учта яшикдан бўлак ҳеч қанақа мебель йўқ эди. Яхшиямки, ойнаванд эшикни ошиқ-мошиғидан осонгина олса бўларди. Мен ҳар куни кечқурун эшикни жойидан олиб, иккита яшик устига кўйиб, жой солардим.

Ойнаванд эшик жуда силлиқ бўлганидан эски тўшагим кечаси ўзим билан бирга бир неча марта ерга сирғалиб тушарди.

Тўшак силжий бошлади дегунча уйғониб кетардим да, нафас олишга ҳам кўркиб қимир этмай ётаверардим. Бунда зора тўшак тўхтаса деб ишонардим. Бироқ тўшак секин ва тўхтовсиз сирғалишда давом этар, ҳийлам эса ҳеч наф кўрсатмасди.

Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ. Қиши жуда қаттиқ келган, денгиз портдан кичик фонтангача яхлаганди. Шафқатсиз норд-ост гранит кўчаларни силлиқлаб юборганди. Қор тушганидан совуқ бошқа пайтлардагидан ҳам қаттиқроқ туюларди.

Кийим кийиб кўриладиган хонада кичкинагина темир печка — «буржуйка» туради. Уни ёқай десак ўтинимиз йўқ эди. Айтмоқчи, бу хароб печка билан учта улкан хонани иситишнинг ўзи аклга сифмасди. Шу важдан мен «буржуйка»да фақат сабзи чой қайнатардим. Бунинг учун бир неча эски газета ёқилса кифоя қиласди.

Учинчи яшикни стол қилиб олгандим. Кечқурунлари унинг устига жинчироқни ёқиб кўярдим.

Мен устимга бор иссиқ нарсамини ташлардим-да, жинчироқ нурида Хозе Мария Эридианнинг Георгий Шенгели таржимасидаги шеърларини ўқиб ётардим. Бу шеърлар китоби ўша оғир йилда Одессада нашр қилинган бўлиб, матонатимизга матонат кўшди. Бунга шоҳидлик бера олишимиз мумкин. Биз ўзимизни римликлар

сингари матонатли сезар ва Шенгелининг ўзи ёзган шеърларни эслардик: «Дўстлар, биз римликлармиз, конларимиз силкӣиди тинмай...»

Биз, ёш ва кувноқ йигитлар, албатта кон тўкмаётган бўлсак ҳам гоҳо жуда совқотиб, оч қолардик. Бироқ ҳеч ким нолимасди.

Пастда, магазиннинг биринчи қаватида бадий артель бўлиб, унинг жўшқин фаолияти бирмунча шубҳали кўринарди. Бу муассасанинг бошлиғи Одессада «вивескалар қироли» деган лақаб билан ном чиқарган бакироқ рассом эди.

Артель вивескалар ёзиб беришга, аёллар киядиган қалпоқчаларга, «калдироқ» туфли ясашга (бу аёллар туфлиси бўлиб, у алмисокдан қолган усулда тайёрланарди: ёғочга бир неча тасмача коқилса бўлади — тайёр эди), кино рекламалари ёзишга (рекламалар қийшик, фанерга елим бўёқ билан ёзиларди) буюртма оларди.

Бироқ бир куни устахонанинг омади келди. У ўша вақтларда Қора денгизда ягона пароход бўлган «Пестель»нинг тумшук кисмини безашга буюртма олди. Бу пароход Ботумига илк сафарга чиқмоқчи эди.

Пароход безаклари тахта тунукадан ясалди, кейин қора бўёқ устидан зарҳал нақшлар берилди.

Рассомларнинг бу иши ҳаммани қизиқтириди, ҳатто милиционер Жора Козловский ҳам баъзан нарироқдаги постини ташлаб уни тамоша қилгани келарди.

Мен у пайтларда «Моряк» газетасининг секретари бўлиб ишлардим. Үмуман олганда, газетада кўпгина ёш ёзувлilar ишлар, Катаев, Багрицкий, Бабель, Олеша ва Ильф шулар жумласидан эди. Кекса ва тажрибали адилардан редакциямизга мулојим, доимо ҳаяжонланиб юрадиган ва тиришқоқ одам бўлган Андрей Соболь кириб турарди.

Бир куни Соболь «Моряк» газетасига ҳикоя олиб

келди. Ҳикоя мавзу жиҳатидан қизиқарли ва шубҳасиз талантли ёзилганига қарамай, жумлалари узук-юлуқ ва чалкаш эди.

Ҳикояни ҳаммамиз ўқиб ҳайрон бўлдик. Чунки уни бунақа bemаза аҳволда босиб бўлмасди. Соболга буни тузатиб беринг, дейишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Соболь бўлса бу масалада жуда қайсар эди. Бу унинг автор сифатидаги иззат-нафси ning баландлигидан эмас (унда ана шу иззат-нафси ning ўзи йўқ эди), балки асабийлигидан эди. Унинг бир ёзган нарсасига қайтиб қарашга ҳеч тоқати йўқ, асарига бўлган қизиқиши тез сўнарди.

Энди нима қилдик, деб бошимиз қотди. Корректори-миз Россияяда энг машҳур «Русское слово» газетасининг собиқ директори, таникли ношир Ситиннинг ўнг кўли бўлган Благов деган чол ҳам биз билан бирга эди.

Благов камгап, ўтмишда амалдор бўлганлигидан юрагини олдириб кўйган одам эди. У ўзининг савлати ва салобати билан редакциямизнинг кўринишдан хароб ва маҳмадона ёшлиридан ажралиб турарди.

Мен Соболнинг кўл ёзмасини яна бир марта ўқигани Альшванг магазинига олиб кетдим.

Кечқурун вакт алламаҳал бўлганда (соат ҳали ўнлардан ошмаган бўлса ҳам шаҳар зулмат қўйнига кирган, киём пайтидаёқ кўчалар ҳувиллаб қолар, чорраҳаларда факат ёвуз шамолгина чаппар уради) милиционер Жора Козловский магазин эшигини тақиллатди.

Мен газетани бураб-бураб, учини ёндиридим-да, бу «машъал»имни кўтарганча газ кувурининг занглаған бўлаги билан тамбалаб кўйилган оғир эшикни очгани кетдим. Исчирокни кўтариб чикиб бўлмасди. Чунки у ҳавонинг салгина тебраниши у ёқда турсин, каттирок тикилиб қарасангиз ҳам ўчиб қоларди.

— Олдингизга бир тражданин кираман деяпти,—

деди Жора.— Унинг кимлигини айтиб беринг, кейин киритаман. Узингиз биласиз — бу ерда устахона бор. Бўёқларининг ўзи уч миллион туради, дейишади.

Масалан, менинг ўзим ойида «Моряк»дан бир миллион сўм маош олишим эътиборга олинса (бозорда бунга кирқ кути гугурт берарди), устахона бўёқларининг суммаси Жора ўйлагандай ваҳимали эмаслигини пайқаб олиш мумкин, албатта.

Ташқарида Благов турарди. Мен Жорага унинг кимлигини айтдим. Жора уни магазинга киритаркан, икки соатлардан кейин бизникига исиниб олгани ва чой ичгани келишини айтди.

— Гап шу,— деди Благов.— Менга Соболнинг мана шу ҳикояси ҳеч тинчлик бермаяпти. Талантли ёзилган нарса. Уни жувонмарг қилиш ярамайди. Эски газетачи наҳанглардан бўлганимдан яхши ҳикояларни кўлдан чиқармайдиган одатим борлигини биласиз.

— Иложим қанча!— дедим мен.

— Кўлёzmани менга беринг. Қасамёд қиласманки, ундаги биронта ҳам сўзга тегмайман. Мен шу ерда коламан, нега деганда, уйга қайтишнинг иложи йўқ, тунаб кетишлари турган гап. Кўлёzmани сизнинг олдингиизда кўраман.

— «Кўраман»ингиз қанақаси бўлди?— сўрадим мен.— «Кўраман» деганингиз «тузатаман» деганингиз-да.

— Мен сизга биронта ҳам сўзни олиб ташламайман. Битта ҳам сўз кўшмайман, дедим-ку.

— Бўлмаса нима қиласиз?

— Шошилмасангиз кўрасиз.

Благовнинг сўзларидан қандайдир сирли бир нарса сездим. Кўринишдан хотиржам бу одам билан бирга Альшванг магазинига қандайдир сир кириб келганди. Бу сирни билиш керак эди, шу важдан Благовнинг таклифига кўндим.

Благов чўнтағидан черковда ёқиладиган, ёниб озгинаси қолган йўғон шам олди. Шамнинг зарҳал бурама нақшлари бор эди. Благов шамни ёндириб яшикка қўйди-да, эски чамадонимга ўтириб, дурадгорлар ишлатадиган силлиқ қалам билан кўл ёзма устига энгашди.

Ярим кеча бўлганда Жора Қозловский келди. Мен ўша лаҳзада чой дамлаётган эдим. Бироқ бу гал чойни куритилган сабзи эмас, майдалаб қирқилган ва ковурилган лавлагидан дамладим.

— Айтиб қўяй,— деди Жора,— узокдан қараганда нақ қалбаки пул ясовчиларга ўхшайсизлар. Нима қиляпсизлар ўзи?

— Ҳикояни тузатяпмиз,— дедим мен.— Газетанинг келгуси сонига.

— Айтиб қўяй,— деди яна Жора,— нима қилаётганларингга ҳар бир милиция ходимининг ҳам тиши ўтавермайди. Бошка биронта бобой эмас, постда бугун мен турганим учун оти бору, ўзи йўқ бўлсаям, худога шукур қилинглар. Мен маданиятни ҳамма нарсадан баланд кўраман. Қалбаки пул ясовчилар масаласига келсак, улар шунаканги устаси фаранг бўлишадики, бир парча нарсадан ҳам доллар, ҳам турагр-жой гувоҳномаси ясаб беришади. Одамларнинг айтишича, Париждаги Лувр музейида ниҳоятда гўзал ва мармардан ясалган бир кўл бахмал болища турагмиш. У Сара Бернарнинг ҳам, Шопен ёки Вера Холоднаянинг ҳам қўли эмас экан. У Европада энг машҳур бўлган қалбаки пул ясовчининг қўлидан кўтарилиган нусха экан. Унинг оти хаёлимдан кўтарилибди. Ўз вактида унинг калласини танидан жудо килишгану, лекин гўё зўр скрипкасидай қўлидан нусха кўтариб қўйишибди. Ибратли воқеа эмасми-а?

— Унчалик эмас,— дедим мен жавоб берид.— Сизда сахарин йўқми?

— Бор,— деди Жора.— Таблеткалиги. Баҳам кўришсак бўлади.

Благов кўл ёзма устидаги ишини аzonга яқин тугаллади. У то редакцияга келиб, машинистка қайта кўчирмагунча менга ҳикояни кўрсатмади.

Ҳикояни ўқиб лол қолдим. Бу тиник, қуйма проза эди. Ҳикоядаги барча нарса бўртиб, қабариб кўринарди. Ундаги аввалги ғализлик ва пойма-пойликдан асар ҳам қолмаганди. Бунда, дарҳақиқат, ҳикоядан бигта ҳам сўз олиб ташланмаган, битта ҳам сўз кўшилмаган эди.

Мен Благовга қарадим. У чой сингари қоп-кора кубань тамакили йўғон папиросини тутатиб кулимсиради.

— Бу мўъжиза!— дедим мен.— Қандай эпладингиз?

— Барча тиниш белгиларини жой-жойига кўйиб чиқдим, холос. Соболь тиниш белгилар бобида жуда заиф. Мен айниқса нукталарни синчиклаб жой-жойига кўйиб чиқдим. Абзацларни ҳам. Бу улуғ нарса, азизим. Пушкин ҳам тиниш белгилар хусусида сўз қотган. Тиниш белгилар фикрни бўртириш, сўзларни тўғри таносибга келтириш ва жумлаларга енгиллик ва тўғри оҳанг баҳш этишга яратилган. Тиниш белгилар — нотадаги белгиларнинг ўзи. Улар текстни маҳкам ушлаб турари ва сочилиб кетишига йўл кўймайди.

Ҳикоя газетада босилди. Эртасига эса Соболь редакцияга ўқдай учиб кирди. У ҳар маҳалгидай бошяланг, соchlари тўзғиган, кўзлари ҳам ғалати чақнарди.

— Ҳикоямга ким кўл урди?— у даҳшатли овозда шундай деб бақирди-да, газета дасталари турған столга ҳассасини урди. Столдан эса шифтга чанг кўтарилди.

— Ҳеч ким теккани йўқ,— дедим мен.— Ишонмаса-нгиз текстни кўришингиз мумкин.

— Ёлғон!— деди Соболь бақириб.— Бўлмағур гап! Мен бари бир бунинг тагига етаман.

Жанжал чиқиши нақд бўлиб қолди. Ходимлар хона-

дан бирма-бир «куён» бўлиша бошлади. Шовкин-сурони ғаштиб, ҳар маҳалгидек Люсьена ва Люся деган машинисткаларимиз қалдирок туфлиларини тарақлатиб этиб келинди.

Шунда Благов хотиржам ва ҳазин овозда гап бошлади:

— Агар ҳикоянгиздаги тиниш белгиларни тўғри қўйиб чиқиниш кўл теккизиш деб ҳисоблайдиган бўлсанга, унда марҳамат: мен кўл урдим. Корректорлик нацифам туфайли шундай килдим.

Соболь Благовга ўзини отиб, икки қўлидан маҳкам ушилади-да, анчагача силкитди. Кейин чолни қучоқлаб, маеконча синга уч марта ўпди.

— Раҳмат!— деди Соболь тўлкинланиб.— Сиз менга ажойиб сабоқ бердингиз. Афсуски, бу сабоқни жуда кечкиб олдим. Энди ўзимни аввалги нарсаларим олдида жиноятчилик сезяпман.

Кечкурун Соболь қаердандир ярим шиша конъяк топиб, Альшванг магазинига олиб келди. Биз Благовни чақирдик. Багрицкий билан постини бошкага топширган Жора Козловский ҳам келди. Конъякни адабиёт ва тиниш белгиларнинг шарафига кўтардик.

Ана шундан кейин мен керакли ўринга вактида кўйилган нукта ўқувчига накадар зўр куч билан таъсир эта олишига ишонч ҳосил килдим.

ИКИР-ЧИКИРДЕК ҚУРИНСА ҲАМ

Деярли ҳар бир ёзувчининг ўз илҳомчиси, яхши даҳоси бордирки, у ҳам оддий қаламкашдир.

Ана шу илҳомчининг китобидан ақалли бир неча сатр ўқилса бас, одам қўлига қалам олгиси келиб қолади. Баъзи китоблар гўё хуштаъм шарбатга тўла бўлиб, биз-

ни сархуш қилади, қон-қонимизга сингииди ва қўлга қалам олишга мажбур қилади.

Шуниси ажойибки, кўпинча бундай яхши даҳо бўлган ёзувчи ўз ижодининг характеристи, ёзиш манераси ва танлаган мавзуси жиҳатидан биздан йироқ бўлади.

Мен чинакам реалист, турмушни яхши билувчи, ақлли ва ювош бир ёзувчини биламан. Унинг илҳомчиси бўлган даҳо ашаддий хаёлпараст адаб Александр Гриндир.

Гайдар Диккенсни ўзининг илҳомчиси деб атарди. Ўзимга келсак, Стендалнинг «Римдан мактублар»и менда ёзиш истагини уйғотди. Бўлмаса мен Стендаль про засидан ғоятда йироқман. Мен бир кун Стендаль асарларини ўқиб, Пре дарёсидаги хушманзара жойлар ҳақида «273-кордон» деган ҳикоя ёзган эдим. Ҳикояда Стендаль прозасига муштарак нарса мутлако йўқ.

Очиини айтганда, мен бу ҳодиса устида бош қотирган эмасман. Чамаси, бунга ҳам изоҳ топса бўлади. Мен буни ёзувчига иш вактида кўмак берадиган, бирок дастлаб унча аҳамиятсиз туюлган шароит ва иқтидорлар хусусида мусоҳаба қилмоқ ниятида эслатдим.

Пушкиннинг куз фаслида яхшироқ ижод этгани ҳаммага маълум. «Болдино кузи»нинг ҳайратомуз ишчанлик синоними бўлиб колганлиги ҳам бекиз эмас.

«Куз яқинлашяпти,— деб ёзганди Пушкин Плетневга.— У менинг севган фаслим, саломатлигим жуда яхши бўладиган, адабий асарларим баракали бўладиган пайдир».

Менимча, бунда гап нима хусусида кетаётганлигини осон пайқаб олса бўлади.

Куз — ҳаво мусаффо ва совуқ бўлган; далалар ҳусни «ўчаётган» ва оромбахш шабада эсадиган фаслdir. Куз табиатга ихчам безак бахш этади. Ўрмон ва дароҳтзор-

ларнинг олтин ва қизғиш япроқлари бутоқларин ялан-
гочлаб, тобора тез түкила бошлайди.

Кишининг кўзи куз манзарасининг тиниклигига кў-
ниб қолади. Бу тиниклик аста-секин ёзувчи онги, тасав-
вури ва кўлинни забт этади. Поэзия ва проза илҳомла-
рининг муздек сувли булоқлари отилиб туради, гоҳо
ундан музлар жаранги янграб қолади. Бош тиник, юрак
бир меъёрда кучли тепиб туради. Факат бармоқларгина
пича сиркираб қўяди.

Кузда киши ўйлаб юрган нарсалар пишиб етилади.
Бу ҳақда Баратинский яхши сўз котган:

Қнимматли ўйларинг кирап ўримга,
Уларнинг донидан терасан ақл —
Барни инсонлардан қиласи нақл.

Пушкиннинг айтишича, у куз фаслида очилиб-сочи-
либ кетарди. Ҳар кузда у ёшааради. Бунда, чамаси, да-
ҳолар ҳаётида бир неча марта навқиронликка қайтишдек
ҳодиса рўй беради, деган Гёте ҳақ бўлса керак.

Пушкин ана шундай куз кунларидан бирида бир
шеър ёзиб, унда шоирнинг мураккаб ижодий жараёнини
ниҳоятда ёрқин ифода этган эди:

Жаҳонни унутаман — суқупат оғушинда
Ширин тасаввурларга чўмиб кетаман чунон
Ва шеърнят яралар юрагимнинг жўшида:
Юрак зўр ҳаяжонда — тўлғокда қолиб шу он,
Титраб, чақириб, излаб, қидиргандек тушида,
Ниҳоят узиллар-да, тўкилиб оқар равон.
Ва хаёлот ҳосили — эски қадроналарим —
Кўнглимга соя солиб бўлур ғуж мәҳмонларим.
Журъатли фикрларим тўлқин урар бошимда,
Коғниялар уларни кутлаш деб елар бардам.
Бармоқ қаламу, қалам қоғоз сўрас қошимда
Шеър ҳам тинмай қуюлиб келаверар дам-бадам.

Бу ижоднинг ҳайратомуз таҳлилидир. Бундай мисра-
ларни руҳий кўтаринкилик ғоятда юксак бўлган лаҳза-
лардагина яратмоқ мумкин.

Пушкининг ўзига хос яна бир хусусияти бор эди. У асар ёзаётганида бирор жойи унча ўхшамай қолса, ортикча тўхталиб ўтиrmай, ўша ерни очик қолдириб, у ёғини ёзиб кетаверарди. У илҳом деб атаган руҳий кўтаринкилий яна қалбини забт этганда ўша очик қолдирилган жойларни тўлдиришга киришарди. У ҳеч қачон илҳомни зўрма-зўраки келтиришга интилмасди.

Мен Гайдар қандай ишлашини кўрганман. Унинг меҳнати ёзувчиларнинг одатдаги меҳнатига сира ўхшамасди.

Биз у пайтда Мешчера ўрмонларидағи қишлоқда истиқомат қиласардик. Гайдар қишлоқ кўчасига қараган катта уйга ўрнашди. Мен эсам боғ ичкарисидаги соғиқ ҳаммомчада истиқомат қила бошладим.

Гайдар у пайтда «Барабанчининг такдири» повести ни ёзмоқда эди. Биз тушгача вижданан ишлашга ва «юр, балиқ овлаймиз» деб бир-биirimизни чалғитмасликка келишиб олгандик.

Бир куни ҳаммомнинг очиқ деразаси олдида ишлаб ўтирадим. Ҳали чорак бет ҳам ёзмовдимки, Гайдар катта уйдан чиқди-да, деразам ёнидан ўзини хотиржам ва лоқайд кўрсатганича ўтиб кетди.

Ўзимни сезмаганга солдим. Гайдар ўзича нималарнидир гапириб боғда айланиб юрди-да, кейин яна деразам олдидан ўтди. Энди унинг жигимга тегмоқчи бўлаётгани сезилиб туарди. У ҳуштак чалиб, атайлаб томок қириб кўярди...

Мен чурқ этмадим. Гайдар шундан кейин учинчи марта олдимдан ўтаркан, жаҳл билан қаради. Мен миқ этмай ёзавердим.

Гайдарнинг тоқати ток бўлди.

— Менга қара,— деди у,— ўзингни анқовликка солма! Сен бари бир тез ёзасан, ишдан озгина бош кўтарсанг ҳеч нима қилмайди. Сендақа Боборикиндан ўргил-

диму! Агар сендақа ёзганимда асарларим ҳозиргача бир юз үн саккиз том бўларди!

Бу ракам Гайдарга жуда ёқарди. У мамнунлик билан гапини қайтарди:

— Бир юз үн саккиз томга етарди! Бир том ҳам кам эмас!

— Хўш,— дедим мен,— гапингни айта қол, нима демоқчисан?

— Мана, қулок сол, бир ажиб жумла топдим.

— Қанақа экан у?

— Хўп эшит: «Шўри қуриди чолнинг, шўри қуриди!» дейишди йўловчилар». Дурустми?

— Мен қаёқдан билай!— дедим мен.— Жумла қаерда келаётганлиги ва нимага мансублигига қараш керак.

Гайдар тутақиб кетди.

— «Нимага мансублигига қараш керак, нимага мансублигига қараш керак!»— деди у жигимга тегиб.— Нимага зарур бўлса, ўшанга мансуб-да! Жин урсин сени, бўпти мен кетдим. Ўтириб, асарларингни ёзавер. Мен бориб бу жумлани ёзиб қўяман.

Бироқ унинг сабри кўпга бормади. Йигирма минутдан кейин янга деразам олдидан ўта бошлади.

— Хўш, янга қанақа гениал жумла топдинг?— сўрадим ундан.

— Менга қара,— деди Гайдар,— илгари мен сени лапашанг зиёли ва масхарабоз деб гумонсираб юрардим. Энди бунга росмана ишондим. Шунда ҳам аламимдан ишондим.

— Қани, бир кўзимдан йўқол-чи!— дедим мен.— Виждон ҳакки, халал берма!

— Сендақа Лажечниковни қара-ю!— Гайдар шундай деди-ю, аммо ҳар қалай нари кетди.

Орадан беш минут ўтгач, у янга кўринди-да, олисдан турибоқ янги жумлани айтди. Жумла дарҳақиқат яхши

ва янги эди. Уни мактадим. Гайдарга худди ана шунинг ўзигина зарур эди.

— Бўлди!— деди у.— Энди олдингга бошқа келмайман. Ҳеч қачон! Сенинг ёрдамингсиз ҳам ўзим бир амалаб ёзарман.

Шундан кейин тўсатдан французча қасам бериб:

— О ревуар, месъе л’эркравен рюс советик!¹— деб қўйди.

Гайдар ўша вактларда французчага жуда кизиқиб, уни ўрганишга эндигина киришганди.

Гайдар яна бир неча марта боққа қайтди, бироқ менга халал бермади. Узун йўлкада ўзича нималарни дирғўлдираб юраверди.

У ана шундай ишларди — жумлани айланиб юриб топарди-да, уни ёзиб, бошқасини излашга тушарди. Кун бўйи уйдан боққа чиққани чиққанди. Мен бунга ҳайрон бўлар, унинг иши алдам-калдам силжиётганига ишончим комил эди. Бироқ кейин билсам Гайдар муғомбирлик қилган экан, жумлаларни биттама-битта топганлигига қарамай ёзганлари кўпроқ экан.

У икки ҳафтадан кейин «Барабанчининг тақдири» асарини тугатиб, кувноқ ва хурсанд ҳолда олдимга кириб келди-да:

— Повестимни ўқиб берайми, хоҳлайсанми?— деб сўради.

Мен, албатта, уни тинглашни жуда-жуда хоҳлардим.

— Бўлмаса эшит!— Гайдар шундай деди-да, хонанинг ўртарогига келиб, қўлини иккала чўнтағига солди.

— Қўллэзма қани?— сўрадим мен.

— Фақат расво дирижёрларгина партитурани олдиларидағи плюпитр устига қўйиб оладилар,— деди Гайдар

¹ Хайр, жаноб рус совет ёзувчиси!

насиҳатомуз.— Кўл ёзманинг менга нима ҳожати бор! У столда дам олаяпти. Эшитасанми ўзи ё йўқми?

Шундан кейин повестининг биринчи жумласидан тортиб охиригача ёд ўқиб берди.

— Ҳар қалай бир жойда роса адашдинг,— дедим мен шубҳаланиб.

— Гаров ўйнаймиз,— деди Гайдар овозини баландлатиб.— Ўнтадан ортиқ хато чиқмайди! Агар сен ютқизиб қўйсанг эртагаёқ Рязанга бориб, чайқов бозоридан қадимий барометр олиб келасан. Бозорга борганимда уни кўз тагига олиб кўювдим. Ҳа, ёмғир ёққанда бошига абажур кийиб оладиган кампир бору, ўшандан оласан. Мен ҳозироқ кўллэзмани олиб келаман.

У кўллэзмани келтириб, повестни қайтадан ўқиди. Мен кўллэзмага қараб турдим. Гайдар фақат бир неча жойдагина арзимаган хато қилди. Ана шу хатолар деб бир неча кунгача икковимиз — мен ютдим, мен ютдим, деб тортишиб юрдик.

Хуллас, мен барометр олиб бериб, Гайдарни жуда хурсанд қилдим. Биз мисдан ясалган бу улкан асбоб ёрдамида балиқчилик ҳаётини кечирмоқчи бўлдик. Бирок бошиданоқ бемаъни аҳволда қолиб, ёмғирда ўлгудай шалаббо бўлдик. Барометр бўлса «нақ қурғоқчилик»ни кўрсатиб турарди, амалда эса уч кун шариллатиб ёмғир қуиди.

Тинимсиз ҳазил-мутойибалар, «гаров»лар, адабиёт ҳакидаги баҳслар ҳамда кўллар ва саёз дарёлардаги балиқ овларидан бошимиз чиқмаган пайтлар эди. Буларнинг бари бизга сезилмас, нимаси биландир қалам тебратишга қўмаклашарди.

Федин «Ажойиб ёз» романини ёза бошлаган пайтида ҳам у билан бирга бўлганман.

Бу хусусда қалам табратганим учун Федин кечирсин. Менимча, ҳар бир ёзувчининг, айниқса Фединдек адаб-

нинг материални ишлаш манераси фақат ёзувчиларга-
гина эмас, балки адабиётни севучи барча кишларга ҳам
қизиқарли ва фойдалидир.

Биз Гаграда, денгиз бўйидаги мўъжазгина уйда ту-
рардик. Инкилобдан илгариги йиллардаги арzonгина
«бошпана»ларни эслатувчи бу уй ҳам анча хароб эди.

Уй довул пайтида шамол ва тўлқин зарбидан титраб,
ғижирлар, қасир-кусур килар, гўё ҳозир босиб қолади-
гандай туюларди. Эшикларнинг кулфлари лўқидон-пў-
кидони билан суғуриб олинганидан, улар тешиклардан
кирган шамолдан тарақлаб очилиб кетар, кейин бир да-
қиқа жим тургач, шунақсанги қаттиқ ёпилардики, ҳатто
шифтдан шувоқ тўкиларди.

Янги ва эски Гагранинг барча дайди итлари ана шу
үйнинг айвони тагида тунашарди. Гоҳо улар уй эгалари
йўқлигидан фойдаланиб, хоналарга киришарди-да, ка-
равотларга чиқиб олиб, бемалол уйқуни уришарди.

Қаравотни эгаллаган итнинг қандайлигидан қатъий
назар, хонага хавфсираб қадам кўярди, киши. Ит агар
инсофли ва ювош бўлса, қаравот эгасини кўрди дегунча
мунгли ғингшиб, хонадан чиқиб қочарди. Шунда унга
тегиб кетсангиз қўркувдан тишлиб олиши ҳам турган
гап эди.

Агар сурбет ва даққи итга тўқнаш келсангиз, у ка-
равотда ётганича сизга тик қараб, шунақсанги даҳшатли
ириллай бошлардики, бунақа пайтида қўни-қўшниларни
мададга чакиришга тўғри келарди.

Федин турган хонанинг деразаси денгиз устига қу-
рилган айвонга қараганди. Пўртана пайтида айвонга
денгиз суви сачрамасин деб тўқима креслолар дераза
олдига уйиб қўйиларди. Кучуклар доимо ана шу кресло-
лар орасига жойлашиб олиб, стол ёнида ишлаётган
Фединга тикилишарди. Улар Фединнинг ёруғ ва иссик
хонасига кирмоқчи бўлганларида ириллаб қўйишарди.

Федин олдинига, итларни қўрганда мени ваҳм босади, деб иолиб юрди. У қўл ёзмадан бошини кўтариб, дезага хәёлчан қаради дегунча, ўнларча итларнинг оловли қўзлари унга нафрат билан қадаларди. У бундан ҳатто ўзини нокулай сезар, гўё иссиқ уйда перо қитирлатиб, фирт бемаъни иш билан шуғулланаётганидан айбдордек эди.

Буларнинг бари албатта Фединнинг ишлашига мълум даражада халал берарди. Бироқ кўп ўтмай бунга кўнишиб кетиб, итларга парво қилмай қўиди. Менимча, ўшандаги содда ва шароити нокулай ҳаётимиз Фединга ёшлигимизни эслатган бўлса керак. Ёшлигимизда дераза токкасида, қорачироқ нурида, сиёҳлар яхлаб қоладиган хонада — хуллас, ҳар қанақа шароитда ҳам ёзиб кетаверардик.

Ёзувчиларнинг аксарияти субҳидамда, баъзилари кундузи, жуда оз қисми эса кечаси ишлайди.

Федин сутканинг исталган соатида ишлай оларди. У фақат дам олиш учунгина ишдан бош кўтарарди.

У кечалари, денгизнинг тинимсиз шовқини эштилиб турган пайтларда ёзарди. Денгизнинг бу одатий шовқини унга халал бермас, аксинча кўмаклашарди. Унга, аксинча, сукунат халал берарди.

Бир куни вақт алламаҳал бўлганда Федин мени уйғотди-да, ташвишланиб:

— Денгиз сукут қилияпти, биляпсанми? Юр, айвонга чиқиб қулоқ соламиз,— деди.

Соҳилга жуда оғир сукунат чўккандай туюларди. Биз зулматда ақалли тўлқиннинг оҳиста шипиллашини илғамоқ дардидা миқ этмай турдик. Бироқ қулоғимизнинг гувиллашидан бошқа нарсани эшитмадик. Бу томирларимиздаги қоннинг жўшиши эди. Зулмат қоплаган зимзиё кўкда юлдузлар хира жимиirlарди. Биз денгизнинг

тинимсиз шовқинига ўрганганимиздан, бу сукунатда сикилиб кетдик. Федин шу кеча ишламади.

Мен Федин қандай ишлашини беихтиёр равишда кузатарканман, бир нарсани билиб олдим: Федин агар навбатдаги боб пухта ўйланиб, текширилиб, мулоҳазалар ва хотиралар билан бойитилган, онгда уларнинг нақ жумлаларигача тайёр бўлгандан кейингина ёзишга ўтиради.

Фединнинг ўткир, тиник ақли ва сезгири кўзи мабодо ёзаётган асарининг нияти ва мужассами ланжроқ бўлса, бу билан сира келиша олмасди. Унинг фикрича, проза хато топилмас даражада баркамол ва олмос янглиғ киёмига етказилган бўлиши керак эди.

Флобер бутун умрини асарлари тилини камолга етказишдек азобда ўтказди. У ўзининг проза тиниклиги йўлидаги интилишида ҳеч нарсадан тап тортмасди. Кўл ёзмага тузатишлар киритиш — баъзи ҳолларда унинг учун проза камолотига олиб борувчи йўлга эмас, балки бирдан-бир мақсадига айланиб қоларди. У бунда ўзидағи баҳо бериш қобилиятини йўқотар, толикар, умидсизликка тушар, асарларига очикдан-очиқ жон киритар ёки уларни бежон қилас, Гоголь айтганидек, «чишиб-чишиб, ниҳоят ўзи ҳам чўзилиб қоларди».

Федин прозага сайқал бераётганида, вактида тўхташи билади. У танқидчи сифатида доимо сергак туради, бироқ бундан қаламкашлигига озор етмайди.

Флоберда ёзувчининг адабиёт назариячилари «персонификация» деб атайдиган хусусияти юксак даражада ўз ифодасини топган. Бу, содда қилиб айтганда, шундай бир куч билан ўз қаҳрамонлари ҳолатига тушишки, бунда қаҳрамон билан рўй бераётган (ёзувчи хоҳиши бўйи-

ча) воқеаларни ёзувчи ҳам бошидан кечиради ҳисоби.

Флобернинг Эмма Боварининг заҳар ичиб ўлишини тасвирлаётганда ўзида заҳарланишнинг бутун аломатларини сезгани ва врачга мурожаат қилишга мажбур бўлгани маълумдир.

Флобер жабрдийда эди. У шунақанги имиллаб ёзардики, чидай олмаганидан: «Бунақа ишлаганим учун ўзимни-ўзим дабдала қилгим келади», дерди.

Бальзак барча қаҳрамонларини тирик ва яқин одамларидай кўрарди. У дам қаҳрамонларини, ярамас ва аҳмоқлар, деб овози бўғилгунча сўкар, дам улардан кулиб, хатти-ҳаракатларини маъқуллаганидан елкала-рига қоқар, дам улар мусибатга йўлиққанда қўлидан келганча тасалли берарди.

Бальзакнинг ўз қаҳрамонлари реаллигига ва улар хусусида ёзганларининг ҳаққонийлигига бўлган ишончи бекиёс даражада кучли эди. Бундан унинг ҳаётида рўй берган қизиқ бир воқеа шоҳидлик беради.

Бальзак ҳикояларидан бирида ёш роҳиба (унинг исми ёдимда йўқ, тахминан Жанна деб атай қоламиз) образи бор. Монастиръ нозираси ювошгина Жаннани монастирга таалуқли қандайдир иш билан Парижга юборади. Ёш роҳиба пойтахтга келгач, ундаги ажойиб, сершовқин ва жозибали ҳаётдан ҳайратланади. Газ кўзоғлар ёритган магазинлар витриналаридағи ажойиб молларни соатларча тамоша қиласди. Хушбўй ҳид тара-таётган ҳарир кўйлакли аёлларни кўради. Бу кўйлаклар аёлларни яланғочлаб, уларнинг нозик елкалари, латиф оёқлари, мўъжазгина учли кўкраклари борлигини таъ-кидлаётгандек туюларди.

Қиз эркакларнинг ғалати, кишини сархуш этувчи

юрак сўзларини, шама ва сирли шивирлашларини эшитарди. Қишилар уни кўчада юргани кўйишмас, қулоғига юқоридагидай ғалати сўзларни айтишарди. Шундан кейин унинг юраги дукиллаб уриб кетади. Қандайдир боғдаги чинор тагида биттасига аранг берилган бўса гулдурак янглиғ қулоғини батанг қилиб, эс-ҳушидан айиради.

Киз Парижда қолади. У жозибадор парижлик хоним бўлиш учун ҳамёнидаги монастирь пулини сафлайди.

Бир ойдан кейин эса у кўча хотинлари сафидан жой олади.

Бу ҳикояда Бальзак ўша пайтда мавжуд бўлган аёллар монастиридан бирининг номини тилга олади. Бальзакнинг китоби эса монастирь нозирасининг кўлига тушиб қолади. Ўша монастирда Жанна исмли ёш роҳиба бор эди. Нозира уни ёшига чакириб, даҳшат билан:

— Жаноб Бальзак сиз ҳакингизда нималар ёзганини биласизми?!— деб сўрабди.— У сизни шарманда қилди. Ибодатхонамизни балчиқка ботирди. У туҳматчи ва кофир! Мана ўкинг!

Киз ҳикояни ўқигандан кейин ҳўнграб юборибди.

— Бўлинг!— дебди нозира даҳшат солиб.— Тезда отланиб, Парижга боринг. У ерда жаноб Бальзакни қидириб топинг-да, Парижда ҳеч качон бўлмаган иффатли кизга туҳмат қилиб, хўрлаганини бутун Францияга эълон қилишини талаб этинг. У монастирни ва бутун қавмларимизни ҳакорат қилди. У ана шу бемаъни гуноҳига икror бўлиб, тавба қилсин. Сиз ана шунга эришишингиз керак. Эплай олмасангиз, қорангизни кўрсатманг.

Жанна Парижга жўнабди. У ерда Бальзакни қидириб топиб, не-не риёзатлар билан аранг ҳузурига кирибди.

Бальзак устида эски халат, оғир-оғир нафас олиб

ўтирган экан. Хонасини тамаки тутуни босган, столда шошилинч ёзиб ташланган қофозлар уйилиб ётарди.

Бальзакнинг қовоғи солинибди. Унинг вақти етишмас — нега деганда илгариданок, умримда элликтадан кам роман ёзмайман, деб мўлжал қилганди. Бироқ шу дамда унинг кўзлари қаттиқ чақнарди. У кўзларини Жаннадан узмасди.

Жанна ер сузиб, қизариб-бўзарибди, худодан мададтилаб, жаноб Бальзакка монастирдаги воқеани айтиб берибди. Жаноб Бальзакдан нима учундир унинг иффати ва покдомонлигига тушган шармандали соядан халос этишини илтимос қилибди.

Бальзак бу гўзал ва назокатли роҳиба ҳузурига нимага келганини мутлако тушунмаётгандек кўринарди.

— Қанақа шармандали соя? — сўради у. — Мен ёзган нарсаларнинг бари доимо чин ҳақиқат бўлади.

Жанна илтимосини такрорлабди-да, секингина:

— Раҳм килинг, жаноб Бальзак. Агар менга ёрдам беришни истамасангиз, унда нима қиларимни ҳам билмай қоламан, — дебди.

Бальзак иргиб ўрнидан туриб кетибди. Унинг кўзлари ғазабдан ялтиради.

— Нега билмайсиз? — қичқирибди у. — Сиз нима қилишингизни билмайсизми? Сизга нима бўлганини очик-ойдин ёзив қўйганман-ку. Ҳаммаси равшан! Яна қандай шубҳа бўлиши мумкин?

— Наҳотки менга Парижда қол деб айтмоқчи бўлсангиз? — сўрабди Жанна.

— Ҳа, — Бальзак бақириб берибди. — Жин урсин агар, қолинг!

— Сиз мени ҳали...

— Ҳа, жин урсин, ҳа! — Бальзак яна бақириб берибди. — Мен устингиздаги кора ридони счишиигизни истайман. Сизнинг тирик марвариддек гўзал вужудингиз

муҳаббат ва кувонч нималигини билсин. Қулишни ҳам ўрганинг. Боринг! Борсангиз-чи! Бироқ кўчадагиларга аралашманг!

Бальзак Жаннанинг қўлидан маҳкам ушлаб, ташқариға чиқариб кўйибди.

— Ҳикоямда ҳаммаси ёзиб қўйилган-ку ахир,— дебди у.— Боринг. Сиз жуда гўзалсиз, Жанна. Бироқ сизни деб уч қоғоз текстдан айрилдим. Тағин зўр текстдан-а!

Жанна жаноб Бальзак унинг шаънига тушган шармандали доғни ювмагани учун монастирга қайтолмасди. У Парижда қолди. Айтишларича, бир йилдан кейин уни студентларнинг «Кумуш юқ» деган қовокхонасида кўришибди. У кувноқ, баҳтиёр ва жозибадор экан.

Ёзувчи қанча бўлса—иш иқтидори ҳам шунча бўлади.

Рязань яқинидаги мен юқорида эслатган ёғоч уйдан машҳур рассом Иорданнинг рассом Пожалостинга ёзган хатларини (бу хатлар хуёусида ҳам тўхталганман) тошиб келган эдим.

Иордан хатларидан бирида итальянча картинадан нусха кўтаришга икки йил сарфлаганини ёзганди. У ишлаётганда гравюра кўчириладиган тахта атрофида парвона бўлганлигини ва бундан фишт полда сезиларли из қолдирганлигини ҳам айтганди.

— Мен толиқардим,— деб ёзганди Иордан.— Шунда ҳам юрардим, ҳаракат қиласардим. Контора ортида тик туриб ёзишга одатланган Николай Васильевич Гоголь ҳам шундай толиқкан бўлса керак! Ана уни ўз ишининг чинакам жабрдийдаси деса бўлади.

Лев Толстой фақат субҳидамда ишларди. У, ҳар бир ёзувчи вужудида ўз танқидчиси бўлади, бу танқидчи

эрталаблари жуда аччиғланади, кечаси эса ухлайди, чунки ёзувчи бу пайтда бутунлай ўз ихтиёрига ташлаб күйилади, бепўписа ишлайди, шунинг учун бемаъни ва ортиқча нарсаларни кўп ёзиб кўяди, дерди. Толстой бунда факат эрталаблари ишлаган Руссо билан Диккенсга суюнار, кечалари ишлашни ёқтирган Достоевский билан Байрон ўз талантлари олдида гуноҳ қилганлар, деб ҳисобларди.

Достоевскийнинг ёзувчилик ишидаги нуксони унинг факат кечалари ишлаб, тўхтовсиз чой ичишидагина эмасди. Бу оқибатда унинг асарлари сифатига унчалик таъсир қилмаган.

Унинг камчилиги шундаки, ёзувчининг йўқчилик ва қарз-курздан боши чиқмас, шу важдан кўп ва доимо шоша-пиша ёзишга мажбур эди.

У вакт жуда тифиз келиб колганда ёзишга ўтиради. У асарларидан биронтасини ҳам тинчгина ва бутун куввати билан ёзмаган. У романларини (ёзилган бетларнинг сони жиҳатидан эмас, балки воқеанинг кўлами жиҳатидан) ғижимлаб кўярди. Шу важдан унинг романлари ўйлангандагига нисбатан ёмонроқ чиқарди. «Романин ёзгандан кўра уни орзу қилган минг марта яхширок» дерди Достоевский.

У ўзининг ёзилмаган романини қалбида кўпроқ саклашни хоҳлар, уни доим ўзгартириб, янги нарсалар билан бойитишни орзу қиласади. Шу сабабдан ёзишни пайсалга соларди. Нега деганда, ҳар кун ва ҳар соатда янги ғоя туғилиши мумкин, вакти ўтгандан кейин эса уни романга киритиб бўлмайди-да.

Достоевский гарчи кўпинча ёзишга ўтирганда роман хаёлида пишиб етилмаганини эътироф этса ҳам, бўйнидаги карзлари уни шундай қилишга мажбур этарди. Қанчадан-канча фикрлар, образлар, хаёлга кечикиб келганилигидан бекорга қолиб кетди, нега деганда бу вактда

роман ёзиб тамомланган ёинки киритилса ҳам асарга қаттиқ путур етган бўларди, дерди у.

«Камбағаллигимдан шошилинч ёзишга мажбурман,— деган эди Достоевский ўзи ҳақида,— пул учун асар ёзиш, уни албатта жувонмарг қилиш демакдир».

Чехов ёшлигида Москвадаги тор ва сершовкин квартирасининг дераза токчасида ёза оларди. «Мерган» ҳикоясини эса чўмиладиган жойда ёзган. Бирок йиллар ўта бориши билан унинг ёзиши кийинлашган.

Лермонтов шеърларини тўғри келган нарсага ёзиб кетаверган. Ёзадиган нарсаларининг бари унинг миясида тайёр бўлиб, қалбида жаранглаб турган, шундан Кейин шошилинч равишда бехато ёзиб ташлайверган бўлса керак.

Алексей Толстойнинг олдида бир даста яхши оқ коғоз бўлса бас, ёзаверарди. Ўзининг эътироф этишича, ёзув столига ўтиаркан, кўпинча нима хусусида ёзишни билмас экан. Миясида қандайдир бир гўзал тафсилот бўларкан. У шундан бошлар, бу эса мисли сеҳрли ипдай бутун воқеани бирма-бир тортиб чиқараверар экан. Толстой иш пайти бўлган илҳомни ўзича «қайнаш» дерди. «Агар қайнасам,— дерди у,— тез ёзаман. Одам қайнамаса борми, унда ёзиши йиғиштириши керак».

Толстой маълум даражада бадиҳагўй эди, албатта. У хаёлига келган фикрларини ёзиб улгуролмасди.

Барча ёзувчилар ишлаётган пайтдаги бир ҳолатни — ягни фикр ёки манзара мисли портлашдек онг тубидан тепага ёриб, қалқиб чиқадиган пайт бўлишини билишса керак. Агар ўша фикр ёки манзара зумда қоғозга туширилмаса, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай изсиз йўколиши мумкин.

Булардаги жило ва жўшқинлик худди тушда кўрилган нарсалар янглиғ муваққатдир. Биз уйғонгандан ке-

йин күрган тушимизни бир лаҳзагина эслаймизу ўша заҳотиёк унутамиз. Биз бу тушларни эслашга кейин қанча уринмайлик барибир ҳаракатларимиз беҳуда кетади. Бизга бу тушлардан, Гоголь «Фаройиб» деб атаган қандайдир ажиб, сирли бир туйғу қолади, холос.

Хаёлга келган нарсаны ёзиб қолишга улгuriш керак. Сал имилласанғиз борми, фикр ялт этади-ю, ғойиб бўлади.

Кўпгина ёзувчилар журналистлар сингари энсиз қоғозларга, гранкаларга ёзиб кетавермасликларига сабаб шу бўлса эҳтимол. Кўлни ҳадеб қоғоздан олавермаслик керак, чунки ҳатто бир лаҳзали имиллаш ҳам ногиҳон хаёлга келган фикрни қоғозга туширишга халал беради. Чамаси онг иши фантастик тезликда рўй берса керак.

Француз шоири Беранже ўз қўшиқларини хашаки каҳвахоналарда ёза оларди. Билишимча, Эренбург ҳам каҳвахонада ёзишни хуш кўрарди. Бу тушунарли. Чунки қайнок оломон орасида ёлғиз ўтиранг, албатта ҳеч ким хаёлингни бузмаса, жиғингга тегмаса, бундан яхши танҳолик ҳеч ерда топилмайди.

Андерсен ўрмонда юриб эртак тўқишини севарди. Унинг кўзи ўткир, бамисоли микроскопдай эди. Шу важдан у бир парча пўстлоқ ёки кекса қарағай дўмбоғига бамисоли катталаштирувчи линзадан қарагандай тикилиб, шунақангি нарсаларни кўрардики, улардан осонги на эртак тўқиса бўларди.

Умуман айтганда, ўрмондаги нарсаларнинг барини — ҳар бир чирик тўнка ва кўк қанотли пашшани ма-лика янглиф ўғирлаб кетаётган малла қароқчи чумолини ҳам, кўйинг-чи ҳамма-ҳаммасини эртак қилса бўлади.

Узимнинг адабий тажрибам хусусида тўхталишни истамагандим. Бу юкорида айтилганларга дурустроқ бирон нарса қўшадими, йўқми, деган андишадаман.

Шундай бўлса ҳам ҳар қалай бу хусусда бир-икки оғиз сўз айтиш лозим, деб ўйлайман.

Агар адабиётимизни ишқадар туллаб-инишини ис-
тасак, ёзувчи ижтимоий фаолиятиниң чиг симирили
шакли ижодий иши эканлигини тушумогимиз даркор.
Ёзувчининг китоби чиққунча барчадан ишиҳон бўлгани
иши — китоби чиққандан кейин умум ишошиб инга ий-
ланади.

Ёзувчиларнинг вақти, кучи ва иштевъдоциини адабиёт-
га кам алоқадор ҳар хил югур-югурлар ва мажлислари я
сарфламай эҳтиёт қилмоқ керак.

Ёзувчи ишлаётган пайтда унга осойиниталик зарур,
имкони борича уни ташвишлардан халос қилиб кўймок
даркор. Агар ёзувчини заррадаӣ кўнгилсизлик кутаётгани
бўлса, кўлига қалам олмагани маъқул. Бўлмаса қалим
кўлидан тушиб кетавериб, қофоз амал-тақал қилиб ёзил-
ган куруқ сўзларга тўлади.

Мен ҳаётида бир неча марта кўигил билан ҳаёлии
бир жойга тўплаб, шошилмай ишлаганман.

Киши кунларидан бирида Ботумидан Одессага паро-
ходда кетдим. Сарғимтири денгиз совуқ ва салқин эди.
Соҳилларни кул ранг туман чулғаганди. Олис тоғларда-
ги оғир булатлар бамисоли узок уйкуга кетгандай тую-
ларди.

Мен каютада ёзар, гоҳо иллюминаторга яқин келиб,
соҳилга тикилардим. Теплоходнинг темир вужудидаги
кудратли машиналар секин куйларди. Оқ чорлоклар
чуғур-чуғур қилишарди. Менинг ишим эса енгил кўч-
моқда эди. Ҳеч ким севимли хаёлларимни бўлолмасди.
Ёзаётган ҳикоямдан бўлак нарса ҳақида ўйлашнинг
мутлақо ҳожати йўқ эди. Мен бу улкан бахтни ҳис этиб
турадим. Очиқ денгиз эса мени ҳар қандай ваҳималар-
дан муҳофаза қилиб туради.

Бундан ташқари, денгизда сузиб кетаётганимизни ҳис

қилиш, киришимиз лозим бўлган порт шаҳарларига, ўзда қандайдир қизиқарли ва қисқа учрашувларга салпал интизорлик сезиш ҳам иш кетишига жуда ёрдам берарди.

Теплоход денгизнинг қишики оқиши сувини пўлат тўши билан ёриб борар, шу важдан мени муқаррар баҳтга элтаётгандек туюларди. Чамаси ҳикоям яхши чиқаётганигидан менга шундай кўрингандир.

Бундан ташқари, куз пайтида қишлоқ уйи болоҳоиасида ёлғиз ўзим шамнинг чатир-чутурини эшишиб ишлаганимда ҳам тез ёзганимни эслайман.

Мени ўшанда ҳам худди денгиздаги сингари сокин сентябрь туни ўз оғушига олган ва ташқи ҳар қандай раҳналардан муҳофаза қиласарди.

Нима сабабдан эканлигини айтиш кийин, бироқ девор ортидаги эски боғ тун бўйи шовуллаб турганлигини ҳис этиш ёзишга жуда кўмаклашарди. Мен боғни худди тирикдай кўрардим. Боғ эса чурк этмас, вакт алламаҳал бўлганда чойдишга сув тўлатгани кудукқа боришимни сабр-тоқат билан кутарди. Эҳтимол, у чеълакнинг тарақлаши ва инсон одимлаётганини эшифтганда, тоңг оттиришда ўзини бир мунча енгил сезар.

Ҳар ҳолда танҳо боғ ва қишлоқ чеккасидан ўнларча километрга чўзилиб кетган совук ўрмонларни, бунақанги тунда бирорта ҳам инсон зоти қадами етмаган, сувида бундан юз ва мингларча йиллар илгаригидек юлдузлар акс этиб турган ўрмон кўллари борлигини ҳис этиш менга ёрдам берарди. Мен ана шу куз кечаларида чинакам баҳтиёр эдим, деб бемалол айта оламан.

Олдинда сени қандайдир ажойиб, қувончли, севимили нарса, ҳаттоқи арзимас кўринган олисдаги кора толлар тагида ўтириб куридим дарёдан балиқ тутишдек иш кутиб турган бўлса ҳам яхши ёзасан киши.

СТАНЦИЯ БУФЕТИДАГИ ЧОЛ

Майори станциясидаги буфет бурчагида соколи ти-канакдек бўлиб кетган котмагина чол ўтиради. Қишилову эса Рига қўлтиғи устида ҳайқирав, соҳилларни қалин муз қоплаганди. Денгиз сувининг қирғоқдаги қалин музга шапиллаб урилиши қор изфиринида ҳам эши-тилиб қоларди.

Чол буфетга исингани кирганга ўхшарди. У буфетдан ҳеч нарса олмай, қўлини ношудларча ямалган балиқчи-лар курткаси енгига тиқиб, ёғоч диванда хомуш ўти-ради.

Чолнинг жунлари пахмайган оқ кучуги ҳам бор эди. У эгасининг оёғига суянганича қалтиради.

Чол яқинидаги столда бўйинлари қизариб кетган йи-гитлар пиво ичиб ўтиришарди. Уларнинг шляпасидаги қор эриб чакиллаб томарди. Томчилар пиволи стаканга ва дудланган колбасали бутербродга тушарди. Бироқ йигитлар футбол матчи хусусида тортишаётгандаридан бунга парво қилишмасди.

Йигитлардан бири бутербродни олиб бирваракай яр-мини тишлагандан кейин кучук чидаб туролмади. У столга яқинлашиб, тиккайди-да, йигитнинг оғзига мўлтираб қарай бошлади.

— Пети! — чол уни оҳиста чақирди. — Уялмайсанми? Нега бировларни безовта қиляпсан, Пети?

Бироқ Пети тураверди. Унинг олдинги оёқлари ти-нимсиз қалтираб турганидан толиқиб, эгилиб кетарди. Олдинги оёқлари қорнига тегиб қолганда кучук яна ўзи-ни ўнглаб тиккайиб оларди.

Йигитлар буни пайқашмасди. Улар гапга овора бўл-ганларидан дам-бадам стаканларига совуқ пиво куйи-шарди.

Кор дераза ойналарига чиппа ёпишаётганидан бундай кунда муздек пиво ичиб ўтирганларни күргандаёк одам бир жунжикиб кетарди.

— Пети! — чол яна чақирди. — Ҳой Пети! Бу ёкка кел!

Күчүк чолга, гапингизни эшитяпман, узр, начора, бошқа иложим йўқ, дегандай думини бир неча марта тез-тез ликиллатди. У чолдан кўзини олиб қочиб, бутунлай бошқа томонга каарди. У гўё: «Ўзим ҳам бу иш яхшимаслигини биламан. Менга бунақа бутерброд олиб беролмаяпсан-ку», демоқчидаи бўларди.

— Эҳ, Пети! Пети! — чол оҳиста шундай деркан, овози аламдан сал титраб кетди.

Пети думини яна ликиллатиб, чолга ялингандай ср сузиб қаради. У бамисоли чолдан мени бошқа чақирма, уялтирма, ўзим ҳам дилгирман, агар муҳтоҷлик мажбур килмаганда бирорвлардан тилаб ўтирмасдим, албатта, деб илтимос қиласди.

Ниҳоят улфатлардан бири — бет сўяклари туртиб чиқкан ва бошига яшил шляпа кийган йигит кучукни кўриб қолди.

— Овқат керакми, ўлакса? — деди у кучукка. — Эганг қаёқда ўзи?

Пети думини хурсанд ликиллатди-да, чол томонга қараб, салғингшиб ҳам қўйди.

— Нима қиляпсиз ўзи, гражданин? — деди йигит. — Ит сақлагандан кейин боқинг-да. Бу ишингиз маданиятсизлик бўляпти. Кучугингиз тиланчилик қиляпти. Тиланчиликни бизда қонун ман қиласди.

Йигитлар қаҳ-қаҳ уришди.

— Жуда болладинг-ку, Валька! — Улфатлардан бири баланд овозда шундай деди-да, кучукка бир парча колбаса ташлади.

— Пети, олма! — бақирди чол. Унинг шамолда кот-

гаң чувак юзи ва томирлари бўртган бўйни қизариб кетганди.

Кучук ғужанак бўлиб, думини қисганича колбасага қиё бокмай чол ёнига келди.

— Уларнинг увофини ҳам олма!— деди чол.

Шундан кейин у жаҳлдан қалтираб чўнтакларини ковлай-ковлай бир неча танга ва чақа топди-да, уларни кафтига солиб, чанг-чунгдан тозалаб санай бошлади. Бармоқлари эса титрарди.

— Яна хафа бўлишини қаранг!— деди бет суяклари туртиб чиқкан йигит.— Бойваччалигини қаранг!

— Уни тинч қўйсанг-чи! Сенга у нима қилди?— деди йигитлардан бири стаканларга пиво қуяркан, тоб ташлаб.

Чол ҳеч нима демади. У буфетнинг ҳўл пештахтасига яқинлашди-да, майдада пулини унга қўйди.

— Битта бутерброд!— деди у хирилдоқ овозда.

Кучуги эса ёнида думини қисиб туради.

Сотувчи тарелкага иккита бутерброд солиб, чолга узатди.

— Битта!— деди чол.

— Олаверинг!— деди оҳиста сотувчи.— Шуни деб хонавайрон бўлмайман.

— Палдие!— деди чол.— Раҳмат!

У бутербродларни олиб, платформага чиқди. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Бир пўртана сурон солиб ўчган, иккинчиси эса яқинлашиб келар, бирор у ҳали олисдаги уфқда эди. Ҳатто Лиелупа дарёси ортидаги оқ ўрмонларга ҳам қуёшнинг заиф нурлари тушиб туради.

Чол скамейкага ўтирди-да, битта бутербродни Петига берди, иккинчисини эса дастрўмолига ўраб, чўнтағига солди.

Кучук бутербродни қалт-қалт қилиб ер, чол эса ундан кўз узмай:

— Эҳ, Пети! Пети! Аҳмок кучукча! — дерди.

Кучук бўлса парво қилмасди. У овқат билан овора эди. Чол унга тикиларкан енги билан кўзларини артар, кўзлари шамолдан ёшланарди.

Рига денгизи бўйидаги Майори станциясида рўй берган кичик воқеа бор-йўғи шундан иборат.

Буни нега ҳикоя қилдим?

Прозадаги тафсилотнинг аҳамияти ҳакида ўйларканман, шу воқеа эсимга тушиб қолди-да, агар уни бир асосий тафсилотсиз ҳикоя қилсан, яъни кучук ўзининг бутун вужуди билан эгасидан кечирим сўрагани, бу кичкина жонзотнинг ўшандаги ҳаракатларини қолдириб кетсан, воқеа аслига нисбатан дағалроқ бўлиб қолади, деган, қарорга келдим.

Агар воқеадан куртка ва бошқа тафсилотлар — курткани чолнинг сўққабошлигидан дарак берувчи ношудларча ямалгани, йигитларнинг шляпаларидан пиволи стаканларга чакиллаётган томчилар, чолнинг чўнтағидан чикқан ва чанг-чунг ёпишган майда пул ва ниҳоят денгизда оқ девор янглиғ кўтарилаётган пўртана чиқариб ташланса, ҳикоя анча қуруқ ва рангпар бўлур эди.

Кейинги йилларда беллетристикамизда, айниқса ёшларимиз асарларида тафсилотлар кўзга ташланмайдиган бўлиб қолди.

Асар тафсилотсиз яшай олмайди. Тафсилот бўлмаса ҳар бир ҳикоя, Чехов айтганидек, дудланган оқ балиқ илипайдиган таёқдан фарқ қилмай қолади. Бунда балиқ кўринмай, таёқнинг ўзи шўппайиб тураверади.

Тафсилотнинг маъниси шундаки, бунда Пушкин сўзлари билан айтганда, кўз илғамайдиган ҳар бир майда нарса барчага бўртиб кўринади.

Иккиласми, толиқтирувчи ва зерикарли кузатувчаликка берилган ёзувчилар ҳам бор. Улар тафсилот характерли бўлгандагина, агар у чироқ нури сингари ис-

талган одам ва ҳодисани қоронгиликдан айириб кўрсата оладиган пайтдагина яшаш ҳукуки олажагини тушунмай, асарларига тўғри келган тафсилотларни қўшаверадилар.

Масалан, қаттиқ ёға бошлаган ёмғир ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун, унинг илк томчилари дераза тағидаги газета парчасини шилдирата бошлади, дейишнинг ўзи кифоя.

Ёки чақалоқ боланинг даҳшатли ўлим чангалига тушган пайтидаги кайфиятини бера билиш учун, Алексей Толстой буни «Сарсонлик-саргардонликда» асарида қандай тасвирланганини келтириш кифоя қиласди.

«Қийналиб кетган Даша уйқуга кетди. У кўзини очганида боласи оламдан ўтган, унинг майин соchlари эса тиккайиб қолган эди».

«— Ухлаётганимда жони узилибди,— деди Даша Телегинга йиғлаб-сиқтаб.— Бошидаги соchlари тиккайиб қолибди-я... Ёлғиз ўзи ўлим азобида қийналибди. Мен бўлсан ухлабман...»

Бу тафсилот (гўдак бошидаги тиккайиб қолган соч) ўлим аниқ тасвирланган бир неча саҳифаларга арзиди.

Мана шу икки тафсилот нишонга тўғри урган. Тасвирда яхлитлик ҳосил қиласдиган тафсилот факат ана шундай бўлиши керак ва зарур.

Мен бир ёш қаламкаш кўл ёзмасида қўйидаги диалогга дуч келиб қолдим:

«— Салом, Паша хола!— деди Алексей ичкарига ки-
раркан. (Автор бундан олдин Алексей Паша хола тура-
диган хонанинг эшигини гўё у калла билан очиладиган-
дай қўли билан очди, деб ёзади).

— Яхшиимисан, Алёша,— Паша хола хушмуомала-
лик билан шундай деди-да, тикаётган ишидан бошини
кўтариб Алексейга қаради.— Нега анчадан бери кўрини-
майсан.

— Ҳеч вакт йўқ. Бутун ҳафтани мажлис билан ўтказдим.

— Бутун ҳафтани дейсанми?

— Рост, Паша хола. Бутун ҳафтани. Володька ўйкими? — сўради Алексей бўши хонага разм соларкан.

— Йўқ, у ишхонасида.

— Хўп, бўлмаса мен кетдим. Хайр, Паша хола. Саломат бўлинг.

— Хайр, Алёша,— деди унга жавобан Паша хола.— Саломат бўл.

Алексей эшик томонга ўйналиб, уни очди-да, ташқариға чиқди. Паша хола унинг кетидан қааркан, бош чайқади:

— Каллали бола. Юрагида ўти бор».

Ушбу парча палапартиш ва калтабинларча ёзилганидан ташқари, бутунлай нозарур ва қуруқ нарсалардан (уларнинг тагига чизилган) ташкил топган. Буларнинг бари кераксиз, характерли бўлмаган, бирор нарсага равшанлик баҳш этмайдиган тафсилотлардир.

Ёзувчи асарига тафсилотлар излаш ва уларни танлашда жуда жiddий иш тутмоғи лозим.

Тафсилот — биз интуиция деб атайдиган ҳодиса билан чамбарчас боғлиқдир.

Мен интуиция деганда яхлит манзарани аста-секин айрим воқеалари, тафсилотлари ва қандайдир бирорта хусусияти билан қайта тиклаш деб тасаввур қиласман.

Интуиция тарихий мавзуда қалам тебратадиган адилларга фақатгина ўтган даврлардаги ҳаётнинг чинакам манзарасинигина эмас, балки ўша даврларнинг тақрорланмас колоритини, ҳалқ туйғусини, албатта бизни-қидан бирмунча бошқача бўлган психикасини яратишда кўмаклашади.

Интуиция ҳеч качон на Испанияда, на Англияда бўлмаган Пушкинга Испания ҳақидаги ажойиб шеър-

ларини, «Тош меҳмон»ни ёзишида ёрдам берган, «Ўлат чоғидаги базм»да эса унга Англия манзарасини яратишга кўмаклашган. Бу туманли мамлакат фарзандлари бўлган Вальтер Скотт ёки Бернслар ана шундай ишга кўл урганларида ҳам Пушкин тасвири уларнидан қолишмаган бўлур эди.

Яхши тафсилот китобхонда ҳам яхлит бир нарса — инсон ёки унинг ҳолати, ёхуд воқеа, ёинки давр хусусида равшан ва тўғри тасаввур ҳосил қила олади.

ОҚ ТУН

Эскирган пароход Вознесеньедаги пристандан силжиб, Онега кўлига чиқди.

Теварак-атрофга оқ тун пардасини ёйган эди. Мен бу ойдин кечани илк марта Нева ёки Ленинград саройлари устида эмас, балки шимолдаги ўрмон ва кўллар мўл бўлган кенгликларда кўрдим.

Шарқ томондаги рангпар ой пастлагандай туюларди. У ёду сочмасди. Пароход ҳосил қилган тўлқинлар қарагай пўстлоғи парчаларини тебратиб, олисларга унсиз учарди. Соҳилдан, эҳтимол, бирорта эски қабристонда коровул кўнғироқ соатни чалган бўлса керак, ўн икки марта даранглаган овоз келди. Гарчи соҳил анча олиса бўлса ҳам, кўнғироқ овози бизгача етиб келди-да, пароход оша сув юзидан ой ёфду сочиб турган тиниқ томонига сирғалиб кетди.

Мен оқ туннинг бу хумор ёғдусини қандай аташни ҳеч билолмайман. Сирлимикин? Ё фусункормикин?

Бу тунлар менга ҳамма вакт табиатиниг ўта сахийлигидай туюлади. Нега деганда у оқини ҳаво кўргонини

қоғоз билан кумушнинг тиник ёғдусига ғоятда бой бўлади.

Мабодо ана шу гўзаллик, ана шу фусункор тунлар ғоёниб бўлса борми, одам асло кўнника олмайди. Оқ тунлар қисқа умр кўришга маҳкум этилган барча гўзал нарсалар янглиф мувакқатлиги билан кишини дилгир қилиши шу важдан бўлса керак.

Шимолга илк дафъя кетаётган бўлсам ҳам бу ердаги барча нарсалар менга таниш туюлар, айникса баҳор кеч келган ўша пайтда чеккадаги боғларда оппоқ бўлиб гуллаган шумурт дараҳтларидан кўзимни узолмасдим.

Вознесеньеда намхуш ва хушбўй шумурт дараҳти се-роб эди. Бу ерда шумуртга бирорта одам қўл теккизиб, гулини кўзаларга солиб, столга кўймасди.

Мен Петрозаводсккá йўл олдим. Ўша кезларда Алексей Максимович Горький «Фабрика ва заводлар тарихи» рубрикаси остидаги китоблар сериясини яратишни мўлжаллаганди. У ана шу ишга кўпгина ёзувчиларни жалб қилди. Айтмоқчи, бунда бригада бўлиб ишлашга қарор қилинган, бу сўзнинг адабиётда биринчи марта амалда синалиши эди.

Горький менга бир неча заводни тавсия қилди. Мен Петрозаводскдаги кўҳна Петровск заводини танладим. Заводга Петр I асос солган бўлиб, у дастлаб замбарак ва лангар ишлаб чиқарган, кейин бронза қуишига киришган, революциядан кейин эса йўл машиналари ишлаб чиқара бошлаган эди.

Мен бригадада ишлашдан бош тортдим. Ўша пайтларда (ҳатто ҳозир ҳам) инсон фаолияти соҳасида, айникса китоб устида иш олиб боргандга артель усулида ишлаш ақлга сигмайди, деб ўйлардим. Борди-ю, иш юришиб кетганда ҳам яхлит бир китоб эмас, турли-туман очерклар тўплами вужудга келгани бўлур эди. Менимча, ёзилажак китобда, материалнинг хусусиятидан

катъий назар, ёзувчининг воқеликни ўзлаштиришидан тортиб, услуби ва тилигача қамраб олган иидивидауллиги кўринниб турмоги лозим эди.

Мен бир вактнинг ўзида биттагина скрипкани икки ёки уч киши чалиши мумкин бўлмаганидек битта китобни ҳам ҳамкорликда яратиш мумкин эмас, деб ҳисоблардим.

Кўнгилдаги ана шу фикрларимни Алексей Максимовичга айтдим. У қовоғини уюб, одати бўйича бармоклари билан столни тарақлатди-да, ўйлаб туриб жавоб берди:

— Сизни, йигитча, ўзбиларманд деб айблашади. Гапнинг кисқаси, бораверинг. Бироқ гангиг қолманг — китобни албатта ёзиб келинг. Ҳа, албатта!

Пароходда кетаётганимда шу гапни эсладим-да, китобни албатта ёзаман, деб ўзимни ишонтиридим. Мен шимолни ниҳоятда севардим. Бу эса ишимни жуда енгиллаштирадигандай туоларди. Гапнинг очиги, ўша пайтларда Петровск заводи ҳақидаги китобимга шимолнинг мени мафтун қилган оқ тунлари, сокин кўллари, ўрмонлари, шумурт дарахтлари, новгородликларнинг ширави лафзи, оқкушлар бўйинини эслатувчи қайрилма тумшуқли кора қайиқлар, хилма-хил гуллар солинган обкашлар тасвирини ҳам қўшаман, деб умид килардим.

Петрозаводск у пайтларда сокин ва ҳувиллаган эди. Кўчаларда йўсун босган катта-катта тошлар ётарди. Чамаси кўлдан келаётган нимтатир ёғудданмикин ё оқиш, аммо кўзни қувонтирадиган осмониданмикин, ҳар қалай шаҳар шаффоғ кўринар эди.

Петрозаводскда архив ва кутубхоналардан чиқмай заводга алокадор нимаики бўлса, ҳаммасини ўқиб чиқдим. Завод тарихи мураккаб ва қизиқ экан. Петр биринчи, шотландиялик инженерлар, ўзимизнинг истеъдодли крепостной усталар, карронча куйиш усули, сув маши-

налари, кишиларнинг ахлоқи — буларнинг бари китоб учун мўл-кўл материал бера оларди.

Аввало, бўлгуси китобнинг плашини қораладим. Унда заводнинг тарихи ва тавсифи кўп бўлиб, одамлар тасвирига кам жой қолганди.

Мен китобни шу ернинг ўзида, Карелияда ёзишга аҳд қилиб, кўзойнаги ва француузчани билишини ҳисобга олмаганда муаллимага сира ўхшамайдиган сўққабош кампир, собиқ ўқитувчи Серафима Ионовнанинг хонасини ижарага олдим.

Китобни план бўйича ёза бошладим. Бироқ қанчалик уринмай уни эпақага келтиrolmasдим. Мен материални бир-бирига қовуштириб, жисплаштиrolmas ва уни маълум бир қолипга тушира олмасдим.

Материал ҳеч тутқич бермасди. Унинг кизиқарли бўлаклари бошқа қисмлар билан уйғунлашмаганидан муаллақ қоларди. Улар ана шу архив материалларига жон киритадиган ягона нарса — гўзал тафсилотлар, давр нафаси ва менга якин бўлган инсоний тақдирлар билан омухта бўлмаганлиги сабабли ёлғиз ўзим шўппайиб қолгандим.

Мен ана шу материалларнинг барчасига нисбатан ўзимда бошқача муносабат туғилмагунча, жилла бўлмаса, заифгина лирик нафас ҳам унга жон киритмагунча китоб вужудга келмаслигини тушунганим ҳолда, сув машиналари, ишлаб чиқариш ва усталар ҳақида сиқилиб қалам тебратардим. Китобни мутлақо уддалай олмаслигимга ҳам ақлим етарди.

(Айтгандай, машиналар ҳақида худди одамлар ҳакида ёзаётгандек севиб, кувониб, ташвишини тортиб қалам тебратиш кераклигини ҳам ўша пайтларда тушундим. Бошқаларни билмайману лекин менинг машиналарга, олайлик «Победа» автомобили бор кучи билан қияликка тирмашаётганини кўрганимда доим жоним ачишади.

Бунда мен ҳам худди машинадай толиқаман ҳисоби. балки бу мисол унча ўринли эмасдир, бирок, машиналар ҳакида ёзилмоқчи бўлса, уларга тирик мавжудотлардек ёндашиш зарурлигига аминман. Мен яхши усталар ва ишчилар машиналарга ана шундай муносабатда бўлганларини пайқаганман).

Материални ишлатолмай ожиз қолишдан ҳам ёмони ва оғири бўлмаса керак.

Мен ўзимни қўлидан келмайдиган ишга қўл урган, бошига балетда қатнашиш ёхуд Кантнинг фалсафий асарларини таҳрир қилиш иши тушган кишидай сезардим.

Горькийнинг: «Гангуб қолмасангиз бўлгани — албатта китоб билан келинг», деган сўzlари тез-тез эсимга тушар бундан жуда изтироб чекардим.

Мени ёзувчилик маҳоратининг ўзим эҳтиром билан амал қиласидан негизларидан бирига путур етаётгани ҳам қийнарди. Мен ўз индивидуаллигини саклаган ҳолда исталган материални ўзлаштириб оладиган кишигина ёзувчи бўла олади, деб ҳисоблардим.

Кўйинг-чи, охири ҳолим шу бўлди: материал олдида лол қолиб, ҳеч нарса ёзмай Петрозаводскдан жўнаб кетишга аҳд килдим.

Серафима Ионовнадан бўлак дардлашадиган одамим йўқ эди. Маглубиятим ҳакида унга оғиз очмоқчи бўлгандим, буни қандайдир йўл билан, эҳтимол ўқитувчиларга хос зийраклик билан сезиб олгани маълум бўлди.

— Сиз худди имтиҳон арафасида турган эси паст гимназист қизларимга ўхшайсиз,— деди у менга.— Улар ўқийвериб бошларини шунақанги котиришадики, окибатда кўзлари ҳеч нарсани кўрмай, қулоқлари эшифтмай, кераги қайси-ю, нокераги қайсилигини ажратолмай қолишади. Сиз толиқиб қолгансиз, холос. Ёзувчилик иши-

нгиз қанақалигини биламайману, бирок бунда менимча бир ҳамла билан иш битмайди. Асабингиз ишдан чиқкани қолади. Бундай килиш ҳам зарарли, ҳам хатарли. Жаҳл устида тағин жўнаб қолманг. Дам олинг. Қўлга боринг, шаҳарни тамоша килинг. Шаҳримиз ажойиб, одмигина. Зора ишингиз юришиб кетса.

Бари бир жўнашга аҳд қилдим. Кетар олдимдан Петрозаводский айлангани чиқдим. Ўшангача шаҳарни ҳеч кўрмаган эдим.

Мен қўл ёқасидан шимол томонга юриб, шаҳар чеккасидан чиқдим. Шаҳар уйлари тамом бўлиб, томоркалар бошланганди. Томорқаларнинг у ер, бу ерида бут ва қабр ёдгорликлари учраб қоларди.

Бир чол эса сабзи жўякларини сугорарди. Мен ундан булар қанақа бут, деб сўрадим.

— Илгари бу ер қабристон эди,— жавоб берди чол.— Бунга ажнабийлар кўмилган бўлса керак. Ҳозир қабристон томоркага берилган, ёдгорликлар йиғиштириб олинган. Колган-кутганлари ҳам тез орада йиғиб олинади. Узоги биласи баҳоргача туради.

Тўғри, ёдгориклар бу ерда оз — ҳаммаси бўлиб бешолтита келарди. Улардан бири жуда қиёмат, атрофи оғир чўян панжара билан ўралган эди. Унга яқин бордим. Ёдгорликнинг синик гранит колоннасида французча ёзув кўзга ташланарди. Баланд ўсган қариқиз ўт уни анча яшириб туарди.

Мен қариқиз ўтни синдириб, қуйидагиларни ўқидим: «Шарль Евгений Лонсевиль, император Наполеон Буюк армиясининг артиллерия инженери. 1778 йилда Перпиньянда туғилган, 1816 йилда ватанидан олисда, Петрозаводска вафот этган. Унинг мажруҳ юраги абадиян ором топсин».

Мен қаршимда ўткир қобилиятли, тақдири аянчли

кишининг қабри турганлигини ва факат шугина мени мушкул аҳволдан кутқаражагини тушундим.

Уйга қайтиб, Серафима Ионовнага, Петрозаводскда қоламан, дедиму, ўша заҳоти архивга йўл олдим.

Архивда эти бориб устихонига ёнишган, роса адойи тамом бўлган кўзойнакли, бир вактлар муаллимлик қилган чол ишларди. Архив ҳали тўла тартибга солинмаган бўлса ҳам, чол ишнинг ҳадисини олганди.

Унга бўлган воқеани айтиб бердим. Чол жуда тўлкинланиб кетди. У аҳён-аҳёнда архивга бош сукқанларга зериктирасиправкалар, кўпинча черковнинг метрика китобидан кўчирмалар беришга кўйникиб колганди. Энди эса машакқатли ва кизиқарли архив қидириши ишини амалга оширишни, Наполеоннинг нима сабабдан-дир бундан юз йилрок муқаддам Петрозаводскда вафот этган сирли офицернга тааллукли барча нарсаларни то-ниши керак эди.

Чол ҳам, мен ҳам баравар ташвиш тортардик. Архивда Лонсевиллинг ҳаётини озми-кўпми тиклашга ёрдам берадиган бирор ёзув топилармикин?

Хуллас, чол кутилмаганда менга, бугун уйга кетмайман, архивни эрталабгача титкилайман, деб қолди. Мен ҳам колмоқчи бўлдим, бироқ архивда бегона кишиларнинг қолиши мумкин эмасди. Шундан кейин шаҳарга бориб нон, колбаса, чой ва канд олдим-да, кечаси эрмак килсин, деб чолга элтиб бердим. Сўнг уйга кетдим.

Қидирув ишлари тўқиз кунга чўзилди. Чол ҳар куни эрталаб менга делолар рўйхатини кўрсатар, унинг тахминича буларда Лонсевиль хусусида бирорта калом бўлиши керак эди. У рўйхатдаги кизиқарли кўриниган делолар қаршисига «белги» кўяр, бироқ «белги»ларни математиклар сингари «радикал» деб атарди.

Қидирувнинг еттинчи кунидагина қабристон дафта-рида француз армиясининг асир олинига капитани

Шарль Евгений Лонсевилнинг бирмунча ғалатирок дағы қилинганига оид ёзув топилди.

Тўққизинчи куни иккита хусусий хатда Лонсевилнинг номи тилга олинганлигини аниқладик. Ўнинчи куни эса Олонецк губернатори «Зикр этилган Лонсевилнинг қабрига ёдгорлик ўрнатиш учун Франциядан келган рафиқаси Мария-Цецилия Принитэ»нинг Петрозаводска бўлганлиги ҳакидаги юборган беимзо ва анча жойи йиртилган маълумоти топилди.

Материалларнинг бори шу эди. Бирок муваффақиятидан терисига сифмай кетган чол ковлаб топган шу материалыларнинг ўзиёқ Лонсевилнинг тасаввуримда жонланиши учун кифоя киласади.

Лонсевиль кўз ўнгимда қад кўтариши биланоқ китобни ёзишга киришдим. Якиндахина тутқич бермай юрган завод материалы ҳам ўз йўлига тушди-кўйди. Материаллар ана шу артиллерист, француз революциясининг қатнашчиси, казаклар томонидан Гжатск якинида асири олиниб, Петрозаводск заводига бадарга қилинган ва ўша ерда безгак касалидан вафот этган инсоннинг теварак-атрофига маҳкам ва конуний равишда жойлашди, кўйди.

«Шарль Лонсевилнинг кисмати» повестим шу тарика ёзилди.

Асар материали инсон образи пайдо бўлгунга қадар ҳаётйликдан маҳрум эди.

Бундан ташқари китобнинг аввалги плани чиппакка чиқиб кетди. Воеани энди Лонсевилнинг ўзи эргаштириб борарди. У факат тарихий фактларнигина эмас, балки шимолда кўрган нарсаларимнинг кўпчилигини ҳам оҳанрабо янглиғ ўзинга тортиб олди.

Повестда Лонсевилнинг мотами тасвир этилган ўрин бор. Мен ўшандаги аёл йиғлаб айтган сўзларни ҳаётда

Эшитган ростакам марсиядан олганимай. Бу эслашга арзигулик воқеадир.

Ладога кўлидан Онега кўлига Свирий дарёсидан пароҳодда борардим. Бир жойда, чамамда Свирицада бўлса керак, пристандан одамлар пароҳоднинг қуи палубасига жўнгина қарагай тобут олиб чиқишиди.

Билсак, Свирийнинг энг кекса ва тажрибакор дарғаси Свирицада вафот этган экан. Марҳумнииг дарга лўстлари у гўё суюкли дарёси билан хайрлашиб олсин деб жасадли тобутни дарёда сайр қилдиришга, Свирицадан то Вознесенъегача олиб боришга қарор қилишибди. Бундан ташкари, соҳилдаги кишилар ҳурмати баланд ва ўзига яраша машҳур бўлган марҳум билан видолашиб Олишларини ҳам кўзда тутишган экан.

Свирий — ўжар ва асов дарё. Пароҳодлар унинг тезокар жойларидан тажрибали дарғасиз ўтолмайди. Шу важдан Свирида дарғаларнинг бир-бири билан ниҳоятда аҳид авлоди эскидан бор.

Дарёниг тезокар жойларидан ўтаётганимизда, пароҳодимиз жадал кетаётган бўлса ҳам уни кўш буксир тортарди.

Дарё оқими бўйлаб кетаётганимизда пароҳод ҳам, буксиrlар ҳам секинроқ юриш ва тезокар жойга тушиб қолмаслик учун оқимга қарши тезликка олинарди.

Марҳум тобути бизнинг пароҳоддалиги хусусида дарёниг юқори томонидаги барча жойларга телеграмма берилган эди. Шу важдан ҳар бир пристанда пароҳодимизни кишилар оломони қаршиларди. Олдинда устларига қора кийган гўяндалар туришарди. Улар пароҳод пристанга яқин келди дегунча, баланд ва кишининг юрак-бағрини эзуви овозда йиги бошларди.

Бу поэтик фарёднинг сўзлари қайта такрорланмасди. Менимча, ҳар бир йиги сўзлари бадиҳа самараси эди.

Мана улардан бири:

«Нечун бизни ташлаб, ўлим даргоҳига парвоз қилдинг? Нега биз етимларни ташлаб кетдинг? Биз сени кўнгилдагидай, яхши ва меҳрибон сўзлар билан кутиб ололмадикми? Отагинам, Свирга бир қара, охирги боряна кўз ташла — қирғоқлари конталаш, унда хотин-халажларнинг кўз ёши шашқатор. Оҳ, нега бевакт ўлим сени орамиздан юлиб кетди? Оҳ, нега бутун Свиръ бўйлаб мотам шамлари ёняпти?»

Биз то Вознесеньега етгунча ана шундай фарёдларни эшитиб бордик. У ҳатто кечалари ҳам тинмасди.

Вознесеньеда эса пароходга бадковоқ кишилар — дарғалар чикишди-да, тобут копқонини очишди. Тобутда соч-соколи оппок, юзи шамолда дағаллашган киши ётарди.

Дарғалар тобутни зигир толасидан тўқилган сочиқда кўтариб хотин-халаж фарёди остида кирғокқа олиб тушдилар. Рангида кон қолмаган, узун рўмоли юзини яширган ўшгина жувон тобут ортидан бораради. У малла сочли болани етаклаб олганди. Ундан бир неча қадам нарида дарё капитани формасидаги ўрта яшар киши одимларди. Улар марҳумнинг қизи, набираси ва куёви эдилар.

Пароходнинг байроғи туширилди. Тобутни қабристонга олиб кетишаётган пайтда эса пароход бир неча марта чўзиб-чўзиб гудок берди.

Повестга яна бир таассуротни киритмасликнинг иложи йўқ эди. Бу таассуротда айтарлик ҳеч нарса бўлмаса ҳам, нимагадир хотирамда шимол билан бирга яшаб келади. Бу Зуҳро юлдузининг ажиб жилосидир.

Мен бунчалик ўткир ва мусаффо жилони ҳеч қачон кўрманганман. Зуҳро субҳидамда кўқимтири осмонда олмос сув томчисидай ялтираб турарди.

У осомоннинг чинакам вакиласи, ажойиб субҳидам хабарчиси эди. Мен негадир ўрта кенгликларда ва жа-

нубда буни ҳеч пайкамагандим. Бу ерда эса у яланглик ва ўрмонлар устида ўз латофати-ла нур сочиб турганга, субҳидам пайтларида бутун шимол тупроғи, Онега ва Заволочье, Ладога ва Заонежье устидан таңҳо ўзи ҳукмронлик қилаётгандай кўринарди.

ҲАЁТБАХШ МАНБА

Бир куни Золя талай дўстлари даврасида, тасаввурнинг ёзувчига мутлақо кераги йўқ, унинг иши худди мендаги сингари фақатгина аниқ қузатишга асосланмоғи керак, деган гапни айтибди.

Шунда даврада ўтирган Мопассан:

— Бундай бўлса, қандайдир бирорта газета хабари асосида улкан романлар ёзишингиз ва бунда ойлаб уйингиздан чиқмаслигинизни қандай изоҳлаш керак?— деб сўрабди.

Золядан садо чиқмабди.

Мопассан шундан кейин шляпасини олиб, чиқиб кетибди. Унинг бу иши ҳакорат саналиши мумкин эди. Бироқ у бундан чўчимади. У ҳеч кимнинг, ҳатто Золянинг ҳам тасаввурни инкор этишига йўл қўя олмасди.

Мопассан ҳар бир ёзувчи сингари ижодий фикр гуллаб-яшнаши учун ажойиб муҳит, поэзия ва прозанинг унумдор тупроғи бўлган тасаввурга ҳурмат билан қарарди.

Тасаввур санъатнинг ҳаётбахш манбаси — Латин кварталининг серзавқ шоирлари таъбири билан айтганда «абадий қуёши ва илоҳи» бўлганди.

Бироқ тасаввурнинг кўзни қамаштирадиган бу қуёши нури ерга етгандан сўнггина яллиғланади. У бўшлиқда чақнай олмайди. Бўшлиқда у сўниб қолади.

Тасаввур ўзи нима? Бунга Гайдар мужмал саволларга жавоб қайтаргандаги сингари жавоб берилса осонрок

кўчади. Гайдар шундай савол тушганда суҳбатдошига қараб:

— Мени яна қўлга туширмоқчи бўлдингми? Чучварни хом санабсан! Бари бир айтмайман,— дерди.

Ўзимизга баъзи тушунчалар у ёки бу даражада равшан бўлмоғи учун, яхиси, болалар билан кечадиган суҳбатларнинг мағзини чақмоқ маъқулдир.

Болалар «Бу нима?», «Бунинг нима кераги бор?», «Манови нега керак?» деб сўрашгани сўрашган. Улар мана шу саволларига гарчи ёмонроқ бўлса ҳам жавоб олгунларича сизни роса қийнашмаса кўнгиллари жойига тушмайди.

Агар ҳамсуҳбатингиз «тасаввур» сўзини тилга олса ўртадаги суҳбат чамаси шундай бўларди:

— Бу тасаввур дегани нима ўзи?

Мабодо, бу саволга тасаввур «санъат қуёши» қабилида жавоб берсангиз, бу жавоб сизни шунақанги мушкул аҳволда қолдирадики, ундан халос бўлиш йўли ҳамсуҳбатингиз ёнидан тезроқ қочишгина бўлур эди.

Болалар аниқ жавоб талаб қилишади. Бу важдан ҳамсуҳбатимизга тасаввур — бу инсон табиатининг хусусияти, деб жавоб беришга мажбур бўламиз.

— Қанака хусусият?

— Бу кишининг шундай хусусиятики, инсон ҳаётий кузатишлари, фикр ва ҳиссиятлари запасидан фойдаланиб, воқелик билан бир қаторда уйдирма, кишилари ва воқеалари бўлган уйдирма ҳаёт яратади. (Албатта буни юқоридагига қараганда анча соддароқ қилиб айтмок керак).

— Нега энди? — сўрайди суҳбатдошимиз.— Чинакам ҳаёт бор-ку. Бошқасини тўкишининг нима кераги бор?

— Кераги бор. Нега дегандা, чинакам ҳаёт улкан ва мураккаб, инсон уни тўлалигича ва бутун ранго-ранглигича ўрганишга улгуролмайди. Ҳа, у кўп нарсани кўриб,

бошидан кечиролмайди. Масалан, у уч юз йил орқага қайтиб Галилейга шогирд тушолмайди. 1814 йилда Парижни забт этганлар сафидан жой оломмайди ёки Москвада туриб, Акрополнинг мармар колонналарини сийпай олмайди. Ёки Рим кўчаларини кеза олмайди, Гоголь билан мусоҳаба қуролмайди. Ёинки Конвент мажлисида ўтириб Марат нутқини тинглаёлмайди. Ёхуд палубадан юлдузлар жилва килаётган Тинч океанга боколмайди. Киши гарчи умрида денгизни кўрмаган бўлса ҳам, бу иш кўлидан келмайди. Инсон эса барча нарсани билишни, кўришни ва эшитишни, барчасини бошидан кечиришни истайди. Тасаввур эса воқелик унга баҳш эта олмаган ёки этолмайдиган нарсаларни ҳадя қиласди. У инсон ҳаётидаги бўшликни тўлдиради.

Шунда сиз, албатта, суҳбатдошингизни унутиб, унга тушунарсиз бўлган нарсалардан гапира бошлайсиз.

Тасаввур билан фикр орасига ким сарҳад торта олади? Бундай сарҳаднинг ўзи мавжуд эмас.

Тасаввур тортиш қонуни, Ньютон биномини, Тристан билан Изольданинг ҳазин қиссасини, атом парчаланишини, Ленинграддаги Адмиралтет биносини, Левитаннинг «Олтин куз» ини, «Марсельеза» ни, радиони, электр нурини, шаҳзода Гамлетни, нисбийлик назариясини ва «Бэмби» фильмини бунёдга келтириди.

Инсоний фикр тасаввурсиз бесамарадир, у тасаввур воқеликсиз бесамара бўлганлиги билан баробардир.

«Улуғ фикрлар юракдан чиқади» деган французча ҳикмат бор. Буни, буюк фикрлар инсоннинг бутун вужудидан чиқади, деб айтса бирмунча тўғрирок бўлади. Юрак, тасаввур ва акл — биз маданият деб атайдиган нарса туғиладиган муҳитdir.

Шундай бўлса-да, кудратли тасаввуримиз ҳам кўз олдига келтиролмайдиган бир нарса бор. Бу — тасаввурнинг ғойиб бўлиши ва у тақозо этган барча нарсалар

демәкдир. Агар тасаввүр ғойиб бўлар экан, инсон ҳам инсонлигини йўқотади.

Тасаввур — табиатнинг буюк эҳсонидир. У инсон табиатига жо бўлгандир.

Юқорида айтиб ўтганимдай, тасаввур воқеликсиз яшай олмайди. У воқеликдан озиқланади. Иккинчи томондан, воқелик, қандайдир, маълум даражада ҳаёти-миз оқимига, ишларимиз ва фикрларимизга, кишиларга, муносабатимизга тез-тез таъсир қилиб туради.

Писарев бу хусусда яхши сўз қотган. Агар инсон, деган эди у, истиқболни ёрқин ва мукаммал манзараларда тасаввур этолмаса, орзу қилишин билмаса, уни ана шу келажакнинг машаққатли иншоотларини кўришга, кескин кураш олиб боришга ва ҳаттоқи ҳаётини курбон қилишга ҳеч нарса мажбур қилолмайди.

Қаламтарош тифида гоҳо
Олис юртлар гардини топсанг —
Жаҳон яна ажиб либосда
Кўз-кўз қилар ҳуснини билсанг.

Бу Блок шеъридан. Бошқа бир шоир эса бундай деган:

Ҳар кўлмакда бордир океан нафаси,
Ҳар тошда сезасан даштнинг тафтини...

Олис мамлакатлар гарди ва йўлдаги тош! Тасаввурнинг толмас иши бошланишига ана шундай гард ва тошлар сабабчи бўлади. Шу муносабат билан бир кекса исплан гидалгосининг воқеаси ёдимга тушди.

Гидалго эҳтимол яхши кунларни ҳам кўргандир. Бироқ ана шу воқеа рўй берган кезларда у Кастилиядаги мулкида ғарибона тирикчилик ўтказарди. Олдида бир парча ери, крепостной деҳқонлар ташланадиган қамоқхонага ўхшовчи совук тош уйи бўлган бу мулк ота-боболаридан мерос қолганди.

Гидалго сўққабош эди. Уйида фақат энага кампир турарди. Кампир бир амаллаб енгил таом пиширад, эси ҳам кирди-чиқди бўлиб қолганди. У билан гаплашаман деб уринишдан наф чиқмасди.

Гидалго уззукун найза учини эслатувчи деразаси ёнидаги эски креслода китоб ўқиб ўлтиради. Сукунатни фақатгина китоб варақлаганда ҳошиясидаги қуриган елимнинг қисирлаши бузарди, холос.

У аҳён-аҳёнда деразадан қараб кўярди. Ташқарида эса темирдай қоп-қора қуриган дарахт кўққайиб турар, уфқда эса бир хилдаги ясси тоғлик чўзилиб кетганди. Испаниянинг бу жойи тақир ва зериктиради бўлса ҳам, гидалго унга кўникиб қолганди.

Гидалго ҳар хил кўнгилсизликларга дучор қила оладиган машаққатли ва олис саёҳатларга чиқишига ярамасди. Бутун бошли мамлакатда на қариндоши, на дўстлари бўлмаганидан кейин, нимага ҳам саёҳатга чиқасин, киши!

Илгари гидалго бошидан нималар кечирганини кам одам биларди. Одамларнинг айтишича, унинг хотини ва гўзал қизи бўлган экан. Бирок улар бир ой ичиде тоун касалидан вафот этишибди. Гидалго ўшандан бери уйга қамалиб олган, бемаҳалда ёки ёғингарчиликда қолган тасодифий йўловчиларга ҳам аранг бошпана берар экан.

Бир куни унинг эшигини дағал чакмон кийган ва юзи шамолда қотган бир киши тақиллатиб қолибди. У ташқаридаги қора дарахтга эшагини боғлаб кўйган экан. Олов ловуллаётган ўчок олдида кечки овқатни тамадди қилишаётганда йўловчи гидалгога (мадоннага минг қатла шукурлар бўлсин!) Фарбга қилинган хатарли сафардан эсон-омон қайтганлигини айтиб берибди. Қирол италиялик Колумб деган кишининг гапига учиб, ўшёқка бир неча каравелла (кема) юборган экан.

Сайёҳлар океанда бир неча ҳафта сузганларидан

кейин, денгиз аёллари — сиреналарнинг овозларини эшишибди. Улар, яланғоч баданларимизни узун соchlаримизга ўраб, палубада исиниб олайлик, бизни юкорига кўтариб олинглар, деб ғамза қилиша бошлашибди.

Капитан, сиреналарнинг илтимосини жавобсиз қолдиринглар, деб буйруқ берибди. Матрослар эса норози бўлишибди. Улар ишқ сафосини, келишган аёллар базмини соғиниб қолишган экан.

Хуллас, оқибатда матрослар ғалаён кўтаришган экан, бостирилибди. Исёнчиларнинг учта бошлиғи кема ёғочига осилибди.

Сайёҳлар суза-суза ажиб бир ўт босган денгизни кўриб қолишибди. Ўтда каттакон кўк гуллар очилиб турган экан. Шундан кейин ҳаммалари ибодат қилиб олиб, ўтларни икки чеккага қайириб илгарилашаверган экан, ногиҳон узокда нотаниш ва гўзал диёр намоён бўлибди. Эсаётган шамол соҳиллардаги ўрмонларнинг оҳиста шовуллаши ва ўсимликларнинг сархуш исини олиб келаркан.

Капитан кўприкчага кўтарилиб, қиличини сугуриб, осмонга кўтарган экан, тифи қўёшда ялтираб кетибди. Бу, ниҳоят тоғлари қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумушга тўла Элдорадо мамлакатини кашф қилдик, деган белги экан.

Гидалго бу кишининг ҳикоясини сукут сақлаб эшишибди.

Йўловчи жўнаш олдидан чарм сумкасини очиб, Элдорадо мамлакатидан келтирган денгиз чиғаноғини олибди-да, уни кечки овқат ва бошпанага миннатдорчилик тариқасида кекса гидалгога ҳадя қилибди. Бу арзимаган нарса бўлганидан гидалго ҳам уни қайтармабди.

Йўловчи кетгандан кейин кечаси момақалдиrok бўлибди. Чакмоқ тошлоқ текислик устида секин чақнаб сўнаркан.

Чиғаноқ бўлса гидалгонинг ўрни ёнидаги столда тураркан.

Гидалго кечаси уйғониб кетиб, чиғаноқни яшин нури бинафша ранг нур, кўпик ва булутлардан иборат сеҳрли мамлакат манзараси ялт этиб, сўнг гойиб бўлгандай туюлибди.

Яшин сўнибди. Гидалго унинг чақнашини кутибди-да, яна чиғаноқ тубида ҳалиги мамлакатни аввалгидан анча аникроқ кўрибди. Унинг тик қирғоқларидан шаршаралар дengизга кўпик ўйнатиб ва жилва қилиб оқарди. Булар нима бўлди экан? Гидалго шундай хаёлга бораркан, ўзича улар дарё бўлса керак деб кўйибди. У ҳатто дарёларнинг намхуш ҳавосини ҳам сезгандай, юзига сув заралари урилгандай бўлибди.

Гидалго сув зарралари урилганини сезганини чала қолган тушидан кўрибди-да, туриб креслосини столга яқинроқ сурнибди. Чиғаноқ рўпарасига ўтириб олиб, унга жо бўлган юртнинг бор нарсаларини кўришга интилибди. Бироқ чақмоқ борган сари сийрак чақнар, кўп ўтмай эса бутунлай тиниб қолибди.

Гидалгонинг шам ёқишига юраги бетламабди. Нега деганда, у шамнинг хира нурида чиғаноқда кўраётгандари нигоҳ алдови ва унда ҳеч қандай мамлакат йўқ, деган фикрга ишонишни истамабди.

У шу алфозда тонг оттирибди. Тонг нури туша бошлигандан кейин чиғаноқнинг ажойиб эмаслиги аён бўлибди. Унинг тубида тутун ранг шуъладан бўлак ҳеч нарса кўринмас, сирли мамлакат бир кечада мингларча лье олислаб кетганга ўхшабди.

Гидалго ўша куниёқ Мадридга йўл олиб-да, киролга тиз чўкиб, ундан ўз ҳисобига каравелла жиҳозлаб, номаълум мамлакатни излаб, фарб томонга жўнашга фармони олий илтижо қилибди.

Қирол марҳаматли бўлганидан рухсат берибди. Гидалго кетгандан кейин эса яқинларига шундай дебди:

— Бу гидалго эсини еб қўйибди! Биттагина хароб каравеллада нима ҳам қила оларди? Бироқ савдоиларга сафарда ҳам худо ёр бўлади. Бу чол мамлакатимизга янги ерлар кўшса ҳам ажаб эмас.

Гидалго каравелласида ғарбга томон бир неча ой сузибди. У факат сув ичиб, жуда кам тамадди қиласарди. Ўзи ҳам ташвишланавериб адойи тамом бўлган эди. У, сеҳрли мамлакатга ҳеч қачон етиб боролмайман, деб кўркқанидан, уни ўйламасликка тиришарди. Агар кўриб қолсам, у тиканаклар ўсиб ётган зерикарли текислик, шамол чангларини осмон бўйи тўзитиб юрган бўлса-я, деган хаёлларга ҳам бораарди.

Гидалго, мени бу умидсизликдан халос эт, деб мадоннага илтижо қилгани қилганди.

Мадоннанинг кўпол ёғоч ҳайкали каравелланинг тумшугига ўрнатиб қўйилганди. У олдинда кема билан бирга чайқалиб бораарди. Бўртиб чиқсан кўм-кўк кўзлари эса поёнсиз денгизга тикиларди. Олтин суви югуртирилган соchlарида ва плашининг униқсан алвонида томчилар ялтиради.

— Бизни бошлайвер!— дерди унга гидалго илтижо қилиб.— Ўша мамлакат бўр, йўқлигига ишониб бўлмайди. Уни ўнгимда ҳам, тушимда ҳам аён кўриб турибман.

Матрослар бир куни денгиздан синган новда тутиб олишибди. У ер якин қолганини билдирарди.

Новда туяқуш патига ўхшаган япроқлар билан копланган эди. Улардан ширин ва намхуш ҳид анқирди.

Шу куни кечаси кемада биронта ҳам одам мижжа қоқмабди.

Ниҳоят субҳидамда денгизнинг бир чеккасида каржкарж тоғлари ранг-баранг товланиб турган мамлакат кўринибди. Унинг шаффофф дарёлари океанга қуйилар

экан. Яшил ўрмонлар устида күшлар тўда-тўда бўлиб учишаркан. Дараҳтларнинг барги қалинлигидан күшлар ўрмон ичкарисига киролмай, тепасида чарх уришаркан.

Соҳилдан гуллар ва меваларнинг муаттар ҳиди ан-кирди. Киши уни бир тўйиб искаса борми, мутлақо ўлмайдиганга ўхшарди.

Қуёш чиқиши билан атрофини шаршараларнинг сув зарралари қуршаган мамлакат офтоб қиррали биллур идишларга тушганда қандай жилва қилса шундай ҳусн касб этибди.

Мамлакат бамисоли осмон ва нурнинг маъсума маъбудаси денгиз лабида унутиб қолдирган олмос болдокдай жилоланарди.

Гидалго тиз чўкиб, қалтироқ қўлларини номаълум мамлакат томон чўзибди-да, шундай дебди:

— Сендан миннатдорман, тасаввурим! Умримнинг охирида менга янги ташвиш ортиридинг ва дилимни ажиб мамлакатни кўришга ундинг. Бўлмаса кўзларим ўша яssi тоғликдан иборат манзарани кўравериб, тешилган бўлур эди. Мен бу баҳтиёр тупроқни қизим Флоренсиянинг номи билан аташни истайман.

Соҳилдан ўнларча мўъжаз камалаклар каравелла томон яқинлаб келарди. Буни кўриб, гидалгонинг боши айланаб кетди. Қуёш бу камалакларни сув зарралари оша ёритар, улар каравеллага қараб югурмас, балки ниҳоятда тез яқинлашиб келарди.

Каравелла мачталаридағи елканлар тантанавор гувиллар, команда кўтарган шодлик туғлари ял-ял қилярди.

Гидалго иссиқ ва нам палубага юзтубан тушибди-да, жим колибди. Бечоранинг толиққан юраги бугун насиб бўлган ягона ва буюк шодликка дош беролмабди. У оламдан ўтибди. Айтишларича, кейинчалик Флорида деб аталган диёр шундай кашф қилинган экан.

Бу ҳикояга изоҳ беришнинг ҳожати бормиқин? Шундай бўлса-да, ҳаёт туғдирган тасаввур ўз навбатида гоҳо ҳаёт устидан ҳам ҳукмронлик қила олади, деган фикрни равшанлантироқ учун унинг асосий тугуларини қайд этиб ўтмоқ керак.

Устига дағал чакмон кийган киши гидалго тасаввурiga туртки берди. Тасаввур ўша дақиқадан бошлаб кекса гидалгони ўз гирдобига олди, шунинг учун ҳам у чиганок тубида ажиб мамлакат кўрди.

Тасаввурнинг ажойиб хусусиятларидан бири инсоннинг унга ишонишидадир. Агар бу ишонч бўлмагандан тасаввур ақлнинг бемаъни ўйини, болаларнинг маънисиз калейдоскопидан фарқ қилмай қоларди.

Тасаввур килинаётган нарсага бўлган ишонч, инсонни уни ҳаётдан излашга, кекса гидалго сингари рўёби йўлида курашга мажбур этадиган, чақирифини эшитгандан кейин йўлга отлантирадиган ва ниҳоят ўша нарсанни воқеликка айлантирадиган кучдир.

Бирор тасаввур аввало санъат, адабиёт ва поэзия билан бошқа барча нарсаларга қараганда ниҳоятда чамбарчас боғлангандир.

Тасаввур хотираға, хотира эса воқелик ҳодисаларига асосланган. Хотира запаси қандайдир чигал вачувалашган нарсалардан иборат бўлмайди. Ассоциациялар қонуни ёки Ломоносов «ҳамтасаввурлар қонуни» деб атаган бир қонун бор бўлиб, у чувалашган эсадаликларнинг ўхшашлиги ва яқинлигига қараб вақт ва маконга ажратиб туради ёки бошқача қилиб айтганда, умумлаштиради, чексиз ва изчил занжир ҳолига келтиради. Ассоцияциянинг бу занжири — тасаввур ипининг учидир.

Ассоциациялар бойлиги ёзувчи ички дунёси бойлигидан дарак беради. Ана шу бойлик мавжуд экан, истал-

ган фикр ва мавзу ўша заҳоти гўзал либосга бурканаверади.

Жуда кучли минерал булоқлар бор. Агар ана шу булоқка новда ёки мих ботирилса, пичадан кейин ўша нарса атрофига кўп туз йифиб, чинакам санъат асарига айланади. Ассоциацияларга тўлик муҳитдаги хотирамиз булоғига ботирилган фикр ҳам шу кўйга тушади. У ҳам санъат асарига айланади.

Ассоциациядан истаган мисолни келтириш мумкин. Бунда ҳар бир кишидаги ассоциациялар унинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ва эсдаликлари билан боғлиқ ҳолда бўлишини эсда тутмоқ керак. Шунинг учун ҳам бир кишининг ассоциацияси бошқа кишига бутунлай ёт бўлиши мумкин. Ёлғиз биргина сўзнинг ўзи турли кишиларда ҳар хил ассоциация қўзғатиши мумкин. Ёзувчининг иши ўз ассоциацияларини бера билиш ёки уни китобхонга етказа билиш ва унда ҳам шундай ассоциацияларни уйғотишдан иборатdir.

Ломоносов «Риторика» асарида ассоциациянинг энг оддий мисолини келтиради. Ассоциация, Ломоносов сўзлари билан айтганда, «киши тасаввур эта оладиган нарсанинг руҳий илҳоми, ўша нарсага ҳамроҳ нарсаларни биргаликда тасаввур этишдир. Масалан, кемани хаёлан тасаввур қилганда, у билан бирга кема сузиб келаётган денгизни ҳам кўз ўнгимизга келтирамиз. Денгиз билан бирга бўронни, бўрон билан бирга тўлқинларни, тўлқин билан бирга соҳилдаги шовқинни, соҳил билан бирга тошларни ва ҳоказоларни тасаввур қиласиз».

Бу «хрестоматия» ассоциацияси деб аталмиш нарсадир. Одатда ассоциациялар бунга қараганда анча мурракаброқ бўлади.

Мана, бунинг бир мисоли:

Мен ҳозир Рига кўрфази соҳилидаги қумтепаларга курилган мўъжазгина уйда ёзиб ўтирибман. Кўшни

хонада кувноқ латиш шоири шеърларини овоз чиқариб ўқимокда. У тўқима қизил свитер кийиб юради. Бунақа свитерни мен илгари, уруш йилларида режиссёр Эйзенштейнда кўргандим. Эйзенштейнни Олмаотада, кўчада учратувдим. У ҳозиргина сотиб олган бир даста китобни кўтариб келарди. Бу китобларнинг танланиши ҳам фалати эди. Улар орасида «Волеїбол ўйини бўйича қўлланма», ўрта аср тарихи хрестоматияси, алгебра дарслиги ва Новиков-Прибойнинг «Цусима» китоблари бор эди.

— Режиссёр ҳамма нарсани билиши керак,— деди ўшанда Эйзенштейн.— У барчасига ҳам нигоҳий ифода топмоғи зарур.

— Ҳатто алгебра формуласигаямми? — сўрадим мен.

— Шубҳасиз! — деди Эйзенштейн.

Шоир Владимир Луговский ўша кезларда катта поэма устида ишларди. Асарда Эйзенштейн ҳақида боб бўлиб, у «Олмаота — тушлар шаҳри» деб аталарди. Поэмада Эйзенштейн хонасида осиглик турган Мексика никоблари тасвир этилганди. Уларни Эйзенштейн марказий Америкага қилган сафаридан олиб келганди.

Американинг босиб олиниш тарихи, нафсилаамрини айтганда, инсон разиллиги тарихидир. Уни худди шундай атамоқ керак. «Разолат» тарихий роман учун жуда яхши сарлавҳадир. У бамисоли шапалоқдай жарангладиди.

О, сарлавҳа излашнинг тинимсиз азоблари!

Сарлавҳа топиш — алоҳида истеъдоддир. Шундай кишилар борки, улар боллаб ёзадилар, лекин асарларига ном топишда ожизлик қиласидилар. Ёки, аксинча, ҳикоя килиш кўлидан келиб, жуда ёмон ёзадиган кишилар ҳам йўқ эмас. Улар факат вайсашгани вайсашган. Биргина воқеани кўп марта, лекин ҳар гал янгича ҳикоя қилиб айтадиган, айтганда ҳам бошқача қилиб, боллаб ёзмок

учун горькийчасига зўр истеъдод керак. Горький гапни жуда бопларди. Бўлган воқеа ёнига тафсилотлар кўшиб-чатиб гапирарди. Бир воқеани ҳар гал ҳикоя қилгандা ўша тафсилотлар қўпаяр, ўзгарар ва кизиқарли тус ола борарди. Горькийнинг оғзаки ҳикоялари моҳият эътибори билан чинакам ижоднинг ўзи эди. Шунинг учун ҳам Горький ҳикояларининг тўғрилигига шубҳа билан қарайдиган қуруқ ва совуқ кишилар даврасига тушиб колганида, юраги сиқилиб кетарди. Шунда у қовоғини солиб жим қоларди-да, гёё ичида: «Сизлар билан бу дунёда яшаш зерикарли, ўртоқлар!» деяётганга ўхшарди.

Ҳақиқий фактлар асосида боплаб оғзаки ҳикоя қилиш қобилияти жуда кўп ёзувчиларда бор эди. Улар орасида Марк Твен алоҳида ажралиб турарди. Майда ҳақиқат учун курашган бир танқидчи Марк Твенни ёлғончиликда айблабди. Шунда Марк Твеннинг ғазаби қайнабди. «Агар ўзингиз ёлғонни қойил қилолмасангиз ва унинг йўли хусусида зигирча тасаввурингиз бўлмаса қандай қилиб менинг рост ё ёлғон гапирганлигим ҳакида фикр юрита оласиз?— дебди унга Марк Твен.— Да-дил гапирмок учун бу соҳада катта тажриба керак. Сизда эса бундай тажриба йўқ, бўлмайди ҳам. Бу борада сиз нодон ва жоҳилсиз».

Ильф менга Марк Твен ватанидаги кичкина шаҳарчада Том Сойер ва Геккельбери Финнга ўрнатилган ҳайкални кўрганлигини айтиб берганди. Финн ҳайкалда ўлик мушукнинг думидан кўтариб турган ҳолда тасвирланган экан. Тўғрисини айтганда, адабий қаҳрамонларга ҳайкал ўрнатилса арзимайдими? Масалан, Дон Кихот ёки Гулливер, Павел Корчагин, Татьяна Ларина, Тарас Бульба, Пьер Безухов, Чеховнинг уч опа-сингили, Лермонтовнинг Максим Максимичи ва Бэласига ҳайкаллар ўрнатилса жуда мақбул бўлур эди.

Юкоридагиларнинг бари — ассоциациялар занжири-

дир. Уларнинг сони беҳисоб бўлиши мумкин. Агар мана шу ассоциациянинг биринчи ва охирги звеноси — қизил свитер ва Бэлага ҳайкал ўрнатиш ёнма-ён қўйилса борми, унда ассоциациянинг тўла ва аниқ йўли алаҳсирашдек туюлади.

Ассоциацияларнинг ижод жараёнида жуда яқин иштироки бор. Уларни кўп тилга олганимнинг сабаби ҳам шунда.

Тасаввур хусусида юқорида айтилган узундан-узун гаплардан бир нарсани жуда аён пайкаш мумкин. Бу, тасаввурсиз чинакам поэзия ва проза йўқ, демакдир.

Бестужев-Марлинский, чамамда, тасаввур хусусида ҳаммадан ҳам яхши сўз айтган:

«Хаос (боши-кети йўқ,чувалашган фикр-ўйлар) — бирорта чинакам, юксак ва поэтик ижод дебочасидир. Даҳо нури бу зулматни ёриб ўтса бас. Шу чоққача бирбирига рақиб бўлган кучда teng зарралар муҳаббат ва уйғунлик илиа жонланади, бари бақувватроқ заррага жамланиб, кўркам қиёфа касб этади, кристаллар янглиғ чўзилиб тоғ сингари қад кўтаради, денгиз каби мавжурниб тошади ва унинг жонли кучи янги жаҳон баҳтномасини баҳайбат ҳарфлари илиа битажак».

Кеч киргандан кейин қалб кучи аста-секин жонлана бошлайди. Ҳозирча унинг номи йўқ. Уни қандай атаса бўлади? Тасаввур, фантазия, инсон онгининг нозик пучмоқларигача кира билмоқ ёхуд илҳом деб атаса бўлармикин? Руҳий кўтаринкилик ё осойишталиқмикин? Шодлик ё дилгирликми? Қим билади дейсиз буни!

Мен чирокни ўчирганимдан кейин тун аста-секин ёриша бошлайди. Зулмат қорнинг оқлигини шима бош-

лайди. Денгиз кўрфазини эса муз қоплаган. У улкан хира кўзгу сингари қоронғиликка ёғду сочиб, уни сал тиниклантиради.

Қоронғиликда Болтиқ денгизи соҳилидаги қарағай-ларнинг учлари кўриниб турарди. Олислан ўтиб турган электр поездларнинг бир меёрда баландловчи овози эшитилиб қолади. Сўнг яна шунақанги сукунат чўқадики, дераза ойнасига тегиб турган игна барглар шитири ҳам ва қандайдир енгил қисирлаш ҳам эшитилади. Уларнинг овози юлдуз чақнаши билан бир вақтга тўғри келиб қолади. Эҳтимол, бу дарахт шохларидан учган кировнинг оҳиста қисирлаши ва жарангидир.

Үй бўм-бўш. Үнда ёлғиз ўзимман. Ёнгинамда юзларча миль нарига чўзилиб кетган денгиз, қумтепаларнинг нариги ёғи эса катта ботқоқлик ва пастак ўрмонлар... Теварак-атрофимда жон асари йўқ. Бироқ чироқни ёқиб, стол ёнига ўтириб рўй берган нарсаларни қофозга тушира бошлишим биланқ танҳолик туйғуси йўқолади. Энди ёлғиз эмасман. Ўзимнинг торгина хонамдан туриб мингларча одамлар, бутун жаҳон билан сұҳбатлаша оламан. Мен уларга ҳар қанақа воқеаларни ҳикоя килиб, кулдериб, дилгир ҳам қила оламан, ўйга чўмдириб, қалбларида ғазаб, меҳр ва шафқат уйғота оламан, кўлларидан етаклаб ҳаётни айлантира оламан. Бу ҳаёт ана шу тўрт девор орасида бунёдга келтирилган. Бироқ у ҳам ташқарига тошиб чиқмоқда.

Кишиларни тонгни қаршилашга етакласам дейман. Тонг отиши муқаррар. Тонг ҳам шарқ томонда туннинг кора пардасини сал кўтариб осмоннинг бир чеккасини жуда олис, бироқ сал илғаса бўладиган мовий ранг ила ёритиб турибди.

Нима ёзишимни ҳозирча ўзим ҳам билмайман. Менда ҳозир бутун ақлим, юрагим ва бутун вужудимни тўлдирган бор нарсани бошқаларга бера билишдек истак,

ҳаяжон сингари фикр мавжуд. Бу фикр қалбимда яшапти, бироқ унинг қандай қуюлиб келиши, ўзига қандай ифода йўллари топиши менга номаълум. Шундай бўлса-да, кимларга атаб ёзажагимни биламан. Мен бутун жаҳон билан сўзлашаман. Одамнинг бутун жаҳон деган тушунчани кўз ўнгига келтириши машақкатли, деярли ноилож ишдир.

Доимо бир нарса ҳақида, жилла бўлмаса бир вактлар ўтлоқдан менга томон юргурган чақноқ кўзли қизчани ўйлайман. У етиб келгандан кейин тирсагимдан ушлаб, ҳарс-ҳарс қила-қила шундай демоқчи бўлганди:

— Мен бўлсан сизни анчадан бери пойлаб ўтирибман. Бир кучоқ гул териб кўйдим. «Евгений Онегин»нинг иккинчи бобини тўққиз марта ёддан ўқидим. Сизни уйимиздагиларнинг ҳаммалари кутиб ўтиришибди, нега деганда, зерикиб кетяпмиз. Ҳозироқ бориб, кўлда нима бўлганини айтиб берасиз. Бўлмаса, қизикроқ бирон нарса тўқийсиз, хўпми. Бўлмаса, майли, тўқимай кўя колингда, борини айтиб бера қолинг. Ҳозир ўтлоқлар бирам чиройликки, асти қўяверасиз. Наъматак қайта гуллабди! Умуман, ҳаммаси зўр!

Балки қалбимга тўпланган нарсаларни, ҳаётини менга бағишлиб, ташвиш, қувонч ва меҳр-муҳаббатга тўлиқ кўп йилларни бирга ўтказган ва ҳозирда ҳеч қандай куткудан чўчимайдиган аёлга айтиб берсаммикин?

Эҳтимол дўстларимга айтарман. Ёшим ўтиб қолганидан, дўстларим сафи йил сайин сийраклашмоқда.

Пировардида, китобимни ўқишини истаган барча кишиларга атаб ёзаман.

Нимани ёзишимни билмайман. Эҳтимол, бу одамларга кўп нарсани ҳикоя қилишни истаганимдан ва ҳозирча фикрлар орасидан оҳанрабо янглиғ бошқаларини ўзига тортиб олиб, воқеа қолилига бир текисда жойлашишга мажбур этадиганини тополмаётганимдандир.

Бу ҳолат барча қаламкашларга танишдир.

«Шоирлар илҳом ҳақида бекорга оғиз очмайдилар,— деб ёзганди Тургенев.— Албатта, илҳом париси улар ёнига Олимп тоғидан тушиб келмайди ва тайёр қўшиклар ола келмайди. Бироқ шоирларнинг илҳом сингари айрича кайфияти бўлади. Ҳамма масхара қилган Фетнинг, нима қуйлашимни ўзим ҳам билмайман, бироқ «қўшиқ энди етилиб келяпти» деган маъно акс этган мисралари ана шу кайфиятни жуда яхши бера олади. Ёзгинг келадиган шундай дақиқалар бўладики, нимани ёзишни билмасанг ҳам, бироқ ёзажагингни аён сезасан, киши. Шоирлар бу кайфиятни «тангрининг яқинлашиши» деб атайдилар. Бу дақиқалар санъаткорнинг бирдан-бир лаззатидир. Агар булар бўлмаганда ҳеч ким қўлига қалам олмаган бўлар эди. Хаёлга тўплаган нарсаларнинг барини тартибга келтириб, уларни қофозга тушириш пайти етгандан кейин эса — қийналишга навбат етади».

Ярим кечада бирдан овоз эшитилиб қолади. Бу пароходнинг олисдан келаётган гудоги. Бу ерда, музликда овоз қайдан пайдо бўлди?

Кеча Ригада чиқадиган газетадан Ленинграддан кўрфаз томон музёар кема йўлга чиққанлиги ҳақидаги хабарни ўқигандим. Чамаси, бу ўша музёарнинг гудоги бўлса керак.

Шунда ногиҳон музёар кемалардан бирининг штурмани айтган ҳикоя эсимга тушди. У Фин кўрфазидан ўтиб бораётганларида яхлаб қолган бир даста дала гулларини кўришганини айтиб берганди. Гуллар қор тагида қолганди. Уларни бу муз саҳросида ким йўқотганикин? Чамаси, гулни кўрфаздаги илк юпқа музни ёрган пароходдан битта-яримта тушириб юборган бўлса керак.

Образ бунёдга келди. Энди у ҳали ноаниқ эртак томон судрай бошлайди.

Музлаб колган ана шу гуллар сирини очиш керак. Бунда ҳамма иштирок этади. Мана шу гулни кўрган ҳар бир кишининг ўзича мулоҳазаси бўлади.

Гарчи музлаб колган бу гулларни кўрмаган бўлсамда, ўз мулоҳазам бор. Бу ўтлоқдан олдимга чопиб келган қизчанинг гуллари эмасмикин? Бу ўша гуллар бўлиши керак. Бироқ гул қандай қилиб муз орасига тушшиб қолди? Бундай ҳол вактни ҳам, маконни ҳам билмайдиган эртакдагина рўй бермоғи мумкин.

Шундай пайтда гулларга аёлларнинг айрича муносабатда бўлиши ҳақида ўйлаб қоласан киши. Бунинг эркаклар муносабатидан тафовути бор. Гулларни эркаклар безакдай кўрса, аёллар учун жонли мавжудотлардир, биз, яъни катта ва ишга боши билан шўнғиб кетган одамлар шунчаки разм солиб, унча менсимай қарайдиган оламдан келган меҳмонлардир.

Таассуфки, тонг эрта отяпти. Офтоб бу фикрларни кувиб, уларни жиддий кишилар назарида кулгили нарса қилиб қўйиши мумкин.

Кўп эртаклар кўёш нурида қунишиб, шилликкурт янглиғ қобиқларига кириб оладилар.

Ҳа, гарчи ноаниқ бўлса ҳам эртак туғилди. Эртак, ҳикоя, повесть дунёга келаётган пайтда уларни тўхтатиб колиш мутлақо мумкин эмас. Бу тирик жонни маҳв қилиш билан баробардир. Асаллар онгимизда ўзларича гул очаверадилар.

Ниҳоят эртак қоғозга тушадиган фурсат ҳам етади. Уни катта қисмларга ажратиб ёзмоқ гиёҳнинг заиф исими сўз билан ифодалаш янглиғ мушкулдир. Эртакни одам худди устидаги енгил губорни учириб юборишдан чўчигандай дамини чиқармай ёзади ҳисоби. Бироқ ёзиш жуда тезлашади, чунки нур, соялар ва айрим манзара-

ларнинг қўриниши лип этиб енгил ўтиб кетади. Бунда кечикмоқ, тасаввур югуригидан орқада қолмоқ мумкин эмас.

Эртак тугади. Шунда у мангу ўчмас чақнок кўзларга яна бир бор миннатдорона қарагинг келади.

ТУНГИ ДИЛИЖОН

Мен тасаввурнинг кучи ва унинг ҳаётимизга таъсири ҳақида алоҳида боб ёзмоқчи бўлгандим. Бироқ ўйлаб-ўйлаб бу боб ўрнига шоир Андерсен ҳақида ҳикоя ёздим. Менга ҳикоя ўша бобнинг ўрнини босиб, ҳаттоқи бу мавзудаги умумий гаплардан кўра тасаввур хусусида аинча аниқ тушунча берадигандай туюлади.

Венециянинг эски ва исқири мусофирихонасида сиёҳ топиш жуда амри маҳол эди.

У ерда сиёҳ сақлашнинг нимага ҳам кераги бор? Йўловчилар тўлаши керак бўлган қиммат ҳақларни ёзиш учунми?

Тўғри, Христиан Андерсен мусофирихонага тушган вактда у ердаги қалайи сиёҳдоннинг тубида озгина сиёҳ бор эди. Андерсен эртагини ана шу сиёҳда ёза бошлади. Бироқ унинг назарида эртакнинг ранги тобора бўзариб борар, нега деганда у сиёҳга бир неча марта сув қўшганди. Қўйинг-чи, у эртакни охиригача ёзолмади. Эртакнинг қувноқ тугалланмаси сиёҳдон тубида колди.

Андерсен бундан кулимсираб қўйди-да, кейинги эртагини, «Куриган сиёҳдон тагида қолган воқеа» деб аташга аҳд қилди.

У Венецияни севиб қолган, уни «Сўлаётган нилуфар» деб атарди.

Денгиз устида кузнинг пастак булутлари сузарди. Каналларда сассиқ сув шипилларди. Чорраҳаларда эса совук шамол ўйнарди. Бироқ қуёш булутларни ёриб чиққан девордаги пўпанаклар остидан пушти ранг мармар кўзга ташланар, шаҳар эса венециялик мастер Ка налетто чизган картина янглиғ чиройини кўз-кўз ки ларди.

Ҳа, бу гарчи бирмунча мунгли қўринса ҳам ажойиб шаҳар эди. Бироқ Андерсеннинг бошқа шаҳарлар ту файли уни ҳам тарқ этиш фурсати етди.

Шунинг учун мусофирихона хизматкорини кечқурун Веронага жўнайдиган дилижонга билет олиб келишга юбораркан, Андерсеннинг кўнгли унчалик ғаш бўлмади.

Хизматкор ҳам мусофирихонага жуда бол, танбал, доим кайфда юрадиган ва қўринишдан содда одам эди. Андерсеннинг хонасини у бирор марта ҳам йиғишишимади, тош полни супуриб ҳам кўймади.

Мусофирихонанинг баҳмал дераза пардаси ортидан сарик куялар ғуж бўлиб учиб чиқди. Андерсен чўмилаётган кўкракдор аёллар тасвири туширилган дарз кетган чинни тосда ювинишга мажбур бўлди. Мойчирок синган эди. Унинг ўрнида кумушдан ясалган ва калтагина ёғ шам солинган оғир канделябр (шамчирок) турарди. У чамаси Тициан давридан бери артилмаганга ўхшарди.

Биринчи қаватдаги арzon овқатлар пишириладиган ошхонадан қовурилган кўй гўшти ва саримсоқ ҳиди келарди. Ошхонадаги тасмалари узилган корсаж кийган ёшгина жувонлар кун бўйи хаҳолашар ва бир-бирлари билан ғалва қилишарди.

Гоҳо жувонлар бир-бирларининг соchlарига чанг со либ ёқалашишарди. Шунақа пайтларда Андерсен улар-

нинг ёнидан ўтиб қолгудай бўлса, тўхтаб, жувонларнинг пахмайган соchlари, ғазабкор чеҳралари ва ўч олови ёнаётган кўзларига завқланиб тикиларди.

Андерсен ҳаммасидан ҳам жувонларнинг юзларини олмос томчилар сингари ювига тушаётган ўтли кўз ёшларини тамоша қилишни хуш кўрарди.

Жувонлар Андерсенни кўрди дегунча тинчиб қолишарди. Уларни бу котма, башанг кийинган ва ингичка бурун жаноб хижолатга соларди. Жувонлар Андерсенга «синъор шоир» деб мурожаат қилсалар-да, уни ўткинчи кўз бойлағич, деб ўйлашарди. Уларнинг фикрича бу ғалати шоир эди. Унинг томираидаги жўш урмас, гитара чалиб, юракни жигиллатадиган баркароллар (ишқий кўшиқлар) айтмас ва бир бошдан аёлларга кўнгил кўймасди. У фақатгина бир марта ёқасидаги қизил гулни олиб, идиш-товоқ ювадиган хунукдан-хунук қизга тақдим этди. Қиз, бу хунуклиги ҳам етмагандай ўрдакдай маймоқланиб юарди.

Хизматкор кетгандан кейин Андерсен югуриб дераза ёнига бориб оғир пардани тортди-да, унинг канал бўйидан ҳуштак чалиб бораётганини кўрди. У кета туриб майда қисқичбақа сотаётган жувоннинг кўкрагидан чимчиловди, яхшигина шапалоқ ҳам еб олди.

Хизматкор шундан кейин каналнинг осма кўпригида анча туриб, сувдаги ярим палла тухумга туфлаб тушираман деб роса уринди. Тухум палласи кўприкнинг устуни ёнида чир айланиб туарди.

Ниҳоят хизматкорнинг туфуги тушди шекилли, тухум палласи сувга чўкиб кетди. Хизматкор шундан кейин бошига йиртиқ шляпа кийган боланинг ёнига чўкди-да, бирорта дайди балиқ илинишини кутиб пўяқадан кўз узмай ўтираверди.

— Оҳ, худойим! — Андерсен аламдан қичқирди.—

Наҳотки, мана шу каллаварам касофатидан бугун кетолмай қолсам?

Андерсен деразани очиб юборди. Шунда унинг ойнаси жуда қаттиқ зириллаб кетувди, хизматкор эшитиб бошини күттарди. Андерсен ғазаб билан қўлини кўтариб унга мушт ўқталди.

Хизматкор боланинг шляпасини юлқиб олди-да, уни Андерсенга тантанавор силкиб, сўнг яна кийгизиб қўйди. Кейин иргиб туриб, муюлишда ғойиб бўлди.

Андерсен кулгидан ўзини тутолмади. Негаки сира ҳам жаҳли чиқмаганди. Унинг саёҳатларга иштиёқини ҳатто мана шунақангি қизиқарли воқеалар ҳам кун сайнин ошириб борарди.

Саёҳатлар доимо тасодифлар ваъда қиларди. Киши саёҳатда эканида қачон гўзал ва узун киприкли жононларнинг шаҳвоний қараш қилишини, олисдан нотаниш шаҳарнинг миноралари кўринишини ва уфқда оғир кемаларнинг мачталари тебраниб туришини, Альп тепасида дағдаға қилаётган момақалдироқ овозини эшитганда хаёлга қандай мисралар келишини ва фунчалигида сўлган муҳаббат ҳақида йўл қўнфироқчасининг товушидай жаранлаган овозда ким қўшиқ айтажагини билолмайди.

Хизматкор дилижонга билет олиб келди. Бироқ пулнинг қолганини бермади. Андерсен унинг ёқасидан олиб «эҳтиром» билан коридорга чиқариб қўйди. У ерда ҳазил қилиб, хизматкорнинг бўйнига бир туширувди, хизматкор овози борича ашула айтиб, лиқиллаб турган зиндан сакрай-сакрай пастга тушиб кетди.

Дилижон Венециядан чиққандан кейин ёмғир шивалай бошлади. Ботқоқлиқдан иборат текисликка тун чўқди.

Аравакаш дўнфиллаб гап бошлади.

— Венециядан Веронага кечаси дилижон жүннатып деган гап,— деди у,— иблицедан чиққанға үхшайды.

Йўловчилар индашмади. Аравакаш жим қолиб, чамаси ичидә гижинди-да, йўловчиларни тунука фонусдаги озгина шамдан бўлак ҳеч нарса йўқ деб огоҳлантириди.

Йўловчилар бунга эътибор беринмади. Шундан кейин аравакаш, йўловчиларниң эси жойидамасга үхшайди, деган хаёлга борди-да, Верона ташландик гўши, туппа-тузук одамларниң эътиборига арзимайди, деб қистириб кетди.

Йўловчилар бунинг нотўғрилигини билинса ҳам, аравакашга эътироҳ билдиришмади.

Йўловчилар бор-йўғи уч киши — бадқовок қари руҳоний, Андерсен ва кора плашга ўралган хоним эди. У Андерсенниң кўзига дам ёшгина жувон, дам қарироқ хотин, дам гўзал, дам бетамиздай кўринарди. Буларниң барига фонусдаги шамниң липиллаб шўхлик қилаётгани сабабчи эди. Шам хонимни ҳар гал бошқача кўрсатарди.

— Шамни ўчириб қўяйми? — деди Андерсен шерикларига. — Ҳозир бизга зарур эмас. Ўчириб қўймасам ҳали замон керак бўлганда ёқадиган нарса тополмаймиз.

— Мана буни ҳеч қачон италияликнинг хаёлига келмайдиган фикр дейдилар! — руҳоний овозини баландрок қилиб гапириб қўйди.

— Нимага энди?

— Италияликларда бирор нарсани башорат қилиш қобилияти йўқ. Улар ҳамма иш бўлиб бўёви сингандан кейин типирчилаб қолиб, дод-фарёд кўтарадилар.

— Ҳазратлари дейман, — деди Андерсен, — бу енгилтак миллатга мансуб эмаслар, чамамда?

— Мен австралияликман! — жаҳл билан жавоб берди руҳоний.

Сұхбат или узилди. Андерсен шамни пуфлади. Піча жимлиқдан кейин хоним гап бошлади:

Италияning бу қисмida кечаси бечироқ юрган яхшиrok.

— Бары бир фидирак овози билдириб қўяди,— руҳоний унга шундай деб эътиroz билдириди-да, кейин қўшиб қўйди.— Саёҳатга чиқкан хонимлар кариндошларидан битта-яримтани етакчи сифатида ёнларига олишлари керак.

— Етакчим ёнгинамда ўтирибди,— хоним руҳонийга шундай деди-да, айёrona кулиб қўйди. У Андерсенни кўзда тутганди. Андерсен бу гапдан кейин бошидан шляпасини олиб хонимга таъзим қилди.

Шам ўчди дегунча худди рақиблар даф бўлганидан суюнгандек ҳар хил товуш ва ҳидлар зўрайди. От туёкларидан чиқаётган дукур, шағалда кетаётган фидирак овози, рессорларнинг фижирлаши ва ёмғирнинг дилижон устини тарақлатиши қаттикроқ эшитила бошлади. Деразадан нам гиёҳ ва ботқок иси гупиллаб кира бошлади.

— Ажаб!— деди Андерсен.— Италияда мен аччик апельсинзор ҳидини учратаман девдим, бунинг ўrniga шимолдаги Ватаним ҳавосини кўряпман.

— Хозир ҳаммаси бошқача бўлиб кетади,— деди хоним.— Биз тепага кўтариляпмиз. У ернинг ҳавоси исикрок.

Отлар бир-бир қадам ташлашарди. Дарҳақиқат, дилижон қияга кўтарилади.

Бироқ зулмат бундан сал бўлса-да ёришмади. Аксинча, йўлнинг икки чеккасида чинорлар саф тортганди. Уларнинг тарвақайлалган шохлари остида зулмат куюқ ва сокин бўлиб, япроқлар ва ёмғир томчилари билан сал эшитиладиган қилиб шивирлашиб турарди.

Андерсен дилижон ойнасини туширди. Чинор шохи

дилижон ичига мўралади. Андерсен эсдаликка унинг бир неча япроғини узиб олди.

У кенг ҳофизали кишилар сингари сафар вактида ҳар хил нарсаларни тўплашга иштиёқманд эди. Чунки бу нарсаларнинг бир хусусияти бор — улар ўтмишини жонлантириб, Андерсен қандайдир нақш парчаси, чинор япроғи ёки мўъжазгина эшак тақасини эсдаликка олган дақиқасидаги аҳвол руҳиясини янгиларди.

«Тун!»— деди Андерсен ўзича.

Ҳозирги дамда тун зулмати қуёш нурига қараганда хузурли эди. Чунки коронфилик барча нарса хусусида ўй суришга имкон беради. Ўй ўйлаш Андерсенning жонинга теккан пайтда эса зулмат унга турли воқеаларни тўқишига кўмаклашар, ўзи эса уларда бош қаҳрамон бўларди.

Андерсен ўша воқеаларнинг барчасида ўзини жуда гўзал, ёш ва жўшқин кишидек тасаввур қиласди. У кишини сархуш этувчи, сентиментал танқидчилар эса «поззия гуллари» деб атайдиган сўзларни жуда кўп ишларди.

Амалда эса Андерсен жуда хунук бўлиб, буни ўзи ҳам яхши биларди. У дароз ва уятчан эди. Кўл ва оёклари ипга осилган ўйинчоқнинг кўл-оёклари янглиғ шалвираб турарди. Бунақа ўйинчоқларни унинг ватанинаги болалар «хампельман» дейишарди.

Андерсен бундай нуқсонларга эга бўлганидан аёллар кўнглини овлашга умид қилмаса ҳам бўларди. Бироқ ёш жувонлар ҳар гал ёнидан бамисоли фонусли устун тургандай бепарво ўтганларида юраги аламдан зиркираб кетарди.

Андерсен пинакка кетди.

У кўзини очганида даставвал каттагина яшил ялдуз-

ни кўрди. У нақ ер устида ялтиради. Чамаси вакт ал-ламаҳал бўлганга ўхшарди.

Дилижон тўхтаганди. Ташқаридан одамларнинг овози келардй. Аравакаш дилижонни йўлда тўхтатган бир неча аёл билан савдолашарди.

Бу жувонларнинг овози шунчалик сеҳрли ва жарангдор эдики, уларнинг аравакаш билан савдолашиши қадимий операнинг речитативини эслатарди.

Аравакаш чамаси аёлларни бундан бир оз наридаги шаҳарчага улар айтган ҳақ эвазига элтиб кўйишга кўнмаётган эди. Жувонлар бир-бирларига гап бермай, уччаламизнинг бор пулимиз шу, бошқа нарсамиз йўқ, дейишарди.

— Бўлди! — деди Андерсен аравакашга. — Сиз сурбетларча талаб қилаётган ҳақни мен тўлайман. Агар йўловчиларга қўполлик қилиш ва бўлмағур гаплар айтишини тўхтатсангиз, яна пича кўшаман.

— Майли, чиқа қолинглар, соҳибжамоллар,— деди аравакаш жувонларга.— Пул совурадиган манови ажнабий шаҳзодага рўпара келганларинг учун мадоннага шукур қилинглар. У сизларни деб дилижон тўхтаб туришини истамаяпти. Сизлар ҳам унга худди мафорлаган макарондай кераксиз-да, ўзи!

— О, Исо! — руҳоний инграб кўйди.

— Енимга ўтиринглар, қизлар,— деди хоним.— Шунда иссиқроқ кетамиз.

Қизлар оҳиста шивирлашиб, нарсаларини бир-бирларига узатишида-да, дилижонга чиқиши. Саломлашиб, Андерсенга уялинқираб миннатдорчилик билдиришида, жимгина ўлтиришиб.

Қизлар дилижонга чиқишлиари билан уни қўй пишлоги ва ялпиз ҳиди тутиб кетди. Андерсен қизларнинг зиракларидаги арzon тошлар ялтирашини аранг илғаб оларди.

Дилижон қўзғалди. Яна гимнографлар остидаги шиғар мажирилай бошлади. Қизлар бўлса шинир-шинир кила бошлади.

— Улар кимлигигизни билинмоқчи,— деди хоним гап бошлаб. Андерсен шунда унинг коронгиликда жилимаяётганлигини фаҳмлади.— Сиз роетдан ҳам ажрабий шаҳзодамисиз? Е оддий саёҳатчи-форестъермисиз?

— Мен башоратчиман,— Андерсен ўйлаб-истиб ўтирамай жавоб бериб кўя колди.— Мен келажакни била оламан ва кўзим коронгида кўра олади. Бироқ муттаҳам эмасман. Тўғриси, ўзимни бир вактлар Гамлет яшаган мамлакатлик камбағал шаҳзода десам ҳам бўлади.

— Сиз бунақанги зимиstonда нимани кўра оласиз?— сўради қизлардан бири ҳайрон бўлиб.

— Жилла бўлмаса сизни,— деди унга Андерсен.— Сизни яққол кўриб турибман, жозибангиз эса юрагимни шавқу завққа тўлдириб тоширияпти.

Андерсен шуларни айтаркан, юзи музлаётганини сезди. У ўз поэма ва эртакларини тўқиётганида ҳар гал шундай кўйга тушарди. Ҳозир бу кайфият яқинлапниб келаётганди.

Андерсен шундай аҳволга тушганида ундаги енгил ҳаяжон, қаёқдандир қуиилиб келаётган сўзлар оқими тўсатдан ўзини сездириб, қалбни забт этгани поэтик куч бир-бири билан уйғунлашиб кетарди.

У бундай ҳолга тушганда гўё эртакларидаи биридаги айтилмаган фикрлар ва мудроқ ҳиселар сақланадиган, ернинг барча латофати бор гуллари, раинг на товумлари, бепоён ўрмонлари, ўрмонларининг шонумланий, севги азоби ва гўдаклар чугурланининиригани эски сеҳрли сандиқнинг копқоти очилиб кетгандай олдаради.

Андерсен бу ҳолатнинг нима деб аталинини озамади. Бир хил кишилар уни илҳом деб ҳисобланашар, бояш-

қалар шавқ-завқ, баъзилар эса бадиҳанинг ҳадяси дейишарди.

— Мен уйғониб, ярим кечада овозларингни эшитдим,— деди Андерсен пича сукунатдан кейин хотиржам овозда.— Сиздай жонон қизларни билиш ва ҳатто йўл-йўлакай сингилларим каби севиб қолишимга шунинг ўзи кифоя қиласи. Мен сизларни яққол кўриб турибман. Сизларнинг соchlарингиз майин, олтин ранг. Сизлар қақажон қизларсиз, тирик жонни шунақанги яхши кўрасизларки, томорқада ишлайтганларингизда ҳатто ёввойи майналар ҳам чўчимай елкангизга қўнишади.

— Вой, Николина! У сени айтяпти!— деди қизлардан бири каттиқроқ шивирлаб.

— Сизнинг, Николина, қайноқ юрагингиз бор,— Андерсен гапида хотиржам давом этди.— Агар севгилигигизнинг бошига мусибат тушгудай бўлса, дарҳол уни кўриш ва мусибатдан куткариш учун қорли тоғлар ва қақроқ чўллардан мингларча лье йўлни босиб ўтасиз. Тўғри гапирияпманми?

— Ҳа, ўтган бўлардим... — Николина уялинқираф тўлдиради.— Сиз шундай дейсизу қилмайманми.

— Сизларнинг отларингиз нима қизлар?— сўради Андерсен.

— Николина, Мария ва Анна,— жон-жон деб жавоб берди қизлардан бири бу саволга.

— Начора, Мария, мен гўзаллигингиз ҳақида гапирмоқчи эмасдим. Мен итальянчани ёмон гапираман. Бироқ ёшлиқ чоғимдаёқ, қаерда турмайин гўзалликни улуғлайман, деб шеърият маъбудаси олдида қасамёд қилгандим.

— Е Исо!— деди руҳоний оҳиста.— Уни қоракурт чақиб олганга ўхшайди. Савдои бўлиб қолибди.

— Чинакамига ҳусну малоҳатли аёллар бор. Булар деярли ҳамма вакт ўзларини маҳдуд тутадиган қалб

эгаларидир. Улар ўзларини ўтга соладиган эҳтирос азобини танҳоликда тортадилар. Эҳтирос уларни куйдириб адо қиласи. Сиз, Мария, худди шунақасиз. Бундай аёллар тақдири кўпинча ажойиб бўлади. Ё жуда аянчли ёки жуда баҳтли бўлади.

— Сиз шундай аёлларни ҳеч учратганмисиз? — сўради хоним.

— Ҳозиргидан бўлак, ҳеч ерда, — деди Андерсен унга жавобан. — Сўзларим факатгина Марияга эмас, балки сизга ҳам тааллуқли, хоним.

— Менимча, сиз узок тунни калта қилмоқ учун гапиряпсиз, — деди хоним титроқ овозда. — Акс ҳолда, бу гўзал қизга нисбатан анча шафқатсизлик бўлур эди. — Кейин эса: — Менга нисбатан ҳам, — деб кўйди.

— Мен ҳеч қачон ҳозиргидай жиддий бўлмаганман, хоним.

— Хўп, нима бўлади? — сўради Мария. — Мен баҳтли бўламанми? Ё йўқми?

— Сиз, гарчи оддий деҳқон қизи бўлсангиз ҳам, ҳаётдан кўп нарса талаб киляпсиз. Шу важдан, баҳтли бўлишингиз осонликча кўчмайди. Бироқ ҳаётингизда талабчан юрагингизга муносиб кишини учратажаксиз. Танлаган одамингиз ажойиб қалб эгаси бўлади, албатта. Эҳтимол, у рассом, шоир, Италия озодлиги йўлидаги курашчи бўлар. Балки у оддий чўпон ёки матросдир. Ҳар қалай у катта қалб эгаси бўлади. Хулласи калом — буниси сизга барибир.

— Жаноб, — Мария уялинкираб гап бошлади, — мен сизни кўрмаяпман, шунинг учун сўрагани уялмайман. Агар ўша одам юрагимни зabit этган бўлса, нима қилиш керак? Мен уни ҳаммаси бўлиб уч-тўрт марта кўрдим, холос. Ҳозир қаердалигини ҳам билмайман.

— Уни изланг! — қичқирди Андерсен. — Топсангиз, у сизни яхши кўриб қолади.

— Мария! — Анна суюниб кетди. — У вероналик ёш рассом-ку...

— Овозингни ўчир! — Мария унга бақириб берди.

— Верона истаган кишини топиб бўлмайдиган унча катта шаҳар эмас,— деди хоним.— Менинг отимни эслаб олинг. Иссим Елена Гвиччиоли. Мен Веронада тураман. Сўрасангиз, уйимни ҳар бир вероналик кўрсатиб бера олади. Сиз, Мария, Веронага борасиз. Азиз ҳамроҳим башорат қилган бахтли воқеа рўй бергунча меникида турасиз.

Мария коронгида Елена Гвиччиолининг кўлини пай-
паслаб топди-да, иссиқ юзига босди.

Ҳеч кимдан садо чиқмасди. Андерсен яшил юлдуз сўнганилигини пайқади. У ернинг нариги палласига яши-
ринганди. Демак, тун яримдан оғибди.

— Хўш, нега сиз менга ҳеч нарса ваъда қилмади-
нгиз? — деди кизларнинг қақажони бўлган Анна.

— Сиз жуда серфарзанд бўласиз.— Андерсен ишонч билан гапира бошлади.— Болаларингиз бир кружкадан сут ичамиз деб тизилишиб олади. Сиз болаларингизни ҳар куни эрталаб ювинтиришга анча вақтингизни кетки-
засиз. Бунда сизга бўлгуси эрингиз қарашади.

— Бу Пьетромасми ишқилиб? — сўради Анна.— Кў-
зим ҳам лапашанг Пьетрога жуда учиб турувди-да ўзи!

— Сиз митти ўғил-қизларингизнинг кулиб турган кўзларидан қайта-қайта ўпишга ҳам анча вакт сарф-
лашга мажбур бўласиз.

— Папанинг мулки бўлган жойларда бунака бемаъ-
ни гаплар хаёлингизга ҳам келмасди! — деди жаҳл би-
лан руҳоний. Бироқ унинг гапини ҳеч ким писанд
қилмади.

Кизлар яна шивирлаша бошлади. Гап орасида ку-
либ-кулиб қўйишарди. Ниҳоят Мария тилга кирди:

— Энди сизнинг қандай одамлигингизни билмоқчи-
миз, жаноб. Биз коронғида күролмаймиз-ку.

— Мен жаҳонгашта шоирман,— деди Андерсен.—
Ёшман. Сочларим қалин, жингалак, юзим офтобда ко-
райган. Фам-ташвишим йўқлигидан ва ҳозиргача ҳеч
кимни севмаганимдан кўм-кўк кўзларим ҳамиша кулиб
туради. Инсонларга кичик совғалар бериш ва яқиним-
дагиларнинг кўнглини очишдан бўлак юмушим йўқ.

— Масалан, қанақа?— сўради Елена Гвиччиоли.

— Сизга нимани айтиб берсамикин? Ўтган йили Ю-
тландиядаги таниш ўрмон хўжалиги мудирининг уйида
турдим. Бир куни ўрмонни айланиб юриб кўзиқорин кўп
бўлган ялангликка чиқиб қолдим. Ўша куниёқ яланг-
ликка қайтиб ҳар бир кўзиқорин тагига ё кумуш қофоз-
ли конфет, ё хурмо, ё мумдан ясалган кичик гулдаста, ё
англишвона ва ипак лента яшириб кўйдим. Эртасига эр-
талаб эса мудирининг қизчаси билан ўша ўрмонга бор-
дим. У етти яшар эди. Кўзиқорин тераётганида улар та-
гида бояги ажойиб нарсаларни топиб олаверди. Фақат
хурмо йўқ эди. Уни қарга олиб кетган бўлса керак.
Ўшанда сиз қизчанинг азбаройи суюнганидан кўзлари
қанақа чақнаганини бир кўрсангиз эди! Мен уни бу нар-
саларни гномлар¹ яшириб кўйиншган деб ишонтирдим.

— Сиз маъсума вужудни алдабсиз,— деди руҳоний
ғазаб билан.— Бу катта гуноҳ!

— Йўқ, бу алдаш эмасди. Қизча бу воқеани умр
бўйи унутмайди. Унинг кўнгли ҳам бу воқеани бошидан
кечирмаган кишиларнинг бағричалик тош бўлмайди.
Бундан ташқари, ҳазратлари, менинг сўралмаган наси-
ҳатни эшитадиган одатим ҳам йўқ.

Дилижон тўхтади. Қизлар сеҳрлангандай кимир эт-

¹ Фарбий Европа мифологиясида ер ости бойликларини қўрик-
лайдиган бадбуруш одамлар.

май ўтиришарди. Боши эгик Елена Гвиччиоли ҳам миқ этмасди.

— Ҳой, соҳибжамоллар!— деб бакирди аравакаш.— Кўзларингни очинглар! Келдик!

Кизлар яна шивир-швири қилишди-да, ўринларидан туришди.

Коронфилиқда кучли қўллар тўсатдан Андерсенning бўйнидан кучди, қайноқ лаблар унинг лабларига тегди.

— Раҳмат!— қайноқ лаблар шундай деб шивирларкан, Андерсен бу Мариянинг овози эқанлигини билди.

Николина миннатдорчилик билдириб, уни авайлаб ва эркалаб ўпди, сочи Андерсенning юзини қитиқлаб кетди. Анна бўлса қаттиқ ва чўпиллатиб ўпди. Кизлар ерга сакраб тушишди. Диличон тош йўлдан тарақлаб кета бошлади. Андерсен деразадан қаради. Ташқарида, сал кўқимтири осмон фонида қорайиб турган дараҳтларнинг учларидан бўлак ҳеч нарса кўринмасди. Тонг ота бошлаганди.

Верона ажойиб бинолари билан Андерсенни ҳайратга солди. Улар ҳашамат бобида бир-бирлари билан беллашарди. Иморатларнинг уйғун архитектураси киши кўнглини очишга кўмаклашиши керак эди. Бироқ Андерсенning кўнгли нотинч эди.

Кечқурун Андерсен Гвиччиолининг қалъага олиб чиқадиган торгина кўчадаги эски уйнинг эшик кўнғироғини чалди.

Эшикни Елена Гвиччиолининг ўзи очди. Кўк баҳмалдан тикилган кўйлак унинг қоматини таранг кўрсатиб турарди. Баҳмал нури кўзларида жилва қилганидан, бу кўзлар унга валькирия янглиғ жуда кўм-кўк ва ниҳоятда гўзал кўринарди.

Гвиччиоли иккала қўлини узатиб, совук бармоқлари илиа унинг кенг кафтини қисди-да, оҳиста тисарилиб мўъжазгина залга олиб кирди.

— Жуда дилгир бўлиб кетдим,— у оддийгина қилиб шундай деди ва гуноҳкорона жилмайди.— Сизни соғиниб қолдим.

Андерсен оқариб кетди. У кун бўйи Еленани босинқи ҳаяжон билан эслаганди. У аёл кишининг сўзини, йўқолган ҳар бир кипригини ва кўйлагига қўнган ҳар бир заррани жондан ҳам ортиқ севиш мумкин эканлигини биларди. Агар йўл кўйгудек бўлса, бундай муҳаббат юрагига жо бўлолмаслигига ҳам ақли етарди. Бу севги шунчалик азоб ва қувонч, кўз ёши ва табассум баҳш этардики, унинг барча ўзгариш ва тасодифларига чидашга Андерсенning бардоши етмасди.

Ким билади дейсиз, балки ана шу севгига берилса, ранг-баранг эртакларидан бутунлай айрилиб қолармиди? Бунда эса у нима деган одам бўларди!

Унинг севгиси, оқибатда, барибир жавобсиз қолади. Бу савдо унинг бошига кўп марта тушган. Елена Гвиччиоли каби хотинлар табиатида инжиқлик устун туради. У мунгли кунларнинг бирида Андерсенning хунук эканлигини пайқаб олади. Андерсен ўзидан нафратланиб юарди. У кўпинча одамларнинг орқасидан масхаралаб кулиб кўяётганларини сезганди. Шунақа пайтларда оёқлари ёғочдай қотиб, ўзига бўйсунмас, қоқилар, ер ёрилиб, унга кириб кетишга ҳам тайёр бўларди.

— Муҳаббат фақат тасаввурдагина абадий бўлиши ва поэзиянинг ёрқин нури кўйнида қолиши мумкин,— деди Андерсен ўзига-ўзи далда бериб.— Мен севгини воқеликда синамоқдан кўра уни минг марта яхширок тўқийдиганга ўхшайман.

У шунинг учун ҳам Елена Гвиччиолининг уйига уни кўриш ва қайтмас бўлиб кетишдек қатъий аҳд билан оёқ босганди.

Андерсен буни Еленага ошкора айттолмади. Ахир уларнинг ораларида ҳеч гап ўтгани йўқ. Йкковлари ке-

ча кечаси дилиジョンда учрашишган ва бир-бирларига ҳеч нарса дейишмаганди.

Андерсен залниинг эшигига тўхтаб, теварак-атрофига разм солди. Мармар бурчакдаги Диана ҳайкалини шамчироқ ёритиб турарди. Гўё у ўз ҳуснидан ўзи уялиб турганга ўхшарди.

— Сизнинг чеҳрангизни ким Дианага кўчириб абадийлаштириди? — сўради Андерсен.

— Канова,— Елена Гвиччиоли шундай дея ер сузди. У гўё Андерсенning кўнглидан нималар кечаетганини пайқагандек эди.

— Мен хайрлашгани келдим,— Андерсен бўғиқ овозда ғўлдиради,— Веронадан қочиб кетяпман.

— Мен сизни танидим,— деди Елена Гвиччиоли унинг кўзларига тикилиб.— Сиз машҳур эртакчи ва шоир Христиан Андерсенсиз. Бироқ ҳаётингизда эртаклардан чўчирканисиз. Сизда ақалли қисқа ишқ учун ҳам куч ва жасорат йўқ экан.

— Бу менинг улкан кусурим,— деб иқрор бўлди Андерсен.

— Начора, жаҳонгашта ва азиз шоирим.— Елена Гвиччиоли алам билан шундай дея қўлини Андерсенning елкасига кўйди.— Қочинг, ўзингизни қутқаринг! Кўзларингиз доим кулиб турсин. Мени ўйламанг. Агар сизга кексалик, камбағаллик ва дардлар азоб берса, факат биргина сўз айтсангиз бўлди — сизга тасалли бермоқ учун худди Николинадай қорли тоғлар ва қақроқ чўллар оша мингларча лье йўлни пиёда босиб ўтаман.

У креслога чўкди-да, юзини қўллари билан беркитди. Шамчироқдаги шамларнинг чирсиллаши эшитиларди.

Андерсен Елена Гвиччиолининг нозик бармоқлари орасидан сизиб чиқкан томчи ялт этиб баҳмал кўйлагига томиб, юмалаб кетганлигини кўриб турарди.

У Еленага яқинлашиб тиз чўқди-да, юзини унинг ҳароратли, кучли ва латиф оёқларига босди. Елена кўзини очмай қўлини узатиб, Андерсеннинг бошидан қу-чоклади-да, эгилиб унинг лабларидан ўпди.

Андерсеннинг юзига яна битта қайнок томчи юмала-ди. У томчининг шўртоб намини сезди.

— Боринг!— деди Елена оҳиста.— Поэзия маъбуда-си буларнинг бари учун сизни кечирсинг.

Андерсен туриб, шляпасини олди-да, тезгина чиқиб кетди.

Веронанинг ҳамма жойидаги қўнғироқлар кишилар-ни кечки ибодатга чорларди.

Улар қайтиб учрашишмади. Бироқ доимо бир-бир-ларини ўйлашарди.

Балки шунинг учун ҳам Андерсен ўлимидан сал ав-вал бир ёш қаламкашга бундай дегандир:

— Эртакларим менга жуда қимматга тушди. Улар-ни деб баҳтимдан воз кечдим ва тасаввур ўзининг бутун кучи ва жилосига қарамай, ўрнини вокеликка бўшатиб бериши керак бўлган вактларни ўтказиб юбордим.

Ҳа, дўстим, тасаввурни мунг учун эмас, балки киши-ларнинг баҳти ва ўз баҳтингиз йўлида ишлатишни ўр-ганинг.

БУНДАН АНЧА ИЛГАРИ ЁЗИШ МЎЛЖАЛЛАНГАН КИТОБ

Мен бундан ўн йилдан мўлроқ вакт илгари кўп меҳнат талаб қиласиган, бироқ ўша вактда ҳам, ҳозирча ўйлаганимдек қизиқарли китоб ёзишга аҳд қилгандим.

Бу китоб ажойиб кишиларнинг тажимаи ҳолларидан иборат бўлиши керак эди.

Таржимаи ҳоллар эса қисқа ва гўзал ёзилиши зарур.

Мен, ҳатто, бу китобга мўлжаллаб ажойиб кишиларнинг рўйхаларини тузা бошладим.

Бу китобга ўзим бир вактлар учрашган энг оддий кишиларнинг ҳаётларига оид бир неча тасвиirlарни ҳам кўшишга қарор қилдим. Улар номи чиқмаган, унугиб юборилган, бироқ амалда машҳур ва суюкли бўлган шахслардан қолишмайдиган сиймолар эдилар. Вактида омади келмаганидан улар ўзларидан кейинги авлодлари хотирасида гарчи чуқурроқ бўлмаса ҳам из қолдиромадилар. Уларнинг кўпчилиги пулсиз ва зоҳид, бироқ қандайдир эўр иштиёқ вужудини забт этган жаҳонгашта эдилар.

Буларнинг орасида Оленин-Волгарь деган ҳаёти ажойиб ўтган дарё капитани ҳам бор эди. У музикачилар оиласида дунёга келиб, хонандалик борасида Италияда таълим олди. Бироқ бутун Европани пиёда айланниб чиқишини кўнгли тилаб қолувди, ўқишини ташлаб, дарҳақиқат, дайди қўшиқчи сифатида Италия, Испания ва Францияни кезиб чиқди. У ҳар бир мамлакатда бўлганида гитара жўрлигига ўша ерликлар лафзида ашулашарди.

Мен Оленин-Волгарь билан 1924 йилда Москвадаги бир газета редакциясида танишдим. Бир куни ишдан кейин ундан кўча репертуридан бир неча кўшиқлар айтиб беришини илтимос қилдик. Аллақаердан гитара ҳам топдик. Шундан кейин дарё капитани формасидаги котмагина, ўрта бўйли чол бирдан ажойиб, зўр актёр ва хонанда киёфасига кирди. Унинг овози жуда бакувват эди.

Биз қимир этмай унинг қўшиқларини тинглардик. Чол итальянча кантителаларни яйраб айтар, басклар-

нинг жарангдор қўшиқларини кўйлар, «Марсельза» эса карнайлар овози ва порох тутуни оралиғида янграётган-дай чиқарди.

Оленин-Волгарь Европани кезиб чиқкандан кейин денгиз пароходларида матрос бўлиб ишлади. Кейин олис сафарга чиқадиган кема штурмани бўлиш учун имтиҳон топширди. Ўрта ер денгизини бир неча марта айланиб чиқди, кейин эса Россияяга қайтиб, Волгада капитан бўлиб хизмат қила бошлади. Биз танишган козларимизда у Москвадан Нижний Новгородга катнайдиган пассажир пароходини ҳайдарди.

У ҳаммадан аввал, таваккал қилиб, Волгада юрадиган катта пассажир пароходини Москва-реканинг тор ва эски шлюзларидан олиб ўтганди. Бу ишни ҳамма капитанлар ва инженерлар илохи йўқ деб ҳисоблаган эдилар.

У биринчи бўлиб Москва-реканинг машҳур Марчугидаги ўзанини тўғрилашни таклиф қилди. Дарё бу ерда шунақанги эгри-буғри эдики, унинг беҳисоб қайрилишларини ҳатто харитада қўрганингизда ҳам бошингиз айланиб кетарди.

Оленин-Волгарь Россия дарёлари ҳақида кўпгина ажойиб мақолалар ёзи. Ҳозир бу мақолалар йўқолгаян ва унутилиб юборилган. Оленин-Волгарь ўнларча дарёлардаги барча камарлар, саёз жойлар ва сувнинг қаерида чўккан дарахт ёки тўнка борлигини биларди. Ҳизнагана шу дарёларда кема қатновини яхшилашга онд оддий ва ажойиб режалари бор эди.

Оленин-Волгарь бўш пайтларнда Дантенинг «Илоҳий комедия»сини таржима қиласиди.

У жиддий, хушфеъл ва жонсарак одам бўлиб, барча касблар бирдай фахрли, чунки улар халқ манфаатига хизмат қиласиди ва ўзида кишининг «бу яхши тупроқдаги

яхши инсон сифатида» кўрсатишга имкон беради деб ҳисобларди.

Менинг яна бир оддий ва азиз танишим бўлиб, у ўрта Россия шаҳарчаларидан биридаги ўлкашунослик музейининг директори эди.

Музей қадимий уйга жойлашганди. Директорнинг рафиқасидан бўлак ёрдамчиси йўқ эди. Улар икковлари музейни намунали тутиш билан бирга ўzlари ремонт қилишар, ўтин тайёрлашар ва дуч келган қора ишларни бажаришарди.

Бир куни мен уларни ғалати юмуш қилишаётганида кўриб қолдим. Эр-хотин музей ёнидаги майса босган сокин кўччанинг у ер-бу ерида сочилиб ётган тош ва гишт синиқларини йиғишарди.

Билсак, болалар музейнинг ойнасини синдиришган экан. Директор бундан кейин отишга нарса топишолмасин, деб кўчадаги барча тошларни йиғиб, ҳовлига ташибига аҳд қилибди.

Музейдаги ҳар бир буюм — қадимий тўр ёки XIV асрнинг нодир силлиқ гиштидан тортиб, торф намуналари ва яқин атрофдаги ботқоқликларга кўпайиш учун кўйиб юборилган Аргентина сув каламушининг тулумигача — ҳаммаси ўрганилган ва чукур таърифланган эди.

Доим паст овозда, хижолатдан ўталиб гапирадиган бу камтарин инсон рассом Переплетчиковнинг картинасини кўрсатаётган пайтда гул-гул очилиб кетарди. Буни у ташландик монастирдан топиб олганди.

Тўғрисини айтганда, бу ажойиб пейзаж асари бўлиб, унда деразадан кўриниб турган шимол томоннинг ойдин оқшоми, уйкуга чўмган ёш қайнилар ва суви қалайсизмон оппоқ мўъжаз кўл тасвирланган эди.

Музей директорининг иши оғир эди. Атрофдагилар унинг гапини кам эътиборга олишарди. У хилватда ишлар, ҳеч ким билан иши бўлмасди. Агар музей катта

наф келтирмаганда ҳам шундай одамнинг яшайдиганилиги ўша ерлик кишиларга, айниқса ёшларга ишга садоқат, камтаринлик ва ўлкага муҳаббат бобида намуна бўлолмасмикин?

Яқинда бу китобимга мўлжаллаб тузган ажойиб кишилар рўйхатини топиб олдим. Рўйхат жуда катта. Уни тўлиқ келтиришнинг ҳожати бормикин. Шу важдан таваккалига ундан фақат бир неча ёзувчини ажратиб оламан.

Мен рўйхатдаги ҳар бир ёзувчи ёнига у ёки бошка адид асарларини ўқиганимда олган таассуротларимни қисқача ёзиб қўйдим.

Бу ёзувлардан баъзиларини келтираман. Уларни тартибга келтириб, бирмунча қўпайтирганман.

ЧЕХОВ

Кўпчилигимизда икки-уч сўздан иборат фикр, таассуротларимизни ва телефонларнинг номерларини папирос кутисига ёзиб қўядиган ёмон одат бор. Қейин ҳар маҳал бўлганидай бу кутилар ташлаб юборилади, демак, ҳаётимизнинг хотирамиздаги воқеаларга тўлиқ кунлари ҳам ўз изини йўқотади.

Ҳаётнинг бир куни — бизга туюлгандай унчалик оддий ҳам, умри қисқа ҳам эмас. Исталган бир кунни олиб, унинг ҳар бир дақиқасини эслашга уриниб қўрингчи: кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар, айтилган фикрлар, қилмишларингиз, хуллас барча воқеаларни, ўзингиз ва ўзгаларнинг руҳий ҳолатини эсга олмоқчи бўлсангиз, вактнинг бир оқимини фақат бутун бир китоб, агар иккитаси кифоя қилмаса, учта китоб ёзиш орқали тиклаш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Бир куни Чеховнинг биографији А. И. Роскин қишида

ёзувчиларнинг Ялтадаги уйига тўпланганимизда ҳазиллашиб бизга ана шундай «юмуш» билан шуғулланишни таклиф қилиб қолди.

Биз Роскиннинг бу идеясини қувонч билан қарши олдик. Ҳар бир киши «Бир кун китоби»ни ёзишга кириши, лекин кўп ўтмай буни йиғиштиридик. «Юмуш» жуда машакқатли бўлиб унга ҳатто тажрибали ва ишchan мастерларнинг ҳам деярли чоғи келмасди. Бу иш хотирани тинимсиз равишда ишга солишини талаб этар ва ёзувчи учун ниҳоятда оғир бўлган мавзу, сюжет ва композиция ташвишига хотима берилганига қарамай, вактни жуда кўп оларди. Нега деганда, буни ҳаётнинг ўзи олдинга сурарди.

Мен ҳам фикрларимни тўғри келган нарсага, хусусан папирос кутиларига ёзишга одатланиб қолдим. Ҳар маҳал уларни сақлайман деб ўйлар, бироқ ичидаги папироси тамом бўлди дегунча йўқотиб кўярдим.

Эдуард Багрицкий «Герцеговина Флор» деган тити-либ кетган папирос кутисига қараб: «Балиқ, юлдузлар оша учади кема» мисралари билан бошланадиган шеърини ўкиб берганлиги учун мен ҳам хаёлимга келган нарсаларни папирос кутисига ёзаверсам бўларди, деб ўйлардим.

Шундай бўлса ҳам бир неча папирос кутисини сақлаб қолдим. Улардан биридаги ёзувлар Чехов ва унинг Ялтадаги уйига алоқадордир. Мен ана шу қутидаги ярми ўчган ва қиска ёзувларимни тиклаб, уларни тушунтириб беришга уриниб кўраман.

Мен бир газетага Чехов ҳақида мақола ёзиб беришни ваъда қилган эдим. Бироқ мақолани бошлагандан кейин Чехов ҳақида «мақола» сўзи билан аталадиган жанрда қалам тебратмоқ жуда машакқат ва деярли мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Чеховга нисбатан қўлласа бўладиган рус тилидаги барча сўзлар ай-

тилиб тамом бўлганга ўхшарди. Чеховга бўлган муҳаббатимиз луғат бойлигимизга бўлган севгига нисбатан баланд эди. Унга — улкан муҳаббат изҳорига энг яхши ифодаларимиз етмай қолганди. Шунинг учун ҳам мақолани ёза бошлаганимда, ундан такрорлар ва умумий гаплар жой олиши хавфи туғилганди.

Чехов ҳакида гўё ҳамма гаплар айтиб бўлингандай кўринарди. Бироқ Чеховнинг ҳозирда ҳар биримизнинг характеримиздан ўрин олган мероси ва адаб бор маънавий бойлиги билан бугунги кунда уни бошига кўтарадиган кишиларнинг фазилатларига фазилат қўшганлиги хусусида шу чокқача жуда кам нарса ёзилган.

Биз учун доимо барҳаёт ва азиз бўлган «Чехов туйғуси»— кучли ва олижаноб туйғу ҳакида деярли ҳеч нарса дейилмаган.

Шунинг учун ҳам мен мақола ёзмай папирос кутисидаги ёзувларга мурожаат этишга аҳд қилдим. Эҳтимол мен ҳанузгача белгилай олмаган «Чехов туйғуси» уларнинг бирор ерида кўзга ташланиб қолса.

Бу ёзувлар юкорида айтганимдай жуда кисқа эди. Мана, улардан бир мисол: «1950 йил. Ўйда ёлғизман. Пастлиқда пахмок жунли кучук вовуллайди. Анъана бўйича уни Каштанка деб чақиришади».

Бу ёзув хотирамга енгил туртки берди. Шундан кейин ўтмиш бирма-бир ёдга туша бошлади.

Бу 1950 йилнинг кузида бўлган эди. Мен Чеховнинг Ялтадаги уйида турувчи Мария Павловнанинг олдига боргандим. Қарасам, Мария Павловна уйда йўқ, кўшиларнига чиқсан экан. Мен уйда уни кута бошладим. Ходима кампир мени айвонга бошлаб кирди.

Ялтада ўзгарувчан ва ажойиб куз фасли бўлганидан баҳор ўз гулини тўқяптими ё олтин куз сепини ёяптими — билиб бўлмасди. Айвон панжарасининг нариги ёғи-

да эса қандайдир гуллар бутаси қүёш нурида бениҳоя шаффофлик ила оппок оқариб турарди.

Гуллар енгил шабада ёки нафас олишдан ҳам барг тўкарди. Мен шу гул тупини Антон Павлович ўз қўли билан ўтқазганини билардим. Шу важдан эсдалика ундан мўъжазгина новда узиб олишни жуда хоҳласам ҳам қўл текизишга чўчирдим. Ниҳоят мен журъат қилиб гулга қўл чўздиму, ўша заҳоти тортиб олдим. Нега деганда Каштанка деган пахмайган сарик кучук пастдан, боғдан туриб менга ириллаб қолган эди. У ер тимдалаб худди Чехов тасвирлаганидек ирилларди.

— Р-р-р...нга-нга-нга! Р-р-р... нга-нга-нга!

Беихтиёр кулиб юбордим. Кучук чўнқайганича кулофуни динг қилиб турарди. Офтоб унинг сарфиш ва туйғун кўзларини ялтиратарди.

Хоналардан Мария Павлонанинг овози эшитилиб қолувди, юрагим шунақанги ачишиб кетдики, ўзимни йиғидан аранг тўхтатиб қолдим. Юрагим нега ачишди? Ҳаётнинг бераҳмлигидан эзилдим. Ҳаёт уларсиз яшай олмайдиган кишиларимизга гарчи абадият бахш этолмаса ҳам, биз табаррук қўлларини узок вақт елкамизда ҳис этиб турмоғимиз учун бу кишиларга боқий умр ҳадя этмоғи лозим эди.

Мен ўша заҳотиёқ бу фикрларни хаёлимдан чиқариб ташлашга уриндим, бирок дилгирлигим кетмади. Ақлим бир нарсани айтса, юрагим бошка нарсага ундарди. Мен агар шу лаҳзада бу ерни аллақачонлар тарк этган уй соҳибининг нарироқдан келаётган қадам товушларини ва йўталини эшигудай бўлсам, умримнинг ярмини берган бўлардим. У эса аллақачонлар бу ерни тарк этган! Унинг вафотидан бери кирқ олти йил ўтди. Ана шу муддат менга айни вақтда ҳам арзимас, ҳам ниҳоятда кўпдек кўриниб кетди.

Панжара ортидаги гуллар оҳиста барг тўкарди. Мен

Ҳозир япроқлар нарвозига тикиларканман, ишқилиб Мария Павловна эртароқ кириб қолиб, ҳаяжонланганимни сезмасин-да, деб кўркардим ва гул тупининг ҳар бир новдасида қандайдир бир абадий нарса — пўстлоқ остидаги шарбатлар тун юлдузлари оҳиста шовуллаётган денгиз устида ҳаракат этгани янглиғ доимий ҳаракатда бўлади, деб атайлаб ўзимга тасалли берардим.

Мария Павловна келиб қолиб, Левитандан гап бошлиди. Ўёшлигида Левитанни яхши кўриб қолганлигини айтиб берар экан, қиз болалардай ёноклари ловулларди.

Мария Павловнанинг гапини эшитиб бўлгандан кейин, ўзим ҳам сезмаган ҳолда негадир:

— Ҳар бир кишининг ўз «кучук етаклаган хоними» бўлган бўлса керак. Агар бўлмаган бўлса, албатта бўлади,— дедим.

Мария Павловна викор билан кулди-ю, бироқ ҳеч нима демади.

Шундан кейин йилнинг турли фаслларида Чехов уйини кўп марта знёрат қилдим. Шундай пайтларда ичкарига кам кирадим, кўпинча уйнинг панжарасига пича суяниб турадим-да, қайтиб кетардим.

Бу уй айниқса киш пайтларида кишини ўзига оҳанрабодек тортарди. Шунда денгиз устини куюқ зулмат коплар, бу зулматда пароходларнинг бикинларидағи чироқлари хира кўринар, матросининг ҳикояларидан мен ҳам пароходнинг палубасида туриб дурбинда Чехов кабинетининг кўк соябонли чироқ ёритган деразасини кўра олиш мумкинлигини билардим.

Бу чироқ мамлакатимизнинг энг чеккасидаги жойда ёқилганлиги, бу ерда Россия ерлари денгизга тақалиб тугаганлиги, бундан нарида тун қўйнида эса Кичик Осиё мамлакатлари мавжуд эканлигини ўйлаш ҳам ғалати кўринарди.

Мен яна бир ёзувимни кўриб қолдим: «Ялтада киш,

Яйлада қор, унинг нури Ауткага тушиб турибди». Ҳа, шундай. Кишда Яйлада озгина қор бор эди. У ой нурида ялтиради. Төғлардаги тун сукунати Ялтани ҳам ўз кўйнига оларди.

Чехов буларнинг барини биз сингари кўрар ва биларди. Мария Павловнанинг гапига қараганда, гоҳо чирокни ўчириб кўйиб, коронфида якка ўзи деразадан корлар хира ёритаётган ташқарига тикиларкан.

Гоҳо у боғни айланар, бироқ бунда онаси билан синглисини уйғотиб ва кўркитиб юбормай, деб билдиrmай чиқиб кетаркан. Уни уйқусизлик қийнар, шунинг учун ҳам шон-шуҳрати бутун жаҳонга ёйилганлигига каралмай, гўё барча унуган бу одам танҳо ўзи қоронги тунда анчагача айланаркан. Бироқ бундай кечаларда у дилгир бўлмас экан.

Шундай биқинда рус адабиётининг бошпанаси бўлган уй оқариб турарди. Ундан Куприн, Горький, Мамин-Сибиряк, Станиславский, Бунин, Рахманинов, Короленколарнинг овози анчадан бери эшитилмаётган бўлса ҳам, акс садолари жаранглаб тургандек эди. Бу ҳам уларнинг қайтишини кутарди. Жисман ҳеч кимга кўринмайдиган, касали, қайғуси ва ташвиши ҳеч кимга озор бермайдиган, тунлари ўз ташвиши билан ўзи овора бўлган уйхўжайини ҳам уларнинг қайтишини кутарди.

Чехов ҳакидаги улкан мемуар адабиётида унинг бирор марта ҳам йиғлаганини ҳакида ҳеч қандай эслатма йўқ.

Шундай бўлса-да, ёзувчи Тихонов (Серебров) Чехов ўлимидан сал аввал Савва Морозов билан Уралга борганида, унинг йиғлаганини кўрганди. Бу эса, ёлғиз, тўғрироғи, ташландик ва куни битаётган инсоннинг тунги фарёди эди.

Чехов кўз ёшларини ҳам, чекаётган кулфатларини ҳам яхшилиги, ниҳоятда улкан мардлиги ва олижаноб-

лиги туфайли пинҳон тутарди. У яқин кишиларининг ҳам куни дилгир ўтиши, теварак-атрофидагиларнинг ҳам заррача хомуш тортишларини истамасди.

Мен: «Россияни доимо соғинаман»— деган яна бир ёзувни тафсилотлари билан эсладим. Бир оқшом шоир Луговской икковимиз Чехов кабинетидаги камин¹ олдида туриб, Левитаннинг «Фарамлар» картинасини тамоша қилганимиз эсимга тушди.

Картинага караганда кишининг кўз олдига зулмат чўккан ботқоклик тепасида бўзариб турган ой, қизилоёқлар ноласи, факат бу тунни эмас, балки бошқа кўп тунларни ҳам бедор ўтказган бепоён ўрмонлар келарди. Нега деганда, ҳеч ким қайнининг ҳўй ва ялтирок япроғини кўрмаган, уларнинг сирли шитирлашини эшитмаганди.

Бу ўрмонлар ташландик, кимасасиз эди. Тун ўрмонлар устига пардасини ёйиб, вактини беҳуда ўтказарди. Чеховнинг ҳам бу ерда, Кримда ҳеч нарсани кўрмай, вактини кетказаётганига юраги ачишарди. Россияда, шимолда эса у ғоят зарур, чунки унинг тахта томи ёки қадрдон ва осойишта қўлларидаги камарлардан тун пардаси кўтарилишини кузатиши лозим эди.

У Россияга интилар, бу йўлда азоб чекар, Россияни ҳали айтилмаган ва очилмаган гўзаллигини ўз кўзи билан кўрмай тахмин қилаётгани учун алам ва изтиробда жингиртоб бўларди.

Чеховнинг фикрича, умри жуда қисқа, деярли самарасиз бўлганлиги ва ҳаёт қанотини сал теккизиб ўтганлигини ҳис этиш унга ана шу шинам уйда азоб берарди.

Фақат Чеховнинг ўзигина азоб чекмасди. Ана шу уйга келиб қолган ҳар бир одам, айниқса у умрини беҳуда ўтказиб, энди бу ёғини фойдали ўтказай деб типирчилаб

¹ Печка.

қолган бўлса, негадир ўз тақдири ҳакида ўйлай бошларди.

Чамаси, Чеховнинг уйғун ва мазмундор ҳаёти кишиларни ўз ҳаётларини унга киёслаб олишга мажбур қилса керак.

«Суратлар занжири» деган ёзув Чеховнинг бирвакайига жуда кўп суратларини қўлга киритишга муяссар бўлган кечамни эслатди. Мен ўшанда Чеховнинг гимназияда тушган пайтидан тортиб вафотидан сал олдин олдирган суратларини қатор териб чиққандим. Ўшанда мен бундан бошқа ибратли нарсани кўрмагандим. Чеховнинг бутун ҳаётий йўли, яъни бепарво обиватель ва сал бетамизроқ ҳазил қиласидиган кишидан, ажойиб, маънавий гўзал, олижаноб ва мард қалб эгасига айлангунча босиб ўтган йўли ниҳоятда ёрқин бўлиб, ҳар бир киши учун ибрат бўларлидир.

Чехов кишиларга ва ёзувчилик ишига нисбатан инсофли бўлиш бобида ўзига-ўзи зўр сабоқ бериб, тарбиялаган эди.

Куйидаги ёзув жуда қисқа. У иккита сўздан иборат. Унинг биринчиси «гений», иккинчиси «яхшилик».

Бироқ бу ёзувларда менга тушунарсиз бўлган ҳеч нарса йўқ.

Чехов — гениал ёзувчидир. Бу шак-шубҳасиз. Чехов ҳакида қалам тебратганлар унинг ниҳоятда камтар бўлганлигини ҳурматлаб, бу хусусда ошкора гапирмаганлар. Биз ҳатто Чехов вафотидан кейин ҳам унинг жигига тегмайлик, деб бу сўзни айтишга истиҳола қиласиз. Чехов бу сўзни ўзига нисбатан ишлатишни қаттиқ манкилганди.

Чехов камтарин эди, факат чинакамига буюк инсонларгина шундай камтар бўла оладилар. Унинг димодорлик, гуурланиш ва мақтанчоқликка сира тоби йўқ эди.

У, истеъдоддан маҳрум ёзувчининг рус характери белгиси — зўр руҳоний сингари тўдайиб кўшинидаидир, деб ёзган эди. Камтаринлик рус халқанинг энг буюк фазилатларидан биридир. Энг олдай ва ажойиб рус қилининг барчаси камтарин оламлар очагасидаар. Уларнинг биронтаси ҳам кеккабиб көрини, бешкаларни камчилиш ва ўзини ҳаммага намуна қилиш билан шугулашмаган.

Халқнинг маънавий кучи ва поехтиги — камтаринликда, пасткашлиқ ва бемаънилик эса — мактаничоклиқда жо бўлгандир.

«Яхшилик» деган ёзувим ҳәқида анча кўп нарса айтиш мумкин.

Чеховнинг инсон сифатидаги яхшиликлари ҳакида кўп гапирса бўлади. бирор унинг ажойиб ёзувчи эканлиги ва инсондарварлиги ҳам бутун бир оламдир. Менинчча, адабиётимизда Чеховчалик инсонларга яхши мұносабатда бўлган, улар деб азоб чеккан ва ёрдам беришга интилган ёзувчи топилмаса керак.

Ҳа, у яхши одам эди, бирор раҳмсиз эди. Нафратлаши ҳам қўлидан келарди, бирор у ҳар қандай гуноҳни афв этишга тайёр бўлган кўнгли юмшок ваъзхон эмасди. У инсон бошига тушган мусибатни ва башарий баҳтисизлик даҳшатини чукур тушунар, врач ва қаламкаш сифатида билар, шунинг учун ҳам кишилардан бир-бirlарига меҳрибон бўлиши талаб этарди.

Чеховнинг бу борадаги таъсири улкан эди ва шундайлигича колади. Италияning «Рим соат ўн бирда», «Велосипед ўғрилари», «Машинист», «Полициячилар ва ўғрилар», «Йўллардаги орзулар» каби энг яхши намуналарида гуманизм бобида Чеховдан андоза олгандир.

Адабиётимизнинг баъзи асарларида Чеховнинг анашу яхшилиги, унинг изланувчан гуманизми кўришимаяни-

ти. Бу ҳол эса уларни камбағаллаштириб, энг муҳим фазилатлардан бири бўлган китобхон қалбига таъсир этиш кучидан маҳрум этиб қўймоқда.

Мен папирос кутиларида топган ёзувларнинг тафсилоти шулар. Мен ана шу ёзувлар туфайли жозибали инсон ва ажойиб адаб бўлган Чехов ҳақидаги фикрларимни сизлар билан ўртоқлашдим.

Чехов ўзининг бутун вужуди билан чинакам инсоний баҳт мавжудлиги ва унга эришмоқ имкони борлигини бизга эслатиб туради. Биз ана шу инсоний баҳт йўлида меҳнат килмоқдамиз, курашмоқдамиз ва ғолиб чикмоқдамиз.

АЛЕКСАНДР БЛОК

Дарё сувининг ҳиди ва дала сукунати ҳақида ҳикоя қилишдан ҳам машаққатлироқ иш бўлмаса керак. Шунда ҳам суҳбатдошингиз дарё сувининг ҳидини аён сезиб, дала сукунатини яққол ҳис этадиган қилиб сўзлаб бериши керак.

Турли вазиятда хотирага тўсатдан тушиб қоладиган Пушкин шеърларининг (Блок таъбири билан айтганда) «billluriy жарангини» қандай берса бўлади.

Оlamda юзларча ажойиб ҳодисалар бор. Бизда уларни ифода этмоқ учун сўз, ибора ҳалигача топилмайди. Бу ҳодиса қанчалик улуғвор, қанчалик ажойиб бўлса, уни ўзимизнинг жайдари сўзлар билан ифодалаш шунчалик машаққатли бўлади.

Александр Блокнинг ҳаёти ва шеърияти рус воқелигимизнинг ана шундай гўзал ва кўп жиҳатдан изоҳлаб бўлмайдиган ҳодисаларидан биридир.

Блокнинг фожиали ўлимидан бери қанчалик кўп

вакт ўтган сари бу гениал инсоннинг орамизда яшаганинги фактининг ўзига ишониш қийинлашиб бормоқди.

У кўпчилигимиз учун ажойиб кишилар, Уйғониш даври шоирлари, умумбашарий афсоналарнинг қаҳрамонлари қаторида туради. Блок, хусусан, мен учун энг сенвимли ярим афсонавий кишилар — Орланд, Петрахия, Абеляр, Тристан, Леопарди, Шелли ёки ҳозиргача тушуниб етилмаган, ўзининг қиска умри давомида саҳрода сарфлаган қалб ҳарорати ҳакида куйлашга улгурған ўспирин йигит — Лермонтов сингари афсонавий кишилар қаторида туради.

Блок Лермонтовнинг ўрнини босди. У шоир ҳакида:

Мен унинг дарғазаб жағоларида
Ажойиб баҳорнинг мунгин кўраман —

деб ёзган эди.

Мен Блок билан учрашолмаганим ва унинг овозини эшитолмаганимни ҳаётимнинг улкан йўқотишларидан бири деб биламан.

Мен Блок овозини эшитмаганман, унинг шеърни кандай ўқиганлигини ҳам билмайман, бироқ бу ҳакда мӯжазгина тадқиқот ёзган шоир Пластнинг сўзларига ишонаман.

Блок овозининг тембри бўғиқ, пастроқ, бироқ бир текисда силлиқ эди. Унинг овози яқинроқдан келаётган овоз сингари ҳатто замондошлирига ҳам эшитиларди. Бу овозда анчагача жаранглайдиган тор оҳангি сирли ва мафтункор нимадир бор эди.

Блок менинг онгим, ҳаётимдан мангу ўрин олган, у хусусда ҳеч бошқача ўйлай олмайман. Мен хаёлан у билан учрашиб, асарларини мутолаа қилиб, гўё кўп тунларни бирга ўтказганман. Шунда унинг кўзим ногиҳон тушиб қолган ҳар бир мусиқий мисраси юрагимни орзиктириб юборарди.

Бу овоз сенини...
Бунинг ҳар бир иотаниш ҳарфига
Бахиу этаман умру мусибатимни.

Блок жуда ёшлик йилларимдаёқ вужудимдан чукур жой олди. У Есенин сўзлари билан айтганда, «бебақо юкларни сафарга ҳозирлаш фурсати етган» ҳозирги пайтда ҳам юрагимдадир.

«Бебақо юклар» орасида ҳеч қачон Блок шеърлари бўлмайди. Чунки унинг шеърлари бебақолик ва чириш қонунларига бўйсунмайди ва улар инсон ер юзида яшар экан, «худо яратган мўъжизаларнинг мўъжизаси бўлган» эркин рус лафзи мавжуд экан, умр кўраверади.

Мен Блокни яхши билмаганимга афсусланаман. Унинг ўзи шундай деган эди:

«Мўъжизакор нарсалар ёнгинамида турганлигини киши анча кеч билиб қолади».

Кесилган умрни қайтариб бўлмайди. Биз Блокни жисман қайтадан тирилтира олмаймиз ва кундалик ҳаётимизда у билан мутлақо учраша олмаймиз. Бирок оламда табнатнинг бераҳм қонунларини поймол қиладиган мўъжизага тенг бўлган, шунинг учун ҳам кишига тасалли берадиган бир ҳодиса бор. Бу ҳодиса — санъатдир.

Санъат хаёлан барча нарсани бунёдга келтириши ва жонлантирмоғи мумкин. «Уруш ва тинчлик»ни яна бир ўқиб чиқинг-а. Шунда сиз орқада беркиниб турган Наташа Ростованинг кулган овозини эшиласиз ва уни тирик, реал одамдай севиб қоласиз. Мен бунга кафилман.

Блокка бўлган муҳаббат, уни соғиниш ҳисси шу қадар кучлики, эртами-кечми бирорта поэма ёки повестда кайта туғилиш мўъжизасини ўзида синааб кўрган шоирнинг жонли, мураккаб, мафтункор сиймоси яралажак.

Бизнинг мамлакатимиз истеъдод соҳибларига бойдир. Ёркин сиймо бўлмиш Блок образи асарларимизда

ҳануз яратилмаганлиги учун ҳам келгусида бу иш рўёбга чиқажагига ишончимиз комилдир.

Шу ерда ўзим ҳакимда уч-тўрт оғиз сўз айтишга тўғри келаётганлиги учун узр сўрайман.

Мен автобиографик қисса ёзишга киришдим ва шу чоққача кечган умримнинг ярмини тасвирашга улгурдим. Бу мемуарлар эмас, балки автор чинакам воқеалардан бемалол чекина оладиган қиссадир. Бироқ асосий тасвирда воқеаларни у ёки бу даражада кўзда тураман, улардан четга чиқмайман.

Автобиографик қиссада мен ўзимнинг ҳақиқий ҳаётимни тасвиirlайман. Бироқ бошқа адиблардаги сингари менда ҳам кўшимча биография бор. Бу биографиям реал эмас, уни яшамаганман. У фактат менинг истак ва тасаввурларим оламидагина мавжуддир.

Мен ана шу кўшимча ҳаётим ҳақида ҳам калам сурмоқчиман. Уни тасаввуримда ҳар қандай тасодифлардан моне ҳолда, истак-ҳоҳим асосида қандай яратган бўлсам, асаримда ҳам худди ўшандайлигича тасвиirlамоқчимон.

Мен ўзимнинг ана шу иккинчи «автобиографиям»да Блок билан яқиндан учрашоламан, ҳатто у билан дўстлашиб, унга қанчалик эҳтиром ва меҳр билан қараган ва унинг хусусида нимаики ўйлаган бўлсам, барини қофозга тушира оламан. Мен бу билан Блокнинг ўз вужудидаги умрини узайтирмокчиман.

Сиз, мендан, бунинг нима ҳожати бор, деб сўрашга ҳақлисиз.

Бу менинг умрим ҳам уйғун ҳолда ниҳоясига етмоғи ва ўз ҳаётим мисолида Блок шеъриятининг кучини кўрсатишм учун зарурдир. Мен Блокни кўрмаганман. У ҳаётининг сўнгги йилларини кечираётганида мен Петербургдан олисда эдим. Бироқ ҳаётимдаги ана шу йўқотиш ўрнини бошқача нарса билан тўлдирмокчиман.

Балки бу жуда содда кўринар, бироқ мен Блокка алоқадор бўлган барча нарса — кишилар, шароит, Петербург табиатининг манзараси билан учрашиш иштиёкидаман. Петербург табиатининг манзараси шоир вафотидан кейин деярли ўзгармаган.

Ленинграддаги шоир яшаган ва вафот этган уйни кидириб топишдек ғалати истак мени анчадан бери қийнарди. Уйни бировнинг мададисиз, ҳеч кимдан сўрабсуриштирумай ва Ленинград харитасини ўрганмай тошиши хоҳлардим. Мен Пряжка дарёси (бу дарё соҳилидаги ҳозирги Декабристлар кўчасининг муйилишидаги уйда Блок турган эди) қаердалигини ғира-шира билганимдан пиёда жўнадим ва ҳеч кимдан йўлни сўрамадим. Нега бундай қилганлигимни ўзим ҳам билмайман. Мен йўлни фараз билан топаман, Блокка бўлган ҳурматим етакчи янглиғ қўлимдан ушлаб, унинг уйи останасига элтади, деб ишонган эдим.

Биринчи сафар Пряжкага етолмадим. Дарё тошиб, барча кўприклар беркитилган эди.

Мен ўшанда қалт-қалт титраб, гарб ёқдаги хунук лойка сувга тикилардим. У ёқда Пряжка дарёси оқарди. Ўша тарафдан эсаётган совуқ шамол юзга урилиб, туман тарқатар, унинг зулматида баҳайбат иморатлар пўртанада қолган кемалардек қорайиб турарди.

Мен Блокнинг уйи денгиз соҳилида эканлигини билярдим. Шу важдан Болтиқ денгизининг тўфони зарбасини дастлаб унга берса керак.

Фақат иккинчи сафаргина Пряжкадаги уйга етиб бордим. Мен ёлғиз эмасдим. Блокнинг уйини излаётганимиздан бениҳоя хурсанд бўлган ўн тўққиз яшар қизим ҳам ёнимда эди.

Биз Нева бўйида кетарканмиз, негадир йўлни ниҳоятда аниқ эсладим.

Октябрь кунларидан бири бўлганидан, ҳавонинг сал

—ковоги солик, япроқлар дараҳтлардан чирпирак бўлиб тўкиларди. Мана шундай кунларда юпқа туман ер юзи-га вактинча тушгандай туюлади. У живирлаб туради. Киши яйраб нафас олади. Туман чўян панжараларни майда сув зарралари билан қоплаб олади.

Блок асарларидан бирида: «Куз кунларининг сояси» деган ибора бор. Октябрнинг ўша куни ҳам ана шундай сояларга сероб бўлган нимкоронги ва совук кун эди. Қамал кунларида снаряд парчалари илма-тешик қилган уйларнинг деразалари хира ялтиради. Ҳавода тош-кўмир ҳиди анкирди. Уни шамол порт томондан олиб келаётган бўлса керак.

Биз секин кетар, тез-тез тўхтаб теварак-атрофимиздаги нарсаларга тикилардик. Мен, негадир, Блок уйига ҳувиллаган Офицерлар кўчасидан эмас, балки худди ана шу кўчадан қайтарди, деб ишонардим.

Атрофдан кучли балчик ва қипик ҳиди келарди. Шу ернинг ўзида, Неванинг кимсасиз соҳилида устларига пахталик кийган қизлар чап арра билан қайнин ўтин арралашарди. Улардан қипик мушак янглиғ учар, бироқ арраларнинг ғашга тегувчи овози майнин ва бўғик эшистиларди. Арралар бамисоли пинҳона кўшиқ куйларди.

Қорайиб турган канал ортида (канал Пряжканинг ўзи эди) кемасозлик заводларининг сўрилари, трубалар, қурум босган фабрика корпуслари кўриниб туради.

Мен Блок квартирасининг деразаси гарбга, ана шу завод манзараси, денгиз лабига Караганини билардим.

Пляжка лабига етишимиз биланоқ тош уйлар ортида якка-ягона ғиштдан қурилган, катта, лекин жуда одми иморатни кўриб қолдим. Бу Блокнинг уйи эди.

— Мана, етиб ҳам келдик,— дедим қизимга.

Қизим тўхтади. Унинг кўзлари кувончдан порлади, бироқ ўша заҳоти шод чакнаган кўзларидан ёш ялтиради. У ўзини босишга ҳаракат қиласар, лекин кўз ёшлари

унга бўйсунмай киприкларидан томчилаб турарди. Қизим шундан кейин типирчилақ қолиб, елкамга ёпишиб, кўз ёшини яшириш учун юзини енгимга босди.

Уйнинг деразаларида Ленинградга хос хира нур порлар, бироқ бу нур икковимизга ҳам муқаддас кўринарди.

Мен ёш қалбнинг тортиноқ ва олижаноб муҳаббатига мушарраф бўлган шоир нақадар баҳтиёр, деб ўйлардим. Ёш вужуд ўз икрорини ёш шоирга айтади. Чунки Блок бизнинг тасаввуримизда доимо навқирон ва шундай бўлиб қолади. Бу баҳт аянчли ҳаёт кечирган ва фожиали равишда ўлган барча шоирларга насиб бўлган.

Блок ҳануз сирлигича қолиб келаётган, ички ташвишини ҳеч кимга айтмай қийналса-да, ҳаётининг кейинги йилларида ҳам ўзида навқиронликнинг ташқи белгиларини саклаб қололган эди.

Бу ерда мўъжазгина бир чекиниш ясаш керак.

Ижодлари ниҳоятда улкан кучга эга бўлган шоир ва ёзувчиларнинг мавжудлиги барчага маълумдир.

Уларнинг оз микдорда бўлса ҳам онгимиздан жой олган проза асарлари ва шеърлари бизни жунбушга келтиради, кишида қанчадан-қанча фикр уйғотади, образларни жонлантиради, буларнинг барини қофозга туширишга зўр истак туғдиради.

Блок ана шу маънода кўп шоир ва ёзувчиларга аник таъсир кўрсатади. У фақат шеърлари билангина эмас, балки ҳаётидаги онлар билан ҳам таъсир қиласади. Мен бу ерда битта мисол келтираман. Бу унча характерли бўлмаслиги мумкин. Лекин ёдимга тушиб қолганлиги учун келтиряпман.

Ёзувчи Александр Гриннинг тугалланмай қолган ва ҳали ҳам нашр этилмаган «Тегма нозик» деган романнабор. Бу романнаги қаламга олинган шароит ва қўпчилик деталлар Блокнинг Британия, унинг Аберврак де-

ган мүйжазгина портида кечирган ҳаёти ҳақидаги Ҳикояларига муштарақдир.

Блок у ерда умрида илк бор денгиз ҳаётига аралашганди. Бу ҳаёт уни бамисоли болалардек завқлантиради. Барча нарса унга худди әртаклардаги яңглиғ қизикарли туюларди.

Блок онасига шундай деб ёзган эди:

«Биз атрофимизни денгиз сигналлари қуршаган жойда турибмиз. Ҳар беш секундда ёниб турадиган асосий маёқ деворларимизни ёритади. Портда йигирманчи йилларда (үтган асрнинг) иш берган, Мексика урушида қатнашган, курол-яроғлари йигиштириб олинган, ҳозир эса лангар ташлаб дам олаётган кема турибди. Унинг номи «Мельпомена». Тумшуғида денгиз сари интилаётган оқ ҳайкал бор».

Хатдан яна битта характерли парча келтирамиз: «Якинда айланувчи маёқлардан бирига карайдиган кекса коровул машинасини кечқурунги ишга тайёрлашга улгуrolмай оламдан ўтди. Шундан кейин унинг хотини иккита ёш боласини кечаси билан машинани қўлда айлантиришга мажбур қилибди. Бунинг учун аёлга фахрий легион ордени берилди».

«Мен,— деб ёзади Блок,— руслар ҳам худди шундай қилган бўлардилар деб ўйлайман».

Аберврак яқинидаги оролда Саизон деган эски фор¹ бор эди. Француз ҳукумати ана шу форт бутунлай ишдан чиққанлиги ва кераксиз бўлиб қолганлиги учун уни жуда арzonга сотди.

Блок ана шу фортни сотиб олишни жуда хоҳлаган бўлса керак. У фортни сотиб олса, у ерда деҳқончилик қилиш, боғ вужудга келтириш, биноларни тузатишга 25000 франк кетишини ҳам ҳисоблаб чиққанди.

¹ Калъа.

Фортдаги барча нарса — ярим хароба күттарма күп-риклар, истеңкомлар, порох сақланадиган омборлар ва қадими замбараклар ҳам романтик эди.

Блокнинг қариндошлари уни фортни харид қилиш ниятидан қайтаришди. Шундай бўлса ҳам Блок танишлари ва дўстларига эски форт ҳакида гапириб юрди. Чунки бу орзу унинг қалбидан маҳкам жой олган эди.

Грин ҳам ана шу ҳикояни эшишиб қолиб, роман ёзган эди. Унда тасвирланишича, «Тегма нозик» лақабли қизи бўлган бир қария ҳукуматдан кўҳна фортни сотиб олиб, ташландик кўттармаларни хушбўй бутазорлар ва гулзорларга айлантиради.

Романда хилма-хил воқеалар рўй беради. Бирок унда курол-яроғдан холи, тинч, сокин ва романтик форт жуда яхши тасвирланган. Шунингдек, дараҳтлари, бутазорлари ва гуллари батафсил кўрсатилган боғ тасвири ҳам яхши чиққан.

Блокнинг баъзи шеърлари, бундай қараганда, ғалати туюлган ғояни амалга оширишга, яъни ана шу шеърларни ўқиганда қалбимда ҳосил бўлган туйғулар хусусида ҳикоялар ёзишга туртки бўлганлигини ҳам эътироф қилмоғим керак.

Бу фикр ҳозир ҳам тинчлик бермайди. Мен ҳозиргacha Блокнинг «Россия» шеъри таъсири самараси бўлган «Ёмғирли тонг» деган ҳикоямни ёзишга улгурдим.

Олис йўлдан дуррали жонон
Оний нигоҳ ташлаган кезда.
Қийин ишлар туюлар осон,
Йўллар яқин кўринар кўзга...

Мен Блокнинг ҳаёти ва шеъриятига изоҳ бермокчи эмасман. Бу иш қўлимдан ҳам келмайди. Блокнинг келажакда Россия ва башарият бошига тушмоғи керак бўлган синовларни олдиндан кўра олгандай бениҳоя

даҳшатга тушганлиги менга унчалик етиб бормайди. Шоирнинг айрим асарларида кўзга ташланиб қолувчи даҳшатли танҳолик туйғуси, чуқур шубҳаларга берилиш ва ҳалокатларни ҳис этиш, революцияни ниҳоятда мурракаб деб тушуниш менга ётдир.

Мени Блок ҳаёти ва етук шеърларининг ажойиб жозибаси ўзига тортади ва мафтун килади. Унинг айрим шеърий асарларидаги жонли образлардан, тўлақонликдан, ҳис-туйғудан маҳрум бўлган ясама символизм кўлкалари у гимназияда ўқиган йилларида берилган оқимнинг анча йилларгача йўқолмай келган саркитларидир.

Гоҳо мен Блокнинг кўпчилик асарлари кишиларимизнинг кейинги авлодига, яъни ёшларимизга ҳам тушунарла бўлармикин, деб ўйлаб қоламан.

Масалан, шоирнинг қашшоқ Россияга бўлган муҳаббати уларга тушунарсиздир. Ҳозирги ёшларимиз нуқтан назаридан қараганда:

Хароб, қашшохирлик қишлоқлари шу кадар сероб,
Кўринмайди ахир санаган билан.
Фақат кўзга чалинар бадковоқ кунда,
Олисдаги ўтлока ҳам чўзган гулхан

мавжуд бўлган мамлакатни қандай севиб қолиш мумкин.

Ҳозирда бундай Россиядан ном-нишон қолмаганлигидан ёшларимизнинг буни тушунмоқлари оғирдир. Блок билган ва севган Россиянинг қиёфаси ҳозир йўқ, у бутунлай ўзгариб кетган. Мабодо чеккада хилват қишлоқлар, ўнқир-чўнқир йўллар ва чангалзорлар ҳозир ҳам учраб турса-да, бу қишлоқларда бутунлай бошқа инсон яшамоқда. Авлодлар ўзгарган, набиралар боболарини танимай боряпти, гоҳо эса ўғиллар оталарини тушунишмаяпти.

Набираларимиз бу қашшоқликни тушунмайдилар,

тушунишни ҳам истамайдилар. Бу қашшоқлик афсона ва эртакларда куйланган, маъсум гўдакларнинг туйғун кўзларида, кўркувдан ўтакаси ёрилган кизларнинг ёпик киприкларида, сайёр ва майиб-мажруҳларнинг ҳаяжонли ҳикояларида, кишиларнинг теварак-атрофларидағи ўрмон, кўл, ташландик кудуқлар, кампирларнинг фарёди ва михлаб ташланган уйларда оғир сир-синоат ва мўъжиза бор деб муттасил таҳликада туришларида эса акс этган. «Пинакка кетсан ҳам унинг ортида кандайдир сир яширин кўринар, шу сирда ҳам сени кўраман, эй Русь».

Ана шу хароб кулбалар, марсиялар, кул, бурганларнинг исини севиш ва ушбу хароблик замирида ўрмон ва чаманзорлар куршовидаги Россиянинг рангпар гўзалигини кўра билмоқ учун улкан ва бардошли юрак ҳамда халққа буюк муҳаббат керак эди. Блокнинг кўпгина ўтмишдошлари Россиянинг ана шу латофатини кўра олдилар. Бироқ бу Русь оламдан ўтаётган эди. Блок унга аза очиб, шундай фарёд қилди:

Хароб бир тобутда ётибсан,
Қашшоқ ва нотавон, она Русь!

Блок жанубдаги чўллар тимсолида янги Россияни, «Янги Америка»ни кўради:

Бу ерда ҳилпирамас түғлар,
Сочни шамол тўзғитмас бу дам.
Уз жамолини кўрсатар уйлар,
Гудок чалар, завод, фабрикам.

Кўҳна ва янги Русь катта авлод кишиларига деярли бир даражада танишдир. Россияни бунчалик атрофлича ва чукур билиш — бу авлоднинг бойлигидир.

Кўҳна Россияни, «бунёд қилинган ва дунёга келган» нарсаларни, эски қишлоқлар, бутун мамлакатни кезган

мафтун сайёхлар, Куликов майдони устидаги қонли шафакни күрмай, билмай туриб янги Россияни билиб бўлмайди.

Блокнинг муҳаббат ҳақидаги шеърлари афсуннинг ўзгинасиdir. Афсунни тушунтириш қанчалик оғир бўлса, уларни ҳам оддий сўзлар билан шарҳлаш шунчалик мушкул. Бу шеърларни қайта-қайта ўқиш, такрорлаш, ҳар гал қалб тепишини тинглаш, хумор оҳангларини эшитиб сархуш бўлмақ ва хотирадан ҳам чукур жой олиб бораётганидан узлуксиз ҳайратланмоқ даркор.

Шоирнинг ишкий шеърлари, айниқса, «Нотаниш қизга» ва «Ресторанда» сарлавҳали шеърлари поэтик маҳорат бобида қиёмига етгандир. Булар мисли муаммодай туюлиб, кишини кўркувга солади ҳам. Эҳтимол Блок илҳом парисига мурожаат қилганида, ана шу шеърлари хусусида ўйлагандир:

Шимол тунидан ҳам сермакр,
Лўли ишқидан ҳам қисқарок,
Олтин шаробдан ҳам бақувват
Сенинг ғамзанг, даҳшатли, бирок...

Блокнинг севги ҳақидаги шеърлари факат вақт ўтиши билан бақувват тортади, ўз образлари билан кишиларни ҳайратлантиради. «Унинг майнин ипак соchlари узоқ йиллар эртак уфураг», «Мафтун бўлган қирғоқлар или мафтункор уфқни кўриб турибман», «Олис қирғоқларда кўм-кўк қизлар янглиғ гуллар очилар».

Булар факат абадий жозиба ҳақидаги сатрларгина эмас, уларда ҳатто севилган ва севилмаган юракларни асира этгувчи қанчадан-қанча поэтик куч ҳам яширгандир.

Блокнинг шеърларини «номаълум бир куч» қандайдир бир олий нарсага, факатгина ёлғизгина поэзиянинг ўзигагина эмас, балки шеърият, музика ва фикр уйғун-

лашган ва инсон калбига монанд радиша ураётган, санъатнинг ҳали ҳам ўзига боп ном тополмаган ҳодисасига айлантиради.

Бунга ишонч ҳосил китмок учун шоирнинг барчага яхши таниш бўлган бир банд шеърини келтириш кифоя килади:

Фойиб бўлдинг зумла ҳуркиан күш каби,
Бу эса туш янглиги енгил кўриниди.
Ташвишида шивирилаб турғанлар лаби,
Киприклар юмилиб, қалблар хўрсинди.

Блок ўз шеърлари ва прозаик асарларида Россия тарихининг 90-йилларидан тортиб, то биринчи жаҳон урушигача фалсафий, поэтик, сиёсий ва диний мактаблар бир-бiri билан чамбарчас боғланиб кетган давригача, ниҳоят «гуллардан ок гулчамбар таккан» Октябрь революциясигача бўлган даврни куйлади. У шеъриятнинг хазиначиси, жангчиси, кора ишчиси ва даҳоси эди.

Блок гений инсон вактан олис масофаларга зиё тараатди, деган эди. Бу сўзлар тўлалигича унинг ўзига тааллуклидир. Унинг бизлардек ҳар бир ёзувчи ва шоир тақдирига таъсири тездан кўзга ташланмаса ҳам ҳар қалай каттадир.

Мен ёшлик йилларимдаёқ Блокнинг куйидаги буюк сўзлари мъносига тушуниб, уларга ишонган эдим:

Барча тасодифни ўчирсанг агар,
Шунда сен кўрасан — бу ҳаёт гўзал...

Мен Блокнинг ана шу маслаҳатига амал қилишга интилдим. Бу насиҳати учун ундан чукур миннатдорман. Биз унинг даҳоси олтин зиё сочаётган кунларда яшаямиз. Бу зиё мамлакатимизнинг келажак авлодларига ҳам ўзининг тиник ёғлусини етказажак, албатта.

ГИ ДЕ МОПАССАН

У ўз ҳаётниш биҙдан пинжон
тутарди.
Ренар Мопассан ҳақида.

Ривьерада Мопассаннинг «Азиз дўст» деб номланган елканли қайифи бўлар эди. У ўзининг «Сувда» деган энг аянчли ва қалбни ларзага солувчи асарини ана шу қайида яратганди.

Мопассаннинг «Азиз дўст»ида иккита матрос хизмат қилар, каттасининг оти Бернар эди.

Матрослар гарчи кейинги пайтларда «хўжайин»га бир бало бўлганлигини — унинг ўй ўйлашдан эмас, балки чидаб бўлмайдиган бош оғригининг ўзиданоқ ақлдан озиши мумкинлигини сезишса-да, на гапда, на хатти-ҳаракатда сир бой беришмасди.

Матрослар Мопассан вафот этгандан кейин Парижда чикадиган газеталардан бирининг редакциясига инсоний мусибатга тўлиб-тошган қиска ва нўноқроқ мактуб юборишиди. Бу икки содда одам кўпчиликнинг Мопассан тўғрисида юрган нотўғри «миш-миш»ига тамоман тескари ҳолда хўжайнлари мағрур ва уятчан одам эканлигини билишган бўлишса ҳам ажаб эмас.

Улар Мопассан хотирасига нима ҳам қила олишарди? Уларнинг қўлидан хўжайнларининг севимли қайифи ёт ва лоқайд одамларнинг қўлига тушиб қолмасин деб кучлари етганча ҳаракат қилишгина келарди.

Матрослар қўлларидан келганча уринишарди. Улар қайиқнинг сотилишини имкони борича пайсалга солишиди. Икковлари ҳам жуда камбағал бўлганларидан қанчалик азият чекишганини худонинг ўзи билади.

Улар Мопассаннинг дўстларига, Франция ёзувчила-рига мурожаат қилишиди. Бироқ нафи бўлмади. Қайик

пировардида бекорчи бой граф Бартелемининг кўлига ўтиб кетди.

Бернар куни битиб жони узилаётганда ёнидагиларга:

— Ёмон денгизчи бўлмадим,— деган гапни айтган эди.

Олижаноблик билан ўтган умрни бунчалик содда ифодалаб бўлмайди. Афсуски, ўзлари ҳакида шундай сўзларни тўла ҳуқук билан айтадиган одамлар унчалик кўп эмас.

Матроснинг тилидан айтилган бу васиятли сўзларни бизга Мопассан колдирган.

У ёзувчилик йўлини ҳайратомуз даражада тез босиб ўтди. «Мен адабий ҳаётга метеор янглиғ кириб келдим,— деганди Мопассан,— уни эса яшиндай тарк этаман».

Инсоний Кусурнинг аёвсиз кузатувчиси, ўзини «ёзувчилар клиникаси» деб атаган бу анатом қаламкаш ўлнимидан сал аввал покиза, машаққатли ва қувончли бўлган ишкни эъзозлашга интилганди.

У ҳатто ҳаётининг сўнгги соатларида, миясини қандайдир заҳарли туз емираётгандай туюлган пайтларда ҳам шошилинч ва толикиш билан кечган умрида қанчадан-қанча соф диллар сәмимиятини поймол қилганлигини алам билан ўйларди.

У ўз асарларида кишиларни қаёққа чақирар, нимага бошларди? Кишиларга нимани ваъда қиларди? Эшкакчи ва ёзувчи ўзининг бакувват кўллари билан инсонларнинг оғирини енгил қилдими?

Бундай иш килмаганлигини унинг ўзи ҳам тушунарди. Шунинг учун ҳам агарда унинг асарларидаги ёмонликни фош этиш ёнига эзгуликка раҳм-шафқат кўшилганида борми, у башарият хотирида эзгуликнинг даҳоси сифатида колган бўлур эди.

Бамисоли ташландиқ гўдак янглиғ у қовоғини очмай

тортинчоқлик ила латофат сари интиларди. У мұхаббат фақат ҳирс әмас, балки курбон ва пинхоний күвонч ҳамда бу жағоннинг поэзияси әканлигини тушуниарди. Бирок энди у кечиккан, шунинг учун ҳам чекида виждан ва тәассуфнинг дашномларигина қолганди.

У энди бир вақтлар севгисини ўзи рад этиб, бағыни поймол қилган қызларни эсласа бениҳоя ачиниб, чүкүр изтиробда коларди. Ҳали батамом қизча бўлган рус рассоми Башкирцевани эслаб туради. Башкирцев Мопассанни севиб қолганди. Бирок Мопассан бу сеғиги масхараомуз ва ҳаттохи олифталарча ёзилган мақтуб билан жавоб қайтарганди. Бу билан унинг эрикайтик фурури таскин топган эди. Бундан ортик нарсанинг ўзиге кераги йўқ эди.

Башкирцева ҳам гапми! У Париждаги фабрикалардан бирида ишлаган қизни ўйлаганида бундан ҳам беттар изтиробга тушарди.

Бу қиз воқеасини Поль Бурже баён этган. Мопассан шунда, бу салон психологининг чинакам инсоний фо жиага аралашувига ким ҳуқук берди, деб дарғазаб бўлганди. Бунда, албатта, Мопассаннынг ўзи айбдор. Бирок мадордан кетиб, миясига кемирувчи туз қатлаш-қатлаш бўлиб ўрнашиб олгандан кейин қўлидан нима келарди. Нима ҳам қила оларди! У гоҳо тузларнинг ўтказиб ўзиге кристаллари миясига санчилаётганда чиккан овозеен ҳеч эшишиб турарди.

Ишчи қиз! Содда, гўзал қиз! У Мопассаннинг ҳикояларини сув қилиб ичиб юборган, ўзини эса бир мартабада кўрган. Шундан кейин ёзувланин чакноқ кўзларди сингари пок бўлган бор юрак ҳарорати-ла сезиб ҳалганди.

Содда қиз! Мопассан бўйдок ва ёлғиз әканлигини билганидан кейин, бутун ҳаётини унга багишлайди, ған-хўрлик қилиш, дўсти, рафиқаси, чўриси ва оқсоғи бўлди.

истаги вужудини шунақанги чулғаб олдики, бунга ҳеч дош беролмади.

Киз камбағал, устидаги кийими ҳам хароб эди. У бир йилгача очин-тўқин яшаб, ўзига ажойиб кийимлар қилиш ва ўшанда Мопассанга рўбарў бўлиш учун сантим-ма-сантим пул тўплади.

Ниҳоят кийим-бош ҳам тайёр бўлди. Киз барвакт — Париж ҳали уйқуда бўлиб, тушлар уни тумандай чулғаб ётганида ва ўша туман ортидан чиқаётган қўёш хира ёфду сочаётган пайтда уйғонди. Бу эса аргувонли хиёбонларда қушлар нағмасини тингласа бўладиган ягона дақика эди.

Киз устидан совуқ сув қуиб ювинди-да, гўё улар бамисоли муаллақ ва хушбўй қиммат баҳо нарсалардай бирма-бир ҳарир пайпоги ва мўъжазгина ялтироқ туфлисини, ниҳоят эса ажойиб қўйлагини кийди. Ойнага караганди, ўзини таниёлмай қолди. Рўбарўсида вужуди шодлик ва ҳаяжондан тўлқинланаётган, бутун ишки чарос кўзларидан билиниб турган, лаблари гилос нозиккина аёл турар эди. Ҳа, у мана шундай ҳолларда Мопассанга рўбарў бўлади ва унга қўнглида борини тўкиб солади.

Мопассан шаҳардан ташқаридаги чорбоғда турарди. Киз кўча эшикда туриб, уйининг қўнғирофини чалди. Эшикни эса Мопассаннинг дўстларидан бўлган бир ишратпараст, сурбет ва хотинбоз киши очди. У тишининг оқини қўрсатганича қизга еб қўйгудек тикиларкан, жаноб Мопассан уйда йўқлар, ўйнаши билан бир неча кунга Этретага кетганлар, деди.

Киз бу гапларни эшиштан замони қичқириб юборнида, тери қўлқопи билан темир панжарани бир-бир ушлаб нари кета бошлиди.

Мопассаннинг дўсти унга етиб олди-да, соябон аравага ўтқазиб Парижга олиб кетди. Киз йиглар, ўч олиш

ҳақида узук-юлук гапиради. У ўша куни оқшомда жўрттага Мопассанга қастма-қастликка ўзини ана шу ишратпараст қўлига топшириди.

Бу қиз бир йилдан кейин Парижда ёш фоҳишалардан бири сифатида ном чиқарганди. Мопассан эса бу воқеани дўстидан эшигандан кейин уни уйидан ҳайдаб чиқармади, шапалоқ билан тортиб ҳам юбормади, дуэлга ҳам чақирмади, фақат кулиб қўя қолди, холос. Сабаби қиз воқеаси унга қизиқарли туюлган, у ҳикоя учун дурустгина сюжет бўла оларди-да.

Кизнинг кўча эшикда худди муаттар баҳор янглиғ кичкина қўллари билан юрагини ишониб ҳадя этиб турган пайтини қайтаролмаслик нақадар даҳшат!

Мопассан қизнинг отини билмаса ҳам уни хаёлига келган энг ажойиб исмлар билан атарди.

У оғриқдан тўлғанаарди. Кибрли, улуғ Мопассан ҳозирги дамда қизнинг изларини ўпиб, кечирим сўрашга тайёр эди. Бироқ бунинг мутлақо иложи йўқ эди. Бу воқеаларнинг бари Бурженинг кам тушунарли инсоний ҳиссиётлар оламига оид яна бир қизиқарли латифа ёзишига баҳона бўлди.

Кам тушунарли ҳиссиётлар дейсизми? Йўқ, булар энди Мопассанга жуда тушунарли ҳиссиётлар эди. Ҳистийғулар эзгутир! Улар ҳали камолотга етмаган оламилиз муқаддас ҳис-туйғуларининг муқаддасидир. Агар миясини емираётган туз бўлмаганда Мопассан булар тўғрисида истеъод ва маҳоратининг бутун кучини ишга солиб қалам тебратган бўлур эди. Бу туз Мопассан ҳовуч-ҳовуч килиб туфлаётганига қарамай, миясини тинимсиз кемирарди. Мопассан бўлса бу оғуни ҳовучлаб-ҳовучлаб туфларди.

ИВАН БУНИН

Киши тушунолмайдыган бу олам
қанчалик мунгли бўлмасин, бари
бир гўзалдир.

И. Бунин

Мен гимназияда ўқиб юрган йилларимдаёқ Бунин асарларини бош кўтармай ўқирдим. У пайтларда Бунин тўғрисида кам нарса билардим. Венгеровнинг «Ёзувчи-лар луғати» китобидаги Бунин ўзи ёзган автобиографик мақолани ўқиганимдан баъзи нарсалардан хабардор эдим. Бу мақолада Бунин ёшлигини Елец билан Ефремов (у пайтлардаги Тула губернасининг) шаҳарчалари орасидаги қайси бир қишлоқда ўтказгани, кейин эса Елец гимназиясида ўқиганлиги айтилганди.

1916 йилнинг совуқ апрель ойида мен илк марта Ефремовда турувчи қариндошларимиз бўлган сўққабош кампирнинг уйига келдим. Жануб томонда кўп айланиб юрганимдан кейин бу қариндошимиз мени дам олиш учун меҳмонга таклиф килганди.

Кампир Ефремовдаги шаҳар мактабида муаллимлик киларди. У ҳам барча ўқитувчилар сингари тез-тез томок оғриғи бўлиб турарди. Бунда у турли усууллар билан, ҳатто «Буниннинг табиблиқ методи» билан ҳам даволанарди. Мен буни эшитиб қолгандан кейин бир куни қариндошимиздан:

— Қайси Буниннинг методи? — деб ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Евгений Алексеевичнинг. Ёзувчининг укаси. У бизнинг Ефремовдаги акцизда¹ ишлайди. У томок оғриғини даволашнинг йўлини топган. Томоқни курук мўйна

¹ Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариладиган молларга, кўпинча кенг истеъмол молларига ҳукумат томонидан солинадиган солиқни тўплаш билан шугулланадиган идора.

билан ишқаласа бўлди, тузалади-қолади. Бироқ у ҳам менга кор қилмади. Евгений Бунин бўлса ишбиларманд ва жуда ёқимсиз киши. Унинг акасини ёзувчи, жуда ажойиб ва қиёмат одам дейишади. У гоҳида бу ерга келиб туради.

Чекка шаҳарларнинг деярли барчаси бир-бирига ўхшайди. Уларнинг бари, Чехов сўзлари билан айтганда, типик Ефремов шаҳрининг ўзи эдилар. Қайси бирига борманг, монастирнинг ташландиқ ҳовлиларини, черковларнинг тош дарвозалари устига ўрнатилган ҳайкалларни, исправник тройкасининг жингиллаб турувчи қўнғироғини, яйловдаги қамоқхонани, кўча эшигининг олдида темир фонус ёниб турадиган ягона уй бўлган земство мажлиси ўтадиган бинони, қабристондаги арғувонларда ва чуқур жарликларда чағир-чуғур қилаётган зағчаларни кўрардингиз. Ёзда бу шаҳарларни қичитқон ўти босиб кетар, қишида эса устига кул ташланган корда печь ва самоварлардан олиб ташланган чала ўтинлар тутаб ётарди.

Ефремовда эканимда Бунин тасвирлаган Россия қалбимга кириб, уни узок вакт забт этди.

Елец яқинроқда бўлганидан мен Бунин яшаган бу шаҳарга боришга аҳд қилдим.

Севимли шоир ва ёзувчилар қадами теккан жойларни бориб кўришга жуда ёшлик пайтимданоқ иштиёқим фоятда зўр эди. Мен Псковдаги Святогор монастири девори тагидаги Пушкин дафн этилган тепаликни ер юзидаги энг табаррук жой ҳисоблардим, ҳозиргача ҳам шундай фикрдаман. Бу тепалиқдан караганингиздаги намоён бўладиган олис ва текис кенгликлар Россияда кам учрайди.

Ефремовдан Елецга «Максим Горький» деб номланган ишчи поезд қатнарди. Мен Елецга ўшандада кетдим.

Ана шу поезднинг зириллаган вагонида кетаётганим-

да аёзли тонг отди. Мен липиллаб ёнаётган шам тагида ўлтириб Буниннинг «Современный мир» журналинин эскириб кетган китобасидан жой олган «Илья пайғамбар» ҳикоясини ўқирдим.

Бу ҳикоя зўр изтиробда ёзилганлиги жиҳатидан рус адабиётидаги энг яхши асарлардан биридир. Бу ҳикоянинг ҳар бир тафсилоти, ҳар бир хусусияти (ҳатто «каған янглиғ оппоқ сулилар» ҳам) ўша пайтлардаги Россиянинг бошига тушган кулфатлар, қашшоқлик, харобаликни эсга солиб, юракни эзарди.

Ана шу Россия бағридан одамнинг орқага қарамай қочгиси келарди. Бирок бунга журъат қиласидиган одам аҳён-аҳёнда учарди. Чунки гадой она қанчалик аянчли ҳолда бўлса ҳам, уни фарзанди яхши кўради.

Бунин ўзининг суюкли ягона мамлакатидан бош олиб чиқиб кетганди. Бирок бу сиртдан караганда шундай кўринарди. Ниҳоятда мағрур ва жиддий бўлган инсон умрининг сўнгги дамларигача Россияни соғиниб, оғир азоб чеккан, Париж ва Грасда бедор кечган тунларида кўп марта пинҳона йиғлаган — бу ўзини кўнгилли равишда ватанидан қувган инсоннинг кўз ёшлари эди.

Мен Елецга боряпман. Вагон деразасидан ингичка дараҳтлар кўзга ташланади. Шамол вагоннинг тунука вентиляторига урилиб ҳуштак чалар, пастак булутларни қувгани-қувган эди. Мен «Илья пайғамбар»ни, Предтечен волости, Елец уездилик деҳқон Семён Новиков бошига тушган аянчли воқеани қайтадан ўқирдим. Шунда адабнинг бундай мўъжизага, қисқа ва кучли, ажойиб ва аянчли ҳикоя яратишдек мўъжизага қандай қилиб, қанақа сўзлар ёрдамида эришганлигини тушуниб этишга тиришардим.

Елецда мусофирихонага кўнмадим. Ушанда бунга курбим келмасди. Шунинг учун то қош корайгунча —

поезд Ефремовга қайтадиган пайтгача шаҳар айландим ва жуда чарчадим.

Ҳаво дим ва тунд эди. Ногиҳон қор учқунлай бошлиди. У от тақалари тирнаган плиталар тўшалган кўчаларга тушар-тумас шамол ялаб кетарди.

Шаҳардаги иморатларнинг барчаси тошдан курилган эди. Шаҳарда тошдан курилган бинолар сероб бўлганидан у қалъага ўхшаб кетарди. Бу шаҳарнинг ҳувиллаган кўчалари ва уларга чўккан сукунатдан ҳам сезилиб турарди. Мен, Елец бир вактлар гала-ғовурли савдо шаҳри бўлган, деб эшигтан эдим. То сукунат ва одамларнинг камлиги уруш оқибати эканлигини тушуниб етмагунимча, унинг осойишталигидан ҳайратланавердим.

Елец дарҳақиқат қалъа эди. Бунин ўзининг «Арсеньевнинг ҳаёти» асарида бу ҳақда шундай деган эди:

«...Шаҳар ўзининг кўҳналигидан ғурурланар ва бунга ҳаққи ҳам бор эди. У дарҳақиқат энг қадими рус шаҳарларидан бўлиб, Подстепъенинг кора тупроқли бепоён далалари орасидаги шундай бир хатарли чегарада турардики, бу чегаранинг нарёғида ёввойи, ёт ерлар ястаниб ётарди. Бу ерлар Суз达尔 ва Рязань князликлари вақтида Россиянинг энг муҳим таянчларидан ҳисобланар, улар, солномачиларнинг тили билан айтганда, Осиё томондан келган даҳшатли қора булутнинг довул, тўфон ва совуғини ҳаммадан илгари татиган эди...»

Ана шу парчадаги ҳар бир сўз оддийлиги, аниқлиги, шираси билан кишига завқ беради. Бу қадими шаҳарлар осиёликлар боскини, тўфони ва совуғини татиб кўрган, деган сўзларнинг салмоғини қаранг! Бу сўзлар сокчиларнинг ҳаяжонли ҳуштакларини, чўян занглардан чиқаётган овозларни, барча халойиқни шаҳар кўтармаларига даъват этилганда айтиладиган сўзларни эслатади.

Ховлисига тош ётқизилган эрлар гимназияси биноси

олдида анча туриб қолдим. Бу гимназияда Бунин ўки-
ганди. Ҳовли сокин, синфларда дарс борарди.

Шундан кейин бозор майдонидан ўтарканман, димо-
ғимга урилаётган хилма-хил ислардан ҳайратландим.
Теварак-атрофдан шивит, от гүнги, сельд балиқли эски
бочка, эшиги очик турган ва кимгадир жаноза ўқилаёт-
ган черковдан бухўр иси келарди. Атрофи баланд девор-
лар билан ўралган боғлардан чириган хазонлар ҳиди
анқирди.

Мен трактирда чойга мириқдим. У бўм-бўш ва совук
эди. Ундан чишиб, шаҳар чеккасига қараб кетдим. Поезд
жўнашига ҳали анча вақт бор эди.

Шаҳар чеккасидаги тобора пастлаб кетган узун ва
тақир ялангликда корайиб турган устахоналарда темир
чирсиллаб, сандонга тушаётган болғаларнинг гурс-турс
овози эшитиларди. Яланглик устидаги осмон беғубор
бўлиб, ён томондан қабристон девори ўтган эди.

Мен қабристонга қирдим. Қабрларга қўйилган гул-
чамбарларнинг чиннидан ясалган синик гуллари ва
 занглаған тунукадан қилинган япроқлари шамолда оҳис-
та зириллаб ва нижиллаб турарди.

У ер-бу ерда дабдабали ишланган ва бўёғи қотиб
қолган бутларга ўрнатилган темир медальонлардаги
 сарғайган ва ёмғирда хира тортган суратлар ҳам кўзга
 ташланиб қоларди.

Вокзалга кечкурун келдим. Умримда кўп марта
 ёлғиз қолган бўлсам ҳам, ҳеч қачон Елецдаги ўшал
 оқшомдагидай танҳоликнинг бундай аччиқ изтиробини
 тортмаган эдим.

Қаердадир, яқин-атрофдаги уйларнинг иссиққина
 хоналарида эҳтимол қувноқ ва ширин ҳаёт кечар, балки
 у ҳаёт қашшоқ ва мунгли бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ
 мен ўша иссиққина хоналарга бош суқиб кўрмагандим.
 Мен учинчи класснинг керосин ҳиди келиб турган ва

совуғи оёқни зирқиratадиган чала ёргуғ зализа ўти-
рардим.

Ҳар бир кишининг ҳаётидаги ғалати, гоҳо ёкимли, мунгли пайтлар бўлади. Елец вокзалидаги ўшал оқими-
да мен ҳам шундай аҳволда колдим.

Мен газета киоскасидан «Русское слово»нинг яхши куримаган сонини олдим. Учинчи класснинг коронги бўлганидан газета ўқиш машаккат эли. Мен пулимни санаб кўрдим. У вокзалнинг чароғон буфетидаги ўтириб мириқиб чой ичишга ва ҳаттоқи ширакайф офи-
циантга чойчака беришга ҳам етарди.

Мен буфетга кириб шампань шароблари солинадиган бўм-бўш мельхиор челак олдидаги столга ўтирдим-
да, газетани қўлга олдим.

Шунда орадан бир соат ўтгач, вокзал қоровули кўн-
ғирокчасини жингиллатиб жўрттага мингилдоқ овозда:
«Ефремов, Волово, Тула поездига иккинчи кўнғирок!»
деб қичкира бошлагандан кейин ўзимга келдим.

Ўрнимдан иргиб турдиму, ўзимни вагонга урдим.
Унинг коронғироқ деразаси ёнидаги бурчакка қисилиб
ўтирганча нақ Ефремовгacha қимир этмай кетдим.

Бутун вужудим қайғу ва ишқдан дир-дир титрарди.
Кимни деб?

Вужудим ана шу вокзалда ўлдирилган гўзал қиз,
гимназистка Мешчерская деб эзиларди. Сабаби: газета-
да Буниннинг «Енгил нафас» деб номланган ҳикояси
босилганди.

Мен, бу нарсани ҳикоя деб атаса бўладими ё йўқми,
 билмайман. Бу ҳикоя эмас, балки ҳаёт шуъласи, жўшқин
ишқли ҳаётнинг ўзи, адабнинг мунгли ва осойишта
фикрлаши, қиз ҳуснига бағишиланган марсиясидир.

Мен қабристонда Оля Мешчерскаянинг қабри ёнидан
ўтганимга ва ўшандага шамол пича тўхтай деб гулчамбар-

нинг тунука япроқларини зириллатганига ишончим комил эди.

Бироқ мен ҳеч нарса билмай ўтиб кетган эдим. Оҳ, қани ўшанда буни билсам эди! Қани энди қурбим етса! Мен қабрни ер юзидағи бор гуллар билан кўмардим. Негаки, бу қизни севиб колгандим. Шу важдан ҳар гал унинг ҳечликка кетганини ўйлаганимда қалбим ларзага келарди.

Вагон деразасидан қишлоқ уйларининг онда-сонда кўзга ташланадиган хира чироклари лип-лип ўтиб сўнарди. Уларга тикиларканман, Оля Мешчерская Бунининг тўқимаси, оламга романтик муносабатда бўлганим туфайлигина ҳалок бўлган бу қизни тўсатдан севиб колиб, азоб чекяпман, деб соддадиллик билан ўзимга ўзим тасалли берардим.

Россиянинг тунги шамоли чаппар ураётган кора ва сариқ тупрокли далалар, ҳали барг чикармаган қайнзорлар орасидан учайтган поезд вагонида ўтган аёзли тунда илк марта санъатнинг нималигини, унинг кишини юксакликларга кўтарувчи абадий кучи қанақалигини тўла-тўқис тушуниб етдим десам янглишмайман.

Мен газетани бир неча марта очиб, шамнинг сўниб бораётган нурида, кейин эса тонгнинг сув янглиғ оқиш ёғдусида Оля Мешчерскаянинг енгил нафас олиши ҳақидаги сўзларни, энди унинг «бу енгил нафаси ана шу булатли осмон, ана шу муздек баҳор шамолига сингиб кетаётганлигини» ўқиб чиқдим.

* * *

Совет ёзувчиларининг иккинчи съезди Бунин рус адабиётига қайтарилиши кераклиги ҳақидаги таклифни гулдирос олқишлиар билан кутиб олди.

Бунин ўз адабиёти кучогига қайтарилди. Ватанига унинг қиммат баҳо асарлари, жумладан «Арсеньев ҳаёти» повести ҳам кайтиб келди.

Бунин ҳақида бўлганидек, бу повесть хусусида ҳам қалам тебратмоқ мушкул, деярли, иложсиздир. Бунин шунчалик бой, шунчалик сахий ва шунчалик раҳмсиз қалб эгасидирки, у истаган одамни — сан-францисколик-жанобдан тортиб, дурадгор Аверкийни ҳам аник тасаввур қила олади, кишининг энг мўъжаз ҳар бир имоси ва руҳий ҳаракатии равшан ва айни вактда жиддий ва нозик илғай олади, инсон умри билан чамбарчас боғлик бўлган табиат ҳақида шундай гўзал қалам тебратса оладики, булар ҳақида «бошқа одам»нинг ёзмоғи бефойда ва мутлақо иложсиздир.

Бунин асарларини ўқиш керак ва у классикларча зўр куч ва ёркинлик билан ёзган нарсаларни ҳашаки сўзлар ёрдамида ҳикоя қилишдан воз кечмоқ зарур.

Пушкиннинг «Ёмғири кун сўнди...», Левитаннинг «Абадий осудалик» ёки Лермонтовнинг «Ҳаво кемаси» деган сўзларини бўлакчарок килиб айттолмайсиз. Бу Моцарт ва бошқа буюк композиторларнинг тароналарини куруқ алгебра билан изоҳлашдай гапдир. Шунинг учун ҳам Бунин асарларининг мазмунини сўзлаш ва уларга «ҳозирги кун» нуктаи назаридан изоҳ беришга беҳуда интилишдан қочаман.

«Ҳозирги кун», яъни бошқача сўзлар билан айтганда, замонавийлик тушунчаси давримиздан олдин рўй берган воқеалар ва бир оз даражада ундан ўзиб кетган нарсалар билан чамбарчас алоқаси бўлмаган ҳолда яшай олмайди.

Бунин китоблари ўз даврини акс эттирганлиги ва айни вақтда халқимиз ўтмишининг жонли ҳаёти билан боғлик бўлганлиги учун ҳам ажойибdir.

Бунин поэзияси ва прозасида инсон туғилганидан то

умрининг охиригача вужудидан ўчмайдиган гўзал ҳаёт туйғуси яққол сезилиб туради. Бу туйғу унинг «Арсеньев ҳаёти» асарида айникса кучли ифодасини топган.

Бу повесть факатгина Россиянинг мадҳи, Бунин ҳаётининг якуни, мамлакатига бўлган чуқур ва гўзал муҳаббатининг ифодаси, китоблари саҳифаларидан ондасонда думалаб қолувчи, кўкдаги эрта чиқадиган сийрак юлдузлар янглиғ кўз ёшлари ифодалаган Ватан мунги ва ғурурининг тасвири эмас. Бундан ҳам бошқачарок нарсадир.

Бу қаторасига турган рус кишилари — деҳқонлар, болалар, гадойлар, хонавайрон бўлган помешчиклар, жаллоблар, студентлар, савдоийлар, рассомлар, гўзал аёллар, қўйинг-чи, ёзуви ҳаётининг барча йўл ва сўқмокларида дуч келган кишиларнинг кучли ва гоҳо кишини ҳайратга соловчи тасвиригина ҳам эмас.

«Арсеньев ҳаёти» асарининг баъзи жойлари рассом Нестеровнинг «Муқаддас Русь» ва «Русда» картиналарини эслатади. Бу картиналарда рассом мамлакати ва ҳалқини ўз билганича усталик билан ифодалаган.

Бу картиналарда сийрак ўрмон ва тепалар, ёғочдан қурилган ва қорайиб кетган черковлар, ташландик қабристон ва кишлокларни кўрасиз. Улар фонида бутун Русь намоён бўлиб турибди!

Бу картиналарда йирик олтин доналари қадалган кимхоб либосли қари подшоҳ, жул кийимли тортичок мужиклар, узун қамчи ушлаган подачи болалар, ридо кийган сайёр ва сайёralар, бамисоли сурма тортилган юмуқ киприклари соя ташлаган, чеҳраларини қандайдир ички ифрат зиёси мунавар этган қизлар, жиннилар, гадойлар, сержаҳл кампирлар, ҳасса тутган ғазабкор мўйсафидлар,mall сочли болалар тасвир этилган.

Оломонда Лев Толстой, ундан сал нарида Достоевский турибди. Улар ҳақиқат изловчи ҳалқ билан бирга

ўзлари умр бўйи толиқмай тилга олган ёрқин, бироқ ҳозирча олис бўлган уфклар томон боришмокда.

Бу картиналарнинг Бунин китобларига қандайдир муштараклиги бор. Бундаги фарқ шундаки, Бунин асарларида жонажон ўлка тасвири Нестеров асарларида-гига қараганда янада оддийроқ ва гариброқ кўринади.

Бунин асарларида Ўрта Россия ёмғирсиз бадковок кунлар, сокин далалар, ёмғир ва туманлар гўзаллигида, гоҳо эса субҳидам тиниклиги, сўнаётган кечки шафак тимсолида намоён бўлади.

Бу ерда Бунин бўёк ва нурланишларни тез ва бехато илғаб олувчи қалб эгаси бўлганлигини айтиб ўтмок ўринли бўлар.

Олам ранг ва нурларнинг ажаб ўйғунлигидан ташкил топган. Ана шу уйғунликни осон ва аниқ пайқай олган киши эса, агар у рассом ёхуд қаламкаш бўлса энг баҳтиёр инсондир.

Бунин бу борада жуда баҳтли адаб эди. У барча нарсани: Ўрта Россиянинг ёзини ҳам, бадковок қишини ҳам, «кеч кузакнинг сербулут ва кўргошин тусли осойишта кунларини ҳам», «усти чакалакзор тепаликлар оша қора туслаги бепоён чўл янглиғ ногиҳон нигоҳ ташлаган» денигизни ҳам бирдай зийраклик билан кўра оларди.

Бунин хотираларида битта ихчам жумла бор. У 1906 йил ёзнинг бошларига тааллуқлидир. Бунин «гўзал булутлар мавсуми бошланяпти» деб ёзганида, бу билан бизга гўё ёзувчилик ҳаётининг сирларидан бирини ошкор килган эди. Бу сўзлар Буниннинг ёз мавсуми, «булутлар мавсуми», «ёмғир мавсуми», «гуллаш мавсуми» билан боғлиқ бўлган муқаррар ва азиз меҳнатга берилажаги яқинлашаётган мавсум хусусиятидаги сўзлардир.

Бунин ана шу тўрт сўз ёрдамида осмонни кузатиш, доимо сирли ва мафтункор бўлган булутларни ўрганиш бўйича иш бошлаганини уқтириди.

Ҳар гал Буниннинг ёз ҳақидағи сатрларини ўқиганнингда ана шу жумлани эслайсан киши. Унинг ёз ҳақида ёзғанлари гарчи икки сатрдан ошмаса ҳам доимо мунгли бўларди.

«Боғ гул тўкиб меваларга бурканди, булбул кун бўйин боғда хониш қилар, деразаларнинг қуйи қисми кечгача кўтариб қўйиларди...»

Бунин ҳаётида дуч келган барча нарсларни бир хилда ўткир ва аниқ кўра олган эди. У ёшлигидан бошлабоқ жаҳонгашталиқ, жонсараклик касалига чалишиб, кўрмаган нарсаларини тезда кўришга ошиққанидан жуда кўп саёҳат қилганди.

У, катта сафарга чиқишим яқинлашган дақиқалардагидек баҳтиёр онларим топилмайди, деб икрор бўлганди.

Нур, ҳид, овоз ва ранг каби ҳодисалар ўртасида қандайдир мустаҳкам алоқа мавжуд.

Бу алоқа нимада? Жилла бўлмаса Ван-Гогнинг бир картинасини олайлик. Ундаги бизга номаълум, улкан бойчечакларга ўхшаган гуллар ва нотаниш мевалар шарбатини эслатувчи қуюқ нурга тикилиб туриб, ногоҳ ана шу меваларнинг қитиқловчи хушбўйини ва нам дениз қумининг енгил ҳовуруни сезгандек бўлади киши. Бу ҳид гўё картиналар галереясидан бизга ёт оролларнинг бир текисда эсаётган шамолини уфураётгандек бўлади.

Бунин асарларини ўқиётганда ҳам киши ўзини худди ана шундай аҳволда кўради. Бўёқ ҳидни бунёдга келтиради, ранг эса бўёкни, товуш бўлса ниҳоятда тиник манзараларни кўз олдингизга келтиради. Буларнинг бари биргаликда айрича ҳолатни, иссиқ шамоллар эсаётган, дараҳтлар шовуллаётган, океан тинимсиз ўкираётган, болалар ва аёллар шўх кулаётган пайтда киши тушадиган сал ғамгин ва ўйчан, бегубор ва қувноқ кайфиятни вужудга келтиради.

Бунин «Арсеньев ҳаёти» асарида бўёқларни сезиши, табиатдаги рангларга муносабати ҳакида шундай дейди:

«Мен бўёқлар турган яшикка бир қараганимнинг ўзидаётқалтираб кетдим. Шундан кейин эрталабдан кечгача қофозга бўёқларни суркаб, уларнинг иссиқ кунида қўкнинг кунгай турган мовийлик қўйнида гўё чўмилаётган дараҳтлар учидан сизиб турадиган гўзал бинафша ранг кўқимтиллигига айланишини тамоша қилдим. Шунда ер ва осмон рангларининг чинакам маъноси ва аҳамиятига чукур тушундим, ҳурматим бениҳоя ошди. Ҳаёт ўзимга баҳш этган нарсаларга якун ясарканман, буни энг муҳим якунлардан бири деб биламан. Бутоклар япроқлар орасидан сизиб турган ана шу бинафша ранг кўқимтилликни мен ўлаётганимда ҳам эслайман...»

Бунин жануб, тропиклар, Кичик Осиё, Миср ва Қудус хусусида ёзаркан, Ўрта Россия учун характерли бўлган рангпар бўёқлар дарҳол жазира ва қуюқлик касб этади.

Бунин 1912 йилнинг кузида Каприда турганида жияни Николай Алексеевич Пушешников билан кўп ҳамсұхбат бўлганди.

Пушешниковнинг ана шу сұхбатлар ҳакидаги хотиралари сакланиб қолган. Бу хотиралар жуда содда ёзилган. Уларда Бунин онда-сонда очилиб сұхбатлашган пайтларида ҳам босиқ киши сифатида тасвирланган.

Хотиралар Буниннинг ҳаётга бўлган зўр муҳаббатидан далолат беради. У вагон деразасидан паровознинг ҳавода эриётган тутунига қараб шундай деган эди:

— Яшаш — қандай баҳт! Одам кўра билмоғи керак. Жилла бўлмаса мана шу тутун ва нурни кўрсин. Агар менинг қўл-оёғим бўлмай, скамейкада ўлтириб, ботаётган қуёшга тикила олсан ҳам ўзимни баҳтиёр сезардим. Факат бир нарса — кўрмоқ ва нағас олмок керак. Қишига ҳеч нарса ранглар каби ажиб лаззат баҳш этмай-

ди. Мен кўришга кўнишиб қолганмай. Бу санъатга мени рассомлар ўргатишган... Шоирлар кузни тасвир этиша олмайди, чунки ранглар ва осмонни акс эттиришмайди. Французлардан Эредиа, Леконт де Лиль бу борада ажойиб баркамолликка эришганлар.

Пушешников хотираларида Буниннинг маҳорат «сири»ни очувчи ажойиб бир ўрин бор.

Бунин, бирор нарсанни ёзишга киришганимда аввало «оҳангини билиб олишим керак» дерди. Чамаси Бунин бу сўзларга биз ўйлагандагидан кўпроқ маънони жо килган бўлса керак.

«Оҳанг топиш»— проза ритмини ва унинг мусиқий-лигини топиш, демакдир. Чунки проза ҳам шеър ва музика сингари ички оҳангдорликка эгадир.

Проза ритми ва музиковий оҳангдорликнинг бу ҳисси узвий равишда она тилини аъло даражада билиш ва нозик ҳис этишга асослангандир.

Бунин ҳатто ёшлигидаёқ бу ритмни аён сезганди. У болалигидаёқ Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» дostonининг дебочасида шеърнинг айланана енгил ҳаракатини илғаб олганди («Тинимсиз айланана ҳаракатлар кўраман»):

Денгиз бўйи ям-яшил чинор,
Олтии занжир чинор тагида,
Чечан мушук тун-кун бўскарор
Айланади теварагида.

Бунин рус тили бобида тенги йўқ мастер эди.

У беҳисоб сўзлар орасидан воқеа билан сирли равишда алоқадор бўлган, ниҳоятда зарур, энг кучли, гўзал сўзларни бехато танлай оларди.

Буниннинг ҳар бир ҳикоя ва шеъри ифодаланаётган воқеага зарур сўзларни ҳар томондан ўзига тортиб олувчи оҳанрабога ўхшайди.

Агар Христианга үхшаган эртакчи бўлганини эли, ўзимол сеҳрли оҳанрабоси бўлган ғузувчига кировли бўтадаги қуёш нуридан тортиб попларининг таташиди кийидиган зангори тўнигача бўлган куғизмаган нарсалар учидекелиши, ғузувчи эса уларни ўз билгича жойлантиргандан кейин оби ҳаёт пуркаши, шундай кейин олимия янги асар — поэма, шеър ёки повесть вужудга келини ва ҳеч нарса уни маҳв этолмаслиги ҳақида эртак тўкинган бўларди. Йисон ер юзида бор экан, бу асар ҳам барҳаётдир.

Бунин асарларининг тили солда, жуда қуюқ, мусафро ва ширалидир. Шу билан бирга у образлилик ва оҳангдорлик бобида бениҳоя даражада бойдир. Уларни ўқиганда киши кимвал¹ жарангидан тортиб, булок сувининг жилдирашини ҳам, бир текисда тарашланган жумлалардан тортиб, нозик интонацияларни ҳам, енгил оҳанглардан тортиб, инжилдаги даҳшатли дўкларни ҳам, орловлик дәҳконларнинг ўтқир, қочириқли лафзини ҳам учрата олиши мумкин эди.

Мен фақат «Леоньев ҳаёти»ни тилга олдим, холос. Бу повесть — лаб ўқишга лойиқ асардир.

Мен «Абатта, ноңянги, ҳал эса ажой катли, ҳа» «Ат» оғо 5^т Бу повесть деб атадим. Бу альвесть ҳам, роман ҳам эмас. Бу ан жанрдаги асардир. Бу жанр у киши қалбини ҳам машакгла асири этади.

«Афиядир, деб ўйлашга буни икор этганди, ляга қараганда жуда

Бу автобиография эмас. Бу — ер юзидағи изтиробаар,

¹ Бир-бирига уриб чалинадиган иккита мис маганинадан исборат музика асбоби.

сөхрланишлар, фикрлар ва қувончларнинг кўйма йигин-дисидир. Бу — инсон ҳётида юз берган воқеалар, дарбадарлик, мамлакатлар, шаҳарлар, денгизларнинг ажойиб тасвири уйғунлигидир. Бироқ ана шу ранг-баранг эллар тасвирининг дебочасида бизнинг Үрта Россия тасвири туради. «Қишлоғари бепоён кор денгизи, ёзда ғалла, майса ва гуллар денгизи... Бу далаларнинг мутлақ сукунати, уларнинг сирли осайишталиги ҳукмрон...»

Бунин «Арсеньев ҳёти» асарига ўз ҳётини сөхрли кристалл шаклида жо қилишга мусассар бўлган. Бироқ бу кристаллнинг Пушкин асарларидағи кристаллардан фарқли жойи шундаки, повестнинг уфки, ёзувчи ҳёти уфки жуда аён кўрсатилган, туб-тубигача ёритилган.

Мен гарчи «Арсеньев ҳёти»ни шундай ҳуқук билан поэма ёки шеърий ҳисса деб атай олсан-да, уни повесть деб айтавераман.

«Арсеньев ҳёти» жаҳон адабиётининг энг ажойиб ҳодисаларидан биридир. Унинг биринчи навбатда рус адабиётига мансублиги биз учун катта баҳтдир.

Бу ажойиб китобда поэзия билан проза бир-бирига кўшилиб, узвий равишда уйғунлашиб, янги ажиб жанрни вужудга келтирган.

Оламни поэтик ҳис этишнинг ана шу уйғунлиги бундай қараганда унча қизиқарли туюлмаса-да, кишини дадиллаштиради, ҳаяжонга солади. Бу асарнинг услубида инжилга ўхшаш нимадир бор.

Бу китобдаги поэзияни прозадан ажратиб бўлмайди, унинг кўп сўзлари қизитиб урилган муҳр ўрни янглиғ юракдан ўчмайди.

Бунин айтмоқчи бўлган нарсаларини ифодаламок, ягона керакли ва қуюқ маъноли ифодани топганлигини тушуниб етмоқ учун унинг она ҳақидаги бир неча сатрини ўқиши кифоя қиласди.

Бу сатрларни ўқиганда киши вужуди ларзага келмай иложи йўк.

«У олисдаги она тупрокда ёлгиз ўзи қабрда ётибди. Тинч уйқудаги бу муштипарни барча унуган, унинг табаррук номи абадул абад ўчмасин. Наҳотки чекка бир рус шаҳридаги, дараҳтзор ўртасида жойлашган қабристондаги ному нишонсиз қабр тубида ётган, кўзлардан айрилган ана шу бош суюги ва сарғимтири суяклар соҳибаси бир вақтлар мени кўлида аллалаган она бўлса?»

«Арсеньев ҳаёти» повести тилининг қуввати, ёрқин образларининг кучи шундаки, улар кишини дилгир қиласи, ҳаяжонлантиради. Ҳатто йиглатади ҳам. Асарни ўқиганда киприкларга инадиган кўз ёшларининг боиси ундаги гўзалликдир.

«Арсеньев ҳаёти»даги янгилик шундаки, бу асарда биз лугатимизда бошқа сўз топилмагани туфайли инсоннинг «ички олами» деб атайдиган нарса шунақангидек очиб берилганки, буни Буниннинг бошқа асарларида мутлако кўрмаймиз. Инсоннинг ташки ва ички олами ўртасида бирорта сарҳад борми? Инсоннинг ташки олами унинг ички олами билан биргаликда бир бутунликни ташкил қилмайдими?

Бунин бу асарида ҳикоя қилган нарсаларининг бари бизга яқин, тушунарли, сингувчан, табаррук бўлиб, бизни анча вақтгача мамнун қиласи дилгир этади. Мен бу китобдан бир неча парча келтираман. Масалан, ёш боланинг шаҳарга бориб қолиши тасвирланган ўринни олайлик:

«Шаҳарда менга ҳаммасидан ҳам этик мойи ҳайратомуз кўринди. Мен бу шаҳар бозорида кўлимда этик мойи солинган кутичани ушлаб турарканман, бениҳоя завқу шавқдан тўлиб-тошардим. Шу чоққача кўрган нарсаларимнинг ҳеч биридан бунчалик завқланмаган-

ман. Ўзим эса кўп нарса кўрганман. Этик мойининг думалоқ кутиси оддий чинтадан бўлиб, бадий жиҳатдан ниҳоятда усталик билан ясалган эди! Этик мойининг ўзини айтмайсизми! Қоп-қора, қаттиқ, хира ялтироқ бўлган бу мойдан хушбўй спирт иси анқиб туради».

Қашшоқ ва жонажон ўлканинг тасвири ҳам Бунин қаламида ихчам ва таъсирчан чиқкан.

«Мен қаерда туғилдим, ўсдим, нима кўрдим? Мен туғилган жойда на тоғ, на дарё, на кўл, на ўрмон бор, фагатгина пастликларда ўсган буталар, у ср-бу ерда сийрак ўрмонлар ва аҳён-аҳёнда Заказ, Добровкага ўхшаган ўрмонлар учраб қолар, қаёққа қараманг далалару ғаллазорлар океанини кўрадингиз... Бу... Подстелье. Унинг далалари пасту баланд, қаёққа қарасангиз сув ўпирган жойлар ва нишобликларни, сал чукурлиқдаги кўпинча тошлок ўтлоқларни кўрасиз. Бу ердаги қишлоқлар ва уларнинг чориқ кийган кишилари худо назаридан четда қолгандай туюлади, негаки, улар камсуқум, жуда одми, уйларининг атрофига тутган четан ва томларининг устидаги похоли ҳам бир хилда бўларди».

Езувларда ҳайкалтарошлар тилидан ўтиб қолган «одам ясаш» деган термин бор. Бунин асарларидағи сингари одамларнинг ҳаққоний ва гоҳо ўта тўғрилик билан «ясалган» образлари жуда кам адилларнинг асарларида кўзга ташланади. Масалан, подачи боланинг образи қандай яратилганини олиб кўрайлик:

«Подачи бола... ниҳоятда ғалати эди: унинг устидаги бўз кўйлаги ва калта иштони илма-тешик бўлиб кетган, юзи, оёқ-кўллари офтобда қовжираб ёрилган, доимо дам бўрсиган бир бурда сули нон, дам қариқиз, дам ко-зелчик ўтини чайнаганидан лаблари ўйилиб, яра бўлиб кетган эди. Қозелчик лабни жуда қаттиқ ўйиб юборади. Ўткир кўзлари ўғриларники каби нотинч кўринарди, нега деганда у дўстилигимиз охиривойлигини яхши тушу-

нар, бу ошкора бўлиб қосса охир ишкниң бўйинниң 1-й
биларди. Бироқ бизнинг бу жиноми корниң нуғузидаги
ниҳоятда нашъаси эми! Унинг астрофиги ғарди, узуди
узук-юлук килиб ниҳона ганиришини жура иштади
эди. Бундан ташқари, у узун қамчисини ғониялди.
Шикиллатар, биз ҳам қанқалатганим, деб үриниң ҳужум
нимизда, уни қулғимизга тегиб лопиллатиб үйдидим.

Назокатли, кўримен, қиска вакт ўтигиниң кийини
кин ва мунгли гўзаллик каёб этадигин баҳори ўзим уз-
табинати ниҳоят Бунингек ўз ифодачинин тонди. Эътиш
пайқамаган ва таевирламаган биронта ҳам мажбуз курни
қолмаганди.

«Молларнинг туёғи из қолдирган кия жойлари суви
иссик ва кимсаенз ялтираб турган чўзинчок лойиҳа ҳовуз
бўйиндан ҳам ўтиб кетдик. Қўзгуилар эса ҳовуз чеккани-
даги яланг жойларда бамисоли мудрашарди».

«Арсеньев ҳаёти»да ихчам битта боб бор. Ўқийидати
сўзлар билан бошланади:

«Ўсмирлик йилларимда мен чинакам рус мурдати
ҳаёт кечирдим!» Бунин шундан кейин Становое қишлоғи
яқинидаги катта йўл, қароқчилар ва улар солгъе деҳ-
шатлар, қоронғи тұнлар ҳакида қалам тебратарде. Бунда
яқин ўтмишдаги Россиянинг ажойиб манзарасе чи-
зилган.

«Катта йўл Становое қишлоғи ёнида биз «кей» дей-
диган анча чукур жарликка түшар, бу жой бемаҳалла
колган ҳар бир кишига қаттиқ қўрқув соларди... Ҳашпо-
гимда Становое ёнидан ўтганимда ўзим ҳам буенда жу-
да кўп қўрққанман... Бунда кўлларига болтача ушлаета.
шапкаларини нак тийрак кўзларигача бостириб алган
кишилар сал букилганча яқин келиб, паст овозда. бирор
ваҳималироқ килиб: «Кани пича тўхта-чи, савдотар» дег-
яётгандек туюларди кишига».

Бу китобининг ажойиб жойлари жуда кўп. Мен кин-

нинг бундай тасвирини прозамизда ҳеч учратмаганман. Буни ҳам келтириб ўтаман:

«Кишининг бадковоқ ва әёзли кўпгина кунлари, уездаги рус ҳаётини айниқса оғирлаштирадиган, ҳамма ёкни бўтана сувига тўлдирадиган иссик жавони ҳалигача эслайман. Бундай пайтларда кишилар бадковоқ ва хушёқмас бўлиб колишади. Рус кишисининг кайфияти азалдан табиатга боғликдир. Шунинг учун ҳам оламдаги бор нарсалар инсон умри янглиғ кераксизлиги билан кишини зериктиради...

Кўз очирмайдиган Осиё бўронлари ҳафталақ бўлгани, бунда шаҳар қўнғирокхоналари аранг кўриниб тургани эсимда. Диний байрам кунларида бўладиган, қадимиј Русни, у вактлардаги ерни «бир газ» ажратиб юборадиган аёзларни эсга туширадиган совуклар ҳам эсимда турибди. Шундай пайтларда оппоқ шаҳар кор уюмлари орасида қолар, тунлари зим-зиё осмонда Орион юлдуз туркуми ялтирав, субҳидам тиниклигига эса кўш хира қуёш ёғду сочар, ҳавоси дим шаҳарнинг деярли барча жойларидаги кизил трубалардан тутун кўтарилаар, ўткинчилар юриши ва чана қўшқоракларидан чиқаётган фижир-фижирлар ҳамма ёкни босиб кетарди».

Бунин ҳақида гапирганда киши беихтиёр равища сергап бўлиб қолади. Ҳамсуҳбатинг бўлган китобхонга адабнинг ҳар бир китобидаги ажойиб жойларни бирмабир кўрсатавергинг келади. Биттасини кўрсанг, бундан яхиси топилмайдигандек кўринади. Бироқ асарларини одам ўқигани сари ундан ҳам яхшироқ жойи борлиги маълум бўлади ва гап бошлишдан ўзини тиёлмайди. Мана, мисол учун ёшлиқ ва деярли болалик муҳаббати ҳақидаги сатрларни олиб кўрайлик. Ҳар бир киши ўтиб кетган ёшлигини маъюслик билан эслайди. Ёшлигимизда биз севгининг ўзига ва у бизга баҳш этадиган нарсаларга: «боғ, кишлоқ ва далалардан анча олисда, бедана-

ларнинг сайраши тоҳо сал эшитиш то турлинини ўзини
са ёкимли бўлган томондаги шарқ осмониди ғархи
чараклаб турган ҳафт рафт юздулага ҳам, узини ғархи
севимли кизнинг нафае олинига ҳам онин бўлдиши.
«Мана шу хонада кизчанинг ухлаб ётгалинини ҳисоби
кўз олдимга келтирганимда вужудимди мавж үрини
ҳисларни қандай ифода этгамикиш? У узини ғархи
очик дераза ортида ёгаётган ёмғир яшрокларни ғархи
шитирлатиб турар, ичкарига далаларининг иссиқ шамоли
урар, у болалардай чала туши кўраётган кизни аллаху
оламда қиз кўраётган тушдан ҳам мусаффо ва тўзод тўз
йўқ эди».

* * *

Бунин асарларини кўпроқ ўқиганим сари менга унинг
ижоди деярли туганмасдек туюлади.

Ҳар ҳолда Бунин ёзган нарсаларни тушуниб етиш ва
автор мунгли қалб эгаси бўлганига қарамай, унинг жўш-
кин, серташвиш ва нотинч ўтган ҳаётини билмок учун
кўп вакт керак.

Бунин ҳаётининг бир қисмини ўзи («Арсеньев ҳаёти»
ва у ёки бу даражада таржиман ҳоли билан боғлик бўл-
ган кўпчилик ҳикояларида) ҳикоя қилган, бир қисми ҳа-
қида унинг рафиқаси Вера Николаевна Муромцева-Бу-
нина қалам тебратган. У Парижда «Буниннинг ҳаёти»
китобини нашр эттириди. Китоб Бунин ҳақидаги хотира-
лар ва материалларнинг қимматли омухтасидир.

Бунин ҳаёти ўз ниҳоясигача дарбадарлик ва ижодга
сарф бўлди.

Бунин ўз эътиқоди йўлида дадил ва соғдил эди. У
ўзининг илк ижод намуналаридан бўлган «Киншток» аса-
рида рус художўй дәжкони ҳақидаги кабинетнараст на-
родниклар тўқиган чучмал афсонани чиншакка чиқаради.

Буниннинг ажойиб, классикларча ёзилган ҳикояларидан ташқари, Иудея, Кичик Осиё, Туркия, Греция ва Миср ҳақидағи тасвири жиҳатидан гўзал, фоят қузатувчанлик ва ўтқир сезгирилик билан битилган очерклари ҳам бор.

Бунин — таъбир жоиз бўлса — «Қасталь» мактабининг пок шоиридир. Унинг шеърлари ҳанузгача ўз баҳосини олмаган. Уларнинг орасида таъсирчанилиги жиҳатидан чинакам шоҳ асарлар бор.

Бунин бутун умр бўйи баҳтга муштазир бўлди, инсоний саодат ҳақида қалам тебратди, унинг йўлларини ахтарди. Бу йўлни у ўзининг проза ва поэзиясидан, ҳаёт ва ватанига бўлган муҳаббатидан тонди, баҳт фақат билагонларга насиб қилганлиги хусусида буюк каломлар айтди.

Бунин мураккаб, фоят зиддиятли ҳаёт кечирди. У кўпни кўрди, билди, узоқ севди ва нафратланди, анча меҳнат қилди, мўл хато қилди, бироқ она мамлакати Россияга бўлган буюк, гўзал, чин муҳаббатига содик қолди.

Осмон тиниклиги, тушкни жазира...
Гуллар, боларилар, майса, бошоқлар...
Оқнадар ўғлидан худо бир куни:
«Баҳтли яшадингми?» дейа сўроқлар.
Барни унутсан-да, майса яширган
Дала пўлларини албат эслагум.
Гар севинич ёнилари тутса дилимни
Бошимни маҳбубам бағрига қўйгум.

МАКСИМ ГОРЬКИЙ

Алексей Максимович Горький ҳақида жуда кўп нарсалар ёзилган. Агар унинг ижоди бу қадар улкан бўлмаганида, киши ҳижолатда бу ишдан кўл силтаб, Горький

ҳақида ёзолған нарсаларга бирор сатр ҳам қўшолмаслигги турган гап эди.

Горький ҳар биримизнинг ҳаётимиэда катта ўрин туади. Мен ҳатто: вужудимизда «Горький туйғуси» бор, буни кундалик ҳаётимиизда доим ҳис этиб турамиз, деб айтишга журъат қила оламан.

Менимча, Горький асарларида бутун Россия ўз ифодасини топган. Мен Россияни Волгасиз тасаввур қила олмаганимдек, унда Горький йўқ деб ҳам ўйлай олмайман.

Горький бениҳоя талантли рус халқининг мухтор вақили эди. У, геологлар айтганидек, Россияни барча «кесик» ҳолларда, маконда ҳам, замонда ҳам билар ва севарди. Унинг бу мамлакатда ёқтиргмаган ва кўрмаган бирорта ҳам нарсаси йўқ.

У истеъододлар мафтуни, даврни белгилайдиган одам эди. Йил ҳисобини Горький сингари одамлардан бошлайверса бўлади.

Горький билан биринчи бор танишганимда, мени, даставвал унинг сал буқчайиб юриши ва овози бўғикроқ бўлганлигига қарамай, ташки гўзаллиги ҳайратда колдирди.

Ишонч кучи билан уйғунлашган бу гўзаллик унинг кенг панжасида, эътиборли нигоҳида, қадам ташлаши ва кийимида, бемалол ва ҳаттоки артистчасига палапартиш юришида кўзга ташланарди.

Мен Горькийни фикран ана шундай ҳолда кўраман. Бу ҳақда Тасаллида, Кримда Горький билан бирга турган бир ёзувчи гапириб берган эди.

Бу ёзувчи бир куни барвакт уйғониб дераза олдинга келибди. Денгизда югурик пўртана бошлисан экан. Жанубдан қаттиқ ва кескин шамол эсиб, боғларни шовуллатиб, флюгерларни қисирлараткан.

Ёзувчи истиқомат қилаётган уйдан сал нарцида баҳай-

бат терак бор экан. Гоголь уни кўрса, осмон ўпар терак, деган бўлур эди. Ёзувчи Горькийнинг ана шу терак тағида ҳассасига суюнганича бошини кўтариб, баҳайбат дарахтга тикилаётганини кўриб қолибди.

Теракнинг оғир ва қалин япроқлари пўртанадан титрар ва шовулларди. Унинг барча япроқлари кумуш ранг томонини кўрсатиб шамолда дириллар, терак мисли улкан органдек овоз чиқаради.

Горький бошидан шляпасини олиб, қимир этмай, анчагача теракка тикилди. Кейин ўзича нимадир деди-да, бир неча марта тўхтаб, теракка қарай-қарай богининг иҷкарисига кета бошлади.

Ёзувчи кечки овқат пайтида Горькийдан, терак ёнида турганингизда нима дедингиз, деб сўрашга ботинди. Горький бу саволдан ажаблангандай шундай жавоб берди:

— Агар изимга тушган бўлсангиз, бўйнимга оламан. Мен, қудратини қара-я,— дедим.

Мен бир куни Горькийнинг шаҳардан ташқаридаги Горкидаги уйида бўлган эдим. Ёз куни бўлганидан осмонда сермавж ва паркув булувлар сузар, улар Москварека ортидаги яшил тепаликларга соя ташлаб, янада гўзаллаштирган эди. Хоналарда иссиқ шамол ўйнарди.

Горький мен билан сўнги «Колхидা» повестим ҳақида сухбатлашди. У мени гўё субтропик табиатнинг билимдомни ҳисобларди. Бу эса мени жуда хижолатга соларди. Бироқ биз шунга қарамай, кучуклар иситма бўладими-йўқми, деб тортишиб кетдик. Шунда Горький ниҳоят таслим бўлди, мулойимгина қула-кула Поти атрофида иситма билан оғриб, ҳурпайиб ва қийқаңглаб турган товукларни кўрганилигини айтиб берди.

Горький чиройли ва ширали қилинб гапиради. Ҳозир Горькийчасига гапириш ҳеч биримизнинг кўлимииздан келмайди.

Уша кезларда мен деңгизчимиз бўлган капитан Гернетнинг жуда подир китобини эндигина ўқиб чиккан эдим. Китоб «Муз лишайлар» деб аталарди.

Гернет бир вақтлар мамлакатимизниг Япониядаги деңгиз вакили бўлган, китобни ҳам ўша ерда ёзганди. Япон ҳарф терувчилари орасидан рус тилини биладиган одам топшилмагандан кейин ҳарфни ҳам ўзи териб, китобни юпқа япон қозозида ҳаммаси бўлиб беш юз нусхада босиб чиқарганди.

Капитан Гернет китобида Европага миоцен деган субтропик иқлимини қайтаришдек ўтири назариясини баён қилган эди. Миоцен иқлими мавжуд бўлган кезларда Фин жўрфази қирғоқларида ва ҳаттохи Шпицбергенда ҳам магнолия ва сарв ўрмони бўларди.

Мен бу ерда Гернет назарияси ҳақида батафсил тўхтаб ўтолмайман, чунки у анча жой талаб қилган бўлур эди. Бироқ Гернет агар Гренландиянинг муз қобиги эритилса, Европага миоцен қайтажаги ва табнатда олтин аср бошланажагини аниқ исбот қилган эди.

Гренландия музини буткул эритиш имкони йўклиги бу назариянинг ягона заифлиги эди. Атом энергияси кашф қилинган ҳозирги пайтда буни амалга оширмоқ мумкин бўлур эди.

Мен Горькийга Гернетнинг назариясини гапириб бердим. У бармоқлари билан столини чалиб ўлтиради, шунда Горький менга сўзларимни ҳурмат юзасидан эшитаётгандек кўринди. Бироқ кейин билсан Горькийни бу назария аниқ исботлари ва ҳаттохи дабдабаси билан забт этган экан.

Горький борган сари қизиқиб, бу назарияни анча муҳокама қилди, кейин Россияда кўп нусхада нашр этмоқ учун бу китобни ўзига юборишни мендан илтимос қилди. Сўнгра бизни ҳар қадамда қанчадан-қанча ақлли ва яхши тасодифлар пойлаб турганлиги ҳақида анча гапирди.

Бирок Алексей Максимович Гернетининг китобини нашр эттиришга улгуролмади; орадан кўп ўтмай вафот этди.

ВИКТОР ГЮГО

Виктор Гюго сургунда бўлган Жерсей оролида (Ламанш) унга ҳайкал ўрнатилган.

Ҳайкал океан устидаги жарлик ёқасига ўрнатилган. Унинг постаменти унча баланд эмас, бор-йўғи йигирма беш ёки ўттиз сантиметр келади. Уни ўт босиб кетган. Шунинг учун ҳам Гюго нақ ер устида тургандек туюлади.

Гюго ҳайкалда кучли шамолга қарши кетаётган ҳолда тасвирланган: у сал эгилган, плашини шамол учирив туриди. Қўли билан шамол учирив кетмасин деб шляпасини ушлаб олган. Ҳайкал унинг океан бўрони шиддатига қарши курашини акс эттиради.

Ҳайкал бўм-бўш ва ташландик жойда турибди. У ерда «Денгиз заҳматкашлари» деган асардаги Жиллият ҳалок бўлган қоя кўриниб туради.

Теварак-атрофнинг кўз илғаган жойларида ҳам бевозта океан ўқириб, унинг оғир тўлқинлари баланд тошлар тубига ўзини уради, дengiz ўтларининг пряларини тепага иргитиб ўйнатади, кейин эса оғир гумбурлаб, сув ости форларига кириб кетади.

Туман тушган пайтларда олислардаги маёқларнинг мунгли нидоси эшитилиб турарди. Кечалари эса маёқ чироқлари океан устидаги уфққача чўзилиб кетади. Улар тез-тез океангага шўнгигиб туради. Катта тўлқинлар океанини Жерсей кирғоқларига чироқлар оша сураётганини факат ана шу белгидан билиб олса бўлади.

Жерсей аҳолиси ҳар йили Виктор Гюго вафот этиган ҳайкал тагига бир неча омела¹ ишодасини кўяилалар. Бу иш учун оролдаги энг гўзал қиз ташланади.

Омеланинг кўкиш-сарик раингдаги яироклари қалин ва тухумсимон бўлади. Уша ерликлар орасида юрган хурофий гапларга қараганди, омела тирикларга баҳт, марҳумларга абадий хотира баҳш этармиш.

Бу накл рўёбга чиқяпти. Гюго ўлгандаи бери унинг исёнкор руҳи Францияни кезиб юрибди.

Гюго шиддаткор, жўшқин ва оташин инсон эди. У ҳаётда кўрган ва қаламга олган барча нарсаларини ошириб кўрсатарди. Унинг нигоҳи шундай эди. Ҳаёт унга кўтаринки ва тантанавор равишда ифодаланган ғазабли ва қувончли эҳтирослардан иборатдай туюларди.

Гюго фақатгина пулфлаб чалинадиган асбоблардан-гина ташкил топган сўз оркестрининг буюк дирижёри эди. Бу оркестрдаги мис трубалар тантанавор овоз чикарар, ноғаралар гумбурлар, найлар ҳазин ва мунгли нола чекар, гобойлар бўғик фарёд қиласарди. Гюгонинг музика олами ана шундай тузилган эди.

Гюго китобларининг мусиқаси океан тўлқинлари янглиғ қудратли эди. Бундан ер билан бир қаторда инсонларнинг заиф юраклари ҳам ларзага келарди.

Гюго заиф юракларни раҳмсизларча ларзага соларди. У бутун башариятни ўз ғазаби, завқ-шавқи ва ошкора муҳаббати билан баҳраманд этиш йўлидаги интилишида ҳеч нарсадан қайтмасди.

У фақатгина озодлик рицаригина эмасди. У озодлик нинг жарчиси, хушхабарчиси, бурғучиси эди. У гўё ер юзидағи барча йўлларнинг чорраҳаларида туриб: «Куролланинг, гражданлар!» деб ҳайкираётганга ўхшарди.

¹ Меваси ок ва заҳарли бўлиб, доимо кўм-кўк турадиган бута.

У классик ва зерикарли асрга қаттиқ бўрон, ёмғир япроқлар, булут, гул барглари, порох тутуни оқими шляпаларнинг узилган нишонларини учириб келадига гирдоб янглиғ кириб келди.

Бу шамол Романтика деб номланганди.

У Европанинг бижғиган ҳавосини оралаб, уни ўжар орзулар нафаси билан тўлдирди.

Мен «Сафиллар»ни қаторасига беш марта ўқиб чиқкан болалик вактимдаёқ бу шиддаткор ёзувларнинг мафтунни ва ошиғи бўлиб қолгандим. «Сафиллар»ни тугатган замоноқ, яна қайтадан ўқишга тушардим.

Мен Париж харитасини топиб, роман воқеалари со-дир бўлган жойларни белгилаб чиқдим. Шунда мен гўе бу воқеаларнинг иштирокчисига айланиб қолдим. Шу важдан ҳозиргача Жан Вальжан, Козетта ва Гаврошин чин юракдан бирга ўсган дўстларим деб ҳисоблаб келман.

Ўшандан бери Париж фақат Виктор Гюго қаҳрамонларининггина эмас, балки менинг ҳам Ватанимга айлануб қолди. Мен уни ҳеч кўрмаган бўлсан ҳам севиб қолдим. Қалбимдаги бу ҳис йиллар ўтавериши билан кучая борди.

Энди тасаввуримдаги Виктор Гюго тасвири килган Париж ёнига Бальзак, Мопассан, Дюма, Флобер, Золя, Жюл Валлес, Анатоль Франс, Роллан, Додэлар тасвири этган Париж, Вийон ва Рембо, Мериме ва Стендаль, Барбюс ва Беранжелар қаламидан чиққан Париж кўшилганди.

Мен Париж ҳақидағи шеърларни тўплаб, битта дафтарга кўчириб кўйдим. Афсуски, кейинчалик бу дафтарни йўқотиб кўйдим, шундай бўлса ҳам, бу шеърларнинг кўпчилик сатрларини ёд биламан. Булар ҳар хил — ҳам дабдабали, ҳам содда сатрлардир:

Сиз асрлар илтило қилған
Фароиіб бир шаҳар күрасиз.
Чарчок құллар тин олиб шунда
Ұзга ғамдан озод бўласиз.
Люксембург bogидан аста
Фонтан бўйлаб, чинорлар сари —
Утажаксиз гўё Мюрженинг
Қаҳрамони Мими сингари.

Гую ҳар биримизда Парижга илк муҳаббат уйғоттан. Бунинг учун ундан миннатдормиз. Бу улуғ шаҳарни зўришга мусассар бўлганлар Гюгодан беҳад миннатдорлар.

КЎКРАК ЁҚАДАГИ ЖАЖЖИ ГУЛ

(Юрий Олеша)

Мен Юрий Карлович Олеша билан кўп марта учрашманман. Ҳар бир учрашувим хотирамда узок сақланиб колган. Ҳозир эса бу учрашувлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Бу 1941 йилнинг июлида, уруш эндиғина бошланган тайтларда бўлган эди. Мен ҳарбий юқ машинасида Одессага фронтдан, Тирасполь яқинидан келдим-да, вокзал олдида ундан сакраб тушиб, «Лондон мусофирионаси»га қараб кетдим.

Мен кимсасиз Пушкин кўчасидан борарадим. Тонг јришиб, ёмғир ҳам қуя бошлади.

Одессадагилар урушнинг дастлабки кунларидаёқ оппок уйларини қорага бўяған эдилар. Одамлар, кора душман самолётига оқ уй сингари сезилмайди, дешишарди.

Уйларни бўяйдиган ва «Камуфляж»¹ деган дабдаба-

¹ Уруш вактида ҳарбий аслаҳаларни душмандан саклаш учун урлы рангга бўяб никоблаш.

ли номга эга бўлган мураккаб корхона бутунлай ожиз колди. Ёз серёмгир келди. Биринчи ёмғир еккандаёқ уйларнинг қора бўёғи кўчиб, доғларнинг ўрнигина қолди.

Мен Пушкин кўчасидан кетаётib ўзимга анчадан бери таниш ва азиз бўлган шаҳарни таниёлмасдим. У кўзимга ҳам Одесса, ҳам бутунлай бошқа шаҳар бўлиб кўринарди. Мен шаҳарни айни вактда гўё тушимда ҳам, ўнгимда ҳам кўраётгандек эдим.

Ўйларнинг ёмғир суви тушадиган қувурларидан қандайдир сув шиддат билан оқиб туарди. Теварак-атрофдан ёмғирнинг тунука томларга такиллаб ёғаётганидан бўлак тиқ этган овоз эшитилмасди. Фақат акас дараҳтарининг хўл япроқларигина ёз фасли тугаганидан дарак берарди.

Уша дамларда негадир уруш ўзи билан янги об-ҳаво олиб келганлигига ишончим комил эди. Бу ҳаво ердан юмшок, тафтли, гоҳоларда эса туманли бўлган эски ҳаво катламини тортиб олиб, барча жойлар ва нарсаларнинг киёфасини ўзгартириб юборган ҳаво билан алмаштирган эди. Янги ҳаво совуқ нитроглицеринни эслатарди. Унинг ҳиди ўткир дорига аралаштирилган куйиндига ўхшарди.

Мен эҳтимол ана шу ёт об-ҳаво ва ёғаётган ёмғир туфайли ўзимни бамисоли ҳувиллаган шаҳарга келиб колгандай ёлғиз сезган бўлсам керак.

Шунинг учун ҳам «Лондон мусофирихонаси»нинг ним коронғи вестибюолида соч-соколи ўсиб кетган, устига ғижимланиб кетган кўйлак кийган, бинафша ранг осма камарли чолни кўрганимдан кейин енгил нафас олдим.

У конторканинг орқасида ўлтириб, Александр Дюманинг «Киролича Марго» романини ўқириди.

Унинг олдида озгина сарик шам имиллаб ёниб туарди. Унинг алансидан зигирпоянинг қўлда титилган толасига ўшаган қўкимтири ис қўтарилади.

— Сиз портьесисиз?¹ — сўрашим уйдан ишониницирамай.

— Борингки, шундай.

— Бу ерда тунаса бўладими?

— Гапнингиз ғалати бўлади-ю! — чолининг жаҳзи чиқиб кетди.— Меҳмонхонада мусоғир зоти йўқ. Негаған но-мерингизни олаверинг. Хоҳланг ёрганин, хоҳланг қорон-ғироғини олинг. Агар бағри кенг одам бўлеандигиз, иккита номерда ҳам тураверасиз. Ё бўлмаса, уч номерда тура-сиз. Шунда ҳам бир тийин тўламайсиз, Гратис!

Портье савдоғарлар ва коммивояжерларининг² «гра-тис» деган қадимий сўзини ишлатарди. Бу сўз, мол текинга берилади, деган маънони билдиради.

— Гратис! — деди чол яна.— Пул оладиган одамнинг ўзи йўқ. «Интурист» эвакуация қилинган. Мен бу ерда қоровулман.

— Наҳотки меҳмонхонада жон зоти бўлмаса? — де-дим коридорларда синган ойналарнинг ғижирлашига кулок солиб.

— Нега бўлмас экан? — чол тутақиб бақириб берди.— Юрий Карлович Олешани одам қаторига қўшмай-сизми?

— У шу ердами?

— Бўлмаса-чи. Қани, айтинг-чи, у Одессада бўлмай қаерда бўлади. Мен Юрий Карловични кўпдан бери биламан. У Одесса бошидан суронли кунларни кечираёт-ганида бу ерда суюги котган, ўша кезлардаги ҳамма нарса: пароходлар, уточкинчи учувчилар, сатанг хотин-лар, фраерлар, капитанлар, учарлар, италиялик прима-

¹ Меҳмонхома маъмури.

² Коммивояжер — буржуа мамлакатида бирор фирманинг молларидан пусха кўрсатиб, шаҳарма-шаҳар юриб заказ тўпловчи одам.

донналар¹, машхур докторлар, скрипкачилар гужгон ўйнаган эди. Мен бошқаларни ҳам биламан! Ҳозир Одессанинг бошига кулфат тушган. Олеша ўша пайтларда ҳам шу ерда эди, ҳозир ҳам шу ерда. У ҳақиқий одесалик, тушуняпсизми! Ҳозир эса номерда ёлғиз ўзи ўлтирибди. Қасалдан янги турган. Ҳар гал ҳаво тревогаси бошланди дегунча подвалга тушишига кўндирай деб олдига бораман. У бўлса тушиш у ёқда турсин, кўрди дегунча ҳазиллаша бошлайди. «Саломон Шаевич,— дейди у,— кўз-кулоқ бўлиб туринг, тағин фрицлар бомба ташлаётганида, мен «Уч семиз» эртагимда тасвирланган фонусларни чилпарчин қилишмасин». Мен унга қандай жавоб қиласман? Мен ҳам, айтмоқчи, ҳазил қиласман. Унга, агар кўлимда бўлса, Одесса доимо шу китобни ёдда тутсин, деб ўша фонусларни кумушдан ясаттирадим, дейман.

Мен Олешанинг хонасига кўтарилдим. У стол ёнида ҳурпайиб ўтириб, нималарни дир ёзарди. У ҳарфларни йирик қилиб, bemalol ёзарди.

Биз ўпишиб кўришдик. Олешанинг соч-соқоли ўсиб, жуда озиб-тўзиб кетганди. У ичбуруғ касалидан эндигина бош кўтарганди. Бироқ кўзлари ҳар маҳалдагидек ўткир, шўх чақнаб турарди. Ўзи ҳам ҳар маҳалгидай тез илҳоми келиб, гапга тушиб кетиш иштиёқида ёнишга, ўткир ва тутилмаган ўхшатишларни тўкиб ташлашга тайёрдек эди. У гапира бошлаганда одам яйраб, олам кўзинга бошқача кўриниб кетарди. Нимага? Унинг юмслик, поэзияси, киши юрагини чукур ва аниқ тушуниши қалбларга ўт ёкарди.

Юрий Карлович менга ҳар доим (балки бу шундай ва ростдир) бутун умр бўйи генийлар ва болалар, кув-

¹ Примадонна — биринчи ролларни ижро этувчи опера ашулачиси.

нок хотинлар ва оқ кўнгил тенгаклир билан *ниади* *түрнгашганда* туоларди.

У суҳбатдоши билан дадил ва жўшенинг *бади* *ниади*.
Ўзининг эътиrozларини суҳбатдошининг *бетни* *ниади* айтиб кўя қоларди.

Олешанинг теварак-атрофида дам кескинлигини, *дем*
бўшашибиган айрича бир ҳаёт қулф ураг, *бу ҳабти* *тумон* *тумон* реал ҳаётдан синчилаб ташлаб олган нарсаларидан *му*
жудга келтириб, канотли тасаввури билан *бозигани*, *бу*
ҳаёт Олеша «Ҳасад» асарида тасвирлаган *нарсаларидан*
гул ва япроқларга сероб новдаси янглиг *кулф* *чарчи*
яшнарди.

Олешанинг табиатида Бетховен характеридаги *каган*
кудратли ва даҳшатли нимадир бор эди. Бу ҳатто *унинг*
овозида ҳам сезилиб турарди. Ўткир кўзлари эса *тезз*
рак-атрофдаги ажойиб ва таскин берувчи нарсаларни
кўра оларди. У ана шу нарсалар хусусида иккита *сўз* —
ниҳоятда кучли, тўртта сўз эса — тўрт марта *зайдик*
бўлади, деган қонунни билгани ҳолда, киска ва *зик*
ёзарди.

Хонанинг бурчагида кўлбола қасса турарди. *Унинг*
тутқисига катак қопчиқ осиб қўйилганди.

— Ана,— деди Олеша ҳасса билан копчикка *емо*
қилиб.— Сўнгги соат, сўнгги дақиқа келганда, мөн Николаевга,
кейин Херсонга қараб пиёда йўлга чикамая.
У ерга етиб бормоқ учун ҳеч нарсани ўйламасдан *кета*-
вериш, то оёқ ярагунча кетавериш керак... Айтмокчи,
менга бирорта харита топиб берсангиз, мактаб харитаси
бўлса ҳам майли. Харитасиз юришим қийин бўлади.

Мен унинг сўзларини ўлтирган жойимда мудраб
эшитардим. Бир соат бўлса ҳам мизғиб олиш керак эди.
Олеша мен билан бирга меҳмонхонанинг бўм-бўш кори-
дорига чиқиб, энг яхши хона излашга киришди.

Меҳмонхона деразаларининг деярли ҳаммаси порт-

лаш пайтидаги ҳаво тўлқинидан чил-чил бўлганди. Шамол меҳмонхонадаги чанг босган тўқ қизил пардаларни ҳилпиратиб турарди. Буларнинг кетидан қуриган хурмо барглари ҳам шитирлаб кўярди.

Уйқум қочиб кетди. Икковимиз хонама-хона юриб, майнабозчилик қилас, хоналарни бирин-кетин бўлмайдига чиқараардик. Биридан қулупнай совун ҳиди келса, иккинчиси тошойнаси синганлиги учун ёқмас, учинчиси эса деворида «Боярлар базми» картинаси бўлганлиги ва яқинда бўлган портлашда оҳак чангига беланганлиги учун кўнгилга ўтирасди.

Ниҳоят биз энг мўъжаз ва қоронғи хонани танладик. Унинг деразаси ичкари ҳовлига қараганди. Ҳовлида эса азим чинорлар бор эди.

— Блиндажнинг ўзи! — деди Олеша.— Меҳмонхонадаги энг хатарсиз жой.

Мен ечинмасдан ўша заҳоти ухлаб қолдим. Узоқлашиб кетаётган бомбардимончи самолётларнинг овозидан ўйғониб кетдим. Очик деразанинг дарз кетган ойнасида эса кечки шафакнинг олтин нури ўйнарди.

Мен иргиб туриб Олешанинг олдига кетдим. У номерида йўқ эди. Уни меҳмонхона ресторанинг тор ва қоронғи залидан топдим.

Бу тарихий ресторон эди. Газетадаги ҳисоботларда айтилгандаи, унинг деворлари кўплаб машҳур «одамларни кўрганди». Яқин-яқингиналарда ҳам бу залда биллур, кумуш, чинни ва мелхиордан¹ ясалган буюмлар жилоланиб турарди. Столчалар устидаги қаттиқ кўк дастурхонлар юпқа қофоз янглиғ шитирларди. Узум боши шаклидаги қандиллар нақшинкор ва жимжимали

¹ Мелхиор — мис билан никелнинг кумушга ўхшаш қотишмаси.

шифтдан нур сочарди. Күмүн чөлактардың иштүүлүгүнүү таомлар рүйхати ҳам сиралып даңдапбайланып түшсүз

Эндү эса зал бүм-бүм ва корони, шифирлүк күнүнүү даврни эслатувчи биргина аминочка хиря иштүүлүгүнүү. У ҳеч ўчирилмаади. Одесса чигиниң ўлтуяны күрү, жана рига бийжим оқ күртка кийгани на Олешинин жана таңынан бўлган иккита официант ресторанинга олини тири куради. Колган хўрандаларга қандай чой ни көри ташукчанин вермишелдан қалинган қандайдир таом иштүүлүб берди шарди.

Олеша столда Одесса киностудиясының иштүүр бўлган ишлайдиган хафакон ва камгаи пегр билин ўлтирун.

— Ҳозиргина самасёттар ҳужум киради, — деди Олеша. — Сиз ухлеб котид билмадингиз. Хўш, энди тири са шаънита» кима дейсиз?

Мен, шаҳар уруш бошлангандан бери ўзгариб истибди, уни ўчиб, одессаликлар ҳам ўзларининг одетий жўшқиенликтарини йўқотганга ўхшайдилар, ледим.

— Бўл-ма-ғур гап! — деди Олеша ҳижжалаб ва бирро килиб. — Одессаликлар таслим бўлмайдилар ва ўзмайдилар. Уларнинг мардлигини ўткир сўзлар оширади. Сиз одессаликлар ҳакида хато ўйларкансиз. Айтсанни. Диоген каби буларни ҳам чалкаш тушунаркгансиз.

Мен, албаттаги, бу борада айбим йўқлигини фажилаб турардим. Диоген ҳакидағи фикримни эса ҳеч наеч Олеша олдида айтмагандим, нега деганда, тўғриси, у ҳакда фикрим йўқ эди. Олеша Диогенни бирорта кулатили гапига пайров килмокчи эди.

— Мана, — деди Олеша, — ҳаммангиз, жумладан сиз ҳам, Диогенни беадабларнинг бошлиги ҳисоблайсиз. Ү мутлако беадаб эмас! Тортинчок, ҳафтафаҳам чол эди, холос. Айтмокчи, бочкада истикомат қиласарди. Бу ҳам бефаҳмлигидан, албатта. Бочка ҳам ҳар қалай бошланада. Үнга ҳам пул тўлаб туриш керак. Диогенда эса бир

тийин ҳам, бир дирҳам ҳам бўлмагани аниқ. Бочканинг ҳўжайини бўлса, қарзинги узмасанг кўчага чиқариб ташлайман, деб дўқ қиласарди. Диоген шундан кейин ўртоқларининг олдига бориб, қизариб-бўзариб: «Бочкага пул беринглар» деб ғўлдиради. Шунда, десангиз, ўртоқлари: «Бочкага ҳам пулми?», «Сурбет!», «Юлгич», «Беадаб!» деб шовқин-сурон кўтаришарди.

Миқ этмай ўтирган негр бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборди. Олеша унга бир қараб қўйди-да, яна гапира кетди:

— Одессаликлар ҳозир, уруш даврида ҳам ҳар маҳалгидагидай мард, қувноқ ва қизиқчи. Юринг, шаҳар айланамиз. Шунда бирор жойда ҳеч нарсадан таслим бўлмайдиган кекса одессаликларни кўрамиз. Бунга мен кафилман. Бу ҳам ўзига яраша қаҳрамонлик.

Меҳмонхонадан чиқдик. Тиник ҳаво шафақдан қизғимтири туслага кирганди. Хиёбон гавжум эди.

Денгиз томондан Очаковога фашист самолётларининг эскадриляси яқинлашиб келарди. Денгиз зенитчилари уларни ўққа тутгандай, тўпларнинг гумбур-гумбури эшитилиб турарди.

Биз Греклар бозорига қараб кетдик. Олешанинг гапига қараганда, у ерда омон қолган бир чайная бўлиб, молдаванларнинг ҳақиқий оқ пишлогои сотиларкан.

Бирок биз Греклар бозорига етолмадик. Йўлда ҳаво тревогаси бўлиб қолди. Милиционерлар пистолетларидан осмонга ўқ уза бошладилар (бу, чамаси, тервогани радиодан эшитмаганлар учун бўлса керак). Улар барча йўловчиларни панароқ жойга ҳайдашарди.

Биз дуч келган биринчи ҳовлига кирдик. Бу грекларнинг типик ҳовлиси эди. Уни тасвирилашнинг деярли иложи йўқ. Уни чинакамига билмоқ ёки бутун гўзаллигини тушунмоқ учун бир неча кун истиқомат қилиш керак.

Бу ҳар томондан икки қаватли уйлар билан ўралган,

түғри бурчакли ҳовлилардан эди. Бундай ҳовлиларнинг дарвозаларидан фақат күчага чиқилади. Грекча уйларнинг барча хоналари ва квартиralари олдида ёғочдан килинган айвонлар ва ўшандай эски зинапоялар бор эди.

Зинапоялар уйларнинг девори ёнида бўлиб қимирлаб ва кисирлаб турарди. Улар хона ва квартиralарга элтувчи гавжум ва севимли жой эди.

Айвонларда хотин-халаж керосинкаларда скумбрия ёки қалқон балиқ қовуришар, «синенъки»дан машҳур икра тайёрлашар, болаларни чўмилтиришар, кир ювишар, жанжаллашишар (қават қават билан), патефон кўйишар ва ҳатто танца ҳам килишарди.

Биз ана шундай ҳовлига кирдик. Унда ҳеч ким йўқ эди.

Немисларнинг бомбардимончи самолётлари қаттиқ чийиллаб ва увиллаб пастга шўнғирди. Портлашнинг гумбурлашлари эшитиларди. Ҳовлининг тошларига зенит снарядларининг парчалари тушарди.

Биз снаряд парчалари тегиб кетмасин деб тепадаги айвоннинг бостирмаси тагида турардик. Ёнгинамиздаги яшик устида елкасига йиртиқ противогаз осган қари коровул ухлаб ўтиради. У портлашларнинг гумбурлагани, бомбаларнинг чийиллаши ва ҳамма ёқ чангиганидан ҳам уйғонмади. Чанг эса ҳовлига кўчадан паға-паға бўлиб кириб турарди.

Биз рўпарамизда зинапояли катта эшикни кўриб қолдик. Бу зинапоя алоҳида квартирага олиб киради. Эшикка мис тахтача коқилган бўлиб, унга «Тиш доктори И. С. Вайнтраубъ» деган сўзлар ўйиб ёзилган эди.

Фамилиянинг охиридаги қаттиқлик белгиси -- Вайнтрауб бу ерда алмисоқдан бери туришлигини кўрсатарди.

— Революциядан аввал келган! — деди Олеша.— Бу

«Исо туғилмасдан аввал» ёки «Бутун оламни босған тұғонгача» дегандай гап.

Зинанинг ёнгинасида пардалари тортиб қўйилган венецияча дераза бор эди. Үнинг ортидан фикуснинг¹ япроқлари корайиб турарди.

Самолёт чийиллади. Суронли портлашлар, зенит замбаракларнинг ҳайқириқлари эшитилди.

Шу пайтда биз оддий ва соддагина бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Олеша билан кейинчалик буни эслагани мизда нега қаҳқаҳа урганимизни ҳалигача билолмай юраман.

Қимdir венецияча дераза пардасини очиб, бир урувди, деразанинг иккала тавақаси шараклаб очилиб кетди.

Қари, соколи чала олинган, елка камари пастга тушиб кетган, қўйлаги ғижим яҳудий деразадан бошини чиқарди. Доктор Вайнтрауб дегани шу бўлса керак. Үнинг кўлида газета бор эди. Ана шу газетани пашшалардан сакланниш учун юзига ёпиб ётган бўлса эҳтимол. Самолётларнинг гувиллаши ва портлаш овозлари унга халал берганди...

У дераза токчасига қўлини тираб ташқарига қаради. Фазабдан қизариб, яллиғланган қўзларини ҳовли устидан пастлаб ваҳима солиб вағиллаб ўтган самолётга қадади-да, жаҳл билан:

— Нима? Яна келдингларми? Яланг оёқлар!!!— деб қичқирди.

У самолётнинг ортидан дарғазаб тупурдн-да, деразани тараклатиб ёпиб, пардани тортиб қўйди.

Шунда портлаш овозларидан ҳам уйғонмаган қоровул дарҳол кўзини очди-да, ҳомузга тортиб, хафақон ҳолда:

¹ Фикус — ҳамиша кўкариб турувчи барглари яшил ўсимлик. Үйни безаш учун парвариш қилинади.

— Ховлимиздаги энг довюрак одам бу. Наполеоннинг ўзи,— деди.

Ҳаво ҳужуми тугади. Биз кўчага чикдик. Қош корайиб қолган эди.

— Кўрдингизми,— деди Олеша,— тўғри гапирибманми? Мана сизга кекса — ҳеч нарса қаршисида тиз чўкмайдиган Одесса.

— Бир омадингиз келди-да,— дедим мен.

Биз «Лондон мусофирихонаси»га қараб кетдик. Опера театрининг олдида илдиз-пилдизи билан қўпорилган акас дарахти ётарди. Унинг илдизи эски уйнинг иккичи қавати балконининг панжарасига илиниб қолганди.

Кираверишда «Тез ёрдам»нинг сояvon араваси турарди. Иккичи қаватнинг дераза токчасидан йўлкага қип-қизил қон чак-чак томарди.

Денгиз устида тутун қават-қават бўлиб кўтарилади. Пересепининг қаеригадир ўт тушганди. Балки кўрфазнинг нариги ёғидан ой кўтарилгандир.

«Уч семиз» асарида тасвирланган фонулар омон қолганига худди Олешадай суюндим.

Мен Олеша ҳақида яна кўп нарса айтишим мумкин, бироқ ҳозирча бу машаққат. У яқинда оламдан ўтди. Уни, бамисоли қаршингизда тинчгина хаёл суриб ўлтирадиган бу сиймони мутлако унугиб бўлмайди. Унинг эски костюми ёқасидаги жажжигина қизил гулни ҳам унугиб бўлмайди. Бу костюмни Олеша кўп йил кийиб юрганини кўрганман.

МИХАИЛ ПРИШВИН

Агар ҳаётига чуқур кириб, уни мадҳ этганлиги учун миннатдорчилик билдириш табиатнинг кўлидан келганида эди, ана шу оғариплар Михаил Пришвин шаънига айтилган бўлур эди.

Бу инсонни Михаил Михайлович Пришвин деб факат шаҳарликларгина аташар, Пришвин ўзини худди уйидагидек ҳис этган жойларда эса, масалан, қоровулларнинг уйларида, туман босган дарё одоқларида, осмонини булат босган, ерларида эса гуллар очилиб ётган жойларда эса уни оддийгина қилиб «Михалич» деб чақиришар ва бу одам тунука том тагида ин кўйган қалдирғочларгина «кўнглига яқин жойларни» эслатувчи шаҳарга кетган пайтларида маъюс бўлиб колишарди.

Пришвиннинг ҳаёти — инсоннинг мұхит уни тўқнашибган барча ёқимсиз нарсалардан воз кечиб, «юрак фармойиши» бўйича ҳаёт кечира бошлишининг тимсолидир. Бундай ҳаёт кечиришда буюк бир маъно бор. Чунки «юрак фармойишига» қулоқ солиб яшовчи инсон ҳар маҳал ижодкор, бойитувчи ва санъаткордир.

Мабодо Пришвин умр бўйи агрономлигича қолганида (бу унинг биринчи касби эди), у ўз ҳаёти мобайнида нималар қила олишини билиб бўлмасди. Ҳар ҳолда у миллионларча рус кишиларига рус табиатини латофатли ва ёрқин поэзия сифатида етқиза олмас эди. Бунга унинг вақти ҳам етмаган бўларди. Табиат ёзувчи қалбидаги ўзининг «иккинчи олами»ни яратмок учун зийрак кўз ва тинимсиз маънавий меҳнат талаб қиласди. Ана шу «иккинчи олам» бизни янги-янги фикрлар билан бойитади ва санъаткор кўзи билан кўрилган гўзаллик илия кишини олижаноб қиласди.

Агар Пришвин ёзган асарларни дикқат билан ўқиб чиқсангиз, адид ўзи жуда яхшилаб кўрган ва билган нарсаларининг юздан бирини ҳам куйлашга улгуролмабди, деган фикрга келади киши.

Пришвин каби мастерлар учун биргина умрнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бундай кишилар дараҳтдан учиб тушаётган ҳар бир кузги япроқ ҳакида бутун бир поэма ёза оладилар. Япроқлар эса жуда кўплаб тўкилади.

Қанчадан-қанча япроқлар Пришвиннинг айтилмаган фикрларини ўзлари билан бирга олиб кетганикин? Пришвин бу фикрлари ҳакида, улар япроқлар сингари бемеҳнат тўкилгани-тўкилган, деган сўзларни айтган эди.

Пришвин қадимий рус шаҳарларидан бўлган Елецдан чиққан. Худди Пришвин каби табиатга инсоний ўй ва кайфиятлар бўёғи билан жило бера оладиган ёзувчи Бунин ҳам шу жойлардан чиққан эди.

Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Чамаси Орлов шаҳарининг шарқий қисми табиати, Елец теварак-атрофининг табиати росмана рус табиати, яъни ниҳоятда оддий ва жўндири. Пришвиннинг ёзувчи сифатидаги сезгирилигининг сири ҳам табиатнинг ана шу хусусиятида, бирмунча вазминлигидадир. Табиати оддий жойда ернинг сифати ҳам яққол кўзга ташланади, киши нигоҳи ўткир бўлади ва фикри ҳам қуюқлашади. Табиати оддий ер, кишига гўзал жойларга қараганда кучлироқ таъсир килади, юрак ундаги хилма-хил нурларни, кун ботишдаги бенгал олови янглиғ шафакни, осмонида юлдузлар кайнашини ҳис қиласи, ўсимликлари кўзга баҳайбат шаршараларни эслатувчи тропиклар, барглар ва гуллардан иборат улкан ниагаралар янглиғ кўринади.

Пришвин ҳакида қалам тебратмоқ мушкул иш. Унинг асарларини мутолаа мақсадида эзгу дафтарчаларга кўчириб олиб, қайта-қайта ўқимоқ керак. Шунда киши уларнинг ҳар бир сатридан янги-янги бойликлар топади, аранг билиниб турган сўкмоқ орқали булоқларнинг отилишини эшитган ва гулларнинг бўйини сезган ҳолда ранг-бараанг фикр-ўйларга чўмиб, минг хил ҳолатга тушиб (бу ақли ва юраги соғ кишига хос хусусиятдир), қалин ўрмонга йўл олганимиз каби унинг китоблари орасига ҳам сингиб кетамиз.

Пришвин ўзини «проза крестига қоқиб қўйилган» шоир деб ўйларди. Бироқ у адашганди. Унинг прозаси

кўлгина шеър ва поэмаларга иисбатан поэзия шарбатига анча тўлиқ эди.

Пришвиннинг китоблари унинг ўз сўзлари билан айтганда «доимий кашфиётларнинг ниҳоясиз кувончи»дир.

Мен кишиларнинг Пришвин китобини ўқиб бўлгандан кейин ҳамма вакт «Бу чинакам сеҳргарлик!» деганларини бир неча бор эшитганман.

Шанда китоб мутолаа килганилар билан бу хусусдаги гапни давом эттирганда, улар сеҳргарлик деганда Пришвиннинг факат ўзига хос ва тушунтириш кийин бўлган, бирок аник сезилиб турган мафтуҳликни кўзда туттгилари аён бўларди.

Пришвиннинг сири нимада? Китобларининг сеҳри ҳам нимада? «Сеҳргарлик», «ғаройиб» деган сўзлар эртакларга тааллуклидир. Бирок Пришвин эртакчи эмас-ку. У ер, «нам она тупроқ» кишиси, теварак-атрофидаги бу оламда рўй берәётган барча нарсаларнинг шоҳидидир.

Пришвинга хос бўлган жозиба, сеҳрнинг сири — унинг ана шу зийраклигидадир.

Бу шундай зийраклики, у ҳар бир кичик нарсада кизикарли нарса кашф килади, теварак-атрофлаги зерикарли туюлган ҳодисалар замирида теран мазмун кўради.

Шунда ҳар бир нарсадан поэзия бамисоли кўкатдаги шудринг томчиси янглиғ ялтираб кўринади. Тоғ теракнинг ҳар бир кичик япроғи ҳам ўз ҳаёти билан яшайди.

Мен Пришвиннинг китобини кўлимга оламан-да, уни очиб, мана буларни ўқийман:

«Тун улкан тиник ой остида кечди, эрталабга яқин биринчи совук тушди. Ҳамма ёқ оппок оқарди, бирок кўлмаклар яхламади. Куёш чикқандан кейин дараҳтлар ва майсалар калин шудринглардан маржонлар тақиб, арча новдалари коронғи ўрмондан шунақсанги такинчокларда жамол кўрсатишдики, бунақангি бесзакка бутун ер юзининг олмоси ҳам етмаган бўлар эди».

Чинакамига олмое бүлгән ана шу нирчилия *жыныштара* са оддий, аник ва ғамас поэзияга лиммо-линир.

Агар ана шу парчадаги сұзларға диккит билдиң *иңшар* солсанғиз, Горькийнинг Пришвин ҳақици яңтаяи *сұзлар* рига тұла құшилаңыз. Н «Пришвин оддий сұзларын *жыныштык* билан уйғулапташиб, барча нареалитет *жыныштык* ҳаёт бағишаңдақ мұкаммал үқувға әгадір» деген өзіңіз әди.

Бирок Пришвинга шу сұзларининг ўзигини *кибіл* үзгемайды. Пришвин тили — халқ тилидір. Бу тиіс рус қошисининг табиат, мәднен, халқ характеристикинің *сөзлең* зе донолиги билан чамбарчас алоқаси *натижасында* шаклланиши мүмкін әди.

«Тұн үлкән тинік ой остида кечди» деган *бір жаңа* сұз үйқудаги мамлакат түннінің сокиң ва улуттар көңгалигини аник акс эттиради. «Совуқ тушди» ҳәм, «зерахтлар калын шудринглардан маржонлар *тандылар*» ибораси ҳам — ҳамма-ҳаммаси халқнинг жонлы *сұзлар*идир, булар битта-яримтадан эшитилган ёки *жыныш* дафтардан олинған әмас, балки ёзувларынің ўз *сұзлар*идир. Чунки Пришвин материал сифатида халқнен *чет*дан туриб кузатувчиси әмас, балки унинг ўз *жыныштык* айна.

Ағсуски, ёзувлар халқ ҳаётини ўрганын *бір жаңа* четдан туриб кузатған пайтлар ҳам тез-тез *сөзде* *сұзде* туради.

Ботаникларда — серүт жой (разнотравье) деген тиленін бор. Бу сұз одатда гуллаган пичанзорларта *тил-луклид*идир. Серүт жой — күл атрофларида ва дерендардағы одокларидаги ерларни босған хилма-хил ажейінд *тұзаты*-демақдир.

Пришвин прозасини тұла ҳуқық билан «рус тиленінсін серүти» дейиш мүмкін. Сұз Пришвииң *құзига* *түштік* да гул-түл очилиб, яшнаб кетади. Улар дам *майданында* янглиғ шитирласа, дам булоклар каби *жылдар-жылдар*

қиласи, дам күшлар сингари чуғур-чуғур қилса, дам биринчи музга ўхшаб қасирлайды ва ниҳоят юлдузлар оқими янглиғ секин саф тортиб хотирамизга ўрнашади.

Пришвин прозасининг сеҳри унинг чукур маърифий билим эгаси эканлиги билан изоҳланади. Инсон билимининг исталган соҳасида поэзиянинг тубсиз қаъри мавжуд. Шоирлар буни анча илгари тушуниб олишлари керак эди.

Агар шоирлар астрономияни яхши билганларида, улар севган юлдузли осмон мавзуси янада улуғворлик касб этган бўйлур эди.

Куруқкина қилиб тунги осмон дейиш бошқа гапу шонир юлдузлар олами ҳаракати қонунларидан огоҳ бўлиб, кўл сувида юлдузларнинг қандайдир туркуми эмас, балки порлоқ Орион акс этяпти деса бошқа гап.

Энг арзимас билим биз учун гўзалликнинг янги-янги соҳаларини очишига мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу борада ҳар кимнинг ўзига яраша тажрибаси бор.

Бироқ ҳозир бир воқеани ҳикоя қилмоқчиман. Пришвinnинг бир сатри менга шу чоққача тасодифий туюлиб келган бир ҳодисани тушунтириб берганди. Ўша сатр воқеани тушунтиришидан ташкари, менингча, уни қонуний гўзаллик билан тўлдирган ҳам эди.

Мен Оканинг сувли ўтлоқларида гуллар гоҳо чекка жойларда фуж ўсганини, айрим жойлардаги оддий ўтлар орасида эса бир хил гуллар илон изи лента янглиғ чўзилиб кетганини анчадан бери кўз тагига олиб юрардим. Бу манзара айниқса ўтлок яқинидаги тўқай ва ботқоқликлардаги чивинларга дори сепгани келадиган «У-2» деган мўъжазгина самолётдан яхши кўринади.

Мен гулларнинг бу баланд ва хушбўй лентасини кўп йил кузатдим. Улардан завқландим, бироқ бу ҳодисанинг сирини билмасдим. Айтмоқчи, бунга бош қотирганлигимга ҳам икрор бўлишим керак.

Ниҳоят Пришвиннинг «Фасллар» асаридағи «Гулдарёлари» деб номланган парчадаги биргина сатрдан бу ҳодисага жавоб топдим.

«Баҳор оқимлари ўтган жойларнинг ҳаммасида ҳозир гуллар оқими бор».

Мен буни ўқидиму гуллар дарёси баҳор пайтида эриган қор сувлари ҳосилдор лойқа қолдириб ўтган жойлардан ўсиб чиққанлигини дарҳол тушундим. Бу гүё баҳорги оқимларнинг гуллардан ясалган харитаси эди.

Москвадан сал нарида Дубно дарёси оқади. Унинг соҳилида минг йиллардан бери одам яшайди, дарё ҳаммага маълум, ҳатто харитага ҳам киритилган. Бу дарё Москва яқинидаги хмель сероб бўлган дараҳтзорлар, кўм-кўк тепаликлар ва далалар, Дмитрово, Вербилок, Талдом каби қадимиј шаҳар ва қишлоқлар оралаб се-кин оқади. Бу дарё бўйларида мингларча одамлар бўлганлар. Уларнинг орасида ёзувчилар, рассомлар ва шоирлар ҳам бўлган. Бирор ҳеч ким Дубнодан мадҳ этишга арзигули бирор нарса тополмаган. Бирорта киши унинг соҳилларини бамисоли ҳали кашф этилмаган мамлакатда юргандай кезмаган.

Бу ишни Пришвин қилди. Шундан сўнг кўримсизги-на Дубно ёзувчининг қалами остида ўзининг айрича ҳаёти, ўсимликлари, факат ўзигагина хос бўлган ландашти, кирғоқларида яшовчи кишиларнинг майшати ва тарихи билан географик янгилик, кашфиёт сифатида, мамлакатимизнинг энг ажойиб дарёларидан бири сифатида жилва қила бошлади.

Бизнинг мамлакатимизда Тимирязев, Ключевский, Қайгородов, Ферсман, Обручев, Мензбир, Арсеньевларга ўхшаш, ундан ташқари, ўсимликлар ҳаётидаги баҳор ва куз ҳақида жиддий илмий ва қизиқарли китоб ёзган, бирор ёш ўлиб кетган ботаник Кожевников каби олим-

лар, шоирлар бўлганлар ва ҳозир ҳам уларниң вакиллари яшаб ижод қилишмоқда.

Шунингдек, Мельников-Печерский, Аксаков, Горький, Пинегин каби ўз повесть ва романларида прозанинг узвий қисми сифатида фанга кўп мурожаат қилган адиларимиз ҳам бор.

Бироқ Пришвин бу ёзувчилар орасида алоҳида ўрин тутади. Унинг этнография, фенология, ботаника, зоология, агрономия, метеорология, тарих, фольклор, шаркшунослик, география, ўлкашунослик ва бошқа фанлар бўйича чукур билими ёзувчилик ҳаёти билан узвий равишда боғлиқдир. Улар ўлик юк эмас. Пришвиннинг билимлари унинг тажрибалари, кузатувчанлиги, илмий ҳодисаларни уларниң поэтик ифодасида кичик ва катта, бироқ кутилмаган мисолларда бир хилда кўра билишдек хусусияти билан бойиган ҳолда асарларида яшамоқда.

Пришвин инсон ҳақида зеҳни ўткирлигидан кўзларини сал қисиб олгандай қалам тебратади. Уни ёқимсиз воқеалар қизиқтирумайди. Уни ҳар бир инсоннинг, у ўрмон кесувчими, этикдўзми, овчими ёки машҳур олимми — бундан қатъий назар юрагидаги орзузи қизиқтиради.

Инсоннинг юрагидаги эзгу орзуни билиб олиб, уни воқелинка олиб чиқиш ёзувчининг асосий вазифасидир. Буни бажариш машаққатли ишдир. Инсон бошқа ҳеч бир нарсасини орзузи каби қаттиқ сир сақламайди. Балки, бунга инсоннинг сал масҳарага, ҳаттоқи ҳазилга чидай олмаслиги ва албатта лоқайдликка тоқати йўқлиги сабабчидир.

Киши ўз орзусини фақат маслакдошигагина тўла ишонч билан айта олади. Пришвин исмлари номаълум орзумандларимизнинг ана шундай маслакдоши эди. Жилла бўлмаса унинг «Бошмоқ» деган ҳикоясини эсланг.

Бу ҳикояда марынно рошчалик этикдүз йигитлар коммунистик жамият аёллари учун жаҳонда энг сиғил бўлгига пойафзал яратишга аҳд қиласидилар.

Пришвииндан бизга жуда кўп ёзувлар ва куидаликлир мерос қолди. Бу ёзувларда Михаил Михайловиччининг ёзувчилик маҳорати ҳакидаги фикрлари мужассасмалашган. У бу соҳада ҳам табнататга муносабатидаги сингерг ўтирил кўз эди.

Менга Пришвиининг проза соддалиги ҳакидаги бир ҳикояси фикрларининг тўғрилиги жиҳатидан наимунати туюлади. Ҳикоя «Қаламкаш» деб аталади. Ҳикояда ёзувчининг чўпон бола билан адабиёт ҳакида суҳбат курганинг тасвир этилади.

Мана шу суҳбатни келтираман. Чўпон бола Пришвиинга шундай дейди:

«Қани энди ҳақиқий нарсаларни ёзсанг. Сеъ ҳаминни тўқиган бўлмасанг керак.

— Ҳаммасини эмас,— жавоб бердим мез.— Бирор уйдирмадан ҳам пича бор.

— Мен ёзувчи бўлганимда бунақа ёзмассан.

— Бор нарсаларни ёзармидинг?

— Ҳаммасини. Масалан, тунни олардам-да үенинг боткоқда қандай кечганини тасвирлардим.

— Хўш, қанақасига энди?

— Мана бунақасига! Тун. Сув бўйида катта, жана катта бўлган бута бор. Мен бута тагида ўлтирибсан. йўрдакчалар эса «свись, свись, свись» килиб учинчиз.

Бола тўхтади. Мен у сўз ёки образ наизатта, да ўйладим. Бироқ у ёнидан най олди-да, ундан ташник гача бошлади.

— Хўш, у ёғи нима бўлади?— сўрадым мез.— Сеъ тунни бор нарсалари билан кўрсатмоқчидарсан

— Мен тасвир килиб бўлдим,— жавоб бердим.— Ҳаммаси бор нарсалар. Тарвақайлаған бир сеняр

Мен унинг тагида ўлтирибман. Ўрдакчалар бўлса тун бўйи «свись, свись, свись» қилиб ўтишгани-ўтишган.

— Жуда ҳам қиска-да.

— «Қисқа!» деганинг нимаси,— ҳайрон бўлди чўпон бола.— Тун бўйи «свись, свись, свись» қилишди.

Мен бу ҳикояни тасаввур қилиб дедим:

— Қойил!

— Ёмон эмас,— жавоб берди у».

Пришвин ўзининг ёзувчилик ишида ғолиб эди. Шунда унинг манови сўзларини беихтиёр эслайсан киши: «...Агар ғалабангнинг шоҳиди ҳатто ёввойи ботқоқлар бўлса ҳам, улар ажойиб гўзаллик касб этади, шунда баҳор, ёлғиз баҳор сенга абадий қолади, шунинг ўзиёқ ғалабанинг шарафи».

Ҳа, Пришвин прозасининг баҳори кишиларимиз ҳаёти ва совет адабиётимизда абадул-абад қолади.

АЛЕКСАНДР ГРИН

Ёшлик йилларимизда биз гимназистлар «Универсал кутубхона» сериясидаги китоблардан бош қўттармасдик. Бу мўъжаз китобчалар сарик муковада бўлиб, петит ҳарфларда босиларди.

Булар ниҳоятда арzon бўларди. Ӯн тийинга Додэнинг «Тартарен»ини ёки Гамсуннинг «Мистерия»сини, йигирма тийинга Диккенснинг «Давид Копперфильд»ини ёки Сервантеснинг «Дон Кихот»ини сотиб олса бўларди. Рус ёзувчиларининг асарлари «Универсал кутубхона» сериясида аҳён-аҳёнда нашр қилинарди. Шунинг учун ҳам сериянинг «Теллурининг мовий шаршараси» деган ғалати номдаги набатдаги китобини сотиб олиб, унинг муковасида Александр Грин деган авторнинг фамилия-

сини күрганимда, у ажнабий бўлсан көрик, ~~жанги 122-ни~~
борганим табинйди.

Китобда бир неча ҳикоялар бор физ. ~~Ушаков~~ ёнида китобни очиб, шударни ўқиганим билимди.

«Лиссидай бемаъни ва ажойиб ишти ~~таддизи~~ тарак. Одамлари туртича гашлашадиган бу шахарни ўзимликка ўтмоқчи бўлган дайдини эслатиди. ~~Инду~~ ўзим келган жойга, ҳатто иомигагина бўлгани ўртасига ҳам тушавергаи. Лиссида роствини ўзимни ўзи йўқ, чунки шаҳар аниналари, кўнриклир ~~иши~~ сўқмоқлар билан бир-бирига уланганни ~~кимга~~ ликлар чеккаси утида буниёда келини.

Буларнинг барини қадин — тронини ~~Чинчаки~~ бўлган, маъсум аёлларнинг тагига ҳилоллай ~~чиш~~ ўзимни ган чакнок кўзлари алтиради. Каёкка кирсанни ~~чарни~~ тош, мовий соя ва қадимий денорларнии ~~чиш~~ кандидаридан бошқа нареаларни кўрмайсиз... ~~Чинчаки~~ ўхшаган бирорта ҳовлида трубка чекабтизи ~~жиз~~ бадковоқ бир киши катта қайик тузатабтизи бўлсалди. Олисдан кўшик эштилар, жарлардан эса ~~унинг~~ экинчи доси келарди. Бозорларда одамлар катта ~~соявонлигидан~~ тегида савдо қилишарди. Куроллар ялтираши, ранъ-ранъ лиbosлар, кўзларни қамаштирувчи гуллар ~~и~~ ўз-ўзинларнинг хушбўй ислари худди тушдагидай юракни тушган севги ва висол дамларини эслатиб, калбен дилтиш қиласди. Гавань — труба тозаловчи йигит изби исхоми. Беҳисоб елканлар, уларнинг сокинлиги, ажойиб тенз мовий сув, коялар, бепоён океан кўзга ташланади. Турс — юлдузларнинг сеҳрли ёғини, қайиқлардан янграгиб кашкаҳалар... Лисси — мана шундай шаҳар».

Мен бу китобни гуллаган Киев каштанининг соясига ўқирдим. Ажиб тушга ўхшаган бу китобнинг сиприга етмагунимча бошимни кўтармадим.

Шунда мен ногиҳон шамол жилосини, дентизини

шўртак иссиқ ҳидини, Лиссини, аёлларнинг кўзларини, олов сели пуркаган тор кўчаларни, атрофида оқ чиганикларнинг қолдиқлари ётган сариқ тошни, кўкка ўрлаётган учкур булатларнинг оч пушти ранг дудини соғиниб қолдим. Йўқ! Мен факатгина соғинмас, балки ана шуларнинг барини ўз кўзим билан кўриб, эркин денгиз ҳаётига бемалол шўнғиш истаги иштиёқида ёнардим.

Шунда мен бу ажиг дунёнинг қандайдир айрим жойлари кўзимга танишилигини эслади. Номаълум адиг Грин уларни бир саҳифага тўплаган эди. Бироқ мен буларнинг барини қаерда кўрган эдим?

Ҳа, эсладим. Буларни, албатта, бамисоли мовий деңгизлар устидаги кўзни қамаштирувчи ёрқин қуёш сари бўй чўзган ва унга осмон каби мовий соялар қанотини ташлаган Севастополда кўрганман. Севастополнинг бу ажойиб хусусиятларининг бари Грин асарининг саҳифасига жо бўлганди.

Мен китобни ўқишида давом этарканман, матрослар кўшигини учратиб қолдим:

Олиса ялтирар жанубий Крест,
Компас ҳам уйғонар илк шабададан,
Тангри, кемаларни сақларкан албат,
Утар бизларнинг ҳам гуноҳимиздан!

Уша вақтларда мен Грин ҳикоялари учун ашулаларни ҳам ўзи тўқишини бплмасдим

Одамлар ичкиликдан, қуёш ёғдусидан, ажиг шодиёнадан, ўзининг ажиг ва намхуш гўшалари сари толмай етакловчи ҳаёт сахиyllигидан ва ниҳоят «юксак туйфу»-дан сархуш бўладилар.

Грин ҳикояларида буларнинг бари мавжуд эди. Улар кишини дим шаҳардан чиққанингдан кейин юзга уриладиган оромбахш шабада сингари сархуш этарди.

Мен Грин билан шу тариқа танишдим. Грин рус, уни

Александр Степанович Гриневский деб аташларини билганимдан кейин, бунга унча ҳайрон бўлмадим. Балки бу Грин ўша пайтлардаёқ мен учун нақ Қора денгизчи, адабиётда Багрицкий ва Катаев ҳамда бошқа кўп Қора денгизчи ёзувилар мансуб бўлган авлод вакили сифатида маълум эканидан шундай бўлгандир.

Гриннинг таржимаи ҳолини, унинг санғи ва ўлгидай дайди ҳаёт кечирганини билганимдан кейин ажабландим. Индамас ва кулфатлар адо қилган бу одам аянчли ҳаёт кечирганига қарамай, ўзида тасаввурнинг қудратли ва мусаффо инъомини, инсонга бўлган ишончни ва уятчан табассумни сақлаб кола олганлиги жуда ҳайратланарли эди. У ўзи ҳакида «доимо супуриндилар ва пастак уйларнинг ахлатлари устида булути манзара кўрдим» деб бежиз ёзмаган эди.

У ўзи ҳакида француз ёзувчиси Жюль Ренарнинг: «Менинг ватаним — энг гўзал булувлар сузадиган жойлардир» деган сўзларини тўла ҳукуқ билан айтса бўлади.

Агар Грин бизга факат «Алвон елканлар» деган настрий достонини қолдириб, оламдан ўтганида ҳам, бу асарнинг ўзиёқ уни инсон қалбини камолотга чорлаши билан ҳаяжонга соладиган ажойиб ёзувчилар қаторига кўймоқ учун кифоя қиласарди.

Грин ўзининг барча асарларини орзуладиган оқлаш учун ёзди. Бунинг учун биз ундан миннатдор бўлмоғимиз даркор. Биз интилаётган келажак инсоннинг енгилмас хусусияти бўлган орзу қилиш ва сева билиш укувидан туғилганлигини биламиз.

ЭДУАРД БАГРИЦКИЙ

Эдуард Багрицкийнинг биографлари ўз ишларида кўп кийинчиликларга дучор бўлажаклар, ўшанда «азоб

нималигини билажаклар». Чунки Багрицкий биографиясини батафсил ёзиш мушкулдир.

Багрицкий ўзи ҳақида ёлғон нарсаларни қойил қилиб айтганидан қайси бири рост, қайси бири ёлғонлигини ажратиб бўлмасди. Бунда ҳақиқатни ва уйдирмани аниқлаб бўлмайди.

Шу важдан, бундай хайрсиз иш қилишнинг умуман ҳожкати йўқ, деб ўйлайман. Багрицкий тўқиган ёлғонлар биографиясининг характерли қисми эди. Унинг ўзи ҳам буларга жуда-жуда ишонарди.

Кўй кўзлари доимо кулиб бокувчи ва овози ширали бўлган бу шоирни ана шу ёлғонларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Эгей денгизининг соҳилида қувноқ ва ишчан кишиларнинг «левантияликлар» деган ажойиб қабиласи яшайди. Бу қабила турли халқлар — греклар ва турклар, араблар ва яҳудийлар, суряликлар ва италияликлар вакилларидан иборат.

Совет Иттифоқида «левантияликлар» бор. Булар ҳам турли халқларнинг фарзандлари, бироқ бир хилда қувноқ, шўх, дадил, Қора денгизни, порт ҳаётини, «она Одессаларини», абрикос ва ковунларни, соҳилдаги рангбаранг ҳаётни жондан ортиқ севадиган «Қора денгизликлар»дир.

Эдуард Багрицкий ҳам ана шу қабилага мансуб эди.

У дам Херсон қайифида келаётган танбал матросни эслатар, дам одессалик күш тутар «бола»га ўхшар, дам Котовский отрядидаги ҳеч нарсадан тап тортмайдиган жангича ўхшаб кетса, дам Тиль Улсеншпигелнинг худди ўзи бўларди.

Бу кишининг яхлит ва жозибали характери гўё ана шу бир-бирига ёпишмайдиган хусусиятлардан ташкил топган, улар ёнига поэзияга бўлган чуқур муҳаббат ва улкан поэтик эрудиция ҳам кўшилган эди.

Мен Багрицкий билан биринчи дафъа Одесса портидаги түлқин тұсарда учрашдим. Ұша кезларда Багрицкий «Тарвуз ҳакида поэма»сини әндигина ёзған эди. Бу асар түйғу ва сўзларининг шираси жиҳатидан ажойиб бўлиб, унга пўртанали Кора денгиз түлқини сачрагандай эди.

Багрицкий икковимиз денгизга ўзитутар узун симни ташлаб, бичок ва барабулка¹ овлардик. Очаководан тарвуз ортиб келаётган, елқапларнига ямоқ солинган қора қайиқлар ёни миздан ўтиб турарди. Енгил шамол турганда қайиқлар чайқалиб, бортигача сувга ботар ва теварак-атрофига кўпик сачратарди.

Багрицкий бўлса шўртанг лабларини ялаб, ҳарс-ҳарс қилганича «Тарвуз ҳакида поэма»сини овоз чиқариб ўқирди.

Поэмада тасвиrlанишича, қиз қирғоқдан түлқин улоқтирган ва юрак сурати солинган тарвузни топиб олади. Тарвуз ҳалок бўлган кемадан қолган бўлса керак чамаси.

Кўлга олдинг, дея, менинг юрагим,
Айтмоққа бу ерда топилмас ҳеч ким.

Багрицкий истаган шоирингизнинг шеърларини жон деб ёддан ўқирди. У шеър ўқиганда яхши таниш бўлган мисралар ҳам янгича, жарапндор оҳанг касб этарди. Мен Багрицкий билан танишгунимча ҳам, ундан кейин ҳам бунака шеър ўқийдиган одамни учратмадим.

Багрицкий шеър ўқиганда шеърдаги ҳар бир сўз ва бандлар кишининг вужудини жимирлатадиган даражада таъсиrчанлик касб этарди. У Бернснинг Джон Арпа Уруғи ҳакидағи кўшиғини ўқийдими, Блокнинг «Донна Анна»сиии ёки Пушкиннинг «Олис Ватаи қирғоқлари-

¹ Балиқ турлари.

га» мисраси билан бошланадиган шеърини ўқийдими — бари бир киши йигидан ўзинни аранг тийиб, қимтинымай тинглай олмасди.

Багрицкий билан портдан чиңиб Греклар бозорига бордик. У ердаги чайнайда чойга сунъий қанд, бир бурда кора нон ва оқ пишлок қўшиб сотиларди. Биз эрталабдан бери туз totmagandik.

Уша пайтларда Одессада бир гадой бўларди. У садакани бошқача олиши билан бутун шаҳарга кўркув соларди. Гадой одамларга бош эгиб, қалтироқ қўлини чўзиб: «Раҳмдил жаноблар! Майиб-мажруҳлигимга эътибор беринглар!»— демасди.

Йўқ, у бундай дейдиган гадойлардан эмасди. Баланд бўйли, оппок соколли, кўзлари склероз касали билан оғриган бу чол фақат чайнайларда юрарди. У остонаяга қадам қўймасиданоқ овозининг борича хўрандалар бўшига лаънат тошларини ёғдиришга киришарди.

Одессаликларнинг айтишича, лаънат тошлари ёғдиришнинг устаси фарангি бўлган инжилдаги пайғамбар Иеремий ҳам унинг олдида ип эшолмай коларкан.

— Виждонларинг қайда қолди, сизлар одаммисизлар ўзи, ё одам эмасмисизлар?!— чол шундай деб шовқин соларди-ю, ўша заҳоти ўзининг дабдабали саволига ўзи жавоб берарди.— Пинакларингни бузмай ёғли оқ пишлок еб ўтирганларингдан кейин канакасига одам бўласизлар, битта қари одам бўлса туз totmай эрталабдан бери ичи бўш бочкадай оч юрибди! Кимларга ўхшаб кетганларингни туккан оналаринг кани энди бир кўрса, шунака сурбет бўлиб колганларингни кўрса тозаям суюнарди-да. Хўш, нега тескари карайпсиз, ўртоқ? Қулоғингиз кар эмас-ку! Ундан кўра қари ва оч одамга ёрдам килиб, ифлос виждонингизни тинчтитинг!

Бу гадойга ҳамма хайр берарди. Унинг сиқувларига

ҳеч ким дош беролмасди. Айтишларига қараганда, у топған пулига туз олиб сотарди.

Чайнаяда бизга чой билан бирга ҳўл латтага ўралган оқ пишлок ҳам беришди. Пишлок одамнинг милкига тегарди.

Шу пайтда гадой чайнаяга кириб, остоидан турибоқлаънат тошларини ёғдира бошлади.

— Аҳа,— деди Багрицкий уни яниб.— У энди қўлга тушганга ўхшаб қолди. Қани, яқинлашсин-чи! Қани яқинроқ келиб кўрсин-чи! Қани бунга юраги бетласин-чи!

— Хўш, ўшанда нима бўлади?— сўрадим мен.

— Унга жуда ёмон бўлади,— жавоб берди Багрицкий.— Жуда ёмон бўлади-да! Қани столимиизга яқин келиб кўрсин-чи!

Чол биз томон ҳайиқмай яқинлашарди. Ниҳоят у ёнимизда тўхтаб, кутурган кўзларини оқ пишлокка бир неча секунд тикиб тураркан, томоғида нимадир килтилаб кетди. У ортиқ даражада газабланганидан гапироммай бўғилиб колган бўлса керак. Бироқ шунда ҳам у томоқ қириб олиб, шангиллашга тушди.

— Бу йигитларнинг виждони қачон уйғонаркин? Буларнинг оқ пишлокни шоша-пиша ейишларини четдан томоша қиласангиз. Баҳтсиз чолга ярми у ёқда турсин, ақалли чорагини ҳам берайлик дейишмайди-я!

Багрицкий ўрицидан туриб, қўлини кўксига кўйди-да, чолнинг заҳил башарасидан кўзини узмай ииғламсираган ва аянчли овозда ўқиди:

Азизим, оғайим, ҳорғин, ссркулфат дўстим,
Ким бўлма ўзишгии ерга урмагин.

Гадой қақкайиб қолди. У Багрицкийдан кўз узмасди. Кейин кўзлари олайиб кетиб, аста-секий орқасига тисарила бошлади-да, Багрицкий шеърнинг «Ишон, пайти

га» мисраси билан бошланадиган шеърини ўқийдими — бари бир киши йигидан ўзини аранг тийиб, қимтимай тинглай олмасди.

Багрицкий билан портдан чиқиб Греклар бозорига бордик. У ердаги чайнайяда чойга сунъий канд, бир бурда кора нон ва оқ пишлок кўшиб сотиларди. Биз эрталабдан бери туз totmagandik.

Уша пайтларда Одессада бир гадой бўларди. У садакани бошқача олниши билан бутун шаҳарга кўркув соларди. Гадой одамларга бош эгиб, қалтироқ қўлини чўзиб: «Раҳмдил жаноблар! Майиб-мажруҳлигимга эътибор беринглар!»— демасди.

Йўқ, у бундай дейдиган гадойлардан эмасди. Баланд бўйли, оппок соқолли, кўзлари склероз касали билан оғриган бу чол факат чайнайларда юради. У остоңага қадам кўймасиданоқ овозининг борича хўрандалар бошига лаънат тошларини ёғдиришга киришарди.

Одессаликларнинг айтишича, лаънат тошлари ёғдиришнинг устаси фарангি бўлган инжилдаги пайгамбар Иеремий ҳам унинг олдида ип эшолмай қоларкан.

— Виждонларинг кайда колди, сизлар одаммисизлар ўзи, ё одам эмасмисизлар?!— чол шундай деб шовқин соларди-ю, уша заҳоти ўзининг дабдабали саволига ўзи жавоб берарди.— Пинакларингни бузмай ёғли оқ пишлок, еб ўтирганларингдан кейин қанақасига одам бўласизлар, битта қари одам бўлса туз totmai эрталабдан бери ичи бўш бочкадай оч юрибди! Қимларга ўхшаб кетгандарингни туккан оналаринг кани энди бир кўрса, шунақа сурбет бўлиб колганларингни кўрса тозаям суюндарди-да. Хўш, нега тескари қааяпсиз, ўрток? Кулолингиз кар эмас-ку! Ундан кўра қари ва оч одамга ёрдам килиб, ифлос виждонингизни тинчтинг!

Бу гадойга ҳамма хайр берарди. Унинг сиқувларига

ҳеч ким дош беролмасди. Айтишларига қараганда, у топған пулига туз олиб сотарди.

Чайнаяды бизга чой билан бирга ҳўл латтага ўралған оқ пишлок ҳам беришди. Пишлок одамнинг милкига тегарди.

Шу пайтда гадой чайнаяга кириб, остоңдан турибок лаънат тошларини ёғдира бошлади.

— Аҳа,— деди Багрицкий уни яниб.— У энди қўлга тушганга ўхшаб қолди. Қани, яқинлашсин-чи! Қани яқинроқ келиб кўрсин-чи! Қани бунга юраги бетласин-чи!

— Хўш, ўшанда нима бўлади?— сўрадим мен.

— Унга жуда ёмон бўлади,— жавоб берди Багрицкий.— Жуда ёмон бўлади-да! Қани столимизга яқин келиб кўрсин-чи!

Чол биз томон ҳайнқмай яқинлашарди. Ниҳоят у ёнимизда тўхтаб, қутурған кўзларини оқ пишлокқа бир неча секунд тикиб тураркан, томоғида нимадир килтилаб кетди. У ортиқ даражада фазабланганидан гапиромай бўғилиб қолган бўлса керак. Бироқ шунда ҳам у томоқ кириб олиб, шанғиллашга тушди.

— Бу йигитларнинг виждони қачон уйғонаркин? Буларнинг оқ пишлокни шоша-пиша ейишларини четдан томоша қиласангиз. Баҳтсиз чолга ярми у ёқда турсин, ақалли чорагини ҳам берайлик дейишмайди-я!

Багрицкий ўринидан туриб, қўлини кўксига қўйди-да, чолнинг заҳил баширасидан кўзини узмай йиғламсираган ва аянчли овозда ўқиди:

Азизим, оғайим, ҳорғин, серкулфат дўстим,
Ким бўлма ўзингин ерга урмагин.

Гадой қаққаёнб қолди. У Багрицкийдан кўз узмасди. Кейин кўзлари олайиб кетиб, аста-секий орқасига ти-сарила бошлади-да, Багрицкий шеърнинг «Ишон, пайти

келиб, ўлар Ваал ҳам» деган жойига етганда, стулни ағанатиб, тиззалири қалтираганча чайнаядан кочиб чи-кеб кетди.

— Мана, кўрдингизми?— деди Багрицкий жиддий оҳангда,— Надсонга ҳатто одессалик гадойлар ҳам дош беролмайди.

Чайнаядагилар хахолаб кулишарди.

Багрицкий кун бўйи қурук лиман ортидаги даштда йўқолиб кетиб, тузоқда куш тутарди.

Унинг Молдаванка кўчасидаги оқланган хонасида патлари тўкилган ўиларча куш солинган қафаслар осилиб турарди. У мана шу қушлари, айниқса журба дегани билан жуда мақтанарди. Булар бошқа ҳамма қушлар каби патлари тўкилган кўримсиз дашт тўргайлари эди.

Кушларнинг қафасларидан меҳмонлар ва уй эгасининг бошига донларнинг пўсти тўкилиб турарди.

Багрицкий кушларнинг дон-дунига бор пулини сарф қиласарди.

Одесса газеталари унга жуда оз пул беришар, ажойиб шеърларига беш-ён сўм тўлашарди. Бир неча йилдан кейин бу шеърлар бутун ёшлимиизга етиб бориб ёд олинарди.

Багрицкий ўзига тўланаётган ҳакни тўғри деб ҳисобларди. У ўз асарларининг чинакам баҳосини билмас, амалий ишларда ҳам жуда тортичкоқ эди. У Москвага биринчи марта келганида ҳеч қачон нашриётлар ва редакцияларга бир ўзи бормас, «дадил бўлиш учун» дўстларидан битта-яримтасини бирга оларди. Шунда музокараларни асосан дўсти олиб борар, ўзи эса индамай кулиб ўтираверарди.

Багрицкий Москвага келиб Обиденная кўчасидаги мен турган подвалга бosh суккан заҳоти «уйингиздан жилмайман» деб огоҳлантириди. Дарҳақиқат бир ой ичida у шаҳарга бор-йўғи икки марта чиқди. Қолган вакт-

ларда эса катда турклар каби чордана қуриб, зиқиа-
фаслик касалидан йўтала-йўтала ўтираверарди.

Катнинг ҳамма ёғини китоб, бировларнинг кўл ёзмалари ва бўш папирос қутилари босиб кетарди. Багрицкий шеърларини бўш папирос қутиларига ёзарди. Гоҳо уларни йўқотиб кўяр, бироқ бунга кўп хафа бўлиб юрмасди.

Орадан кўп ўтмай у Москвага бутунлай кўчиб келди ва кушлар ўрнига катта аквариумда балиқ сақлай бошлиди. Унинг хонаси сув ости оламига ўхшарди. У диванда хилма-хил балиқларга тикилиб, соатларча ўй суриб ўтира оларди.

Одессадаги тўлкин тўсардан ҳам чамаси худди шунга ўхшаган сув ости олами кўриниб турарди. У ерда ҳам сув ости ўтларининг маржонларга ўхшаган поялари чайкалиб турар, мовий медузалар денгиз сувини енгил чайкатиб шошилмай сузиб ўтишарди.

Багрицкий, ўзи айтгандай, поэзиянинг яна бир канча машаккатли чўққиларини забт этишга тайёр бўлмай, кўп кезишга улгурмай эрта ўлиб кетди.

Унинг тобути ортида кавалерия эскадрони борганида гранит йўлдан отларнинг дукури эшитилиб турди. Шунда «Опанас ҳақидаги қисса» ҳам, Котовскийнинг «оқ қанд каби чақнаган» оти ҳам, Багрицкийнинг қўлидан тутиб чангли йўлларда унга ҳамкорлик қилган серкўлам дашт поэзияси, «Игорь жангномаси» ва Тарас Шевченконинг меросхўри бўлган, чалов исидек ўткир, денгиз соҳилидаги қиздек офтобда корайган, жонажон Қора денгиздан эсувчи оромбахш «левант» сингари шўх поэзия ёдимга тушди.

ДУНЁНИ ҚҮРИШ САНЪАТИ

Тасвирий санъат инсонни тамоша қишлиш ва кўришга (бу турли нарсалар бўлиб, бир-бирига онда-сонда мос, монаид келади) ўргатади. У ана шу хусусияти туфайли кишида масъум туйғуни жонли ва мустаҳкам сақлайди.

Александр Блок

Инсон ўз ҳаётидаги ҳеч қандай роль ўйнамайдиган нарсалар — тутиб бўлмайдиган ойнадаги акс, экин битмайдиган тик қоялар, осмоннинг ажойиб ранги қаршиисида лол қолади.

Джон Рескин

Оlamda шундай аниқ ҳақиқатлар борки, улар кўпинча танбаллигимиз ёки нодонлигимиз касридан фаолиятимизга ҳеч қандай наф кўрсатмай ўзини пинҳон тутади.

Ана шундай аён ҳақиқатлардан бири ёзувчилик маҳоратига, айниқса прозаиклар ишига тааллуклидир. Бу санъатга туташ барча соҳалар — поэзия, тасвирий санъат, архитектура, ҳайкалтарошлик ва музика прозаикнинг маънавий оламини ниҳоят даражада бойитиб, унинг прозасига айрича жило бахш эта олишидан иборатdir. Шундай тақдирда ёзувчининг прозаси тасвирий санъатнинг нур ва бўёклари, поэзиясига хос бўлган ширали сўзлар, архитектуранинг мутаносиблиги, ҳайкалтарошликка хос бўлган қабариқлик ва чизиқларнинг равшанлиги, музиканинг ритми ва мусиқийлиги билан лиммо-лим тўлади.

Буларнинг бари прозанинг кўшимча бойликлари, бамисоли унинг кўшимча ранглариидир.

Мен поэзия ва тасвирий санъатни севмайдиган ёзувчиларга ишонмайман. Булар нари борса бирмунча танбал ва баландпарвоз, бўлмаса нодон кишилардир.

Ёзувчи, албатта, агар дақки эмас, балки мастер, ҳаётдан Америка резинкасини чайновчилардай зўр бериб наф кўришдан бошқани ўйламайдиган обиватель эмас, балки бойлик яратувчи бўлса, у оламни кўра олиш доирасини кенгайтирувчи ҳар бир нарсадан мутлақо юз ўгирамайди.

Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўладики, одам биронта ҳикоя, повесть ёки ҳатто каттагина романни ўқиб чиқса ҳам, хотирасида асардаги сояни эслатувчи кишиларнинг югур-югуридан бўлак ҳеч нарса қолмайди. Бу асарлардан инсонлар образини канчалик изласанг ҳам тополмайсан, чунки автор уларга жиндай бўлса-да, ҳаётийлик баҳш этмаган бўлади.

Шунинг учун ҳам ана шу ҳикоялар, повестлар ва романларнинг воқеалари бўёқ ва нурлардан маҳрум бўлган кандайдир совуқ кунда автор томонидан кўрилмаган, факат номи айтилган, шунинг учун биз китобхонларга кўрсатилмаган нарсалар муҳитида содир бўлади.

Бу асарлар замонавий мавзуларда бўлишига қарамай, кўпинча ясама кўтаринкилик билан ёзилганлиги учун улардан ожизлик нафаси уфуриб туради. Уларнинг авторлари ясама кўтаринкилик билан кувончни, айниқса меҳнат нашъасининг ўрнини босмоқчи бўладилар.

Асарнинг бундай зерикарли бўлишига унинг эмоционал қашшоқлиги ва авторнинг саводсизлиги эмас, балки унинг хира нигоҳи сабабчидир.

Бундай повесть ва романларни дим ва чангиган хонанинг елимланган деразаси сингари уриб очгинг келади. Шунда ўша ойнанинг чил-чил бўлиши ва ичкарига ташқаридан шамол, ёмғир овози, болалар қий-чуви, паровозларнинг чинқириғи, кўчаларнинг нам ялтираши —

хуллас ҳаёт бундаі қараганда бетартиб күрнинган, бироқ гўзал, ранг-баранг нурлари, бўёклари ва шовқин-сурони билан ёпирилиб киришини истайсан киши.

Бизда гўё кўрлар томонидан ёзилганга ўхшаган китоблар анчагина бор. Улар кўзи очиқ одамларга мўлжалланганидан, бутун бемаънилик ҳам ана шундадир.

Ҳаётдаги нарсаларни кўра билиш, «кўрлик»дан кутулиш учун теварак-атрофга разм солишнинг ўзигина кифоя килмайди. Кўра билишга ўрганмоқ керак. Кишиларни ва тупроқни севган одамгина кўра олади. Агар ёзувчи совуқкон бўлса, окибат натижада унинг прозаси саёз ва рангиз бўладики, бу ноҳаётийликнинг даҳшатли аломатидир. Бироқ бу гоҳо ёзувчи маданиятининг етарли эмаслигидан шоҳидлик берувчи белгидан бошқа нарса эмас. Бу тузатса бўладиган ишдир.

Бизни нур ва бўёкларни кўриш ва ўзлаштиришга рассомлар ўргатишлари мумкин. Улар бизга қараганда яхшиrok кўра оладилар. Улар кўрилган нарсани эслаб қола оладилар.

Ёш ёзувчи бўлган пайтимда бир рассом менга шундай деган эди:

— Сиз, азизим, ҳали ҳам аниқ кўра олмас экансиз. Ҳаётдаги нарсаларни анча хира, дағалроқ кўраркансиж. Ҳикояларингизга қараганда факат асосий рангларни ва нарсаларнинг устидаги куюқ бўёкни пайқаркансиж, рангларнинг ўзгариши ва жилоси сиздан қандайдир бир нарсага коришиб кетаркан.

— Нима ҳам қила олардим! — дедим ўзимни оклаб. — Кўзимга шундай кўринди-да.

— Бўлмагур гап! Яхши кўра билмоқ — уddaласа бўладиган иш. Эринмай ўз нигоҳингиз устида ишланг. Нигоҳингизни, мен сизга айтсан, созланган тордай тутинг. Сиз, буни албатта ўз бўёғи билан қофозга туширишим керак, деган ўйни хәёлингиздан чиқармай, нарса-

ларга қарашни бир ёки иккى ой синааб кўринг. Трамвайдага ҳам, автобусда ҳам, қаерда бўлманг одамларга шундай кўз билан қаранг. Шунда икки-уч кун ўтгандан кейин шу чоққача одамлар киёфасида ҳозиргина пайкаган нарсангизнинг ўндан бирини ҳам кўра олмаганингизга ишонч ҳосил киласиз. Икки ой ўтгандан кейин эса кўришга ўрганиб оласиз. Шундан сўнг бунга ўзингизни мажбур этишга ҳожат ҳам қолмайди.

Мен рассомнинг айтганини қилдим. Шундан сўнг дарҳақиқат инсонлар ва нарсаларни энди илгаригидек юзаки ва шоша-пиша кўрмасдим, улар кўзимга анча ажойиб кўрина бошлиганди.

Мен шу чоққача вактимни бемаъни сарфлаб келганимга жуда ачиниб қолдим. Ўтган йиллар ичida мен ажойиб нарсаларни кўра олишим мумкин эди! Қанчадан-канча қизиқарли нарсалар қайтмас бўлиб мендан узоклашиди, уларни энди жонлантириб бўлмасди!

Бу менинг рассомдан олган биринчи сабогим эди. Иккинчи сабогим ундан дурустроқ бўлди.

Куз кунларидан бирида Москвадан Ленинградга йўл олдим. Мен Ленинградга Калинин ва Белогое орқали эмас, балки Савеловский вокзалидан поездга ўтириб, Калязин ва Хвойная орқали борардим.

Москвалик ва ленинградликларнинг кўпчилиги шундай йўл борлигини ҳатто билмасди ҳам. Бу йўл гарчи олисроқ бўлса ҳам Белогое орқали ўтадиган одатдаги йўлга қараганда яхшироқдир. Яхшилиги шундаки, у дашт ва серўрмон жойлардан ўтади.

Ўшанда менга кўзлари қисик, бироқ ўйноқи, пакана одам ҳамроҳ бўлиб қолди. У бесўнақай кийинган, мойли бўёқлар ва сирланган сурп ўрамларини олиб кетарди.

Бундан уннинг рассом эканлигини дарров пайкаб олса бўларди.

У ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Шунда ҳамроҳим Тихвин шаҳри яқинига кетаётганлигини, у ерда ўрмон коровули бўлиб ишлайдиган ошнаси борлингини, бу ошнасининг ўрмон чеккасидаги уйида туриб, куз манзарасини чизмокчи эканлигини айтди.

— Нега жуда олислаб Тихвин яқинига кетяпсиз?— сўрадим мен.

— У ерда кўнглимга ёқиб қолган бир жой бор,— деди рассом менга ўзини яқин тутиб.— Жоймисан жой-да! Бунака жойни ҳеч қаердан тополмайсиз. Тоғ теракзорнинг нак ўзи! Онда-сонда сийрак ўсган арчалар ҳам кўзга чаланиб қолади. Тоғ терак кузги табиатга шунаканги зеб берадики, бунга бошқа ҳеч қандай терак кодир эмас. Унинг япроғи хилма-хил товланади. Алвон, лимон, бинафша ранг ва ҳатто зар ҳалли кора рангларда кўзга ташланади. Қуёш чиқкан пайтда кўрсангиз бамисоли ажойиб гулхан дейсиз. Ўрмонда кишгача расм чизаман, кейин фин кўрфазига, Ленинграднинг нариги ёғига кетаман. Билсангиз, Россиядаги кировнинг зўри ўша ерда бўлади. Бунақа кировни бошқа ҳеч қаерда кўрмаганман.

Мен шунда ҳамроҳимга ҳазиллашиб, шунча нарсани биларкансиз рассомларга қаерда ниманинг расмини чизиш учун қимматли саёҳатнома тузсангиз ҳам бўлар экан, дедим.

— Бўлмасам-чи!— деди рассом жиддий.— Буни тузиш қийин эмас. Бироқ бундан наф чиқмайди. Унда ҳозир ҳар бири ўзича чироили нарса ахтариб юрган рассомлар бир ерда ўймалашиб колишади. Сизга айтсам, бундан ёмони йўқ.

— Нега энди?

— Юртимизнинг хилма-хил томонлари кўп. Рус туп-

роги гўзалликларга шунақанги бойки, улар барча рас-
сомларга минг йилларга ҳам етади. Бироқ мен сизга
одам ерни анча поймол ва таркана қиляпти. Ер гўзалли-
нарсадир. Бу бизнинг ижтимоий ҳаётимизда мұқаддас ва буюк
дир. Сизни билмайману, лекин мен бунга аминман. Буни
тушунмай туриб одам қандай қилиб илғор бўла олади.

Кундузи пинакка кетувдим, кўп ўтмай ҳамроҳим
уйғотди.

— Мендан жаҳлингиз чикмасин,— деди хижолат тор-
тиб,— яхшиси, ўрнингиздан туринг. Жуда ажойиб ман-
зара бўляпти. Сентябрда гулдурак, каранг-а!

Мен деразага карадим. Жануб томондан осмоннииг
ярмини тўлдириб оғир ва баланд булат кўтарилади.
Уни чакнаётган яшинлар ларзага соларди.

— Ё ажаб!— рассом завқ билан қичкирди.— Мано-
виининг сербўёклигини каранг. Гарчи Левитан бўлсанг
ҳам бунаканги нурланишни мутлақо чизолмайсан.

— Қанақа нурланишни?— сўрадим мен гангиб қолиб.

— Ё тавба!— рассомнинг жаҳли чикиб кетаёзди.—
Қаёққа қарайпсиз ўзи? Ҳув ана, кўряпсизми — у ерда
ўрмон жуда коронғи, гўшанинг ўзи. Унга ҳозир булат-
нинг сояси тушди. Ундан нарирокда оч сарик ва кўким-
тири доғлар кўзга ташланяпти. Бу булат ортига беркин-
ган қуёш нурлари. Нарирокни қуёш бошдан-оёқ ёрит-
япти. Кўряпсизми? Бамисоли ҳаммаси ҳамма томонлама
қизил олтиндан қўйилганцдай. Худди зарҳал гулли де-
ворга ўхшайди. Ёнки уфқ бўйлаб, ўзимизнинг Тихвин-
даги зардўз чеварлар тиккан плат ташлаб кўйилгандай.
Энди яқинроққа, манови арча қаторларига каранг. Игна-
барглардаги буғдой ранг жилони кўряпсизми? Бу ўрмон-
даги олтин девор ўрмонга ўз шуъласини сочяпти. Ана

шу кўраётганинг шуъланинг акси. Буни чизиш кийин, кўпол чиқариб кўйиш мумкин. Ҳув анови хира шуълани кўрятсизми. Бу шундай латофатли нурланишки, уни расмда бера олиш учун кишининг кўли хотиржам ва юрагига содик бўлиши керак.

Рассом менга қаради-да, кулиб юборди.

— Кузги ўрмонда акс этган нурнинг кучини қаранг-а! Купемиз ҳам шафак кўйнига чўмгандай. Хусусан чеҳ-рангиз ҳам шундай. Қани энди сизни ана шундай ҳолдаги расмингизни ишласа. Афсуски, бу бир дақиқалик ҳол.

— Рассомларнинг иши бир дақиқалик нарсаларни асрлар бўйи тўхтатиб колишда-да,— дедим мен.

— Ҳаракат қиласиз,— деди рассом жавоб бериб.— Ана шу бир дақиқалик нарсани ҳозиргидай ғафлатда колмасак албатта уддалаймиз. Очигини айтганда, рассом ҳеч қачон бўёқ, сурп ва мўйқаламидан ажралмаслиги керак. Сиз, ёзувчиларга маза. Бу бўёқларнинг ҳаммасини хотирда сақлайсиз. Қаранг-а, ановиларнинг бари қанчалик тез ўзгаряпти. Ўрмоннинг дам нурга, дам зулматга чўмаётганини қаранг!

Кора булатнинг олдидағи увада булатлар биз томон жадал сузар ва бу билан ердаги барча бўёқларни айқаш-үйқаш қилиб юбормоқда эди. Ўрмон кенгликларида қизғиши ва ол, яшил, алвон ранглар ва кўкимтири коронфиксикнинг айқаш-үйқаши бошланди.

Айрим қайниларга аҳён-аҳёнда булатни ёриб ўтган куёш нури тушар, шунда қайнилар мисли олтин машъаллардай бирин-кетин ловуллаб, ўша заҳотиёқ сўнишарди. Момақалдироқ хабарчиси бўлмиш шамол гувиллаб келиб, бўёқларнинг айқаш-үйқашини тезлаштиради.

— Осмонни, қаранг осмонни!— кичкирди рассом.— Бир кўринг! Нималар қилаётганини бир кўрсангиз-чи!

Кора булут кул ранг тутун янглиғ буралиб, тез пастларди. Унинг барча қатлами бир хил тусда эди. Бирок яшин ҳар чақнаганда, унда сарғимтири ва кўрқинчли куюнлар, кўкимтири ғорлар ва илон изи ёриқлар кўзга ташланар, уларни оч пушти хира нур ичдан ёритиб турарди.

Булут қаърида чақнаётган яшин мис ранг алангада кўзга ташланарди. Ерга яқинроқ жойда, булутлар билан ўрмон оралигида жала қуярди.

— Зўр-а!— рассом завқланиб қичқирди.— Бунақани нарсани одам ҳадеб кўравермайди!

Рассом икковимиз купе деразасининг олдидан коридорга чикдик. Дераза пардалари шамолдан ҳилпирап ва нурларни липиллатарди.

Сел қўйди. Проводник шоша-пиша вагон ойналарини кўтарди. Деразалар ойнасидан ёмғир сиза бошлади. Уларнинг ортидаги нур сўнди, факат жуда олисда, нак уфқда ёмғир пардаси оралиғида ўрмоннинг сўнгги олтин ранг чеккаси ялтиради.

— Бирор нарса эсингизда қолдими?— сўради рассом.

— У-бу қолди.

— Менинг эсимда ҳам фақат у-бу қолди,— деди рассом афсус-надомат билан.— Ёмғир тинсин, бўёқлар яида куюқлашади. Ўшандা билсангиз қуёш нурлари дарахтларнинг ҳўл япроқ ва новдаларида жилва қиласди. Айтмоқчи, булутли кунда ёмғир ёғишдан олдинги нурни бир кузатииг-а. Ёмғиргача бир бошқа, ёмғир вақтида бир бошқа, ёмғирдан кейин жуда бошқача бўлади. Чунки япроқлар ҳавога заиф жило беради. Унинг жилоси сарғиш, енгил ва тафтли бўлади. Умуман айтганда, бўёқ ва нурларни ўрганишнинг ўзи бир лаззат, азизим. Мен ўзимнинг рассомлик қисматимни ҳеч нарсага алишмайман.

Рассом кечаси мўъжазгина станцияда тушиб қолди.

У билан хайрлашгани платформага түшдим. Платформани керосин фонус ёритиб турарди. Олдинда эса патровоз пишилларди.

Менинг шунда рассомга ҳавасим келиб, у-бу ишларим борлигидан йўлда давом этишим ва бир неча кун бўлса ҳам шимол тарафда қололмаслигимдан жаҳлим чиқди. Чунки бу ерда вересканинг ҳар бир бутоғи кишида шунчалар фикр уйғотардики, улар бир неча насрый достонга бемалол етган бўлур эди.

Шу чоккача кўплар қатори юрак амри билан яшаш ўрнига факат гўё кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан банд бўлиб юрганимдан дилим бузилиб кетди.

Табиатдаги ранг ва нурларни факат кузатишгина эмас, балки улар бағрида яшамоқ керак. Чунки санъатга киши қалвидан жой олган материалгина ярокли бўла олади.

Тасвирий санъатни билиш прозаикка шунинг учун ҳам муҳимки, у ранг ва нурларни кўра олиш ва севиб колишга ёрдам беради. Унинг муҳимлиги яна шундаки, рассом картиналарини кўргандан кейин илгари пайқамаган нарсаларимизни кўриб, ҳайратлана бошлаймиз.

Француз рассоми Монэ Лондонга келиб, Вестминистер аббатлигининг биноси расмини чизган эди. Монэ Лондоннинг одатдаги туманли кунларида ишларди. Монэнинг картинасида бинонинг готик қуббалари туман орасидан аранг кўрнишиб туради. Бу картина зўр усталик билан яратилган.

Картина намойиш қилинганда у лондонликларни саросимага солиб кўйди. Улар Монэ туманни қизғиш рангда тасвирлаганидан ниҳоятда ажабландилар. Нега деганда туман сарғишрок тусда бўлиши ҳатто хрестоматиядан ҳам маълум эди.

Монэниң шаккоклиги аввалига лопдоиликларниң газабини келтирди. Бирок жаҳли чикқан бу одамлар күчага қадам қўйишлари биланоқ туманга кўзлари тушиб, илк марта унинг қизғиши рангда эканлигини пай-қадилар..

Улар ўша заҳоти бунинг сабабини ахтаришга тушиши. Ниҳоят уларниң бари, туманинг қизғиши туси ту-туннинг сероблигига боғлик экан, деган фикрга келишиди. Бундан ташқари, Лондондаги қизил гиштдан қурилган уйлар ҳам туманга ана шундай ранг бахш этар экан.

Хуллас нима бўлганда ҳам оқибатда Монэ ғалаба килди. Ҳамма унинг картинасидан кейин Лондон туманини Монэ сингари кўрадиган бўлди. Монэга ҳатто «Лондон туманининг ижодкори» деган ном ҳам беришди.

Агар ўз ҳаётимга оид мисолларга мурожаат қиласди ган бўлсам, мен Россиянинг ёғингарчиликдан кейинги ранг-баранг бўёқларга бой манзарасини Левитаннинг «Абадий осудалик узра» картинасидан кейин кўрдим.

Мен ўшангача ёғингарчиликни зерикарли рангда кў-рардим. Мен, ёғингарчилик барча рангларни маҳв этиб, ерга хира парда тортганидан у киши қалбида нохуш ҳис уйготади, деб ўйлардим.

Бирок Левитан ана шу ҳазин манзарада қандайдир улуғворлик, ҳаттоки тантанаворлик белгиларини кўрди ва ундан кўпгина мусаффо ранглар топди. Ушандан бери ёғингарчиликни кўрганда эзилмайдиган бўлдим. Аксинча, мен ёғингарчилик пайтининг соф ҳавосини, бетни ловуллатадиган совуғини, дарёларга қўроғшин томчила-ри тушишини, булутларнинг оғир кўчишини тамоша килишни яхши кўриб қолдим. Ниҳоят, ёғингарчилик пайтида киши ернинг оддий неъматлари бўлган иссиқ уй, рус печидаги олов, самоварнинг жигиллаши, катга укув-сизлик билан тўшалган қуруқ похол, аллалаб ёғаётган ёмғир ва ширин пинакнинг қадрига етасан киши.

Деярли ҳар бир санъаткор, у қайси даврнинг кишиси ва қанақа мактабга мансуб бўлишидан қатъий назар, бизга вокеликнинг янги-янги қирраларини очиб беради.

Мен Дрезден галереясини тамоша қилишга бир неча бор мушарраф бўлганман.

У ерда Рафаэлнинг «Сикстин мадоннаси»дан ташқари қадимий мастерларнинг кўплаб картиналари борки, улар олдида тўхташга киши юрагини ҳовучлаб туради. Бу картиналар кишини олдидан ҳеч кеткизмайди. Киши бу картиналарга соатлаб, ҳатто суткалаб тикилиши мумкин, қанча тикилсанг, қалбдаги нотаниш ҳаяжон шунча кучли мавжланаверади. У шу даражада вужудни забт этадики, киши йифидан ўзини аранг тўхтатади.

Бунда кишининг кўзига ёш келишига сабаб нимада? Бунинг сабаби ана шу полотноларда туйгуларимизнинг пок, кучли ва олижаноб бўлишга мажбур этадиган руҳий баркамоллик ва даҳо қудратининг мавжудлигидир.

Гўзал нарсани тамоша қилганда киши қалбини қанъдайдир ҳаяжон босади, сўнгра киши ўзини руҳан енгил сезади. Шунда гўё ёмғир, шамолнинг хушбўй иси, яшнаган тупрок, ним коронғи осмон ва севғи тўккан кўз ёшлар олижаноб қалбимизга киради ва уни умрбод забт этади.

Импрессионистлар ўз асарларида нурга зўр бергандай бўлдилар. Улар очик ҳавода расм чизганларидан гоҳо бўёқларни атайлаб қуюқлаштирган бўлишлари мумкин. Бу эса уларни ўз асарларида ерни дабдабали рангда тасвирлашга олиб келади.

Ер байрам либосига ўралади. Бунда ҳам инсон шодлигига озгина бўлса ҳам шодлик кўша оловчи барча нарсалардаги сингари ҳеч кандай кусур йўқ.

Импрессионизм ўтмишнинг барча бойликлари каторида бизга мерос қолган. Ундан воз кечиш — ўзни онгли равишда маҳдудлик сари итармок демакдир. Биз Рафа-

элнинг, гарчи бу гениал картина диний мавзуда бўлса ҳам «Сикстин мадоннаси»дан воз кечганимиз йўқ-ку. Новатор Пикассо, империссионистлардан Матисс, Ван-Гог ёки Гогенning биз учун нимаси хатарли? Ё уларнинг тантиликлар мустақиллиги йўлида мустамлакачи француз маъмурларига қарши курашган вакили хавфлироқми?

Бу рассомлар ижодининг нимаси хавфли ё ёмон экан? Ажойиб рассомлар плеядасини башарият ва хусусан бизнинг маданиятимиз китобидан ўчириб ташлаш фикри қайси ҳасадгўй ва тақлидчи одамнинг миясига келиши мумкин?

Поездда рассом билан учрашгандан кейин Ленинградга келдим. Шунда яна каршимида Ленинград майдонлари ва мутаносиб биноларининг тантанавор ансамбллари намоён бўлди.

Мен улар архитектурасининг сирини билмоқ учун узок тикилиб колдим. Буларнинг сири, бинолар амалда у қадар улкан бўлмасалар-да, кишида улуғвор иморат сифатида таассурот колдиришида эди. Ажойиб иншоотлардан бири — Бош штаб биноси Қишики саройнинг рўпарасида ёй каби жойлашган, унинг баландлиги тўрт каватли уйдан ошмайди. Бироқ бу бино Москва даги, истаган баланд қават бинодан улуғворроқ кўринади.

Бунинг сири мураккаб эмас. Биноларнинг улуғворлиги уларнинг мутаносиблиги, гармоник пропорцияси ва безаклари — дераза бандлари, картуш ва нақшларининг сони унча кўп эмаслигига боғлиқдир.

Ана шу биноларга қараганингда яхши дид — бу аввали меёр ҳисси эканлигини тушунасан киши.

Менинг бу бинолар қисмларининг мутаносиблиги, ортиқча нарсаларнинг, безакларнинг унча кўп бўлмаслиги, ҳар бир чизиги кўриниб турган ва кишига чинакам лаззат бағишлайдиган соддалик конунларининг бари

прозага ҳам бирмунча алоқадорлигига ишончим комил.

Классик архитектура шаклларининг баркамоллигини севиб қолган ёзувчи ўзининг прозасидан вазмин ва бе-сўнакай композицияга мутлақо ўрин бермайди. У бунга амал қиласа ўз асарида кисмларининг мутаносиб ва сўз-ларнинг мустаҳкам бўлишига эришади. Прозани сийқа-лаштирадиган нақш услуби деб аталмиш жимжималардан кочади.

Проза асарининг композицияси шундай ҳолга еткази-лиши керакки, қиссанинг маъносига ва воқеаларнинг қонуний оқимига птур етмасин учун ундан бирор нар-санни чиқариб ташлаш ёки бирор нарсанни қўшиш мумкин бўйласин.

Ленинградда бўлганимда ҳар маҳалдагидай вақтим-нинг кўпини Рус музейида ва Эрмитажда ўтказдим.

Эрмитажнинг олтин суви югутирилган заллари мен-га доим муқаддас туюлади. Мен Эрмитажга инсон даҳосининг хазинасига киргандай оёк қўйдим. Мен йигитлик давримда илк марта Эрмитажда инсон бўлиш қанчалик баҳт эканини сездим. Шунда инсоннинг қанча-лик буюк ва яхши эканлигини ҳам тушундим.

Дастлабки пайтларда рассомларнинг хилма-хил асарлари орасида нима қилишимни билмай гангид қолдим. Картиналарнинг сероблиги ва уларнинг бўёклари хилма-хиллигидан бошим айланар, шу боисдан дам ол-гани ҳайкаллар намойиш қилинаётган залга кетардим.

У ерда мен узок ўтирадим. Мен бизга номаълум Эллин ҳайкалтарошларининг асарларига ёки Канова-нинг хотин-қизлар табассумини тасвирлаган ҳайкалла-рига қараганим сари уларнинг бари гўзалликка даъватнинг ўзи, башарият оппок тонгининг даракчиси эканли-гини равшанроқ тушунардим. Шу даъватга амал қилин-са, поэзия қалбларга ҳукмронлик қиласи ва йилларча меҳнат, ташвиш ва руҳий интилишлар ила биз яқинла-

шаётган ижтимоий тузум адолат гўзаллиги, ақл, юрак, инсоний муносабатлар ва қалблар гўзаллигига асосланади.

Бизнинг йўлимиз олтин асрга олиб боради. Биз бу асрга етамиз. Биз тенгилар уни кўролмаслигимиз алам килади, албатта. Бироқ биз бу асрнинг шамоли теварак-атрофимиизда чаппар ураётгани ва юракларимизни қатникроқ тепишига мажбур этаётганидан баҳтиёр бўлишимиз керак.

Гейненинг Луврга келиб, Венера Милосскаянинг ҳайкали ёнида соатларча йиғлаб ўлтириши ҳам бежиз эмас эди.

У нега кўз ёш тўкарди? Инсон етуклигининг хўрланётганига йиғлармиди? Камолот йўли одамларга ўз аклининг оғу ва жилосини бергани, ўзи учун оғир ва олис бўлгани, безовта юраги доимо давр чорлаётган ёр-кин манзилга ета олмаётгани учун йиғларди.

Ҳайкалнинг кучи шундадир. Бу шундай кучки, унинг ички оташилиз илфор санъат, айниқса мамлакатимиз санъатини тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, унингсиз прозани ҳам тасаввур қилиш қийин.

Поэзиянинг прозага таъсирига ўтишдан аввал музика ҳакида уч-тўрт оғиз сўз айтмоқчиман. Чунки поэзия билан музика бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Музика ҳакидаги бу кисқа суҳбатнинг мавзусини прозанинг ритми ва музикавийлиги деб аташ билан чекланиб қўя қоламиз.

Чинакам проза ҳамма вакт ўз ритмига эга бўлади.

Проза ритми аввало жумла китобхонга осон ва дарҳол тушунилмоғи учун сўзларни тўғри жойлаштиришни талаб қилади. Чехов Горькийга ёзган хатида бу хусусда гапириб, «беллестристика онгга (китобхон онгига) секундда жо бўлиши керак» деб ёзганди.

Китобхон прозадаги у ёки бу парчанинг характеристига қараб, сўзлар ҳаракатини тўғри тиклаб олиш учун китобга тикилиб ўтираслиги керак.

Ёзувчи, умуман айтганда, китобхонни зериктирмаслиги, ўз ортидан эргаштириб кетиши ва китобхон қокнилиб қолиб, бу билан унинг измидан чиқиб кетмаслиги учун текстга корони ва ритмикадан маҳрум жойлар кириб қолишига йўл қўймаслиги керак.

Ёзувчининг вазифаси ва прозанинг таъсирчанлиги ҳам китобхонни зериктирмай, унинг вужудини қамраб олишида ва уни автор билан бирдай ўйлаб, бирдай ҳис килишга мажбур этишдадир.

Мен прозанинг ритмли бўлишига ҳеч қачон сунъий йўл билан эришиб бўлмайди, деб ўйлайман. Проза ритми истеъдодга, тил сезгисига ва яхши ёзувчилик сезгирлигига боғлиқдир. Бу яхши сезгирлик маълум даражада музиковий сезгирлик билан туташади.

Поэзияни билмоқ прозаик тилини ҳаммадан кўпроқ бойитади.

Поэзиянинг бир ажойиб фазилати бор. У сўзга дастлабки латофатини бахш этади. Ишлатилавериб «сийқаси чиқиб кетган», биз учун образли сифатларини йўқотган, факат лафз бойлиги сифатидагина яшаб келаётган сўзлар поэзияда жилоланиб, жаранглаб, муаттар ҳидтарата бошлайди.

Мен буни нима билан изоҳлашни билмайман. Мен, сўз икки вазиятда жонланса керак, деб тахмин қиласман.

Биринчидан, агар сўзга фонетик (товуш) кучи қайтарилса, у жонланади. Буни прозага қарагандан жарангдор поэзияда амалга оширмоқ осондир. Шу важдан ашула ва романсадаги сўзлар одатдаги нутқдагига нисбатан кишига кучлироқ таъсир қиласди.

Иккинчидан, ҳатто сийқаси чиқкан сўз ҳам шеър катори музикага солинса, гёё шеърнинг умумий муси-

Жиілігидан баҳраманд бўлади ва бошқа барча сўзлар билан уйғун ҳолда жаранглай бошлайди.

Ниҳоят поэзия аллитерацияларга бойдир. Бу унинг қимматли фазилатларидан биридир. Аллитерациядан фойдаланишга прозанинг ҳам ҳукуқи бор.

Бироқ асосий нарса бунда эмас.

Асосий нарса шундаки, проза қиёмига етгандан кейин моҳият эътибори билан чинакам поэзия даражасига кўгарилади.

Чехов Лермонтовнинг «Таман»и ва Пушкиннинг «Капитан қизи» асари прозанинг ширали рус шеъри билан қариндошлигини исбот қиласи, деб ҳисобларди.

«Мен проза билан поэзиянинг чегарасини ҳеч билолчайман»,— деб ёзган эди Лев Толстой. У, ўзининг «Ёшлик кундалигн»да табиатида кам кўзга ташланган қизиқонлик билан шундай савол беради:

«Нега поэзия проза билан, бахт бахтсизлик билан җунчалик чамбарчас боғланган? Қандай яшамоқ керак? Поэзияни ногиҳон прозага қўшишга уриниш керакми ёки олдин биридан лаззатланиб, кейин иккинчисининг пайини қиркиш зарурми? Орзуда воқеликдан юксак бўлган томон бор. Воқеликда ҳам орзудан баланд турадиган томон бор. Агар мана шу иккоби бир-бири билан тўла уйғунлашса, чинакам бахтга эришилган бўлур эди».

Гарчи шоша-пиша айтилган бўлса ҳам, бу сўзларда тўғри фикр баён қилинган: поэзия билан прозанинг органик уйғунлашуви ёки аникроқ айтганда проза ва поэзиянинг моҳияти, ҳаётбахш шираси, мусаффо ҳавоси, ишини асир этувчи ҳокимлиги билан тўлиқлик касб ўтсагина у адабиётдаги энг юксак, мафтункор ҳодиса, иннакам бахт бўла олади.

Мен бу ерда «асир этувчи» (бошқача айтганда асир олувчи) сўзини ишлатишдан чўчимайман. Чунки поэзия ҳам ишини асир этади, бунда одам қандай асир бўлган-

лигини сезмай қолади, бирок поэзия кишини шу қадар юксакликларга кўтаридали, у ҳақиқатан ҳам ер кўркига ёки ота-боболаримиз содда ва самимий қилиб айтганларидай «борлик гултожи»га айланади.

Шунинг учун ҳам Владимир Одоевский «поэзия забт этишдан тўхтаган башариятнинг забт этилган нарсалардан баҳраманд бўладиган даври бошланганидан дарак беради» деб ёзганида бирмунча ҳақ эди.

ЮК МАШИНАСИННИГ КУЗОВИДА

1941 йилнинг июлида мен ҳарбий юк машинасида Днестрдаги Рибницадан Тирасполга йўл олдим. Машинада камгап ҳайдовчининг ёнида ўтириб борардим.

Машинанинг фидираклари остидан куёш ўлгудай киздирган кўнғир чанг чиқарди. Теварак-атрофдаги бор нарсалар — уйлар, кунгабоқарлар, акас дараҳтлари ва қуриган ўтларнинг ҳаммасини ана шу дағал чанг коплаганди.

Куёш бўзарган осмонда хира кўринади. Алюмин сувдондаги сув қайнаб кетган, ундан резина ҳиди келарди. Днестрнинг нарёғидан тўплар гумбирлаши эшитиларди.

Машинада бир нечта ёш лейтенантлар бор эди. Гоҳо-гоҳо улар машинанинг кабинасини уриб, «Воздух!» деб қичкиришарди. Ҳайдовчи шундан кейин машинани тўхтатар, биз ундан сакраб тушиб, йўлдан нарироқка ко-чардик-да, ётиб олардик. Ӯша заҳотиёқ немисларнинг кора «Мессер» самолётлари даҳшатли гувиллаб йўл устига шўнгирди.

Гоҳо учувчилар бизни пайқаб қолиб пулемётлардан ўқка тутишарди. Ҳайриятки, шундай пайтларда ҳеч ким

шикастланмади. Ўқлар ерга теккач, упдан чашг қуяни күтариларади. «Мессер»лар яна гойиб бўлар, кизиган ерда ётганимиздан ҳаммаёғимиз ёнар, бошимиз ғувиллар, ташналиқ ҳам азоб берарди.

Немис самолётларининг ана шундай ҳужумларидаи кейин ҳайдовчи тӯсатдан мендан:

— Сиз ўқлар устингиздан гиз-гиз ўтиб турган пайтларда нималарни ўйлайсиз? — деб сўраб колди.

— Ўтган нарсаларни эслайман,— дедим мен.

— Мен ҳам ўйлайман,— деди ҳайдовчи ича сукутдан кейин.— Ўзимизнинг Костромадаги ўрмонларни ўйлайман. Агар ўлмай қолсан туғилган жойимга кайтиб, ўрмон қоровуллигига кираман. Хотинимни ҳам олиб кетаман. Хотиним мўмин-қобил, чироили. Қизчам ҳам биз билан кетади. Ҳаммамиз қоровулхонада тураверамиз. Ишонасизми, шуларни ўйласам юрагим тўхтаб колгандай бўлади. Биз ҳайдовчиларнинг юраги бундай бўлиши мумкин эмас.

— Мен ҳам шундай,— дедим ҳайдовчига.— Ўзимизнинг ўрмонларни эслайман.

— Ўрмонларингиз яхшими? — сўради ҳайдовчи.

— Жойида.

Ҳайдовчи пилоткасини пешонасигача бостириди-ла. газ берди. Биз қайтиб чурқ этмадик.

Мен яхши кўрган жойларимни ҳеч маҳал фронтдаги-дек қаттиқ ўйламаган бўлсан керак. Қеч киришени сабрсизлик билан кутаётганимни сезиб қолардим. Чунки бунда, чўлдаги бирор панароқ жойда, юк машинаси нинг кузовида устимга шинель ёпиниб, хаёлда ўша севимли жойларга яна қайтиб, ўрмонда карағайзор ҳавосидан нафас олиб, секин ва бемалол айланиб юриш мумкин эди. Мен ўзимга-ўзим «Бугун қора кўлга юрамаэ. эртага ўлмай қолсан При ёки Требутино бўйинга йўл оламан» дердим. Хаёлий сафарларимни кўз олдинга

келтирған ана шундай пайтларда юрагим гүё тұхтаб қолғандай бўларди.

Мен бир куни устимга шинель ёпиб, Қора кўлга олиб борадиган йўлнинг энг кичик жойларигача кўз ўнгимга келтирдим. Шунда менга оламда яхши кўрган жойларингни қайта кўриб ва уни дунёдаги бор ғам-ташвишларни унуган ҳолда юрагингни гурс-гурс уришини эшишиб кезишдан ортиқ баҳт йўқдек туюлди.

Машинанинг кузовида сурган хаёлларим қанотида мен ҳар маҳал эрталаб қишлоқдаги уйдан чиқардим-да, серкум кўчадан эски уйларни ёнлаб ўтардим. Уйларнинг дераза токчаларида консерва банкаларида қип-қизил хинагуллар очилиб турарди. У ерларда бу гулни «Ивиган Вания» дейишади. Хинагулнинг йўғон танаси қўёшга рўпара бўлган томонидан кўк шира чиқариб туриши ва унда гоҳо ҳаво пуфакчалари кўриниб турганлиги учун эҳтимол шундай дейишар.

Унниқиб кетган чит кўйлакли маҳмадона қизчалар чеълакларини кун бўйи тарақлатадиган қудук ёнига етгандан кейин проулок (тор кўча) ка ёки ўша ерликлар айтгандай «прожог»га бурилиш керак. Мана шу тор кўчадаги охирги уйда бутун округга донги кетган чиройлик хўрозд бор. У кўпинча офтобда бир оёқда турар, патлари сўнаётган лахча чўғдай ял-ял ёнарди.

Хўроздан нарида уйлар тугаб, олисдаги ўрмонга қайрилган тор изли темир йўл бошланади. Бу темир йўлнинг икки чеккасида теварак-атрофдагига қараганда бутунлай бўлакча гулларнинг ўсиши кишини жуда ҳайратга солади. Қуёшдан қизиб ётган тор излар атрофидағи тўда-тўда гулларни бошқа ҳеч ерда учратолмайсиз.

Темир йўлнинг нарёғида одам ўтолмайдиган девор янглиғ зич ўсган ёш қарағайзор бор. У узокдангина шундай кўринади. Унинг орасидан бемалол ўтса бўлади, албатта, бироқ қўлингизга ёш қарағайларнинг игнаси

кириб, панжаларингизда каҳрабонинг ёпишқок доғлари колади.

Кумлик ердаги ёш қарағайлар орасида баланд қурук ўт ўсади. Бу ўтларнинг ўртаси оппок, чеккалари қорамтири яшил кўринади. Бу ўт кўлни кесади. Шу ернинг ўзида кўлга олсангиз шитирлайдиган жуда кўп сарик тангали гулҳамишабаҳорлар ва бужмайган япроқларида қизил доғлар бўлган хушбўй оқ чинни гуллар ҳам ўсади. Қарағайлар остида эса сутли семиз ўтлар сероб. Уларнинг тубини сарғиш кум кўмиб туради.

Қарағайзордан кейин баланд ўрмон бошланади. Унинг чеккаларида ўт босган йўллар бор.

Ёш қарағайзорларнинг дим ҳавосидан чикиб биринчи учраган ва тарвакайлаб ўсан қарағай тагида ётиб, дам олган одам маза қиласди. Шунда осмонга караб ётасиз, ер нами юпқа кўйлагингиздан баданингизга ўтганини сезасиз ва кўкка тикиласиз. Шунда одам пишакка кетиб қолиши ҳам мумкин, нега деганда чеккалари ялтираб турган булатлар мудроқ келтиради.

«Истома» (ором) деган ажойиб рус сўзи бор. Биз кейинги пайтларда бу сўзни бутунлай унутдик ва ҳатто нима учундир айтишга хижолат қиласми. Менимча, субҳидам пайтида ўрмонда чўзилиб, булатларнинг тинимсиз занжирларига осойишта ва сал мудроқ босган ҳолда қараётган пайтдаги ҳолатингизни бундан бошка ҳеч бир сўз ифодалай олмайди. Шунда кўкдаги булатлар зангори бўшлиқнинг каеридадир пайдо бўлиб, қаёқкалир сузиб ўтаверишади.

Ўрмон чеккасида чўзилиб ётган пайтларимда кўпинча Брюсовнинг манови сатрларини эслардим:

...Узингин ҳам эркин, ҳам ёлғиз этмок,
Далаларнинг шоҳона сукунати аро —
Ҳаётингнинг тахтиравон йўлида кетмок,
Келажак, кечмишга қилмасдан нарво.

Кизгалдоқлай умри киска гулларни ютмок,
Нурин илк бўсадай симирмок, қона-қона,
Иикилмогу ўлмок, зимишонга кўмилмок.
Аламли, кувончиз тирилмок яна, яна!

Бу мисраларда ўлим эслатилишига карамай унга
ҳаёт нашъаси шу қадар жо бўлганки, киши бошка ҳеч
нарсани истамай, соатларча шундай ётиб, кўкка тикилиб
ўй сурини хоҳлайди.

Ўт босган йўл қадими қарағайзор ўрмонга элтади.
Бу ўрмон денгиз тўлқинларисимон бир текисда чўзилиб
кетган ҳам кум тепалар устида ўсган. Бу тепалар музда
окиб келган катламларнинг қолдиклари дир. Уларнинг
тепасида жуда кўп чучмўмалар учрайди, кўпроғини эса
кирккулоклар босган. Улар баргини тубидан бошлаб
қизғиш чангга ўхшовчи споралар¹ коплаган.

Тепалар устидаги ўрмоннинг ичи ёруғ. Ундан кўп
жойлар кўришиб, ҳамма ёғига кун тушиб туради.

Бу ўрмон унча катта эмас, кенглиги узоги билан икки
километр келади, ундан кейинда эса кум текислик кўзга
ташланади. Унда офтобда ялтираб, шамолда тебраниб
ғалла етилади. Бу текисликдан кейинги то кўз илгагунча
жойларни қалин ўрмон қоплаган.

Текислик устидаги осмонда сермавж булутлар суза-
ди. Осмон кўзга кенг ва улкан кўринганидан булутлар
ҳам балки шундай туюлар.

Текисликни ғаллазор орасидаги қариқиз босган уват-
дангина кесиб ўтиш мумкин. Уватнинг у ер-бу ерида
кўнғироқчалари қаттиқ ирмоқ ўтларининг катта кўким-
тири тўдалари кўриниб қолади.

Мен ҳозир хаёлан кўз олдимга келтирган нарсалар-
нинг бари ўрмонларнинг бўсағасидир. Бу бўсағадан ба-

¹ Гулсиз ўсимликларнинг урчиш органи.

мисоли улкан, кўланкалари қуюқ, баҳдібигат иборати турнига кирасиз. Аввалига каттиқ яшми гимнини эслатувчи пўпанак босган ҳовуз чеккасидаги торгина «ўзимонгиз» юрасиз. Агар ҳовуз ёнида тўхтасанинг оҳиста чиниданги ни эшиласиз. Бу сув остидаги ўтларни сийётсанни топишниликларнинг овози.

Кейин зумрад баҳмалини эслатувчи йўсимилар ҳам ўсиб ётган нам кайнзор ўрмонининг ушча катта бўйича участкаси бошланади. У ерда доимо ўтган куздан берри ерда ётган япроқлар иси аниқиб ётади.

Кайнзор ортида яна бир жой борки, буни ҳар эслаганда одамнинг юраги эзилмай иложи йўқ.

Мен буларнинг барини юк машинасининг кузовидаги ётиб ўйлајпман. Қеч кузак. Раздельная станцияси тончидан портлаш овозлари эшиллади, у ер бомбардимон килинайти. Портлашлар тингандан кейин чирилдоқларнинг паст овози эшиллади, улар портлашлардан чўчиганидан қўрқиб-қўрқиб чириллашади. Нак теламзи ёнувчи снарядга ўхшаган мовийсимон юлдуз учди. Мен юлдузни беихтиёр кузатиб, у қачон портлар экан. деб кулок солиб турганимни билиб қоламан. Бирок юлдуз портламайди, ернинг нақ устида жимгина сўнади. Ён ердан ўзимга таниш қайнзоргача, қуюқ ўрмонгача, ҳуллас, ҳар эслаганингда юрак-бағринг эзиладиган ғаш жойларгача йўл нақадар олис! У ерга ҳам тун чўнгас бирок у ернинг туни сокин, юлдузлари чакнаб туради. ҳавосидан бензин тутуни билан порох гази (буни портлаш гази деса тўғрироқ бўлса керак) эмас, балки ўрмоя кўлларида туриб қолган мовий сув ва кора арчаннинг хушбўй иси кезади.

Кайнзордан кейин йўл қум кияникка кескин қўтарилади. Намхуш жойлар пастда қолади, бирок ёнгил шабада у ерларнинг ўткир ҳидини бу курук ва исек ўрмонга ҳам келтириб туради.

Тепалик устида иккинчи марта дам олинади. Мен тафтли барглар устига чўкаман. Нимаини нарсага қўл теккизсангиз куруқ ва иссик: қарағайларнинг эски ва аллақачонлар ичи бўшаб қолган шишлари, ёш қарағайларнинг юпқа қоғоз янглиғ сарик, тиник ва қисирловчи пўстлоқлари, ора-орасигача иссик ўтган тўнкалар, ғадир-будур ва ис таратувчи новдалар, ҳамма-ҳаммаси куруқ ва иссик. Ҳаттоки ёввойи қулупнайларнинг барглари ҳам тафтли.

Эски тўнканни қўлда икки бўлиб, унинг қўнғирсимон чиригини кафтда эзғиласа бўлади.

Жазирама, сукунат. Ёзининг мия қайнатадиган осо-йишта кунларидан бири. Тўнкаларда қизил қанотли ка-палаклар ухлашади. Бинафша раиг соявои гулларга асаларилар қўниб олишган. Уларнинг огирилигидан бут гуллар нақ ергай деб турибди.

Мен қўлбола харитамни бир кўриб оламан — Кора кўлгача яна саккиз километр колибди. Бу харитамга ўрмондаги барча белгилар — йўл чеккасидағи куриган қарағай, чегара сим ёғочи, бересклет чакалакзори, чумоли тўдаси, йўлда яна учрайдиган ва бўтакўзлар доимо ўсиб ётадиган жарлик, ундан кейин келадиган, пўстлогида «О» — Озера (кўл) сўзи ўйилган қарағайгача ҳаммаси туширилган. Бу қарағайдан тўғри ўрмонга бурилиб, 1932 йилдаёқ килинган белгиларга караб кетавериш керак. Бу белгилар ҳар йили хиралashiб, устини қатрон босади. Уларни янгилаб туриш керак.

Дараҳтдаги ўзинг кўйган белгини кўргандан кейин ундаги котиб қолган каҳрабони сийпалайсан, киши. Го-ҳо эса катроннинг котган томчисини кўчирниб олиб, унинг изини томоша қиласан. Унда эса қўёш нурлари сарғиши учкунлар янглиғ ўйнайди.

Кўлга яқин қолганда калин ўрмонлар, ольха босган чукур жарликлар келадики, улардан ўтаман, деб ўйлаб

ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Булар собиқ кўлларнинг ўрни бўлса керак.

Кейин яна қора ва қуруқ мевали қора арча босган тепаликка кўтариласиз. Шунда ниҳоят сўнгги белгига, карағай шохига илинган қовжироқ чориққа дуч келасиз. Чорикдан кейин торгина очиқ жой, ундан кейин эса тик жарлик келади.

Ўрмон тугайди. Пастда қуриган ботқоқ — ёш қайнин, тоғ терак ва зирк дараҳтлари ўсган жой кўзга ташланади.

Бу ер дам олинадиган сўнгги манзил. Энди кун пешиндан оғиб қолган бўлади. У кўзга кўринмас асаларилар тўдаси янглиғ ғувиллаган овоз чиқаради. Саленгил шабада турса ҳам унинг тўлқини чакалакзорларга бориб урилади.

Бу ердан икки километрча нарида қора сув, чўккан дараҳт ва улкан сарик кўзалар макони бўлган Кора кўляширинган.

Йўсинзордан эҳтиёт бўлиб юриш керак. Қуюқ йўсингилар орасидан қайнин дараҳтларининг вакт ўтиши билан сингани ва найзадек ўткирлашинб қолган учлари чиқиб туради. Уларга урилиб кетилса оёқ ёмон шикастланиши мумкин.

Сийрак ўрмон дим, ундан бўрсиган ҳид анқииди, оёқ остида торфнинг кора суви чапиллайди. Ҳар қадам кўйганингизда дараҳтлар тебранади, титрайди. Шунда оёғим тагида, торф ва чирикнинг бир метр келадиган катлами остида катта сув — ер ости кўли бор, деган ўйни хаёлга ҳам келтирмай кетавериш керак. Айтишларича, ўша сувда кўмир янглиғ коп-кора бўлган ботқоқ чўртонлари бор экан.

Кўл бўйига яххиси қош корайиб, теварак-атрофдаги барча нарсалар — сув ва юлдузларнинг заиф жилоси, сўнаётган осмон шуъласи, дараҳтларнинг сокин учла-

ри — сукунат түгдиргандек туюлган нарсаларнинг ҳам-ма-ҳаммаси унинг ўзи билан омухта бўлиб кетган пайтда чиқкан маъқул.

Гулхан ёнида ўтириб, бутоқларнинг қисирлашини тинглаш ва ҳаётнинг нақадар гўзаллиги ҳакида (агар ундан чўчилмаса ва очик кўнгил билан ёндошилса) ўй суришга нима етсин.

Мен хотираларим қанотида ана шундай қездим, ке-йин Нева бўйларини ёки Псков тупроғининг зигирдан мовий кўринган тепаликларини айландим.

Мен у жойларни гўё абадий йўқотиб қўяётгандек, кайтиб бошқа кўролмайдигандек қаттиқ алам билан эслардим. Уша жойлар кўзимга бениҳоя гўзал кўриниб кетган бўлса ажаб эмас.

Мен буни илгари пайқамаган эканман, деб ўзимга ўзим савол берар, бироқ шу оннинг ўзида буларнинг барини илгари албатта кўрганман, гўзаллигини сезганман, бироқ ҳозир ўртага ҳижрон тушганлигидан жона-жон манзаралар ички нигоҳим қархисида ўзининг юракни жиғиллатадиган даражадаги бор гўзаллигини намо-йиш килмоқда, деган фикрга борардим. Чамаси, табиат бағрига энг заиф товуш ҳам музиканинг ялпи оҳангига кўшилгандай сингимоқ керак.

Биз табиатга ўзимизнинг инсоний туйгумизни қўша олган, руҳий ҳолатимиз, севгимиз, қувончимиз ёки муси-батимиз табиат туйғусига тўла монанд келган ва субҳи-дам пайтининг шаффоғлигини севгилининг кўз нури-дан, ўрмоннинг бир мақомда шовуллашини кечмиш умр ҳакидаги мулоҳазалардан ажратмоқ мумкин бўлмай колган пайтдагина у бутун кучи билан қалбимизга таъ-сири кўрсата олади.

Пейзаж — прозага такинчоқ ёки безак эмас. Унга ёмғирда нам бўлган бир тўп япрокқа юзни қўйиб, улар-

нинг ажойиб намхушларини, ҳиди ни йағиятниң сингимок керак.

Содда қизиб айтганды, табиатни сеномок көрүп, бир мұхабbat бошқа ҳар қандай мұхаббаттар ғана иштеп изҳори учун түгрин йўллар тошиб олиниш.

ЎЗИМГА ЎЗИМ ОҚ ЙУЛ ТИЛАГАНИМ

Мен шу билан ёзувчи меҳнати ҳакидағи ўзануши баён этилган китобимни тамомлайман. Бирок бу китоб ишнинг факт бошланышын эканлигини, олдинде үзеки килиниши керак бўлган бекиёс шинлар турғанилигини ұзашан ҳис этаман. Ҳали яна кўп нарсалар — алабиётимизнинг эстетикаси, унинг муҳофазаси бой ва ҳисстүйгулар յоссак янги инсонга мураббийлигининг чукур аҳамияти, сюжет, юмор, инсон характерлари яратиш, рус тизининг бойиганлиги, халқчиллиги, романтизми, яхши дид, иўл ёзмаларни тузатиш ҳакида сўз айтмоқ керак. Буларни санаган билан тугамайди.

Бу китоб устидаги иш ҳар қадамида янгидан-янги кенгликлар ва йўллар учрайдиган ҳамда унча таниш бўлмаган мамлакат бўйлаб саёҳатни эслатади. Киши бу йўллар каёқка элтишини билмайди, бироқ улар мулодаза юритишга сабабчи бўладиган кўргина тасодифлар ваъда килади. Шунинг учун ҳам гарчи юзаки ва шунчаки бўлса-да, бир-бирига чамбарчас туташиб кетган бу йўлларга игоҳ ташламоқ қизиқарли ва ниҳоятда зарурдир.

Бебико папи	5
Харсандағы өмір	17
Парақа тұлғалы	23
Илк әңгімә	32
Чакмоқ	45
Қадрамонлар жайы	51
Бир повесть тарзда	57
Мари сабакасы	57
Ливни тұлғураңасы	63
Жүргөфіл хариталашы	79
Юракдаги из	85
Олмос тил	97
Чакалзакзердеги үстемні	97
Тил ва тәйелд	102
Мечак ва жаңсаң ұршалып	109
Дүңгелер	115
Арғыншың мәдениеттесінде	121
Сенір айнорлардың әхжанда үстемні	138
Саломың туғаннан кейнде	157
Сүйеніш	163
Саломың көзінде	173

Тунги дилижон	191
Бундан анча илтари ёзиш мұлжалалеткіш китеб	207
Чехов	211
Александр Блок	220
Ги де Мопассан	234
Иван Бунин	238
Максим Горький	256
Виктор Гюго	262
Күкрап ёқадаги жағжы гүл (Ағрип Олеши)	266
Михаил Пришвин	276
Александр Грин	284
Эдуард Багрицкий	297
Дунёни кўриш санъяти	294
Юк машинасиннинг кузовида	310
Узимга ўзим оқ йўл тилаганим	319


На узбекском языке
К. Паустовский
ЗОЛОТАЯ РОЗА
(Раздумья о литературном труде)

Перевод с издания
Издательство «Художественная лите-
ратура», Москва, 1965

Редактор *A. Кулжонов*
Рассом *A. Мазитов*
Расмлар редактори *П. Мудрак*
Техн. редактор *Л. Ильина*
Корректорлар *T. Нуъмонов,*
Ш. Зухриддинов

Босмахонага берилди 20/IV-66 й.
Босишига рухсат этилди 19/IV-67 й.
Формати $70 \times 108\frac{1}{32}$. Босма л. 10,125.
Шартли босма л. 14,17. Нашр. л. 14,2.
Тиражи 15000
Faфур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кӯчи, 30. Шартнома № 142—65.

Қозогистон ССР Министрлар Совети
матбуот Давлат Комитетининг 2
босмахонасида босилди. Олмаота,
Карл Маркс кӯчи, 63. 1967.
Заказ 105. Баҳоси 65 т.



Паустовский Константин.

Олтин гул. Езувчи меңнати ҳақида мұлоҳазалар. Э. Носиров
тарж. Тошкент., Faafur Fулом номидаги бадий әдабиёт нашриети,
1967.

324 бет. Тиражи 15000.
Паустовский К. Золотая роза.

P2

Индекс 7—2—2

